

Ф.Р. САМИҒЖОНОВ, Ғ.Т. ҲАКИМОВ

МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Ф.Р. САМИҒЖОНОВ, Ғ.Т. ҲАКИМОВ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалавриатнинг 5380100- юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Тошкент - 2008

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий Кенгашининг 2006 йил 28 сентябрдаги мажлисида 1-сонли баённома билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Ф.Р.Самиғжонов, Ф.Т.Ҳақимов. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100- Юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: юридик фанлари доктори, профессор М.Х. Рустамбоев. – Т.: 2008. - 448-б.

Масъул муҳаррир:

Тошкент Давлат юридик институти ректори юридик фанлари доктори, профессор М.Х. Рустамбоев


Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Юристар малакасини ошириш Марказий директорининг Ўқув ва илмий ишлар бўйича Биринчи ўринбосари ю.ф.н. доцент **Мирҳамидов М.М.**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси "Маъмурий ҳуқуқ" кафедраси бошлиғи, юридик фанлари номзоди **Исмоилов Н.**

Бугунги кунда барча соҳаларда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, давлат бошқарув органларида ишлаш борасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш давр талабидир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мана шундай ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш даражасини ошириш бўйича вазифаларни самарали амалга ошириш, шунингдек хўш ҳуқуқшуносларни тайёрлашнинг аниқ ва тўғри ишлаб чиқилган дастур ва ўқув қўлланмаларга боғлиқдир. Юриспруденция йўналишидаги мутахассислар тайёрлаш учун ишлаб чиқилган дастурлар ва ўқув қўлланмалари замон талабларидан ҳамда давлат-ҳуқуқ ҳамда суд тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, таълим бериш ва ўқитишга янгича ёндашувларни ўзида ифода этиши лозим бўлади.

Тошкент Давлат юридик институти "Маъмурий ва малия ҳуқуқи" кафедраси катта ўқитувчиси Ф.Р.Самиғжонов ва кафедра ўқитувчиси Ф.Т.Ҳақимовлар томонидан тайёрланган "Маъмурий ҳуқуқ" ўқув қўлланмаси мазкур фан махсус қисмининг барча соҳаларини қамраб олган. Жумладан, саноат соҳасини бошқариш тушунмаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий саноат, соҳада давлат назорати, қишлоқ ва сув ҳўжалигини бошқариш ва соҳада давлат бошқарувини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий ҳолати, маданият ва спорт соҳаларини бошқариш, ташқи ишлар соҳасини бошқариш, малия ва кредит соҳаларини бошқариш, адлия соҳасини бошқариш, соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш ва бошқа давлат бошқаруви билан боғлиқ соҳаларни бошқариш бўйича масалаларни ўқув қўлланмасида кенг ёритишга ҳаракат қилинган.

Мазкур ўқув қўлланмаси олий юридик ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ўқитувчилари ва талабаларига, амалиётчи юристарга ҳамда маъмурий-ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи барча китобхоналарга мўлжаллангандир.

Ф.Р. Самиғжонов, Ф.Т. Ҳақимов., 2008 йил.



КИРИШ

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ мамлакатимиз бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйди.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган бозор муносабатларига ўтишнинг бешта тамойили ўтиш босқичида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу тамойиллардан бири бу бозор муносабатларига ўтишда давлат бош ислоҳотчилигини белгиловчи тамойилдир. Ўтиш даврида давлатнинг ислоҳотларни амалға оширишдаги роли катта аҳамиятға эгадир. Чунончи, биринчидан, ҳозирги замон шароитларида давлатнинг роли моҳиятан иқтисодий ва ижтимоий-маданий сиёсатни амалға оширишға қаратилган; иккинчидан, давлат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги аҳамияти хорижий давлатларнинг тарихий тажрибасида ҳам ўз исботини топган. Ўтиш даврида давлатнинг роли сусаймасдан, аксинча, кучаяди.

Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Германия, Япония ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни бошқаришни асосан давлат ўз қўлиға олган; учинчидан, давлат ўтиш даврида асосий бошқарувни ўз қўлиға олгани билан бозор иқтисодиётиға қарши турмайди, балки унинг ривожланиши учун тегшли иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиб беради; тўртинчидан, давлат бозор муносабатларига ўтишда инсофли рақобат муҳитини яратиш, монополистик фаолиятни чеклашда катта роль ўйнайди ва ҳ.к. Юқоридаги фикрлардан давлатнинг иқтисодни бошқаришдаги бир мунча қаттиқроқ сиёсати доимий характерға эга, деган хулосаға келиш ноўриндир. Бундай ҳолат кўпинча ўтиш давриғагина хосдир. Ўзбекистонда сўнгги ўн олти йил давомида юз берган кенг кўламли ўзгаришлар иқтисодий муносабатларға мос янги давлат бошқаруви тизимини яратишни тақозо этди. Бу жараён изчил давом этмоқда: кўпгина соҳалар бўйича давлат бошқаруви тизимини замонавийлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Масалан, кенг кўламли хусусийлаштириш давлат мулкнинг салмоқли қисмини хусусий секторға ушбу мулкни бошқариш ёки унға эғалик қилиш учун бериш имконини яратди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти маъмурий аппарат ишининг нечоғли самарадорлигиға боғлиқ. Улкан бюрократик аппарат ривожланишға тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг бозор ислоҳотлари, ижтимоий вазифаларни бажаришға доир саъй-ҳаракатларига халақит беради. Бундай ҳолат рўй бермаслиги учун давлат маъмурий тизимни ислоҳ қилишға ҳамда уни замон талабларига мослаштиришға мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қайд этганидек, маъмурий тизимда ислоҳотларни амалға ошириш пайти келди ва уларни зудлик билан бажариш зарур. Бусиз чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалға ошириш наинки қийин, балки асло мумкин эмас. Жаҳон

тажрибасини чуқур ўрганиш ва барча даражадаги бошқарув органлари фаолиятини жиддий танқидий таҳлил қилиш асосида республика ҳукумати томонидан маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича асосий ёндашувлар ва йўналишлар ишлаб чиқилди.

ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА ДАВЛАТ РОЛИНИНГ ҚИСҚАРИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2003йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонлари Ўзбекистондаги маъмурий ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Бўлажак туб ўзгаришларнинг моҳияти нимада?

Биринчидан, бу - иқтисодий бошқаришда давлат ролининг кескин қисқариши, давлат тузилмаларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига барҳам беришдир. Давлат зиммасида давлатнинг фаол иштирокисиз амалга ошмайдиган вазифаларгина қолади. Булар, энг аввало, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалалар, хусусан, макроиқтисодий барқарорлик, ислоҳотлар дастурларини ҳамда иқтисодий таркибий қайта қурилишини, ижтимоий соҳада, коммуникациялар тизимида устувор дастурларни амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ҳоказо.

Иккинчидан, бу - республика даражасидаги ваколатларнинг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши демакдир. Вазифаларнинг бу тарзда тақсимланиши, бир томондан, маҳаллий органларнинг белгиланган вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади (аввало, бандлик, ижтимоий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга тааллуқлидир), иккинчи томондан, уларнинг самарадорлигини кучайтиради, зеро ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олади. Масалан, кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш вазифасининг давлат органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши халқаро миқёсда тан олинган. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кимнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож эканлигини яхшироқ билади.

Учинчидан, бу - бошқарув тизимини оптималлаштириш, бошқарувга оид вазифаларнинг такрорланишига барҳам бериш, корхоналар фаолиятини асоссиз назорат қилинишига чек қўйиш, бозор механизмлари ҳамда шахсий ташаббускорлик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳалал берувчи маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, тақсимлаш тизимини тугатиш жараёнини якунлашдир.

Тўртинчидан, бу - давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ходимлари сонини оптимал даражагача қисқартирилиши демакдир.

Бешинчидан, бу - ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич замонавийлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, замонавий маъму-

рий-хуқуқий база яратиш, ўқув тизимини қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда кадрларни танлаш ва ёллаш услубларини қўллаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва уларга юклатилган вазифаларнинг ижросини баҳолаш шаклларини такомиллаштириш орқали давлат хизматини ислоҳ қилишдир.

ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШДА ДАВЛАТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

Ўтказилаётган ислохотлар доирасида бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вазифалари ва таркибини қайта кўриб чиқиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда бошқарув тизимини самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш ҳамда бошқарув аппаратига сарфланаётган асоссиз харажатларни қисқартиришга қаратилган қатъий фаолиятга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, марказда ташкил этилган ҳар қандай бошқарув органи одатда вилоятлар ва туманларда ўзининг ҳисоб берувчи бўлинмасига эга бўлади, бу эса бошқарув аппаратининг ва техник ходимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Оқибатда, қўшимча назорат органлари пайдо бўлишига, харажатлар кўлами ортишига, турли хил келишувлар ва керакли-кераксиз ҳужжатбозликларга олиб келади. Булар давлат бошқарувининг айрим органлари фаолияти самарадорлигининг кескин пасайишига сабаб бўлади.

Ислохотларнинг асосини ташкил этувчи иқтисодиётни бошқарувнинг янги концепцияси вертикал маъмурий тузилмаларни аниқ вазифаларни бажарувчи мустақил ташкилотларнинг горизонтал тармоғи билан мувофиқлаштирилишини тақозо этади. Бунда шартнома асосида бошқариш, ички ва ташқи аудит каби механизмлар яратилади. Давлат сиёсатини шакллантириш масалалари вазирликлар ва давлат қўмиталарида жамланади, уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш агентлик, қўмита, инспекция каби давлат бошқаруви органлари зиммасига юкланади.

Давлат сектори фаолиятига хорижда тажрибадан ўтказилган, хусусий компанияларда қўлланиладиган давлат менежмент усуллари тобора кенгроқ жорий этилмоқда. Бунда асосий эътибор давлат тузилмаларининг таҳлилий, тахминий ва баҳолаш вазифаларини ривожлантиришга, энг муҳими - қарорлар қабул қилиш, аввало, марказий бошқарув органларида қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва уларнинг тайёрланишини яхшилашга қаратилади.

Бошқарув таркибини такомиллаштиришга нисбатан бундай ёндашувга мисол тариқасида Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг иккита мустақил давлат бошқарув органига - Иқтисодиёт вазирлиги ва Статистика давлат қўмитасига айлантирилганини, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" холдинг компаниясидаги ва бошқа дав-

лат ҳамда хўжалик бошқаруви органларидаги ташкилий ўзгаришларни келтириш мумкин.

Шунингдек, туманлар бошқаруви таркибини оптималлаштириш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис ва республика ҳукумати қарорларига кўра 2003-2004 йилларнинг ўзида 8 та маъмурий туман ҳокимлиги ва уларнинг қўйи ташкилотлари тугатилди. Ушбу маъмурий туманларнинг бирлаштирилиши, ортиқча ҳудудий бошқарув тизимлари ва уларнинг қўйи ташкилотларининг тугатилиши ярим миллиард сўми тежаш, бу маблағни мазкур туманларнинг ижтимоий соҳаларини ривожлантиришга сарфлаш имконини берди.

Тадбиркорлик субъектлари иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва уларга кенг ҳуқуқий кафолатлар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, хўжалик субъектларини текширишларни тартибга солиш ва назорат органлари сонини мунтазам қисқартириш бўйича доимий иш олиб борилмоқда. Жумладан, ҳукуматнинг қатор махсус қарорлари бугунги кунда иқтисодий фаолият субъектлари хўжалик ишларига давлат органлари аралашувини сезипарли даражада чеклади, натижада хўжалик субъектларини давлат назорат органлари томонидан текширишлар бир неча баробар камайди.

Бу йил илгари давлат томонидан фонд сифатида ажратилган пахта толаси, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли ва қора металллар, ўсимлик ёғи, ғалла, ун, шакар каби хом ашё ва моддий ресурсларни лимит тариқасида тақсимлаш тизимига бутунлай барҳам бериш яқунланади. Энди тадбиркорлар бу ресурсларни биржа ва ярмарка савдоси орқали харид қилади, бу эса турли мулкчилик шаклидаги корхоналарни тенг шароитда ишлаши учун имкон яратади.

ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУГАТИЛИШИ, БИРЛАШТИРИЛИШИ ВА ҚИСҚАРТИРИЛИШИ

Ҳукумат қарорларига мувофиқ, машинасозлик, агросаноат мажмуи, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва савдо соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини бажараётган 20 дан ортиқ республика даражасидаги тузилма бутунлай қайта ташкил этилади ёки тугатилади. Жумладан, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш доирасида, бошқарувнинг кераксиз, ортиқча бўғинлари сифатида, “Ўзпаррандасаноат”, “Ўзозиковқатсаноат”, “Ўзбалик”, “Ўзқишлоққимё”, “Ўзқоғозсаноат”, “Ўзмашсаноат” уюшмалари ва бошқалар тугатилди, айти пайтда бу тармоқларни ривожлантириш стратегиясини белгилаш вазифалари маҳаллий органларга берилди. Ҳудудий даражада ҳам бир-бирини такрорлайдиган ва самарасиз тузилмаларни тугатиш ва ўзгартириш бўйича шундай ишлар олиб борилмоқда. 2003 йил ва 2004 йилнинг бошида ҳукумат томонидан республиканинг барча вазирлик ва идоралари тузилмаси қайтадан кўриб чиқилди ва уларнинг вазифалари аниқлаштирилди. Улардан бозор иқтисодиётини бошқариш тамойилларига зид вазифалар олиб ташланди.

БОШҚАРУВ АППАРАТИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бошқарув аппарати сони ва унинг таъминоти харажатларининг қисқариши маъмурий ислохотнинг амалий натижаси бўлди. Бу маъмурий ислохотнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу харажатларни такомиллаштириш ва қисқартиришда, ўз навбатида корхоналар ва аҳолининг солиқ юкини камайтиришда катта имкониятлар яратади. Ҳукумат томонидан бошқарув аппарати сонини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар 2004 йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида уларнинг сонини 40 минг кишига ёки 22 фоизга қисқартириш ва ҳар йили 40,5 миллиард сўм маблағни тежаш имконини беради. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимларининг қисқартирилиши натижасида уларнинг сони ҳар минг кишига 6,1 кишини ташкил этади ёки аҳоли меҳнат билан банд қисмининг 1,6 фоизидан ошмайди. Бу МДҲнинг бошқа мамлакатларидагидан анча кам. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтириш мумкин: Қозоғистонда - 19,2 ва 3,4, Украинада - 20 ва 4,5. Россияда - 22,1 ва 3,9.

Масалан: Россияда давлат аппаратининг ортиқча вазифаларини қисқартириш бўйича саъй-ҳаракатларга қарамай давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ходимлари сони сўнгги уч йилда 1141 мингдан 1259 мингга кўпайди. Айни пайтда, мустақил ахборот манбаларининг хабар беришича, 20 фоизга яқин амалдорлар зарур касбий маълумотга эга эмас. Таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда, сунъий равишда кенгайиб кетган бюрократик аппаратни қисқартиришга қаратилган маъмурий ислохотни амалга ошириш бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Европа, Жануби-шарқий Осиё, Шимолий Американинг баъзи мамлакатларида иш билан банд аҳолининг умумий сонини бошқарув ходимлари солиштирма салмоғи 2 фоиздан 15 фоизгача етади. АҚШда - 15 фоиз, Швецияда - 18 фоиз, Буюк Британияда - 14 фоиз, Германияда - 6,7 фоиз, Польшада - 5,8 фоиз, Туркияда - 6,3 фоиз, Японияда - 3,2 фоиз, Жанубий Кореяда - 2,3 фоиз.

Жанубий Кореяда 1993 йилда бошланган ва "инқилобий" деб аталган маъмурий ислохот 10000 амалдорни бошқа агентликларга ўтказиш имконини берди.¹

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ ЖАДАЛ ЎСИШИ - МАЪМУРИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ВА ДАСТЛАБКИ ШАРТИ

Иқтисодиётни бозор ислохотларига ва маъмурий бошқарув ислохотларига тайёрлаш маълум даражада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда янги хусусий секторни ташкил этишга боғлиқ эди. Давлат

¹ "Халқ сўзи", 2004 йил, 11 март 49(3323)-сон.

иқтисодийётини хусусийлаштириш дастури ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошланди ва улгуржи ҳамда чакана савдо, моддий-техник таъминот, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаси, шунингдек, маҳаллий аҳамиятга эга саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни тақсимлаш ҳамда алмашиш билан боғлиқ бутун секторни қамраб олди.

Шундан сўнг ҳар йили тасдиқланадиган хусусийлаштириш дастури истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича кўплаб электротехника, мебель корхоналари, фармацевтика саноати, умумий машинасозлик, қури-лиш материаллари ишлаб чиқариш, кўплаб йўловчи ва юк ташувчи авто-мобиль турларининг деярли бутун секторини хусусийлаштириш имкони-ни берди. 2004 йил бошида Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида нодавлат секторининг улуши 74,5 фоиз, саноатда - 73,9 фоиз, қурилиш ишларида 88,8 фоизни ташкил этди. Иқтисодийёт соҳасида ишлаётган кишиларнинг 77,2 фоизи хусусий секторда банд бўлди.

2003 йилга келиб кенг қўламда корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш туфайли иқтисодийёт бошқарувчанлигида йўқотишларга йўл қўймасдан корхоналар маъмурий бошқарувининг сақланиб қолган элементларини бошқарувнинг янги корпоратив услублари билан алмаштириш учун етарли шарт-шароит яратилди.

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ВАЗИФАЛАРИНИ НОМАРКАЗЛАШТИРИШ

XXI аср бошига келиб Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб иқтисодий таназзулни өнгиб ўта олди ва биринчи бўлиб 1997 йил саноат ишлаб чиқариши бўйича, 2001 йилда ялпи ички маҳсулот борасида ислоҳотгача бўлган даражага етиб олди. Айна пайтда бозор иқтисодийётининг қонунчилик ва институциявий асослари яратилган бўлиб, у хусусий мулкчилик кенг ривожланган ҳолатда барча мулкчилик шакллари тенглиги, янги банк тизимини шакллантириш, товар, молия бозорларини эркинлаштириш, шунингдек, бозор жараёнларини амалга оширишга қодир янги давлат институтларини таъсис этиш каби базавий асосларни яратишни ўз ичига олади.

2003 йил охирида жорий операциялар ҳисоби бўйича миллий валютани эркин конвертациялашга ўтиш иқтисодий ислоҳотларда туб бурилиш ясади. Шу билан бирга жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш бўйича ислоҳотлар мантиқи ва эҳтиёжи давлат вазифаларини микромиқёсда, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳудудларни ривожлантириш даражасида анча қисқартиришни қатъий талаб этмоқда. Бу шу нарса билан боғлиқки, бозор шароитларига кўникиш ҳолатида давлат органларининг корхоналар ва аҳолининг қонуний фаолиятига тўғридан-тўғри аралашуви бизнес ва умуман иқтисодий тараққиёт учун тобора катта тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Масалан, собиқ тармоқ вазирликлар негизида қайта тузилган хўжалик бирлашмалари, айниқса, кадрлар сиёсати, танқис хом ашё турлари-

ни тақсимлаш борасида бир қатор маъмурий вазифаларни ўзларида сақлаб қолган бўлиб шу дастаклар орқали корхоналарнинг хўжалик фаолиятига кўп аралашар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳақиқий бозор услублари фойдасига корхоналарни бошқаришда давлатнинг маъмурий ресурслардан фойдаланишдан воз кечиш масаласида бурилиш даври бўлди.

Давлат бошқаруви вазифаларини кўплаб тармоқ уюшмалари, концерн, холдинг ва компанияларнинг хўжалик фаолияти вазифалари билан қўшиб юбориш ҳам долзарб муаммолардан биридир. У бозорнинг барча иштирокчиларига хўжалик юритиш учун тенг шарт-шароит яратиш, иқтисодни монополиядан чиқаришга ёрдам бермади. Кўпгина хўжалик бирлашмалари хўжалик вазифалари билан бир қаторда давлат бошқарувининг айрим вазифаларини ҳам бажаришди. Хусусан, корхоналарнинг қонунчиликка риоя қилишга оид фаолиятини инспекциявий назорат қилиш, фаолият юритиш учун лицензия ва бошқа турли рухсатномалар бериш шулар жумласидан. Булар бари тоқат қилиб бўлмас даражага етганди, чунки иқтисодий ислохотлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва корхоналар эгаларининг ташаббуслари ва тадбиркорлиги йўлига ғоё бўлаётган эди. Ҳа, давлат органлари ҳам ўзларида самарали ва очиқ ойдин бизнес - муҳитни шакллантиришга халақит берувчи кўплаб рухсат бериш ҳамда тақсимлаш вазифаларини сақлаб қолган эди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий борада муваффақиятли ривожланиши кўп жиҳатдан ҳокимиятнинг айрим бўғинлари ўртасидаги ваколатларни чеклашга марказий органларнинг маҳаллий бошқарув органлари билан ўзаро муносабатлари характерига боғлиқ. Бошқарув аппарати аъзоларининг ҳаддан зиёд кўплиги, вазифаларнинг такрорланиши, бошқарувнинг яхши ташкил қилинмаганлиги, жамоатчилик назоратининг етишмаслиги давлат бошқарув органлари бюрократизмининг кучайишига, бизнес ривожланиши йўлида турли хил тўсиқлар кўпайишига асос бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда мамлакат Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган маъмурий ислохот йўналишларидан бири - бу, давлат бошқаруви тизимида вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва номарказлаштириш саналади.

У устувор йўналиш бўлиб, давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш куйидагиларга имкон беради:

ҳукуматнинг умумдавлат аҳамиятига молик стратегик масалаларга эътибор бериши. Бу давлатни бошқариш ва стратегик режалаштириш самарадорлигини оширишга кўмаклашади, марказий бошқарув органлари тузилмасини ва сонини оптималлаштириш учун шароит яратади, уларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига жорий аралашувидан халос қилади;

давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар (ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, таълим, ободонлаштириш ва ҳоказо соҳаларда) учун маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини оширади, ушбу хизматлар турларини кўрсатувчи институтларни фойдаланувчиларга яқинлаштиради. Бу эса ўз навбатида хизмат турларидан фойдаланиш даражасини, давлат бошқаруви тизимининг сифати, очиқ-ойдинлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради;

маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишларни мустақил белгилаш ҳамда ресурсларни тақсимлаш бўйича ваколат бериш орқали уларнинг демократик ролини оширади;

ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноҳукумат ташкилотларига давлат назоратининг кўплаб вазифаларини жамоатчилик назорати сифатида беришни амалга оширади;

мамлакатда фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВАЗИФАЛАРИНИ НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мазмуни, шакли, услуби ва кўламидаги фарқларга қарамасдан давлат бошқарув органлари вазифаларини номарказлаштириш дунёдаги деярли барча мамлакатларда амалга оширилмоқда. Жамиятга иқтисодий ётти бошқаришнинг демократик тамойилларини аллақачон жорий этган, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда номарказлаштиришдан мақсад - давлат бошқаруви тузилмасини ва унинг вазифаларини оптималлаштириш, давлат органлари ишини жамоатчилик назоратига олиш механизмини яратиш, вазифаларни ҳукуматнинг қуйи бўғинларига, ўзини ўзи бошқариш органларига, хусусий секторга бериш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини оширишдир.

Жаҳон амалиётида мустақиллик даражасига кўра номарказлаштиришнинг қуйидаги асосий турлари фарқланади:

Горизонтал номарказлаштириш. Бунда ҳукумат вазифалари ва зирликлар ва идораларга ўтади. Уларга Парламент ва марказий ҳукумат томонидан белгиланган стратегия, стандарт ва бюджетга мувофиқ давлат хизматини кўрсатиш масаласини ҳал этишда эркинлик берилади.

Вертикал номарказлаштириш. Мазкур услубда вазифалар марказий ижроия ҳокимиятдан давлат ҳокимиятининг мустақил органларига ва жойлардаги мустақил бошқарув органларига ўтказилади. Бунда жойлардаги мустақил бошқарув органлари қонунчиликка мувофиқ тегишли хизмат турларини кўрсатиш ва молиялаш масаласини ҳал этиш ҳамда стратегиясини белгилашда тўлиқ ёки қисман мустақилликка эга бўлиши мумкин.

Марказий бошқарув органларининг (вазирликлар ва идоралар) вазифаларини вертикал деконцентрациялаш. Бу айрим вазифаларни

тегишли ҳудудий бўлинмаларга бериш орқали амалга оширилади. Бунда марказий вазирликлар ва идораларнинг ҳудуди бошқарув органлари ўз фаолиятини марказий ҳукумат ва тегишли идоралар белгилайдиган стратегия доирасида амалга оширади ҳамда одатда давлат бюджетидан молиялаштирилади. Давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида вазифаларни нодавлат ташкилотларига ўтказиш.

Ўзбекистонда маъмурий ислоҳот доирасида давлат бошқарувини номарказлаштириш давлатнинг бошқарув даражалари ўртасида ваколатларни аниқ белгилаб олиш ва давлат ваколатининг ўсиб келаётган қисмини босқичма-босқич ўтказиш орқали амалга оширилади.

Номарказлаштириш ва ваколатларни чеклашнинг асосий тамойиллари куйидагича:

1) республика давлат бошқарув органларида давлатнинг сиёсий, стратегик, тартибга солувчи ва ҳуқуқни белгиловчи вазифаларини марказлаштириш;

2) жорий давлат бошқаруви ижроия фаолиятининг асосий қисмини ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) даражага ўтказиш;

3) сиёсий, стратегик, тартибга солувчи вазифаларни бажариш талаб этилмайдиган соҳаларда давлат бошқарувининг мустақил бўлган вилоят структуралари (республика органлари тасарруфида бўлмаган) фаолият юритиши;

4) давлат кундалик вазифаларини бажариш давомида аҳоли ёки ҳўжалик юритувчи субъект билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш зарур бўлганда ёки бу фаолият фақат идорага қарашли ҳудуддаги аҳоли манфатларини амалга оширишга қаратилган бўлса (масалан, уй-жой-коммунал ҳўжалигининг ишончли фаолият юритишини таъминлаш, ободонлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, кичик бизнесни ривожлантириш соҳаларидаги сиёсатни амалга ошириш) республика органларининг вилоят бўғинлари ишлаб туриши;

5) аҳолига ва ҳўжалик юритувчи субъектларга давлат хизматини кўрсатиш билан боғлиқ жорий ижроия фаолият кўлами кенг бўлган ҳолларда республика (вилоят) органларининг туман (шаҳар) бўғинлари фаолият юритиши;

6) давлат томонидан кўрсатилаётган хизматларни аҳолига, тадбиркорлик субъектларига, истеъмолчиларга имкон қадар яқинлаштириш (масалан, вилоят даражасида ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси қурилиши, рўйхатдан ўтказиш таомиллари, солиқларни тўлашни шаҳар ва туман даражасига яқинлаштириш).

Республикада давлат бошқаруви ваколатларини чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Биринчи йўналиш - бир пайтнинг ўзида тармоқ бошқарувидан функционал бошқарувга ўтишни назарда тутувчи горизонтал номарказлаштириш.

Мустақиллик йилларида вазирликлар, биринчи галда, тўғридан-тўғри давлат бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи тармоқ идоралари сони кескин қисқарди. Республика миқёсидаги 50 дан ортиқ вазирлик ва идоралар қайта ташкил этилди. Ҳозирги маъмурий ислохотлар давомида ҳукумат қарорига мувофиқ иқтисодиётнинг турли соҳаларида давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини амалга оширувчи 20 дан ортиқ тузилма тугатилади ва қайта ташкил этилади.

Давлат иқтисодий бошқарувининг асосий дастаклари Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат мулк қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги каби иш фаолияти умуммиллий давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган функционал тармоқлараро марказий идораларга берилган.

Давлат бошқарув органларини ислоҳ қилиш жараёнида сақланиб қолган вазирликлар ва қўмиталар Низомини тасдиқлаш давомида давлат бошқарувининг муҳим бўлган ҳуқуқ ўрнатувчи ва ҳуқуқ-ижроия вазифалари ўзгаради. Агентликларга асосан эгаллик қилиш ва ижро этиш вазифалари, инспекцияларга - қонунчилик ижроси юзасидан кузатиш ва назорат қилиш вазифалари юклатилади.

Иккинчи - давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларининг бўлиниши. 1997 йилдан бошланган ислохотлар давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш хўжалик ва давлат бошқаруви вазифаларини бўлиш жараёнини тугаллашга қаратилган. Шундай қилиб, босқичма-босқич тарзда тегишли хўжалик бирлашмалари назорат ишларидан озод қилинди. Бу барча назорат-тафтиш бошқарув идораларини тугатиш (улар ўрнига мустақил аудиторлик компаниялари ривожланиб кетди), “Ўзтемирўлназорат”, “Авианазорат”, “Давлат автомобиль ва дарё транспорти агентлиги” каби махсус инспекцияларни тузиш орқали амалга оширилди.

Учинчи - вертикал тармоқ деконцентрацияси. Бу жараён республика органлари вазифаларининг бир қисмини қўйи тузилмаларга, жумладан, хусусий секторга бериш орқали амалга оширилади. Ҳукумат марказий аппарати тармоқлар ва корхоналарнинг жорий муаммоларини ҳал этиш билан банд. Бу ҳол стратегик бошқарув масалаларини сифатли ишлаб чиқиш, хўжалик субъектлари мустақиллигини ошириш, давлат бошқаруви ва корхоналарнинг қўйи бўғинларидаги раҳбарларда боқимандалик кайфиятини тўлиқ йўқотишга ёрдам бермайди.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнида қўйи давлат органларига давлат мулкни бошқариш ва тартибга солиш ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва назорат қилиш вазифалари берилади. Маса-лан, ўз даврида тугатилган Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги вазифаларининг бир қисми “Ўзкоммунизмат” агентлигига берилган. Тугатилган вазирликнинг кўпгина вазифалари маҳаллий ҳокимият органларига, хусусан, хусусий секторга олиб берилган. “Ўзбалиқ”, “Ўзпарранда-саноят”, “Ўзтранскурилиш”, “Ўзмашсаноят”, “Ўзқоғозсаноят” каби тугатилган

уюшмалар тизимига кирган корхоналарни бугунги кунда акциядорларнинг ўзлари бошқармоқда.

Тўртинчи - ресурсларнинг марказлаштирилган тақсимотини туғатиш. Мавжуд тақсимлаш тизимини бекор қилмасдан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг корхоналар фаолиятига аралашувини нормализлаштириб ва қисқартириб бўлмайди. Гарчи, Ўзбекистондаги марказлашган тақсимлаш тизими асосан, иқтисодий ислохотларнинг илк босқичларида ўзгартирилган бўлса-да, бироқ, ресурсларнинг алоҳида стратегик турлари (пахта толаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, рангли металлларнинг айрим турлари, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, озиқ-овқат товарлари) бўйича эскича тақсимот механизми амал қилаверди, тақсимлаш органларига бозор тизимига хос бўлмаган ҳукмронлик ваколатини берди ва коррупция учун замин яратди.

Айнан шунинг учун Республика Президенти И.Каримовнинг ташаббуси билан тақсимот тизимидан бутунлай воз кечиш ва маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмини жорий этиш маъмурий ислохотларнинг муҳим йўналиши деб белгиланди. 2003 йил кузида пахта толасини сотишнинг тақсимлаш тизими ўрнига биржа савдоси тизими юзага келди. Ҳозирда тадбиркорлар биржа ва ярмарка савдо тармоғи орқали бири-бири билан тенг шароитларда рақобатлашган ҳолда кўпгина хом ашё ва минерал ресурсларни, жумладан, нефть маҳсулотлари, минерал ўғит, қора ва рангли металл, ўсимлик ёғи, бугдой, ун, шакар ва ҳоказоларни сотиб олишлари мумкин.

Бешинчи - вазифаларнинг бир қисмини республика марказидан жойлардаги давлат бошқаруви органларига ўтказиш. Ҳозирда минтақалар мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора фаол субъектлар бўлиб бормоқда. Маҳаллий миқёсда илгари ўз ечимини фақат марказда топган катта ва жиддий масалалар ҳам ҳал этилмоқда.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини янада кўпроқ куйидаги асосий вазифаларни бажаришга қаратмоқдалар:

а) ижтимоий сиёсатни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларида амалга ошириш;

б) уй-жой-коммунал хўжалигининг ишончли ва самарали ишлашини ҳамда идораларга қарашли аҳоли пунктлари ободончилигини таъминлаш;

в) хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит, аҳоли бандлигини кенгайтириш ва барқарор даромад манбаини шакллантириш учун зарур шароит яратиш;

г) ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

д) бевосита хўжалик субъектларининг жойлашган ўрни ва аҳолининг яшаш жойига кўра бизнесга оид тартиб-қоидаларни амалга ошириш;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ҳамда фуқаролик жамияти тузилмасининг самарали фаолият юритишига кўмаклашиш.

Айни пайтда давлат бошқаруви вазифаларининг бир қисмини марказдан минтақаларга ўтказиш жойларда минтақанинг ижтимоий-иқтисо-

дий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал эта оладиган давлат хизматчиларининг малакали таркибини шакллантиришни талаб қилади. Шунингдек, ҳокимларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича қабул қилинган йиллик ва ўрта муддатли дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан аҳоли олдида, хусусан оммавий ахборот воситалари орқали доимий ҳисобот бериб боришлари жуда муҳимдир.

Олтинчи - давлат ҳокимияти вазифаларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериш. Маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла, фуқаролар йиғини) билан ўзаро муносабатлари янгича аҳамият касб этмоқда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг анъанавий шакли бўлган ва давлат бошқаруви тизимига кирмайдиган - маҳаллалар тобора кўпроқ ваколатларга эга бўлиб бораёпти. Улар анъанавий вазифаларни бажариш билан бир қаторда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий нафақа беришни амалга оширади, шунингдек, коммунал ва бошқа тўловларни йиғишда, ҳудуднинг санитария ҳолатини сақлаш ва ободончилигини таъминлашда тегишли хизмат идораларига кўмаклашади.

Еттинчи - вазифаларни давлат бошқарув органларидан нодавлат нотижорат ташкилотларига ўтказиш.

Ўзбекистонда ноҳукумат ташкилотлар тез ўсиб келаётган ижтимоий сектор ҳисобланади. Яқин истиқболда уларни муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда, жумладан, жамият салоҳиятини ошириш ва қўллаб-қувватлаш борасида маҳаллий ҳокимиятнинг тенг ҳуқуқли ҳамкори сифатида кўриш мумкин. Масалан, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, бухгалтерлар уюшмалари каби ноҳукумат ташкилотларининг фаолияти бунга мисол бўла олади. Давлат ҳозирда илгари турли давлат тузилмалари бажарган муҳим вазифаларни уларга ўтказган.

Шундай қилиб, иқтисодий эркинлаштириш ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат бошқаруви самарадорлигини ва очиқ-ойдинлигини оширишга ёрдам берадиган ҳокимиятни номарказлаштириш жараёнини фаоллаштиришни талаб қилади. Айнан шу боис, мамлакатимиз Президенти мазкур маъмурий ислохотларнинг ташаббускори ва ғоявий раҳбари сифатида кун тартибига ўта муҳим масалани қўйди. Бу масала моҳияти шундан иборатки, бозор ислохотлари жараёни давлат ҳокимиятининг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишнинг маъмурий дастакларини тузатиш, қарорлар қабул қилишда жойлардаги ижроия ва вакиллик органларининг ваколатларини ошириш, давлат томонидан берилган вазифаларни амалга ошириш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини кадрлар билан таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ва ташаббускорлигини ошириш билан ўтказилиши лозим.²

² Халқ сўзи. 90-91-сон, 2004 йил 1 май.

1-мавзу. Ўзбекистон Республикасида саноатни бошқариш

- 1. Саноат соҳасини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари**
- 2. Саноат соҳасида давлат назорати**
- 3. Нефть ва газ соҳасида давлат назорати**
- 4. Электр энергетикада давлат назорати**

1. Саноат соҳасини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Саноат ҳар қайси мамлакат иқтисодийётининг асоси, юраги ҳисобланади. Кўпинча саноатнинг қай даражада ривожланганлигига қараб, давлатнинг иқтисодий қудратига баҳо берилади. Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш жараёни барча соҳаларда бўлгани каби саноат соҳасида ҳам туб бурилишларни ясади. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, “Нафақат иқтисодда, умуман республикада ўтказилаётган барча ислохотлар -бу, авваламбор, институцион ислохотлар, яъни, эски, мустабид иқтисоднинг қотиб қолган, ғоят марказлаштирилган тизимини янги, эркин бошқарувга кўчириш, рағбатлантириш ва жонлантирувчи тизимга айлантириш пойдевори ҳисобланади”.³

Саноат соҳасини бошқариш ўз ичига металлургия саноати, машинасозлик саноати, автомобилсозлик саноати, рангли металлларни қазиб чиқариш саноати, енгил саноат ва бошқа саноат соҳаларидаги корхоналарни бошқаришни қамраб олади. Булар саноатнинг устувор соҳалари ҳисобланиб, уларни бошқариш учун тегишли давлат бошқарув органлари ташкил этилгандир. Масалан, енгил саноат соҳасини бошқаришни олайлик.

Ўзбекистон Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси (O'zbekyengilsanoat) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги «Республика енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» ги № 3102-Фармони билан собиқ Ўзбекистон Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш уюшмаси урнида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 июлдаги қарорига биноан “Ўзбекенгилсаноат” (“Ozbekyengilsanoat”) енгил саноат товарлари ишлаб чиқариш давлат-акциядорлик компанияси “Ўзбекенгилсаноат” уюшмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

“Ўзбекенгилсаноат” (“Ozbekyengilsanoat”) давлат-акциядорлик компанияси таркибига мулкчиликнинг турли шаклларидаги, пахта толасини қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик ва чинни буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек компания уставига зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар кириши мумкин. Компания аппарати таъминоти ўз хўжалик фаолияти ва унинг таркибига шартнома

³ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сийсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т. «Ўзбекистон». 1995 йил.

асосида кировчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги “Ўзбекенгилсаноат” Давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги⁴ қарорига биноан қуйидагилар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

тармоқни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

ташқи ва ички бозорларда рақобатга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунда ип йигиришдан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча технологик жараёнларда маҳсулотлар сифати оширилиши ва қиймати пасайтирилишини назарда тутиш;

хорижий шериклар билан унча катта бўлмаган, ихчам қўшма корхоналар ташкил этиш, шунингдек енгил саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва хусусий мулк этиб бериш масалаларига бутун чоралар билан кўмаклашиш, бунда йирик ҳамда бозор шароитларига мослашмаган улкан корхоналар ташкил этилишига йўл қўймаслик;

фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш, бунда уларда замонавий илғор асбоб-ускуналар ва технологиялар жорий этилишини назарда тутиш;

енгил саноат соҳасида жаҳон бозорида ەтакчи мавқени эгаллаган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бунда тармоқнинг экспорт потенциалини ривожлантиришга ва товарларни ташқи бозорларга киритишга алоҳида эътибор қаратиш;

тармоқда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кенг реклама фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўرғазмалари ва ярмаркаларини, шу жумладан чет элларда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Республика енгил саноати тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва чинни саноати тармоқларидан иборат бўлиб, компания ушбу тармоқда ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Компания фаолиятини ташкил этиш. Компания бошқаруви тўққиз кишидан, шу жумладан раис, ва унинг уч нафар ўринбосаридан иборат бўлади, ўринбосарларидан бири биринчи ўринбосар ҳисобланади. Компания бошқаруви раиси мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари буйича вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосарлари эса вазирнинг ўринбосарларига тенглаштирилган.

⁴ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2004 йил, 12-сон, 145-модда.

Компания ўз фаолиятини демократик тамойиллар асосида амалга ошириб, бошқарувчи органлари компания Кенгаши ва компания раёсати ҳисобланади. Компания кенгаши таркибига бир қанча компания таркибидаги концерн, корхона, ташкилотлар раҳбарлари киради. Кенгашнинг йиғилишлари Кенгаш раисининг ташаббуси билан, лекин йилига икки мартадан кам бўлмаган муддатда қақрилади. Навбатдан ташкари кенгаш йиғилишлари компаниянинг учдан бир қисмидан кам бўлмаган аъзолари томонидан қақрилиши мумкин. Кенгашнинг қарорлари кенгаш йиғилишида аъзоларнинг очиқ овоз бериш йўли қабул қилиниб, ҳар бир аъзо бир овозга эгадир. Агар берилган овозлар тенг бўлиб қолса, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Компания раиси ва унинг ўринбосарлари компания кенгаши томонидан беш йил муддатга сайланади ва тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Компанияда компания функцияларини амалга ошириш ва компания Кенгаши ҳамда компания Раёсати фаолиятини таъминлаш мақсадида ишчи аппарат ташкил қилинади.

Нефть ва газ саноати- 1998 йил 11 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2154-сонли фармони билан нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги нефть ва газ конлари ўзлаштирилишини жадаллаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, республиканинг нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда нефть-газ тармоғини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекнефтьгаз» Миллий корпорацияси «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди ҳамда ушбу фармон билан қуйидагилар «Ўзбекнефтьгаз» холдинг компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

жорий ва узоқ муддатли тахминларни, газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг, табиий ресурслардан ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг аниқ мақсадли илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг нефть маҳсулотлари ва газга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш;

нефть ва газ соҳасидаги геология-қидирув ишларининг стратегик ҳамда устувор йўналишларини белгилаш ва мувофиқлаштириш, нефть ва газ конларини қазишнинг самарали тизим ва усулларини жорий этиш;

хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;

нефть, газ ва нефть маҳсулотлари республика ҳамда жаҳон бозори конъюнктурасини ўрганиш негизида сармояларни жалб этиш; газ таъминоти ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

тармоқ корхоналарида янги технологияларни ва илғор менежмент усуллари жорий қилиш.

Энергетика- 2004 йил 21 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига⁵ кўра «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси қўлидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси ва кўмир билан барқарор таъминлаш, республика энергия тизими иш режимларини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикасини ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ҳамда кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш;

замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар негизида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига ишлаб чиқарувчи қувватларни ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантиришни амалга ошириш;

кўмир тармоғида геология-қидирув ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва қазиб олишнинг самарали тизимлари ва методларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ундан электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда устун даражада фойдаланиш, энергиянинг тикланаётган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларнинг исроф бўлишини камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш; маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, тармоқ корхоналарига ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг рақобатга бардошли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларнинг жаҳон бозорларига чиқишида кўмаклашиш;

компаниянинг ташкилий тузилмасига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

электр энергетикаси ва кўмир саноати кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

2. Саноат соҳасида давлат назорати

2004 йил 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан саноатда, газ таъминоти ҳамда кон назорати соҳасида бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш ва ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида

⁵ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 25-сон, 288-модда.

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги *Ўзбекистон Республикаси Саноатда кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси)*га айлантирилди.⁶

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси) республика ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ишларни бехатар олиб бориш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва у ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Давлат инспекцияси, унинг минтақавий инспекциялари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг саноатда хавфсизлик соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ягона тизимини ташкил этади. Минтақавий инспекциялар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланади ва бевосита Давлат инспекциясига бўйсунди. Давлат инспекцияси ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади ҳамда халқаро битимлар асосида бошқа давлатларнинг давлат назорат органлари билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилади.

Қуйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ва газ таъминотида ишларни бехатар олиб боришга, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, минерал хом ашёни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан саралашга, шунингдек кон ишларини геология-маркшейдерлик хизмати билан таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари устидан давлат назоратини амалга ошириш;

саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини таъминлаш соҳасида олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

газ ҳўжалиги тизимида ва кўп квартирали турар жойлар ва республиканинг коммунал-маиший объектларининг газ таъминотида хавфсизлик таъминланишини назорат қилиш;

⁶ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 28-сон, 319-модда.

техник хавфсизлик ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш; иқтисодийётнинг тегишли тармоқларида ишларнинг бехатар олиб борилишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисмларига тезкор ва методик раҳбарлик қилиш; ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда қабул қилиш.

Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органлари билан келишган ҳолда ишлаб чиқаришлар (технологиялар), объектлар, асбоб-ускуналар ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришлар ва технология объектларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини белгилайди ва тасдиқлайди;

саноатда ишларни бехатар олиб бориш, ускуналар тузилиши ва ишлатилиши, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни қайта ишлаш ҳамда металлургия жиҳатидан саралашга доир талаблар мавжуд бўлган давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳўжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда келишиб олади ҳамда ушбу масалалар бўйича қондалар ва нормаларни тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни ташкил этади;

ўз ваколатларига кирувчи алоҳида иш турларига белгиланган тартибда рухсатномалар беради ва уларни бекор қилади;

фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар ва объектларни тугатиш ва консервация қилишда ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилиши керак бўлган техник талабларни белгилайди (ишларнинг хавфсизлиги, фойдали қазилмалар конларини ишга туширишда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда иқтисодийёт тармоқларида фойдаланишга яроқли бўлган кон маҳсулотларини сақлаш қисми бўйича);

фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш учун кон ажратиш ҳўжатларини беради;

қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар заҳираларини қазиб олиш корхоналари ҳисобдан чиқаришни келишиб олади ва саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинги геология-қидирув ишларида ва конларни қазишда тасдиқланмаган заҳираларни ҳисобдан чиқариш учун ҳулосалар беради;

минерал хом ашёни қазиб олишда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормадан ортиқча йўл қўйилган йўқотишларини аниқлайди;

кон қазувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг техник лойиҳаларини, ишларни бехатар олиб бориш юзасидан техник ечимларга доир кон ишлари режаларини, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг камайиши ва майдалашуви нормативларини келишиб олади;

шахталар (конлар)нинг, нефть-газ тармоғи қудуқларининг бир тоифадан бошқа тоифага ўтказилишини тасдиқлайди ва келишиб олади; ишларнинг айрим масъулиятли технологик босқичларини, технологик регламентларни ва бошқаларни олиб бориш иш режаларини келишиб олади;

газ назорати объектларини, босим остида ишловчи буғ ва сув иситиш қозонларини, идишларни, буғ ва иссиқ сув қувурларини ва кўтариш иншоотларини рўйхатдан ўтказади;

турар жойлар ва коммунал-маиший объектларнинг газ хўжалиғи тизимида техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасида коммунал-маиший корхоналар хизматлари томонидан норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар бажарилишини текширади ва мониторинг олиб боради;

ўз назорати остидаги корхоналар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари таркибида қатнашиш учун вакилларни тайинлайди, ушбу объектларда фойдаланиш учун қабул қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

ўта хавфли ишлаб чиқаришлар ва объектлар лойиҳаларини саноатда, кон назоратида, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ишларини олиб боришнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги жиҳатидан экспертизадан ўтказади;

ўз назорати остидаги объектлар ходимларини тайёрлаш ва ушбу объектларда ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича уларнинг билимларини текшириш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан захираларни тасдиқлашда қабул қилинган қарорлар ва хулосаларнинг ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилишини назорат қилади;

назорат остидаги объектларда саноат ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш хавфсизлиги жиҳатидан хорижий технологияларни ва асбоб-ускуналарни қўллаш имкониятлари тўғрисида эксперт хулосасини беради;

саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш, кон назорати, атом энергетикаси ва илмий тадқиқотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Давлат инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг тегишли назорат органлари билан белгиланган тартибда алоқа ўрнатади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда қабул қилади;

хавфли юклар ва портловчи моддалар транзитига қонун ҳужжатларига мувофиқ хулосалар беради ва уни назорат қилади;

Ўз назоратидаги объектларда авариялар ва ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ҳамда корхоналарнинг, ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисмининг нефть фонтанига қарши, газдан қутқариш бўлинмаларининг ва авария-диспетчерлик хизматларининг содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни бартараф этиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга тайёрлигини назорат қилади, шунингдек кўрсатиб ўтилган бўлинмаларни жойлаштириш схемаларини келишиб олади.

Давлат инспекцияси:

кўмир, кон-руда ва норуда, кимё, металлургия, нефть ва газ қазиб олиш, нефть ва газни қайта ишлаш sanoатида, геология-қидирув ташкилотларида, магистрал нефть-газ ва уларнинг маҳсулотларини узатиш қувурларида, ишлаб чиқариш жараёнида газдан фойдаланишда, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган объектларда, дон сақлаш ҳамда уни қайта ишлаш объектларида, ер остида транспорт ва гидротехника қурилишларини олиб боришда, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган қурилиш объектларида ва бошқа тармоқларнинг ўта хавфли объектларида;

sanoat портловчи моддалари ва портлатувчи воситаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ишлатиш ва ҳисобга олишда;

газ, нефть ва уларнинг маҳсулотлари узатиладиган магистрал қувурларни, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини газ билан таъминлаш тизимларини, шунингдек нефть маҳсулотларини, табиий ва суюлтирилган (пропан-бутан) газларни ташиш, сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ объектларни лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлашда;

нефть ва газ излашда, нефть ва газ қудуқларини қазишда, уларни синаб кўришда ва ишлатишга тайёрлашда;

портлаш ва ёнғин хавфи бўлган назорат остидаги ишлаб чиқаришларни ва объектларни қуришда, реконструкция қилишда, улардан фойдаланишда ва уларни таъмирлашда;

ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда;

радиоактив материаллар ва рудаларни (ваколатига кўра), ионловчи нурланиш манбалари мавжуд бўлган буюмларни ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни кўмиб ташлаш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва ҳисобга олишда, ядро объектларидан ва ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи ёки уларни оловчи бошқа объектлардан фойдаланишда;

кўтариш иншоотларини, буғ ва сув иситиш қозонларини, босим остида ишлайдиган идишларни, буғ ва иссиқ сув қувурларини, шунингдек назорат остидаги бошқа объектларни барпо этиш, тайёрлаш, монтаж қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишда;

хавфли юклар ва портловчи моддаларни транзит ташишда ўз ваколатларига мувофиқ давлат назоратини амалга оширади.

Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз минтақавий инспекциялари ва ўзига қарашли ташкилотлар орқали ҳал қилади.

Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан корхоналар ва объектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

назорат остидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек Давлат инспекцияси назорати остидаги объектларга эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишга оид қоидалар ва нормаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

хавфсизлик ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш, шунингдек одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳолати вужудга келганда уларни иш жойларидан чиқариш, иш жойларини ёки ускуналарни муҳрлаб қўйиш;

ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишга оид қоидалар ва нормаларни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида маъмурий жавобгарликка тортиш;

ўз назорати остидаги ишлаб чиқаришлар учун ходимлар тайёрловчи курсларни, шунингдек кон ва портлатиш ишлари олиб борилишига жавоб бериш ҳуқуқи бериладиган мутахассислар тайёрловчи курсларни ташкил этиш, ўта хавfli ишларни бажариш учун тайёрланадиган шахслардан имтиҳонлар олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

ўз назорати остидаги объектларда мутахассисларнинг хавфсизлик қоидалари ва нормаларини, технологик регламентларни ва ишчиларнинг махратини муҳофаза қилиш йўриқномаларини билишларини текшириш, ўз назорати остидаги корхоналар, шу жумладан саноат соҳасида тайёрлов ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларнинг хавфсизлик ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини билишларини текширишда белгиланган тартибда қатнашиш;

ўз назорати остидаги корхоналар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарларига ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари, йўриқномалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларини бузувчи шахсларни эгаллаб турган лавовимидан белгиланган тартибда бўшатиш ёки ишларга техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

аварияларнинг ҳолатлари ва сабабларини, ишлаб чиқариш жароҳати, портловчи материалларнинг йўқолиши ҳолатларини белгиланган тартибда техник жиҳатдан текшириш ва текшириш натижалари бўйича ўз ваколатига киритилган масалаларга оид бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

зарур ҳолларда корхоналар ва ташкилотлар томонидан асбоб-ускуналар ва материалларнинг назорат синовлари, иш бажариладиган муҳит ва атроф табиий муҳит таҳлиллари, лойиҳа ва лойиҳа-конструкторлик ечимларининг мустақил экспертизаси ўтказилишини тайинлаш;

тайёрловчи заводларда ва таъмирлаш корхоналарида ўз назорати остидаги саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналарнинг хавфсизлик қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқлигини текшириш, улар стандартлар, қоидалар ва нормалар талабларига ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимларига мувофиқ бўлмаган тақдирда уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиб қўйиш ва қўлланишини тақиқлаш;

вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви бошқа органларидан, мупкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналардан ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур ахборотларни белгиланган тартибда олиш;

мансабдор шахсларда ва фуқароларда ишларга ва уларнинг бажарилишига техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар мавжудлигини, шунингдек ўта хавфлилик билан боғлиқ ишлар учун махсус белгиланган талабларга риоя қилинишини текшириш;

хизмат кўрсатиладиган корхоналар ҳисобига молиялаштириладиган минтақавий инспекцияларга тезкор ҳамда методик раҳбарлик қилиш;

вазирликлар, идоралар ва корхоналар билан келишган ҳолда шартнома асосида уларнинг мутахассисларини ишлаб чиқаришлар, объектлар ва ишларнинг хавфсизлиги ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ мустақил экспертизалар ва ишланмалар ўтказиш учун шартнома асосида жалб қилиш.

Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин

3. Нефть ва газ соҳасида давлат назорати

Ўзбекистон Республикасида нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш *Ўзбекистон Республикаси Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси* томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсати қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (курулмагарини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя қили-

ниши устидан давлат назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлда қабул қилинган қарори⁷ билан нефть маҳсулотлари ва газни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланишда белгиланган тартибга ва технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида қуйидагилар «Ўздавнефтьгазинспекция» нинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш;

нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

«Ўздавнефтьгазинспекция» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Инспекция тизимига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлимлар, шунингдек Тошкент назорат-кимё лабораторияси киради.

«Ўздавнефтьгазинспекция» ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширади;

газдан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланилишига йўл қўймаслик ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар, газ истеъмолчилари (аҳолидан ташқари) ўзбошимчалик билан ўрнатиб олган газдан фойдаланиш қурилмаларини аниқлаш юзасидан газ сотувчи ташкилотлар ва газ узатиш ташкилотлари ишларини белгиланган тартибда назорат қилади;

юридик шахсларнинг ёнилғи истеъмол қилувчи қурилмаларида ишга тушириш ва режим-созлаш ишларини бажариш сифатини белгиланган тартибда текширади;

⁷ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 28-сон, 322-модда.

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларга розилик беради;

«Ўздавнефтегазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив ҳужжатлар ва қоидалар юзасидан эксперт хулосалар беради ҳамда уларни келишиб олади;

Вазирлар Маҳкамасининг ягона энергетика тизимига уланадиган электр станцияларида электр ишлаб чиқариш фаолиятини, нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш комиссиялари ишида қатнашади;

нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш шохобчалари орқали соғиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар ишчи органи функцияларини бажаради;

нефть-газ тармоғи технологик объектларининг ишдан чиқиш сабанларини текшириш комиссияларининг ишида, кўрсатиб ўтилган объектлар ишдан чиқишининг олдини олиш ва уларнинг ишончилигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ёқилғи истеъмол қилувчи корхоналар (қурилмалар), нефть-газ технология объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шохобчалари (АКГТШ) ва автомобилларга газ қуйиш шохобчаларини (АГҚШ) қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва газ таъминоти лойиҳаларини белгиланган технология талабларига мувофиқлиги жиҳатидан рўйхатдан ўтказиши;

аттестация комиссиялари ҳамда нефть-газ технологик объектларини, нефть базаларини, АЁҚШ, АКГТШ ва АГҚШларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топширишни амалга оширувчи ҳужжатлик юритувчи субъектлар муҳандис-техник ходимларининг нормалар ва қоидаларга доир билимларини текшириш комиссиялари ишида қатнашади;

қурилиш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш тугалланганда ёқилғидан фойдаланувчи корхоналар ва нефть-газ технологик объектлари (қурилмалар)га асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш, режим-созлаш ишлари ва табиий газ восита сифатида қўлланганда газ қувурларини тозалаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома беради;

қурилиши тугалланган нефть-газ технологик объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автоёнилги куйиш шохобчалари, автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шохобчалари ва автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларини техник кўриқдан ўтказиши ва уларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади.

«Ўздавнефтвазинспекция» ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

«Ўздавнефтвазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича юридик шахслар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

текширишларга тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш;

текширишлар давомида текширилаётган объектларда аниқланган бузилишлар ва камчиликлар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

тургун ва кўчма лабораторияларда нефть маҳсулотлари намуналари сифатини мустақил равишда текшириш ва тегишли хулосалар бериш;

нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, бериш, ҳисобга олиш, шунингдек нефть омборхонаси ускуналарининг техник ва метрологик ҳолати қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари аниқланганда нефть маҳсулотларини сотишни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

технологик объектлар қурилишини ва улардан фойдаланишни, уларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидалари бузилган ҳолларда ва бу бузилишлар уларнинг ишончлилиги пасайишига олиб келса, шунингдек қурилиш буюртмачининг малакали техника назорати ва муаллифлик назорати билан таъминламаганда, тўхтатиб қўйиш;

лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун юридик шахсларнинг энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш, нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, шунингдек магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида лицензияловчи органларга таклифлар киритиш;

текширилаётган объектларда, меъёрий-техник ҳужжатларнинг ушбу объектларнинг ишончлилигини ва нефть ҳамда газдан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича тегишли талабларига мос келмайдиган аппаратуралар, асбоб-ускуналар, материаллар ва буюмларни, шу-

нингдек технологияларни қўллашни тақиқлаш. Уларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

технологик объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидаларидан асосли четга чиқишларни, агар ушбу ўзгартиришлар мазкур объектлардан фойдаланишнинг ишончлигини пасайтиришга олиб келмаса, розилик бериш;

газ сотувчи, газ узатувчи ташкилотларга қуйидаги ҳолларда:

а) «Ўздавнефтгазинспекция»нинг рухсатсиз газ берилганда;

б) газ сарфини ҳисобга олиш приборлари бўлмаган газдан фойдаланиш қурилмаларидан фойдаланилганда ёхуд газдан фойдаланувчи қурилмаларда лойиҳада назарда тутилган газ ёниши жараёнларини автоматик бошқариш воситалари ёки иссиқлик-техника назорати ёки газдан самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан қайта фойдаланиш асбоб-ускуналари бўлмаганда (бузилганда);

в) газдан фойдаланиш қурилмаларини ишга тушириш ва режим-созлаш ишларини ўтказиш муддатлари бузилганда газдан фойдаланувчи қурилмаларга газ беришни тўхтатиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда бузилишлар учун юридик шахсларга нисбатан, уларнинг қайси идорага қарашлилигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатлари доирасида иқтисодий жазолар қўллаш;

«Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига тегишли масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан зарур маълумотлар ва материаллар олиш;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларининг «Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва уларни ишлаштириш бўйича зарур норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

норматив-методик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун мустақил экспертларни ҳамда илмий-тадқиқот, аудиторлик, маслаҳат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда жалб қилиш;

«Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш.

«Ўздавнефтгазинспекция»нинг қарорлари, шунингдек «Ўздавнефтгазинспекция»га берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши

мажбурийдир. Инспекция, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

«Ўздавнефтгазинспекция»га қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади. Бошлиқнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади. «Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, бошлиқ ўринбосарлари - Ўзбекистон Республикаси вазири ўринбосарларига тенглаштирилади. «Ўздавнефтгазинспекция» ходимлари мақомига кўра «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ходимларининг тегишли тоифаларига тенглаштирилади.

4. Электр энергетикада давлат назорати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан⁸ Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси)га айлантирилди. Инспекция электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмирдан фойдаланиш соҳасида нормалар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Юқоридаги қарор билан қуйидагилар инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда ва кўмирдан фойдаланишда хавфсизлик таъминланишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш;

электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмирдан фойдаланиш соҳасида зарур норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш.

Инспекция тизимига Қорақалпоғистон Республикасидаги, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги ҳудудий бўлимлар ва Тошкент шаҳар бўлими киради. Ҳудудий бўлимлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевоқифа «Ўздавэнергоназорат» инспекциясига ҳисобот беради.

⁸ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 9-сон, 105-модда.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) белгиланган тартибда қуйидагиларни текширади:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларга риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда энергия истеъмолчилари томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда уларни сарфлаш нормаларига риоя этилиши, электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва йўриқнома ҳужжатларга улар томонидан риоя этилиши;

истеъмолчиларнинг электр ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларининг техник ҳолати, электр станциялари, ёрдамчи станциялар ва тармоқларда техникадан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши;

электр станциялари, тармоқлар ва ёрдамчи станциялар қураётган қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан белгиланган технология талабларининг улар томонидан таъминланиши юзасидан нормалар ва қоидалар талабларига риоя этилиши;

назорат остидаги энергия истеъмол қилувчи объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши ва уларни техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг энергия ва кўмирдан оқилона ва самарали фойдаланиш талабларига мувофиқлиги;

назорат остидаги объектларнинг энергия истеъмол қилувчи қурилмаларида режим-созлаш ишлари бажарилишининг сифати;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоби юритилишининг ҳолати, шунингдек электр қурилмаларини энергия билан таъминловчи ташкилотлар тармоқларига улашнинг техник шартлари истеъмолчилар томонидан бажарилиши;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаб турган ва фойдаланишга топширилаётган, шунингдек реконструкция қилинаётган ҳамда замонавийлаштирилаётган кўп энергия талаб қиладиган қурилмалар ва асбоб-ускуналарнинг баланс энергетика синовлари ўтказилиши;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш балансларига риоя этилиши;

саноат корхоналарининг ва уларга тенглаштирилган электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларида реактив қувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши;

б) қуйидагиларда қатнашади:

электр энергетика тармоғини ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг концепциялари ва миллий дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек энергияни тежайдиган тадбирлар, дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

лойиҳалар экспертизаси ва янгидан қурилган ва реконструкция қилинган объектларни электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдаланишга қабул қилиб олиш ишлари, шунингдек истеъмол объектларининг энергия таъминоти лойиҳаларини уларнинг ишончлилиги, хавфсизлиги ва техник шартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда келишади;

электр энергиясини истеъмолчиларга беришда электр энергияси сарфи нормативларини ишлаб чиқиш;

назорат остидаги корхоналар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича давлат комиссиялари таркибида қатнашиш;

илмий тадқиқотлар, шу жумладан тикланадиган энергия манбалари дастурларини тузиш ва келишиш ҳамда тегишли ўқув юртларида энергетика объектлари (қурилмалар, асбоб-ускуналар, тизимлар ва аппаратлар)ни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашда хавфсизлик масалалари бўйича мутахассислар тайёрлаш;

назорат остидаги объектлардаги бахтсиз ҳодисалар ва ҳалокатларни текшириш;

в) белгиланган тартибда:

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмирдан фойдаланиш соҳасида норматив ҳужжатлар ва қоидаларни давлат бошқаруви органларининг кўриб чиқиши учун киритади;

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилишга доир талаблар мавжуд бўлган республика стандартлари лойиҳаларни электр хавфсизлиги ва энергия самарадорлиги юзасидан кўриб чиқади ва келишади;

назорат остидаги объектлар ходимларини тайёрлаш ва ушбу объектларда ишларнинг беҳатар олиб борилиши ва меҳнат муҳофазаси таъминланиши масалалари бўйича уларнинг билимларини текшириш тартибини белгилайди;

энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмирдан фойдаланиш юзасидан техник талабларни белгилайди;

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси органлари нazorати остида бўлган объектларда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги бўйича хорижий технологияларни қўллаш мумкинлиги тўғрисида эксперт хулосаси беради;

ягона энергетика тизимига уланадиган турғун электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқаришни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини бажаради ҳамда лицензиялаш шартлари бажарилишини назорат қилади;

энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялайди.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек унга қарашли ҳудудий бўлинмалар орқали белгиланган тартибда ҳал этади.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) қуйидагилар устидан назоратни амалга ошириш:

юримдик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, энергетика соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда энергия истеъмолчилари томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда улар сарфи нормаларига риоя этилиши, улар томонидан электр, иссиқлик энергияси ва кўмидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва йўриқнома ҳужжатларга риоя этилиши;

истеъмолчиларнинг электр ва иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларининг техник ҳолати, электр станциялари, ёрдамчи станциялар ва тармоқларда техникадан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоби юритилишининг ҳолати, шунингдек электр қурилмаларини энергия билан таъминловчи ташкилотлар тармоқларига улашнинг техник шартлари истеъмолчилар томонидан бажарилиши;

саноат корхоналарининг ва уларга тенглаштирилган электр энергияси истеъмолчиларининг электр қурилмаларида реактив қувват компенсациясининг мақбул даражаси таъминланиши;

лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши;

электр энергиясининг электр билан иситиш мақсадларида қўлланилиши;

б) белгиланган тартибда қўидагиларни текширади:

электр станциялари, тармоқлар ва ёрдамчи станциялар қураётган қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан белгиланган технология талаблари улар томонидан таъминланиши юзасидан нормалар ва қоидалар талабларига риоя этилиши;

назорат остидаги энергия истеъмол қилувчи объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши ва уларни техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларининг энергия ва кўмидан оқилона ва самарали фойдаланиш талабларига мувофиқлиги;

назорат остидаги объектларнинг энергия истеъмол қилувчи қурилмаларида режим-созлаш ишлари бажарилишининг сифати;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишлаб турган ва фойдаланишга топширилаётган, шунингдек реконструкция қилинаётган ва замонавийлаштирилаётган кўп энергия талаб қиладиган қурилмалар ва асбоб-ускуналарда баланс энергетика синовлари ўтказилиши;

объектларда мутахассислар ва ишчиларнинг хавфсизлик қоидалари ва нормаларини, технология иш тартибларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни билиши;

корхоналар раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг хавфсизлик ва меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари ва қоидаларини билиши;

в) зарурат бўлганда, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан асбоб-ускуналар ва материалларнинг назорат синовлари, лойиҳа ва лойиҳа-конструкторлик ечимларининг мустақил экспертизаси ўтказилишини тайинлаш ҳамда электр энергияси электр билан иситиш мақсадларида қўлланилганда электр таъминоти лойиҳаларини келишиш;

г) вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича зарур маълумотлар ва материалларни, шунингдек энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда жорий назорат жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

д) назорат остидаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига қсон ҳужжатлари, қоидалар ва нормаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

е) «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

ж) хавфсизлик қоидалари ва нормалари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни тўхтатиб қўйиш;

з) энергия қурилмаларидан фойдаланиш бўйича қоидалар, нормалар ва йўриқномалар бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун жазолар қўллаш;

и) техника хавфсизлиги, электр, иссиқлик энергияси ва кўмирдан фойдаланиш қоидалари бузилганлиги учун айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

к) фалокатларнинг ҳолатлари, сабаблари ва бахтсиз ҳодисаларни техник текширишда қатнашишда текшириш натижалари бўйича «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

л) Вазирлар Маҳкамасига лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун ягона энергетика тизимига уланадиган турғун электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш учун берилган лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тўхтатиб туриш, лицензияларни бекор қилиш ҳақида таклифлар киритиш, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича корхоналар ва объектларни текшириш.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг электр, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, сотиш ва истеъмол қилиш ҳамда кўмирдан фойдаланиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат ва

хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Инспекция зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

«Ўздавэнергоназорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

Бошлиқ мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, бошлиқнинг ўринбосарлари вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади. Бошлиқ лавозимига кўра бир вақтнинг ўзида Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори, унинг ўринбосарлари эса - Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича бош давлат инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ҳудудий бўлимларининг бош инспекторлари электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш устидан назорат қилиш бўйича катта давлат инспекторлари ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. Мамлакатимизда саноат соҳасини бошқаришнинг мазмуни нимадан иборат?
2. Саноатда давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари тизими ҳақида маълумот беринг.
3. Саноатда давлат назоратини амалга ошириш тўғрисида маълумот беринг.

2-мавзу. Қишлоқ ва сув ҳўжалигини бошқариш

1. Қишлоқ ва сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ўрмон ҳўжалигини бошқариш.
3. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш. Давлат назорати.

1. Қишлоқ ва сув ҳўжалигини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамиз аграр давлат бўлгани учун ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини қишлоқ ҳўжалиги соҳасисиз тасаввур қилиш қийин. Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа реал секторлари каби унинг изчил ривожини таъминловчи муҳим тармоқларидан биридир. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини бошқариш ўз ичига ерлардан унумли фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва бошқа фаолият турларини қамраб олади.

Ушбу соҳани бошқариш *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги* томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 1 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги № 1617-Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги негизида ташкил этилган. Вазирлик қишлоқ ҳўжалиги соҳасини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда вазирлик тўғрисидаги Низом асосида ўзининг ҳудудий органлари орқали амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари ҳамда туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлари бошқармалари Вазирликнинг ҳудудий органлари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари ҳамда туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Вазирликка бўйсундилар ва ҳисоб берадилар.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ ҳўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини амалга ошириш;

замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор принциплари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатаётган тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

аграр секторда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижара муносабатларини, оила пудратини, фермер хўжалиқларини кенг ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини юритишни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;

селекция, уруғчилик, наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатини олиб бориш ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш;

ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш принциплари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш;

давлат сув хўжалиги тизимидан фойдаланилишини ва унинг замонавийлаштирилишини таъминлаш;

илгаридан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

ўрмон хўжалигидан фойдаланиш, уни қўриқлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

ўзига қарашли ташкилотлар ва корхоналарни илмий-техник ва ахборот билан таъминлаш;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

қишлоқ хўжалигида ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш, ўсимликлар касалликларининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги зараркундаларига, бегона ўтларга ва чигирткага қарши курашиш бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш.

Юқланган вазифаларга мувофиқ вазирлик қуйидаги функцияларни амалга оширади:

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уларни рўёбга чиқариш стратегияси ва механизмлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори конъюнктураси маркетинг тадқиқотларини амалга оширади, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларини зарур ахборот билан таъминлайди;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигига ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишда иштирок этади, бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий фаолиятини амалга ошириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқади;

навларни синаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги истиқболли навларини яратиш ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган ўзига қарашли элита ва уруғчилик хўжаликлари ишини мувофиқлаштиради;

тармоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

давлат карантин қоидалари бажарилишини, эпидемиологияга қарши тадбирлар ўтказилиши ва чорва моллари, паррандалар ва балиқларни касалликлардан ҳимоя қилиш қоидаларига риоя қилинишини белгиланган тартибда назорат қилади;

селекция-наслчилик ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

сув ресурслари балансини ишлаб чиқади, сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар бўйича сув олиш лимитларини белгилайди;

сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби амалга оширилишини таъминлайди;

сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

ҳавза принципи асосида ер усти сув ресурслари бошқарилишини амалга оширади;

сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро муносабатларнинг бозор принципларини ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ерларни ўзлаштириш дастурларини ишлаб чиқади;

магистрал, хўжаликлараро каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, насос станциялари, гидротехника иншоотлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ташкил этади;

гидромелиорация тизимларидан техник фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштиради;

сув ресурслари ҳисобини олиб боради ва улардан фойдаланилишини назорат қилади, «Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича давлат сув кадастрини юритишда қатнашади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, суғориш ва коллектор-дренаж сувлари сифати устидан мониторингни амалга оширади;

сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг истиқболли схема-ларини ишлаб чиқади;

трансчегара сув ресурслари ва объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривож-лантириш стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашади;

ўрмонларни бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлашни, давлат ўрмон кадастрики юритишни амалга оширади ҳамда қўриқхона ишларини ташкил этишда қатнашади;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ўрмон ва овчилик хўжалигини юритишга доир норматив-техник ҳужжатлар бажари-лиши устидан идоравий назоратни амалга оширади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот, лойиҳа-лаш-қидирув ва конструкторлик ишларининг асосий йўналишларини бел-гилайди, уларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради, уларнинг нати-жалари амалиётга жорий этилишига қўмаклашади;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш-нинг устувор йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

республика ўқув юртларида ва илмий муассасаларида, шунингдек хорижда ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари малакаси оширилишини ва тажриба алмашувини ташкил этади;

комплекс тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этади, зарар-қунданалар, касалликлар ва бегона ўтлар тарқалиши имкониятларини ўрганади ва прогнозлаштиради, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарув-чиларини кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, стимуляторлар билан таъминлайди;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳолини методик таъминлашни, шартнома асосида қишлоқ хўжалиги-га агрокимё хизматлари кўрсатиш ишлари бажарилишини ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зарарқунданаларини қириб ташлашнинг илмий асосланган тадбирлари ўтказилишини ташкил этади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида раҳбарлар ва мутахассис-ларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

Вазирлик: пахтачиликни ривожлантириш; ғаллачиликни ривожлан-тириш; сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш; чорвачиликни ривожлантириш; ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммолари бўйича Кенгашлар фаолиятини самара-ли ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Вазирлик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ма-териалларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, муасса-салар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

келишиш учун ўзига тақдим этиладиган ер, сув ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар лойиҳалари ва тақлифлар юзасидан хулосалар бериш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан республика ҳудудига жаҳоннинг эпизоотик жиҳатдан носоғлом минтақаларидан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек дехқончилик маҳсулотлари ва уруғлик келтирилишини тақиқлаш;

сув манбаларига сув келиши ўзгарган тақдирда сув олиш лимитларига ўзгартиришлар киритиш;

лимитдан ортиқ сув олинган, сув ресурсларидан ҳужасизларча, нооқилона фойдаланилган тақдирда сув беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, сувдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллаш;

сув ресурсларини самарали бошқарганлик ва улардан тежамли фойдаланганлик учун сувдан фойдаланувчиларни ва сув ҳўжалиги ташкилотларини иқтисодий рағбатлантиришни ташкил этиш;

Вазирлик бошқаруви соҳасига тегшли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

ўзига қарашли бюджет корхоналари ва ташкилотларида давлат мулкени белгиланган тартибда бошқариш;

оммавий ахборот воситалари таъсис этиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг вазирликлар, идоралар, муассасалар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бошқаруви марказий аппарати тузилмасида:

пахтачиликни ривожлантириш;

ғаллачиликни ривожлантириш;

сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда уларни комплекс қайта ишлаш;

чорвачиликни ривожлантириш;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш;

қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммоларини ҳал этиш бўйича Кенгашлар тузилади.

Қуйидагилар Кенгашларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тегишли тармоқларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини, улар самарадорлигини ошириш йўналишлари ва йўллари белгилаш;

ҳар бир минтақанинг иқлим, об-ҳаво шароитларини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экинларни келгусида ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги йилида оқилона жойлаштириш бўйича аниқ агротехнология тавсияларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигида, шунингдек наслчилик ишларида устувор йўналишларни белгилаш;

замонавий, ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кенгашларнинг таркибига, эгаллаб турган лавозимлари ва илмий уновларидан қатъи назар, фан ва амалиётнинг тегишли соҳаларида обрўси эътироф этилган етакчи мутахассислар ва олимлар жамоатчилиги асосида кирадилар. Кенгашларнинг бarchа тавсиялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати мажлисларида муҳокама қилинади, унинг қарорларининг бажарилиши мажбурийдир. Кенгашларнинг ишчи органлари функциялари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари ва бўлимларига юкланади.

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш- Вазирликка белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган Вазир бошчилиги қилади. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Вазирнинг сув хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи биринчи ўринбосари айна вақтда Сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиғи ҳисобланади. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг бош директори лавозимига кўра вазир ўринбосари ҳисобланади. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи лавозимига кўра вазир ўринбосари ҳисобланади. Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Вазир:

вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда вазирликка юкланган вазифалар ва мажбуриятлар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқлайди ва зарурат бўлганда ходимларнинг штатда белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида вазирлик марказий аппаратининг ва ўзига қарашли бюджет ташкилотларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга;

вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий органлари раҳбарларини, шунингдек тасарруфидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш муаммолари бўйича Кенгашлар тўғрисидаги низомларни, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Магистрал каналлар (тизимлар) ва ирригация тизимлари бошқармалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек тасарруфидаги бюджет ташкилотлари тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлайди;

Вазирликнинг, унинг ҳудудий органларининг, тасарруфидаги ташкилотларнинг ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва йўриқномалар чиқаради, уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилади;

ҳудудий органлар ва тасарруфидаги ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган қарорларни (кўрсатмаларни) бекор қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирликда 15 кишидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Унинг таркибига Вазир (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бўйича Кенгашлар раислари, айрим бўлинмалар, агросаноат комплекси тизими вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг бошқа раҳбар ходимлари киради. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари вилоятлар ҳокимлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари бошлиқлари туман ҳокимлари тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида унинг таркибий бўлинмаси сифатида Сув хўжалиги Бош бошқармаси ташкил қилинган булиб (2003 йил 21 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан), Бош бошқармага юза сувларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда республика қишлоқ хўжалик тармоқларини ва аҳолисини сув билан таъминлаш доир зарур тадбирларни амалга ошириш юкланган.

Қуйдагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:
суддан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш;

истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;

ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш;

ирригация тизимлари ҳавзалари бўйича сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;

сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш;

сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш ва улар амалга оширилишининг мониторингини олиб бориш;

«Суддан фойдаланиш» бўлими бўйича давлат сув кадастрини юритиш.

Сув хўжалиги Бош бошқармасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари ҳисобланадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Бош бошқарма бошлиғи айна вақтда Марказий Осиё сув хўжалиги давлатлараро мувофиқлаштириш комиссиясининг аъзоси ҳамда Ирригация ва дренаж бўйича миллий кўмита раиси ҳисобланади. Бош бошқарма бошлиғининг ўринбосари ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тайинланади.

2. Ўрмон хўжалигини бошқариш

Мамлакатимизда ўрмон хўжалиги соҳаси ҳам муҳим ўрин тутади. Ўрмонлардан фойдаланиш, уларни кўпайтириш, муҳофаза ва ҳимоя қилиш борасида Ҳукуматимиз томонидан кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. 2000 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ўрмон хўжалиги соҳасида бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида **Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасига** айлантирилди.

Бош бошқарма республика ўрмон хўжалигини давлат томонидан бошқариш органи функцияларини амалга оширади, ўрмонларнинг сақланиши, қайта барпо этилиши, муҳофаза қилиниши ҳамда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиши учун жавоб беради, республика бошқа идораларининг фойдаланилмайдиган ерларда табиатни муҳофаза

этувчи ва далаларни ихота килувчи дарахтзорлар барпо этиш ҳамда улардан фойдаланиш буйича фаолиятни ташкил этади ва мувофиқлаштириб боради.

Қуйидагилар Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг асосий вазифалари ва фаолияти ўйналишлари ҳисобланади:

ўрмон қонунчилигига ва ўрмон ҳамда овчилик хўжалигини юритиш буйича меъёрий-техник ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

ўрмонлардан фойдаланиш, уларни кўпайтириш, муҳофаза ва ҳимоя қилиш, ўрмон фонди ҳудудида қўриқхона ишларини юритиш ва миллий табиий ҳамда халқ боғларини бошқариш соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

ўрмон хўжалигида ўрмон фондини ҳар томонлама кенгайтириш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона техника сиёсатини олиб бориш;

ўрмон фондини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини давлат томонидан ҳисобга олиб бориш ҳамда ўрганиш;

ўрмон хўжалигига фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий этиш; республикада ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота дарахтзорларини кўпайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирларида, жарликларда ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишларининг бажарилишини ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги ерлари чўлга айланишининг олдини олишга доир тадбирларни амалга ошириш;

ўрмонларни ёнғиндан, ўзбошимчилик билан кесишдан ва бошқа ўрмон қоидаларини бузишдан ҳимоя қилишни таъминлаш, ўрмонларни зараркунандалар ва касалликлардан асраш, ўрмонларни авиация ёрдамида ва ердан қўриқлаш тизимини такомиллаштириш;

тасарруфидаги ҳудудларда қўриқхона ишларини ва овчилик хўжалигини юритиш;

овчилик хўжаликларини идоровий бошқариш ва назорат қилиш, ўрмон фонди ҳудудида овчилик қоидалари, нормалари ва муддатларига риоя қилинишини таъминлаш;

шифобахш ва овқатбоп ўсимликлар, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик маҳсулотларини тайёрлаш ва етиштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, ушбу мақсадлар учун ихтисослаштирилган бўлинмалар тузиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (ўрмон хўжаликлари, шифобахш ўтлар етиштиришга ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликлари)нинг эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, уларнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уларни хўжалик юритишнинг бозор шакалига ўтказиш;

хорижий инвестицияларни жалб этиш, ўрмон хўжалиги соҳасида қўшма корхоналар ташкил қилиш, хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;

Ўрмон хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари учун малакали кадрлар тайёрлаш.

Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган бошлиқ Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари бошчилик қилади. Бошлиқнинг Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тайинланадиган икки нафар ўринбосари бўлади. Бошлиқ ўринбосарлари ўртасида вазифаларни Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи тақсимлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тайинланадилар. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи бошқармага юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, ўз ўринбосарларининг, бўлимлар бошлиқларининг Бош бошқарма фаолиятининг айрим соҳаларига раҳбарлик қилиши, шунингдек ўрмон хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари иши учун жавобгарлиги даражасини белгилайди. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ва уларни бажариш юзасидан Бош бошқарма тизими корхоналари, ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва йўриқномалар чиқаради, кўрсатмалар беради, уларнинг ижросини текширади.

3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш. Давлат назорати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги Қарори⁹ билан донни харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида бошқарувни тубдан такомиллаштириш, ортиқча оралиқ тузилмаларни тугатиш, тармоқда бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ва инвестицияларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш мақсадида “Ўздонмаҳсулот” давлат-акциядорлик корпорацияси очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясига айлантирилди ҳамда қуйидагилар компаниянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш;

юқори сифатли уруғ навлари, ёрма, омихта ем, шунингдек, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда

⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 31 (115) сон, 358 м.

иктисодлиёт тамоқлари ва республика аҳолисини улар билан таъминлашни ташкил этиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарининг дон етиштирувчилар-ширкат ва фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатлари механизмларини, шу жумладан донни қабул қилиш, сифатини баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларини такомиллаштириш, дон сифатини таъсирчан назорат қилиш ва уни ҳолисона баҳолаш тизимини яратиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашга, Ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга кўмаклашиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматлари кўрсатиш, уларнинг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасида дон, мойли экинлар, уларнинг уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, қўшимча маҳсулотлар, чиқиндилар, омухта озуқаларнинг давлат ресурсининг сифати, сақланиши ва оқилона фойдаланилиши устидан давлат назорати соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси («Ўздавдонинспекция») ҳисобланади.

2004 йил 8 июнда доннинг сифатини, сақланишини, дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларидан оқилона фойдаланилишини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 269-сонли қарори¹⁰ қабул қилиниб, унга кўра қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

дон етиштириш, донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилишини, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобуд бўлишини қисқартириш таъминланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига, шунингдек қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш методларига риоя қилинишини мунтазам назорат қилиб бориш;

дон етиштирувчиларга ва донни сақлаш ҳамда қайта ишлаш корхоналарига донни ўриб-йиғиб олиш, тозалаш, қуритиш, ишлов бериш, қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашга оид норматив-ҳужжатларни, илгор технологияларни жорий этиш масалалари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Давлат дон инспекцияси тизимига ҳудудий бўлинмалар, марказий ва минтақавий лабораториялар киради. Ҳудудий бўлинмалар, марказий ва

¹⁰ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 22-23-сон, 266-модда.

минтақавий лабораториялар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита «Ўздавдонинспекция»га ҳисоб беришади.

«Ўздавдонинспекция» ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати, сақланиши, улардан оқилона фойдаланилиши, уларни жойлаштириш, ишлаб тайёрлаш, қайта ишлаш, сотишнинг зарур тартибига риоя қилиниши, уларни миқдори ва сифати бўйича ҳисобга олишнинг тўғрилиги, дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан фойдаланувчи короналарда уларни сақлашда табиий нобуд бўлиш нормалари қўлланишининг асосланганлиги устидан давлат назоратини амалга оширади; республика ҳудудида ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида пайдо бўладиган баҳсли ҳолларда, шунингдек экспорт-импорт операцияларида ўз ваколатлари доирасида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати бўйича синовлар ўтказиши ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган ҳулосалар беради. «Ўздавдонинспекция»нинг дон маҳсулотлари сифати бўйича ҳулосаси узил-кесил ҳисобланади; Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан озиқ-овқат балансларини тузишда қатнашади, харид қилиш мўлжалланаётган дон сифати бўйича, шу жумладан импорт бўйича, шунингдек уни экспорт қилишда, таклифлар киритади; давлат ресурсларидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг доннинг сифати, сақланиши ва ундан оқилона фойдаланилиши масалалари бўйича ҳисоботларини эшитади; дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати, сақланиши, улардан оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳисобини юритиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнларни амалга ошириш, шу жумладан ташиш ва сақлаш вақтида уларнинг табиий нобуд бўлиши нормаларини аниқлаш масалалари бўйича норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади, белгиланган тартибда тасдиқлайди ва қелишиб олади; бош давлат дон инспекторлари иш тартибини тартибга солувчи текшириш қондаларини, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати тўғрисидаги сертификатлар шаклини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди; дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш давлат дастурларини тайёрлашда қатнашади; давлат ресурсидаги дон сифатининг ёмонлашиши, нобуд бўлиши ҳоллари ва сабабларини аниқлайди, зарурат бўлганда уларни бартараф этиш бўйича ёзма буйруқлар беради ва **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини** дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари давлат ресурсининг сақланиши ва улардан фойдаланиш ишларининг аҳволи тўғрисида хабардор қилади харид қилишда, экспорт-импорт операцияларида, республика ичида ташишда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини давлат томонидан мажбурий назорат қилишни амалга оширади; дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналари билан биргаликда давлат ресурсларига харид қилинадиган

янги ҳосил дони сифатини ҳар йили текширувдан ўтказади, унинг технологик тавсифларини таҳлил қилади.

«Ўздавдонинспекция» ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг ҳудудий бўлинмалари, марказий ва минтақавий лабораториялари орқали ҳал қилади.

«Ўздавдонинспекция» ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, сақловчи, қайта ишловчи ва давлат ресурсларига сотувчи корхоналар ва ташкилотларни белгиланган тартибда текшириш;

текширилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг текшириш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳужжатлари билан танишиш;

ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар учун бажариш мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш, белгиланган тартибда маъмурий жазолар белгилаш, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш, қабул қилиб олиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш қоидаларининг аниқланган бузилишларини белгиланган муддатда бартараф этиш тўғрисида ёзма буйруқлар бериш;

корхоналардан дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари намунасини белгиланган тартибда олиш, текширишлар ўтказиш учун уларнинг лабораторияларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда текшириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун корхоналар мутахассисларини жалб қилиш, зарурат бўлганда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари намуналарини қўшимча тадқиқ қилиш учун тегишли лабораторияларга жўнатиш;

зарурат бўлганда дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналарида давлат ресурсларига мўлжалланган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг келтирилаётган ва автомобиль ҳамда темир йўл транспортида юклаб жўнатилаётган партияларини, шунингдек давлат ресурсларидаги донни тарозида қайта тартиб кўриш;

дон ва маҳсулотлар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилиги асосли равишда шубҳа туғдирган ҳолларда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари давлат ресурслари қолдиқларини тарозида қайта тартиб кўрган ёки стандарт масса бўйича қопларга жойлаштирилган маҳсулотни қайта ҳисоблаб чиққан ҳолда навбатдан ташқари хатловдан ўтказишни тайинлаш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш учун яроқсиз бўлган омборларга жойлаштиришни тақиқлаш, технология ва санитария тартибларининг қўпол равишда бузилиши аниқланган ҳолларда айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар ва корхоналар ишини, шунингдек норматив ва техник ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган мақсадда сотишни ушбу тартиб бузилишлари бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш;

хўжалик юритувчи субъектларга, бирлашмаларга ва бошқа товар ишлаб чиқарувчиларга шартнома асосида дон ва донни қайта ишлаш

маҳсулотлари сифатини баҳолаш бўйича хизматлар, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш.

«Ўздавдонинспекция»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради. Бошлиқнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади. Бошлиқ мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бошлиқ ўринбосари - вазир ўринбосарига тенглаштирилади. «Ўздавдонинспекция» марказий лабораторияси мудирини бевосита Давлат дон инспекцияси бошлиғига бўйсунди. Минтақавий лабораториялар мудирлари ўз жорий ишларини жойлашган жойидаги ҳудудий бўлинма бош давлат инспектори раҳбарлигида ва марказий лабораториянинг методик ёрдамида амалга оширади.

Назорат учун саволлар:

1. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва функциялари нималардан иборат?
3. Ўрмон хўжалигини бошқариш тўғрисида маълумот беринг.

3-мавзу. Қурилишни бошқариш

1. *Қурилиш соҳасини бошқаришнинг мазмуни*
2. *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси*
3. *Давлат архитектура-қурилиш назорати*

1. Қурилиш соҳасини бошқаришнинг мазмуни

Капитал қурилиш соҳаси мамлакат ишлаб чиқаришининг моддий асоси бўлиб ҳисобланади. Ушбу соҳа орқали янги ишлаб чиқариш объектлари, турар-жой, маданий-маиший ва маъмурий бинолар қурилади ёки мавжуд объектлар таъмирланади.

Ўтган йиллар мобайнида ҳукуратимиз томонидан капитал қурилиш соҳасида ҳам бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» № 211-Фармонида кўра Қурилишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг 1998-2000 йилларга мўлжалланган Дастурига мувофиқ, шунингдек, капитал қурилишда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, қурилиш соҳасидаги бошқариш тузилмаларини монополиядан чиқариш ва ихчамлаштириш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон саноат ва хўжалик қурилиши - «Ўзсаноатхўжалиққурилиш» давлат корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ишлаб чиқариш давлат-кооператив қурилиш бирлашмаси - «Ўздеҳқончиликқурилиш», Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги кооператив ва акциядорлик қурилиши корхоналари уюшмаси- «Ўзжамоатқурилиш» тугатилиб, тугатилган «Ўзсаноатхўжалиққурилиш» корпорацияси, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси ва «Ўзжамоатқурилиш» уюшмаси таркибига кирувчи пудрат қурилиш трестлари, бошқармалар, бирлашмалар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар мустақил юридик шахслар сифатида сақлаб қолинди. Қурилиш, архитектура, шаҳарсозлик, соҳасидаги фаолиятни, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлаштириш ва функционал бошқариш *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси («Давархитектқурилиш»)* томонидан амалга оширилади.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси: - шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади; - ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади; - ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси таркибига қуйидагилар киради:

- Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси;
- вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош

бошқармалари;

- шаҳарлар ва туманлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

- Давлат экспертизаси ҳудудий бошқармалари;

- Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари;

- Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказлари;

- Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази;

- Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази;

- «AQATM» ахборот-жорий этиш маркази.

Қуйидагилар «Давархитектқурилиш» қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни жойлаштириш, режалаштириш ва қуришнинг илмий асосланган схемаларини таъминлаш;

- лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий ва техника сиёсатини амалга ошириш, тегишли ахборот базасини яратиш;

- капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини ақс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, капитал қурилишда ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамаси киритиш;

- капитал қурилишни янада ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторингини олиб бори, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини янада шакллантиришга қўмаклашиш;

- хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда, хусусий ва қўшма корхоналар, инжиниринг, консалтинг, суғурта ташкилотлари ва бозор инфратузилмасининг бошқа ташкилотларини ташкил этишда, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қўмаклашиш;

- танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш, объектлар қурилиши сифати ва муддатлари устидан назорат қилиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш;

- қурилиш ва қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш тартибини белгилаш ва у бўйича ишларни ташкил этиш, лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ҳам шу жумлага киради;

- шаҳарлар, қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя қилиниши, маданий мерос объектлари сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатларини яхшилаш, архитектура ва шаҳарсозликда миллий ва маданий анъаналарни ривожлантириш устидан назорат қилиш.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди, уларга риоя этилиши ва уларнинг қўлланиши устидан мониторингни амалга оширади;

- ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича республика мақсадли дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозларининг шаҳарсозлик бўлимларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳоли жойлашининг Бош схемаси ишлаб чиқилишини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (вилоятлар гуруҳлари) ҳудудларини режалаштириш схемалари ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шунингдек шаҳарсозлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишлари ишлаб чиқилиши ташкил этилишини таъминлайди;

- шаҳарлар, шаҳар посёлкаларининг бош режаларини тасдиқлайди, тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига тегишли бўлган шаҳарларнинг бош режалари бундан мустасно, ва Тошкент шаҳрининг, вилоят марказларини ва маданий мерос объекти аҳамиятига эга бўлган шаҳарларнинг марказий қисmlарини батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари учун чегараларни белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

- давлат шаҳарсозлик кадастри, шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги юритилишини амалга оширади, шаҳарсозлик ва танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиши;

- капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг бориши ва унинг аҳволини, лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотларини, қурилиш индустрияси корхоналарини рейтинг баҳоларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини жорий этади;

- лойиҳалаш ва пудрат ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар банкни, шунингдек қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари нархлари, қурилиш машиналари ва механизмлари қиймати, транспорт харажатлари, ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурувчи ишчилар иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкни шакллантиради;

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилиши, рўйхатдан ўтказилиши, тасдиқланиши, амалга жорий этилиши ва қайта кўриб чиқилиши тартибини белгилайди;

- муҳандислик изланишлари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга оширади, капитал қурилиш учун комплекс муҳандислик изланишларининг давлат фондиди яратади;

- турар жой, жамоат бинолари ва бошқа биноларнинг кўп марталаб қўлланиладиган яқка тартибдаги, намунавий ва тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

- лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига, шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятида шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширади, қурилиш объектлари рўйхатдан ўтказиши ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар беради;

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қоида бузилишлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий ва бошқа жазоларни белгиланган тартибда қўллайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда материалларни йўл қўйилган қоида бузишларда айбдор бўлган юридик ва мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради;

- капитал қурилишда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ишларини ва танлов савдолари мониторингини, шартнома муносабатларини мустаҳкамлаш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши таъминланиши учун жавобгарликнинг турли шакллари жорий этиш бўйича ишларни ташкил этади;

- қурилиш қийматини аниқлаш методларини ишлаб чиқади, моддий-техника ресурслари сарфининг смета-норматив базасини ва норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни ташкил этади;

- капитал қурилишда шартномавий жорий нархлар ва тарифларни шакллантириш бўйича методологик кўрсатмалар ва тавсияларни ишлаб чиқади;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик

фаолиятида таркибий, илмий-техник ва иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

- тармоқни ривожлантиришнинг ягона илмий-техник концепцияси ўтказилишини таъминлайди ва мақсадли илмий-техник дастурларни амалга оширади;

- қурилишнинг техник даражаси ва индустриялаштирилишини ошириш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, материаллар ва меҳнат сарфини камайтириш, қурилиш материалларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш, капитал қурилишда ишларнинг сифатини яхшилаш ишларини ташкил этишда қатнашади;

- шаҳарсозлик фаолияти, инвестиция жараёнини бошқариш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини такомиллаштириш, янги техникани ва қурилиш-монтаж ишлари технологияларини қўллаш масалалари бўйича хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан халқаро илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади ва уларда қатнашади, мамлакатимиз корхоналари ва ташкилотларига хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда кўмаклашади;

- ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

- қурилиш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялайди, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш соҳасида лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функциясини бажаради, унинг қарорларига кўра лицензияларни расмийлаштиради, лицензия битимлари тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади, лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туради ҳамда лицензияларнинг амал қилишини тиклайди;

- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлашни амалга оширади;

- ҳар йили 1 февралгача Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда қурилиш маҳсулотлари қийматига таъсир қилувчи нарх шакллантирувчи омилларнинг ҳолати тўғрисидаги таҳлилдий маълумотномаларни тақдим этади, унда марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектлар қурилишига харажатлар моддалар бўйича кўрсатилади;

- аҳолини шаҳарсозлик фаолияти тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги. «Давархитектқурилиш» қўмитасига ўзига юкланган функцияларни амалга ошириши учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

- ўз ваколатлари доирасида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида капитал қурилишдаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш;

- ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, корхоналар ва ташкилотлардан сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

- ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва методологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

- ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш, ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича хорижий давлатлар билан битимлар тайёрлаш ва тузишда, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар (комиссиялар) ишида қатнашиш;

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг муҳим муаммоларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар ва кенгашлар ташкил этиш;

- илмий-тадқиқот, технология, лойиҳа-конструкторлик ташкилотларини, олий ўқув юртлири ва бошқа муассасалар мутахассисларини, шунингдек алоҳида олимларни материалларни ишлаб чиқишга жалб этиш;

- шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги энг яхши илмий-техник ишланмаларни ҳамда ҳудудларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини танлаш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссиялари ташкил этиш;

- лойиҳалаштириш ва қуришнинг сифати ҳамда техник даражасини, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларни стандартлаштириш ва сертификатлаш ишлари ташкил этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш; назорат натижалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

- танлов ҳужжатларининг сифати ва таркибини, марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган капитал қурилишда товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя этилишини текшириш;

- молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилаётган қурилишда танлов савдолари натижалари тўғрисида буюртмачиларнинг ҳисоботларини келишиш;

- молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига амалга оширилаётган қурилиш объектлари бўйича танлов савдолари ва тузилган шартномалар шартларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини ўтказиш;

- тасдиқланган лойиҳа ҳамда қурилиш нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда амалга оширилаётган объектлар қурилишини тўхтатиб қўйиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солиш ва бошқа жазолар бериш;

- материалларни объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш қоидаларини бузиш ҳоллари бўйича - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳамда объектларни (якка тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари) қурилиш нормалари ва қоидалари бузилган ҳолда фойдаланишга топшириш ҳоллари бўйича статистика органларига статистика ҳисоботидан чиқариш учун - бериш;

- вазирликлар, идоралар ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа органларининг, шунингдек улар тасарруфидаги ташкилотларнинг шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти масалалари бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритиш;

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мустақил равишда ёки бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш.

«Давархитектқурилиш» қўмитаси қуйидагилар учун жавоб беради:

- шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари технологияларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни жойлаштириш, режалаштириш ва қуришнинг илмий асосланган схемаларини таъминлаш;

- шаҳарлар, қишлоқ аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқлар орасидаги ҳудудларни режалаштириш ва қуришда лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя қилинишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг архитектура-режалаштирилиши ва архитектура-бадий сифатларини яхшилаш, архитектура шаҳарсозликда миллий аънаналарни ривожлантириш устидан назорат қилиш;

- лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари сифатини ошириш, қурилишда норматив базани янгилаш;

- капитал қурилишни янада иқтисодий ислоҳ қилиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш, нархларни шакллантириш, пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорини ривожлантириш методларини такомиллаштириш;

- моддий-техника ресурсларини сарфлашнинг смета-норматив базасини ва норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига риоя қилиш, танлов савдолари натижалари бўйича тузилган шартнома мажбуриятларининг буюртмачилар ва пудратчилар томонидан бажарилиши мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

Кўмита фаолиятини ташкил этиш. «Давархитектқурилиш» кўмитасига белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади. Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш давлат кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарор тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси томонидан қабул қилинади.

Бошқа таркибий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси раиси қабул қилади.

Кўмилада таркибига раис (ҳайъат раиси) ва раис ўринбосарлари, шунингдек «Давархитектқурилиш» кўмитаси ва унинг таркибий бўлинмаларининг бошқа ходимлари кирувчи 9 кишидан иборат ҳайъат тузилади. Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Давархитектқурилиш» кўмитаси ҳайъати ўз мажлисларида шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона сиёсатни ўтказиш, шаҳарсозлик даражасини ошириш, қурилишда илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларини ҳамда «Давархитектқурилиш» кўмитаси фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқади, «Давархитектқурилиш» кўмитаси ташкилотларига амалий раҳбарлик қилиш масалаларини, шунингдек қарорлар, буйруқлар, қоидалар, йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилади.

2. Давлат архитектура-қурилиш назорати

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида архитектура-қурилиш соҳасида давлат стандартларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси тизимига кирувчи *давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси* таъминлайди. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасига ҳисоб беради.

Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади: юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, белгиланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; объектлар қурилишини молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, қурилишнинг барча босқичларида лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатига, давлат стандартларига, қурилиш нормалари ва қоидаларига,

ишларни амалга ошириш технологиясига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; молиялаштириш манбаларидан ва буюртмачининг мулкчилик шаклларида қатъи назар, яққа тартибдаги уй-жой қурилишидан ташқари, барча қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатномалар бериш; бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг, қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг давлат стандартлари талабларига ва техник шартларга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш; қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмларини ишлаб чиқариш шарт-шароитларининг давлат стандартларига, норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш; қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишларида мажбурий равишда қатнашиш; иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, объектларни қуриш ва қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқариш сифати устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш масалалари бўйича норматив-методик ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш; қурилишда стандартлаштириш ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини сертификатлаш бўйича ишларни амалга ошириш.

Инспекция ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги назорат функцияларини бажаради:

а) капитал қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш (яққа тартибдаги уй-жой қурилиши объектлари бундан мустасно) ва қурилиш-монтаж ишларини бошлашга рухсатнома беради;

б) қуйидагиларни: аҳоли яшаш пунктларини қуришнинг бош режаси амалга оширилишига риоя қилинишини; ер участкалари ажратишнинг аҳоли яшаш пунктларини қуришнинг бош режаси қоидаларига мувофиқлигини; лойиҳа ҳужжатларининг норматив талабларга мувофиқлигини; қизил чизиқларга риоя қилинишини; ажратилган ер участкаларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади; бошланғич - рухсат бериш ҳужжатлари мавжудлигини назорат қилади ва бош режаларга риоя этилишини назорат қилишда аниқланган ўзбошимчилик билан амалга оширилаётган қурилишни тўхтатиб қўяди, бош режаларнинг аниқланган бузилишларини таҳли қилади, тенденцияларни ҳудудлар бўйича умумлаштиради ҳамда ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармасига, ҳокимликка ва «Давархитектқурилиш» қўмитасига таҳлилий ахборот ва бош режалар бузилишини бартараф этиш юзасидан таклифлар тақдим этади; лойиҳалаш ва пудрат ташкилотларида - ишлар ва хизматларни бажарувчиларда лойиҳалаш ва қурилиш фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган лицензияланадиган турларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияларнинг мавжудлигини; бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатли ва қурилиш нормалари ва қоидаларига, норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини, шунингдек пудрат ташкилоти томонидан ижро ҳужжатлари юритилишини; умумий

фойдаланиладиган автомобиль йўллари, тегишли йўл инфратузилмаси қурилиши ва таъмирланишини; норматив-техник ва лойиҳа ҳужжатларида назар тутилган синовлар, суратга олишлар ва ўлчашлар ўтказилишини; қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг давлат стандартларига, нормалар ва техник шартларга мувофиқлигини; қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш шароитларининг давлат стандартлари, нормаларига ва техник шартларга мувофиқлигини назорат қилади;

в) техника комиссияларининг бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари ва конструктив элементларининг авария ҳолатларини ва авариялари сабабларини текшириш бўйича ишларида қатнашади;

г) шартнома асосида мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник аҳволини уларни тиклаш ёки реконструкция қилиш мақсадида текширади ва хулосалар беради;

д) зарур ҳолларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг назорат ўлчовини амалга оширишда қатнашади;

е) қурилиш маҳсулотларининг сифатини таъминлаш, қонун ҳужжатларига риоя қилиш масалалари бўйича давлат назоратининг бошқа ваколатли органлари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаштириш ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

ж) қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига давлат стандартлари, қурилиш нормалари ва қоидалари талабларининг бузилишига йўл қўяётган ташкилотлар ва корхоналарнинг муҳандислик-техник қидирувларни ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида таклифлар киритади;

з) қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилиш соҳасидаги қонун бузилишлари учун жарима санкциялари белгилаш тўғрисида қарор қабул қилади;

и) ўтказилган назорат натижаларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, қурилиш сифатини яхшилаш бўйича норматив талабларни, методик ва йўриқнома ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

к) қурилишда стандартлаш ва қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини сертификатлаш ишларини олиб боради.

Инспекция: лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг зарур сифати таъминланиши; бинолар ва иншоотларнинг сейсмик барқарорлигини таъминлаш тадбирларининг бажарилиши, рўйхатдан ўтказилган қурилиш объектларини архитектура жиҳатидан жиҳозлаш нормаларига, қоидалар ва стандартлар, техник шартларга риоя этилиши; лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг сифатини яхшилаш масалаларини тартибга солувчи норматив талаблар, методик ва йўриқнома ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилиши; қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари-

нинг давлат стандартларига, нормалар ва техник шартларга мувофиқлиги устидан зарур назорат таъминланиши; қурилиш индустрияси корхоналарида қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқариш шароитларининг давлат стандартлари, нормаларига ва техник шартларга мувофиқлиги учун жавоб беради.

Инспекция ўз вазифа ва функцияларини амалга оширад экан куйидаги ҳуқуқларга эга бўлади: юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ташкилотларда, қурилиш объектларида ҳамда қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бўлиш; лойиҳалаштириш, пудрат ташкилотлари ва буюртмачи ташкилотлардан лойиҳа, технология ва ижро ҳужжатларини ҳамда қўлланилаётган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун зарур бўлган бошқа материалларни олиш; пудрат ташкилотларига конструкциялар, узеллар ва деталларнинг айрим элементларини очишни, тағзаминдаги тупроқни синашни ва қайта ёпиб қўйишни, қўлланилган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини, муҳандислик тизимларини синаб кўришни топшириш, зарурат бўлганда тегишли хулоса тайёрлаш учун экспертларни жалб қилиш; қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялар ишида қатнашиш; йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида ўз ваколатлари доирасида қурилиш қатнашчилари ва қурилиш материаллари, буюмлари, конструкцияларини тайёрловчилар (етказиб берувчилар) томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш; вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг объектлар қурилиши сифатини назорат қилувчи техник назорат ишлаб чиқариш хизматлари ҳамда синов лабораториялари ишини танлаб назоратдан ўтказиш; лойиҳани ишлаб чиққан муаллифлар томонидан муаллифлик назорати юритилишини назорат қилиш, асосланган ҳолларда уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкциялар қўллаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига таклифлар киритиш; Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига капитал қурилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузувчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ санкциялар қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш; қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмларини тайёрлаш, юклаш-тушириш, ташиш, сақлаш бўйича давлат стандартлари талаблари ва техник шартлар бузилишлари аниқланганда уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш; тасдиқланган лойиҳа ечимлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда, ушбу бузилишлар пишиқлик ва мустаҳкамлик тавсифларини пасайтиришга олиб келганда, шунингдек бинолар ва иншоотларда авария хавфи пайдо бўлганда, объектлар ўзбошимчалик билан қурилганда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилишини тўхтатиб туриш, яқка тартибдаги уй-жой қурилиши бундан мустасно; буюртмачи ва пудратчининг ташкилотларига капитал қурилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларини бузаётган мансабдор шахсларни жавоб-

гарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритиш; бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва қурилиш объектларининг ҳолати ҳақида эксперт хулосалари бериш; қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда қондалар бузилганлиги тўғрисидаги материалларни тегишли органларга ва қонун ҳужжатларида белгиланган қабул қилиш қондалари бузилган ҳолда топширилган объектларни статистика ҳисоботидан чиқариш тўғрисидаги материалларни статистика органларига бериш.

Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциясининг давлат инспекторлари ўз функционал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ҳар йили ўтказиладиган аттестация натижаларига кўра бериладиган сертификатлар асосида амалга оширадилар. Қурилиш объектларида назорат ишлари буюртмачи ва пудратчининг буйруқлари билан тайинланадиган уларнинг масъул вакиллари иштирокида ўтказилади. Зарур ҳолларда назорат мақсадлари учун лойиҳалаштириш, банк ва (ёки) бошқа манфаатдор ташкилотлар мутахассислари шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Қурилиш материаллари, конструкциялари, буюмлари саноати қорхоналарида назорат ишлари ишлаб чиқаришнинг техник шартларига риоя этилиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар (бош муҳандис, цех бошлиғи, техника назорати бўлими бошлиғи ва бошқалар) шити-рокида ўтказилади.

Назорат ишлари натижаларига кўра ишларни бажариш дафтарига тегишли ёзув ёзилади, Инспекция инспектори, буюртмачи ва пудратчининг вакиллари имзолайдиган далолатнома тузилади, зарур ҳолларда ёзма кўрсатма берилади. Буюртмачи ёки пудратчи вакиллари далолатномада баён қилинган хулосаларга рози бўлмаган тақдирда, уни ўз эътирозларини ёзма шаклда қайд этган ҳолда имзолайдилар. таҳли

Инспекция инспекторлари ўз функционал вазифаларини бажаришда давлат назоратининг бошқа ваколатли органлари, солиқ инспекцияси, банк муассасалари, прокуратура органлари, судлар, ҳокимликларнинг тегишли хизматлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ва оммавий ахборот воситалари органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Назорат учун саволлар:

1. Мамлакатимизда қурилиш соҳасида кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар тўғрисида маълумот беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Давлат архитектура-қурилиш назоратининг моҳияти нимадан иборат?

4-мавзу. Хўжалик – хизмат кўрсатиш комплексини бошқариш

1. Транспорт соҳасини бошқариш.

а) темир йўл транспортини бошқариш ва шу соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

б) автомобиль ва сув транспортини бошқариш;

в) шаҳар йўловчи транспорти;

г) ҳаво транспорти.

2. Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш.

3. Алоқа соҳасини бошқариш.

4. Коммунал хизмат кўрсатиш

5. Маиший хизмат кўрсатиш.

1. Транспорт соҳасини бошқариш

Транспорт соҳаси-иқтисодийнинг йирик тармоқларидан бири бўлиб, юклар ва йўловчиларни тўлиқ ва ўз вақтида ташишни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси транспорт тизими ҳаво транспорти, темир йўл транспорти, сув (дарё) тарспорти ва автомобиль транспортидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси транспорт тизими ушбу соҳани тартибга солувчи қонунлар, Ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

А). Темир йўл транспортини бошқариш.

Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги қонунига биноан тартибга солинади. Шунингдек, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланиш чоғида темир йўл транспорти корхоналари билан юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Темир йўл устави билан ҳам белгиланади. Темир йўл транспортда юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишни ташкил этиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тасдиқланадиган юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари, шунингдек бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл транспорти (темир йўл) - умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборатдир. Ташиш жараёнининг узлуксизлигини, ҳаракат хавфсизлигини ва авария-тиклаш ишлари ўтказилишини бевосита таъминловчи темир йўл транспорти корхоналари,

умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл транспортининг бошқа мол-мулки мутлақ давлат мулкидир. Ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган темир йўл транспорти мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилиши мумкин.

Темир йўл транспорти ерлари жумласига давлат томонидан темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги қонуннинг 8-моддасига биноан, Темир йўл қатновлари қуйидаги турларга бўлинади:

ички қатновлар - юklar, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси доирасида ташиш;

халқаро қатновлар - юklar, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

тўғри аралаш қатновлар - юklarни ягона транспорт ҳужжати бўйича транспортнинг ҳар хил турларида ташиш. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун юklarнинг махсус турлари ташилишини таъминловчи ташишлар махсус ташишлар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги фармони билан тузилган **“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компанияси** томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги Фармони билан қуйидагилар темир йўл транспорти соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

мононолиядан чиқариш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш ва темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;

йўловчилар ташиш, ҳаракатдаги таркибни, рефрижератор ва контейнер ҳўжалигини таъмирлаш корхоналарини босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма, юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш объектларини, таъмирлаш-қурилиш, савдо ва таъминот ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар. шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этиш;

бошқарув тизимига ва ташиш жараёни қатнашчилари ўртасидаги ҳўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

темир йўл комплексини реконструкция қилиш, янгилаш ва замонавийлаштиришга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш;

мамлакат иқтисодиётининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда темир йўл транспортининг аҳамиятини кучайтириш, темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш.

Шунингдек ушбу фармонга биноан компания очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди ва унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юкланди:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

вокзалларда ва поездларда йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш, бошқа сервис хизматлари кўрсатиш бўйича мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш;

темир йўлларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг поездлар ўтказиш қобилиятини ошириш, ягона техника сиёсати асосида илғор технологияларни, менежментнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш;

чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва темир йўл транспорти ҳамда халқаро юк ва йўловчилар ташиш соҳасида халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 августдаги 366-сонли “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига¹¹ кўра *“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компанияси:*

юкларни ҳамда йўловчиларни ташиш ҳажмларини халқ, хўжалиги ва республика аҳолисининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, давлат буюртмалари шунингдек, тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ва контрактлар асосида мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади;

тўла тижорат ҳисоб-китоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлайди, ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятга оид масалаларни мустақил равишда ҳал қилади суғурта, захира ва бошқа фондларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл бўлимлари, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга оид илгари тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича Ўрта Осиё темир йўлининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

халқаро темир йўлларда ва аралаш темир йўл алоқаларида йўловчилар ҳамда юкларни ташишни ташкил этишда хорижий темир йўллар

¹¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2004 йил, 31-сон, 363-модда.

олдида «Ўзбекистон темир йўллари» деб номланган юридик шахс сифатида иш юритади;

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Компанияга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Ўзбекистон Республикасида темир йўллارни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

темир йўллардан техник фойдаланиш ва юк ҳамда йўловчилар ташиш шартлари бўйича норматив ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш;

халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти манфаатларини ифодалаш, хорижий темир йўллар (идоралар), ташкилотлар ва фирмалар билан юк ва йўловчилар ташиш, халқаро транспорт алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича битимлар ёки шартномаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўллар атрофида ажратилган ерлар доирасидаги жойлардан фойдаланиш, уларда иморатлар ва иншоотлар қуриш тартибини белгилаш.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раис ва унинг 5 нафар ўринбосаридан, шу жумладан 1 нафар бош менежер-бош муҳандисдан ва раиснинг 1 нафар биринчи ўринбосаридан иборат бўлади. Раис ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Таркибда 11 кишидан иборат бўлган Компания кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Давлат назорати - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 2 мартдаги Фармониغا биноан компания таркибидаги поездлар ҳаракати хавфсизлиги бўйича бош тафтишчи аппарат компания таркибидан чиқарилиб, унинг негизида мустақил Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўлназорат») ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади, у поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш ҳамда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид белгиланган қоидалар ва нормаларга тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан ривож этилишини, шунингдек «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва транспорт қурилиши корхоналарида қозонхоналар ва кўтариш иншоотларидан хавф-хатарсиз фойдаланилишини назорат қилувчи Ўзбекистон Республикасининг темир йўл маъмурияти функцияларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва

йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги чора-тадбирлари» тўғрисидаги 101-сонли қарори¹² билан инспекциянинг асосий вазифалари этиб қўйилганлиги белгиланди:

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлиги таъминланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ва темир йўл транспорти объектларини, маҳсулотларини ва технологияларини уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга қабул қилиш ишларида қатнашиш.

Унинг тизимига ҳудудий филиаллар Тошкент, Фарғона, Бухоро, Оролбўйи ва Қашқадарё филиаллари ҳамда атроф муҳит муҳофазаси бўйича темир йўл илмий ишлаб чиқариш маркази киради.

Инспекция ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда олиб боради ҳамда ўз ваколатларига тегишли масалалар бўйича қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, темир йўл транспорти хизматлари кўрсатувчи ёки улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

“Ўздавтемирйўл назорат” инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техник фойдаланиш қоидаларига, поездлар ҳаракати ва маневр ишлари йўриқномасига, сигнализация ва алоқа йўриқномасига, шунингдек, темир йўл транспорти техника воситаларининг авариясиз ишлашини тартибга солувчи бошқа йўриқномалар ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини олиб бориш; темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш бўйича фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш; тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва темир йўл транспортида

¹² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 9-сон, 108-модда.

юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминловчи техник воситаларнинг ишончилигини оширишга қаратилган олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш; темир йўл транспорти соҳасида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларнинг вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш; лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва объектларни, маҳсулотларни ва технологияларни, уларнинг темир йўл транспорти соҳасидаги белгиланган талабларга мувофиқлиги жиҳатидан, фойдаланишга қабул қилиш ишларини амалга ошириш; «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг лавозимга янгидан тайинланаётган ходимларининг, шунингдек вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи ходимларининг техник фойдаланиш қоидаларини ва йўриқномаларни билишини белгиланган тартибда комиссия тузиб, вақти-вақти билан текшириш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юз берган фавқулодда ҳодисалар (авария, ҳалокат)га оид хизмат текширувлари ўтказилишида иштирок этиш ҳамда МДХнинг бошқа мамлакатлари ва хорижий мамлакатлар ҳудудида йўловчи ташиш поездлари билан бўлган темир йўл ходисаларига оид хизмат текширувини ўтказишда белгиланган тартибда иштирок этиш; вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўтказилаётган поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари бузилишининг хизмат текширувлари тўғрилигини назорат қилиш; вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари бузилиши ҳисобини юритиш ҳамда таҳлил қилиш; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолларини ҳамда уларнинг сабабларини таснифлаш ва улар юзасидан хизмат текшируви ўтказиш тартиби бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; темир йўл транспорти объектларини тайёрловчи, қурувчи ва улардан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг поездлар хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлаш юзасидан ишларини техник текширишни ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш; темир йўл транспортда хавфли юклар, қуро-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий контингентларни транзит ташишда хулосалар бериш; «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда транспорт қурилиши корхоналарида қозонхона объектлари ва кўтариш иншоотларини сақлаш ва улардан хавф-хатарсиз фойдаланиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар, норматив ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига қарашли ҳудудий филиаллар орқали ҳал қилади.

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Инспекция бошлиғи мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғи:

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда унга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари ва инспекциянинг ҳудудий филиаллари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ҳодимларнинг белгиланган сони доирасида «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штатлар жадвалини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инспекциянинг харажатлари сметасини тасдиқлайди;

марказий аппарат таркибий бўлинмалари ва Инспекциянинг ҳудудий филиаллари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясининг ҳудудий филиаллари бевосита «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғига бўйсунди.

Б). Автомобиль ва сув транспортини бошқариш- Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги 1998 йил 29 августдаги қонунига биноан автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишлар учун тарифларни шакллантириш, ягона илмий техника сиёсатини ўтказиш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

2001 йил 4 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонида автомобиль ва дарё транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш ва монополиядан чиқаришни чуқурлаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди:

автотранспортда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорти ташкилотлари ва корхоналарини кенг хусусийлаштириш, хусусий автомобиль ташувчилар фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозорида мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобилда ташувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратиш;

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни бошқаришнинг ортиқча бўғинларини тугатиш, бошқарувнинг бир ва икки бўғинли тизимига ўтиш;

автомобиль транспортида бошқаришни марказлаштиришдан чиқариш ва автомобилда йўловчилар ташувчи, юкларни вилоят ичида ташувчи, транспорт-фойдаланиш ва ахборот хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш функцияларини бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш;

йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини мустаҳкамлаш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кучли тизимини яратиш, транспорт хизматлари тизимида сўғуртанинг мустақил бозорини ривожлантириш.

Шунингдек ушбу Фармонга биноан 1993 йил 8 январда ташкил этилган Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси («Ўзавтотранс») тугатилиб, унинг таркибига кирувчи ҳудудий давлат акционерлик концернлари ва бирлашмалари автомобилда ташувчиларнинг ҳудудий уюшмаларига айлантирилди ҳамда ушбу уюшмалар Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ихтиёрига берилди.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль ва дарё транспорти соҳасида давлат бошқаруви *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги* томонидан амалга оширилади. Агентлик 1998 йил 11 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 296-сонли қарори билан Республика «Ўзавтолицензия» бошқармаси базасида автомобиль ва дарё транспортини бошқаришни ташкил этиш даражасини ошириш ва бу фаолият устидан назоратни кучайтириш, автотранспорт хизматлари кўрсатиш бозорига рақобатни ривожлантириш, ҳаракат хавфсизлиги ва экологик талабларни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги таркибий ва институционал ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳамда автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашиш учун махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Агентлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш республика маркази, «Автотранс-илм» касб малакасини ошириш давлат илмий-методик маркази, «Ўзбекистон автомобилчиси» газетаси таҳририяти киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида» ги Қарори¹³ билан қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш;

автомобиль ва дарё транспорти соҳасида ягона техника сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш;

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни лицензиялашни ташкил этиш;

автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш соҳасида:

автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

автомобиль ва дарё транспортдан фойдаланиш соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади;

агентлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқа давлатлар маъмуриятлари ва тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

автомобиль ва дарё транспорти фаолиятининг норматив базасини такомиллаштириш, амалдаги халқаро автомобиль йўлакларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг янгиларини барпо этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун давлат органларига киритади;

вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, дастурлар, шунингдек тармоқларни ривожлантириш бўйича бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг агентлик фаолиятига оид қисмини, эксперт баҳолайди ва уларга розилик беради;

б) иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг юк ва йўловчилар ташишга эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда автомобиль ва дарё

¹³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2004 йил, 10-сон, 120-модда.

транспортини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

автомобиль ва дарё транспортини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

жамоат автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари таклифлари асосида ишлаб чиқилган йўловчилар ташишнинг халқаро ва вилоятлараро йўналишларини тасдиқлайди;

в) автомобиль ва дарё транспортини хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш соҳасида:

ташиш йўналишларини тендер асосида реализация қилиш механизмларини жорий этади, тендер ташкилотчилари ишларини мувофиқлаштиради;

йўловчилар ташиш бўйича шаҳарлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш юзасидан очиқ тендерларни ташкил этади ва ўтказади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда автомобиль ва дарё транспорти хизматлари учун тариф сиёсатини шакллантиради;

г) ягона техника сиёсатини ўтказиш соҳасида:

халқаро нормаларни ҳисобга олган ҳолда автомобилда ва дарёларда ташишлар бўйича фаолиятни тартибга солиш стандартлари, қоидалари, шакллари ва усуллари юзасидан маълумотларнинг ягона ахборот базасини шакллантиради, илмий-техник ишларни олиб боради;

сувда кишиларнинг ҳаёти қўриқланишини ва кемалар сузиши хавфсизлигини таъминлайдиган кемалар ва сузиб юрвчи қурилмаларни лойиҳалаштириш, улардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш талаблари бажарилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади;

фойдаланилаётган кемалар ва сузиб юрвчи қурилмаларни ҳисобга олади, таснифлайди, рўйхатдан ўтказади, Регистр қоидалари ва шунингдек кемалар ва сузиб юрвчи қурилмаларни таъмирлашга доир бошқа норматив ҳужжатлар қоидалари бажарилишини назорат қилади;

кемаларга ва сузиш воситаларига кема гувоҳномалари, малака гувоҳномалари, сузишга яроқлилик тўғрисидаги гувоҳномани, нефть, оқова сувлар ва ахлат билан ифлосланишнинг олдини олиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳамда Регистр қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни беради;

автомобиль ва дарё транспортда хавфли юклар, қурол-яроғ, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий контингентлар транзитини амалга оширилганда хулосалар беради;

д) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда автомобиль ва дарё транспортида фаолиятни лицензиялашни, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, лицензиялар реестрини юритади;

е) автомобиль ва дарё транспортида кадрларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш соҳасида оммавий касбларга, шу жумладан ҳайдовчиликка тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда тармоқ кадрлари малакасини ошириш бўйича базавий ўқув дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий бўлимлар, ўзига қарашли бошқа органлар ва муассасалар орқали ҳал этади. Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади. Бошлиқнинг икки нафар ўринбосари бўлади. Агентлик бошлиғи мақомига кўра вазирга, бошлиқ ўринбосарлари вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Агентлик бошлиғи:

якка бошчилик асосида агентлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ходимларнинг тасдиқланган чекланган сони ва таъминот харажатлари сметаси доирасида марказий аппарат ва ҳудудий бўлимлар тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

марказий аппарат ходимларини ва агентликнинг ҳудудий бўлимлари, агентлик тизимида кирувчи ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Агентликда таркибига агентлик бошлиғи (ҳайъат раиси), бошлиқ ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва агентлик тизими бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 5 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби агентлик бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агентлик ҳайъати агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, агентликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари агентлик бошлиғининг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Бошлиқ билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлганда бошлиқ ўз қарорини амалга оширади. Пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида бошлиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

В). Шаҳар йўловчи транспорти- Шаҳар йўловчилар транспорти Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган

“Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги қонуни¹⁴ билан тартибга солинади. Шаҳар йўловчилар транспорти деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти тушунилади. Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкин.

Шаҳар йўловчилар транспорти жумласига автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар киради. Автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен ва йўналишли таксилар белгиланган йўналишлар бўйича, ҳаракат жадвалига мувофиқ, белгиланган тарифдаги ҳақ эвазига йўловчилар ташийди. Йўналишсиз таксилар йўловчиларнинг талаблари асосида таксометр (ҳисоблагич) кўрсатиши бўйича ҳақ эвазига ташиш хизматлари кўрсатади.

Давлат шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини лицензиялаш, солиқ солиш, кредитлаш, молиялаш ва нарх белгилаш, инвестиция, ягона илмий-техника сиёсатини амалга ошириш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан тартибга солади. Шаҳар йўловчилар транспортининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожлантириш ва илмий-техника тадқиқотлари ўтказиш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- лицензиялаш тартибини белгилаш;
- кредитлаш, молиялаш ва инвестициялар соҳасида устун йўналишларни аниқлаш;
- метрополитен ва бошқа муҳим объектлар қурилишини молиялаш масалаларини ҳал этиш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил рўёбга чиқариш;
- халқаро шартномалар бажарилишини таъминлаш ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаҳар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш ва комплекс минтақавий дастурларни тасдиқлаш;

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси 1997 йил, 4-5-сон, 124-модда

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳақида шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан шартнома тузиш ва транспорт ҳаракатини ташкил этиш режасини тасдиқлаш;

- йўл қўйиладиган доирадаги тарифларни белгилаш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни уюштириш;

- бекатлар, тўхтаб ўтиш ва диспетчерлик манзилларини, бошқа объектларни жойлаштириш, қуриш ва ободонлаштириш масалаларини ҳал этиш;

- йўловчилар ташиш ишининг сифати устидан назорат қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

2004 йил 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори¹⁵ билан Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш билан банд бўлган корхоналар ва ташкилотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти давлат уюшмаси «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига айлантирилди ва қуйидагилар «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди:

шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришга йўналтирилган ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва шаҳар транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш;

Тошкент шаҳар аҳолисининг шаҳар йўловчилар ташиш транспорти хизматларига эҳтиёжини қондириш, шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг иқтисодий фойдали ва экология жиҳатидан тоза турларини комплекс ривожлантириш;

йўловчилар ташиш транспортда йўл ҳаракати хавфсизлигининг юқори даражасини таъминлаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Г). Ҳаво транспорти. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилади. Ушбу авиакомпания 1992 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси негизида тузилган ва унинг вазифаси ҳисобланади.

Авиакомпаниянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво транспорти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;

¹⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 274-модда.

республика, давлатлараро ва халқаро авиайўлларда авиаташувларга, шу билан боғлиқ хизматларга, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиб ишлашга ва фуқаро авиацияси соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турларига бўлган эҳтиёжни қондириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилма бирликлари, ажралиб чиққан корхоналар томонидан авиация ишларини бажаришда ва ҳаво кемаларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш устидан назорати ўрнатиш;

Авиакомпания фаолиятига ғайриқонуний аралашининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари билан ҳамжиҳатликда амалга ошириш.

Авиакомпания юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган янги таркибий бўлинмалар тузиш, мавжуд корхоналарни тугатиш ва қайта ташкил қилиш масалалари бўйича авиакомпаниянинг амалдаги тузилмасига авиакомпания Кенгашининг Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланган қарори билангина ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Авиакомпаниянинг юқори раҳбар органи унинг Кенгаши ҳисобланади. Кенгашга Авиакомпания Кенгаши раиси бошчилик қилади. Авиакомпания фаолиятини бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан тайинланадиган Авиакомпаниянинг бош директори амалга оширади. Авиакомпаниянинг бош директори лавозими бўйича Авиакомпания Кенгашининг раиси ҳисобланади. Авиакомпаниянинг молия-хўжалик фаолиятини комплекс тафтиш қилиш, шунингдек, унинг фаолияти айрим жиҳатларини текшириш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда унга вакил қилинган органлар ҳамда Авиакомпания тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

2. Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш

Ушбу соҳани бошқариш Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 октябрдан кучга кирган «Автомобиль йўллари тўғрисида» ги қонунига¹⁶ ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қонуннинг мақсади автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонунга биноан автомобиль йўли - транспорт воситалари ҳаракатланиши учун мўлжалланган, уларнинг белгиланган тезликда, оғирликда, ўлчамларда муттасил ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган муҳандислик иншоотлари мажмуаси, шунингдек ушбу мажмуани жойлаштириш учун берилган ер участкалари ва мажмуа устидаги белгиланган доирадаги бўшлиқдир.

¹⁶ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 40-сон, 410-модда.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қуйидагича таснифланади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;
шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари;
хўжалик автомобиль йўллари.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат мулки бўлиб, автомобиль йўлларида фойдаланувчилар учун очикдир. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳоли эҳтиёжларини, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва мудофаа эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ўртасида юклар ва йўловчилар ташишни таъминлайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган йўллар халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва туманларининг маъмурий марказлари, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, маданият ҳамда sanoat марказлари ўртасида транспорт қатновини таъминлайдиган, мазкур марказларни эса, халқаро аҳамиятга молик йўллар билан, аэропортлар, темирйўл станциялари, портлар ва кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшни давлатлар билан боғлайдиган йўллар давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари жумласига киради.

Туманларнинг маъмурий марказларини шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар билан, шунингдек давлат аҳамиятига молик йўллар билан боғлайдиган йўллар маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўллари жумласига киради. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари махсус ваколатли орган ихтиёрида бўлади. Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати белгиланган тартибда тасдиқланади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар доирасида ўтади, мазкур кўчаларнинг Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатида белгиланган тартибда киритилган участкалари бундан мустасно. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчалари давлат мулки бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлади. Хўжалик автомобиль йўллари давлат ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкидир. Технологик мақсадларга хизмат қиладиган йўллар, шохобча, хизмат, патруль ва бошқа шунга ўхшаш автомобиль йўллари хўжалик автомобиль йўллари жумласига киради.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли

автомобиль йўллари таъмирлаш, сақлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик автомобиль йўллари молиялаштириш улар қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Автомобиль йўллари соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган - Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат-акциядорлик компанияси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

автомобиль йўллари соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди; давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг автомобиль йўллари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлайди;

автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ҳамда стандартларга риоя этилишини таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда сақлашни таъминлайди;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ҳисобини юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августда қабул қилинган «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони¹⁷ билан Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концерни **Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтоўл» ДАК)** этиб қайта ташкил этилди.

«Ўзавтоўл» давлат акциядорлик компанияси:

¹⁷ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2003 й., 15-16-сон, 120-модда.

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини белгилайди;
автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сибсатини олиб боради;
умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари лойиҳалаш соҳасидаги нормалар ва стандартларга риоя этилишини таъминлайди;
умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қуриш реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш сифати устидан назоратни амалга оширади;
умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат кадастрини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Юқоридаги фармон билан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари зиммасига, автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса - туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари зиммасига юкланди.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат акцирнерлик концернининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Компанияни бошқаришнинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинландиган Компания кенгаши ҳисобланади. «Ўзавтойўл» ДАК раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимга Компания кенгаши тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги Фармони билан шунингдек, йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси йўл жамғармаси тузилди. Ушбу жамғарма умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, таъмирлаш ва сақлаш учун мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади. Жамғарма:

- Республика йўл жамғармаси маблағлари тушиши ва сарфланишининг ҳар йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

- йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

- умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш;

- умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш, жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Жамғарма маблағлари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун, жамғарма ижро этувчи дирекцияси учун сарфланади. Жамғармага маблағларни йиғиш ва тушувларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари томонидан амалга оширилади. Маблағлардан қонуний ва мақсадли фойдаланишини назорат қилиш эса Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгаши томонидан амалга оширилади. Жамғармани бошқариш кенгаши жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Республика йўл жамғармасига ажратиладиган мажбурий ажратмалар ва йиғимлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилган бўлиб, уларнинг миқдори ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади. Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

3. Алоқа соҳасини бошқариш

Алоқа Ўзбекистон Республикаси хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, хўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида алоқа соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида» Қонунига мувофиқ амалга оширилиб, ушбу қонун алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий асосларини, алоқа шохобчаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда, алоқа хизмати кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини, шунингдек берилган ҳуқуқларни

бузганлик ва вазифаларини бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди. Мазкур қонуннинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг алоқа соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра Олий Мажлис алоқа соҳасидаги қонунларни қабул қилади; алоқа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий қондаларини белгилайди; халқаро шартномаларни ратификация қилади; Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Алоқа соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек у ваколат берган идора-**Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги** томонидан амалга оширилади. Агентлик алоқа, ахборотлаштириш ва радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш ва давлат сиёсатини ўтказиш учун ваколат берилган мувофиқлаштирувчи бошқарув органи, шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Агентлик Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи функциясини бажаради.

Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга эришган бўлган лойиҳаларни, илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича - Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси;

почта алоқаси ва телекоммуникация тизимлари ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари, техник воситаларни сертификатлаш соҳасида тадқиқотлар, маркетинг ва мониторингни ташкил этиш бўйича - Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази;

Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати бўйича - Давлат алоқа инспекцияси;

Ўзбекистон Республикасининг радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича - Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси (идоралараро коллегиал орган);

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, электрон тижорат, ахборот хавфсизлиги, иқтисодиёт ва менежмент соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш бўйича - Тошкент ахборот технологиялари университети;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг хат-хабарларини ҳамда дипломатик хат-хабарларни қабул қилиш, етказиб бериш бўйича - Давлат фельдъегерлик хизмати;

республика муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарининг махсус хат-хабарларини ва жўнатмаларини қабул қилиш, етказиб бериш бўйича - Республика махсус алоқа узели;

телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш учун телекоммуникациялар турли операторлари, идоравий тармоқлар эгалари тармоқларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш - Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш республика маркази;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида телерадиодастурларни тарқатиш ва трансляция қилиш, радиоканаллар бўйича радио алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича - Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва телевидение маркази;

радиочастота органи функцияларини бажариш, шу жумладан радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, электромагнит мослашуви ва радиочастота спектри мониторингини таъминлаш бўйича - Электромагнит мослашув маркази;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот, сервис ва кенг қўламда консалтинг хизматлари кўрсатиш соҳасида дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича - Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази;

тинчлик даврида ва алоҳида даврда Ўзбекистон Республикаси алоқа объектларида ва телекоммуникация тармоқларида авария-тиклаш ишларини бажариш, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни ҳарбийлаштирилган қўриқлашни таъминлаш бўйича - Махсус авария-тиклаш бошқармаси (ҳарбий тузилмаси);

қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш бўйича - Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази;

радиотехника, радио алоқаси, телекоммуникацияни бошқариш тизими, ҳисоблаш техникасини лойиҳалаш, реконструкция қилиш, ўрна-

тиш, созлаш, фойдаланишга топшириш, шу жумладан махсус мақсаддаги объектлар учун воситалар ва алоҳида буюмлар тайёрлаш бўйича - «Гранит» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси;

Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари - ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш ва уларни ривожлантириш, универсал ахборот ресурсларини, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқалар) фондини шакллантириш, сақлаш ва уларни бериш, шунингдек ахборот-ресурс марказларининг ахборотлаштириш ва жойларда кутубхона иши соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш.

Агентлик Халқаро электр алоқаси уюшмасида, жаҳон почта уюшмасида ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодаловчи ваколатли орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги қарори билан¹⁸ қуйидагилар *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг асосий вазифалари* этиб белгиланди: телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек замонавий талаблар ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборотлаштириш соҳасида стратегик устуворликларни шакллантириш ва амалга ошириш; алоқа ва ахборотлаштириш тармоқ ва ҳудудий органлари ҳамда хизматлари ишларини, шунингдек стандартлаштириш, сертификатлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини лицензиялашни таъминлаш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида, шу жумладан маълумотлар узатишнинг замонавий воситалари, IP-технологиялар соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларини мувофиқлаштириш; ахборот-коммуникация технологияларини ва ахборот тизимлари ҳамда ресурслари бозорини ривожлантириш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек давлат бошқаруви, фан ва таълим, бизнес, соғлиқни сақлаш соҳасида ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида ахборот айирбошлашнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; телекоммуникациялар, почта алоқаси тармоқларида, телерадиозфирда, ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилишнинг самарали воситалари ва усулларини жорий этиш; ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ва юқори маалаки кадрлар тайёрлашни ташкил этиш; ахборот тизимларини, телеком-

¹⁸ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 19-сон, 220-модда.

муникация ва маълумотлар узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш; қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, Интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш; аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг миллий дастурлари ва концепцияларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишни ташкил этади, минтақавий дастурларни ишлаб чиқишга ҳамда амалга оширишга кўмаклашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан электрон рақамли имзодан фойдаланиш миллий ахборот макони мониторинги соҳасидаги фаолият масалалари юзасидан қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

мамлакатнинг ягона ахборот маконини барпо этиш мақсадида давлат стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга белгиланган тартибда тақдим этади, халқаро стандартларни жорий этади, радио-электрон ҳамда телекоммуникациялар ва ахборот-коммуникация технологияларига шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланишга доир тармоқ стандартларини, техник шартлар ҳамда талабларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

почта тўловининг давлат белгилари намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, жорий қилиш ва муомаладан олиб қўйиш тартибини белгилайди;

почта индексларини, ёзма хат-хабарларни олиш частотаси нормативларини, шунингдек почта бўлатмалари ўтишининг операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган назорат муддатларини тасдиқлайди;

телекоммуникациялар тармоқларига уланиш, операторлар, провайдерлар томонидан ўзаро хизматлар кўрсатиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

ахборот технологияларини, алоқа тармоқлари ва хизматларини, тармоқ стандартлари ва техник шартларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий ҳамда маркетинг тадқиқотлари ва мониторинги бўйича ишларни, ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакатимизда ва жаҳонда ривожланиши тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил этишни ташкил этади ҳамда улар бўйича маърузалар тайёрлайди;

давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобига яратилган ахборот ресурсларини, шунингдек давлат сирларига ва махфий ахборотга эга бўлган ресурсларни шакллантириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, шунингдек радиотўсиқларни, шу жумладан индустриал радиотўсиқларни барта-раф этиш ишларини ташкил қилади;

хўжалик юритувчи субъектларнинг алоқа ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари тармоқларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш қоидалари ва тартибини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

телекоммуникациялар соҳасида фаолиятнинг айрим турларини белгиланган тартибда лицензиялашни амалга оширади;

телефон рақамларини белгилаш, рақамлар ажратиш режасини ва тизимини тасдиқлайди, телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш ресурсларидан фойдаланишни, Интернет тармоғининг миллий сегментини аниқ адресли маконда тарқатишни ҳисобга олади ва назорат қилади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиттириш тармоқлари ва воситалари, ахборот тизимлари ва ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилайди ҳамда норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг техник кучлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда мудофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги алоҳида муҳим ҳамда тоифаланган объектларнинг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, табиий офатлар оқибатларини барта-раф этиш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш учун телекоммуникациялар турли операторлари, идоравий тармоқлар эгалари тармоқларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланишни таъминлаш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари рўйхатини, уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди, почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматларига тарифларни тасдиқлайди;

фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда телекоммуникацияларнинг айрим хизматлари рўйхатини белгилайди ва уларга ҳамда тармоқлараро уланишларга тарифларни келишиб олади;

ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларида фойдаланиш учун дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил қилади ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқларида жорий этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат органлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларини яратишга, дастурий маҳсулотлар, ахборот ресурслари, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

давлат монополияга қарши органи билан биргаликда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун тенг шaroитлар яратишга, рақобатни ривожлантиришга ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашади;

Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар билан биргаликда радиочастота спектрини тақсимлаш, ундан фойдаланиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишда давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг алоқа ва ахборотлаштириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида халқаро фаолиятни амалга оширувчи ваколатли органи сифатида иш кўради, Халқаро электр алоқаси уюшмаси, жаҳон почта уюшмаси ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларнинг конгресслари, съездлари, конференцияларида Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро ҳамда ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар лойиҳаларини тайёрлашда қатнашади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида, белгиланган тартибда халқаро идоралараро битимлар ва шартномалар тузади;

инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамда почта алоқаси, телекоммуникациялар, телерадиозшиғтириш воситалари ва тармоқларини, ахборот тизимлари ва технологияларини, радиомониторингнинг техник воситаларини, дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этишда қатнашади, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган хизматларни, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашни, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш учун халқаро молия институтлари, хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасини ривожлантириш учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан тендерлар, танловлар ва савдоларни ташкил этади ва уларни ўтказишда қатнашади;

худудий бошқармалар, ўзига қарашли давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари ишига бевосита раҳбарлик қилади, улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензия битимларининг, радиочастота спектридан фойдаланишнинг, почта алоқаси ва телекоммуникациялар, маълумотларни узатиш, телерадиозшиштириш тармоқларида, давлат бошқарув органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

алоқа ва ахборотлаштириш, радиочастота спектридан ва электрон рақамли имзодан, шу жумладан жойларда фойдаланиш соҳасида мониторинг ўтказиш, қонун бузилишларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тузилмани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

Агентлик тизимининг сафарбарлик режасини, давлат захирасига моддий воситалар жамлаш тузилмаси, таркиби, нормалари ва режасини ишлаб чиқади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини алоқа билан таъминлаш учун ҳарбий қисм кучлари ва воситалари билан авария-тиклаш ишлари бажарилишини, Агентлик тизимининг алоҳида муҳим объектлари қўриқланишини ташкил этади;

телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиозшиштириш, почта алоқаси, матбуот тарқатиш тармоқларини, ахборот ресурслари ва тизимлари бозорини ривожлантириш, радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишда, давлат томонидан самарали тартибга солиб боришни рўёбга чиқаришда худудий бошқармаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ҳамда уни мувофиқлаштиришни ташкил қилади;

Агентлик тизимига кирувчи бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўқув юртлари, махсус корхоналар, ҳарбий бўлинмаларнинг бюджетдан молиялаштирилишини ташкил этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ўқув юртларининг алоҳида иқтидорли талабалари учун агентликнинг стипендияларини белгилайди;

қонунчилик ва норматив ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларига, оммавий коммуникациялар соҳасида, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий йўлдош тизими, интернетнинг глобал тармоқлари, ахборотларни, шунингдек матбаа маҳсулотларини етказиб бериш ва тарқатиш бошқа электрон воситалари соҳасида фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар лицензиялари шартларига риоя этилиши юзасидан мониторинг амалга оширилишини ташкил қилади.

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказоди ва электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахслари электрон рақамли имзолари калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда унга юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин киришини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахслари электрон рақамли имзоларининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомаҳсулотларини тарқатиш ҳуқуқини олиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказишни ташкил қилади;

электрон кутубхона тизими ривожлантирилишини, кутубхона ахборот ресурслари тизимлаштирилишини, аҳолининг кенг қатламлари ахборот-кутубхона марказлари ресурсларидан фойдаланишини таъминлаш.

Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади.

Бош директорнинг ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади, уларнинг сонини белгилаш ва уларни лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Бош директор мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари - тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади.

Агентликнинг бош директори бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг раиси ҳисобланади. Агентликда таркибига бош директор - (раис), бош директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ҳамда агентлик тизимидаги бошқа раҳбар ходимлар кирадиган 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Агентлик ҳайъати Агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Агентлик бўлимлари, ҳудудий бошқармалар, Агентликка қарашли ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Агентликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш, илмий-техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш, идораларо ва давлатлараро алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари бош директор буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда бош директор ўз қарорини ҳаётга жорий этади. Бош директор келиб чиққан келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. 2000 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони билан Телекоммуникациялар тизими фаолияти ҳамда уни бошқариш самарадорлигини ошириш, соҳани замонавийлаштириш ва ривожлантириш учун хорижий сармояларни кенг жалб этиш мақсадида «Маҳаллий телеком» ва «Халқаро телеком» акционерлик компаниялари асосида «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ташкил қилиниб, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро электралоқа, шу жумладан маълумотларни узатиш, шунингдек, телевидение ва радио дастурларини трансляция қилиш хизматларига бўлган талабни қондириш, улар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

- алоқа воситалари ва тармоқларини замонавийлаштириш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш, телекоммуникация тизимларини тузиш ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги жаҳон ютуқларини жорий этиш асосида:

- телекоммуникациялар соҳасида бозор ислохотларини янада ривожлантириш, республика ахборот тизимларини жаҳон телекоммуникациялар ва ахборот тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;

- телекоммуникация воситалари фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июнда қабул қилинган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» ги қарорига биноан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори лавозимга компания акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган ҳолда тайинланади.

Почта алоқаси- Ўзбекистон Республикасида почта алоқасини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ривожланиши соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида» ги қонуни билан

тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 4-моддасига биноан почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат:

ҳамма фойдаланувчилар учун очиқлиги;

Ўзбекистон Ҳэспубликасининг бутун ҳудудида почта жўнатмалари транзитининг эркинлиги;

умумий фойдаланишдаги почта алоқаси фаолиятида иштирок этишда юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

ҳар бир шахснинг ёзишмалари ва почта жўнатмалари сир тутилиши ҳуқуқини таъминлаш;

почта алоқаси соҳасида стандартлар, қоидалар ва нормаларнинг ягоналиги.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси умумий фойдаланишдаги почта алоқаси ва махсус мўлжалланган почта алоқасига бўлинади.

Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси оператор ва провайдерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси фаолиятининг ягона принциплари асосида амалга оширилади.

Махсус мўлжалланган почта алоқаси қуйидагиларга бўлинади:

почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли органнинг махсус алоқаси;

давлат фельдъегерлик алоқаси;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фельдъегерлик-почта алоқаси.

Махсус мўлжалланган почта алоқасининг фаолияти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ягона илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш, сертифицикатлаштириш, солиқ солиш йўли билан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Почта алоқаси давлат томонидан қуйидаги йўллар билан қўллаб-қувватланиши мумкин:

почта алоқаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш;

почта алоқасининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техникавий ёрдам бериш;

белгиланган тартибда солиққа доир ва бошқа имтиёзлар бериш.

2004 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг почта алоқасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш юзасидан қарори¹⁹ қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядор-

¹⁹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 29-сон, 330-модда.

лик компанияси «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди ва «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори (*миллий оператор*- почта алоқаси миллий оператори, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида универсал хизматларни мажбурий равишда кўрсатиш вазифаси юклатилган оператор) этиб белгиланди ҳамда унинг *асосий вазифалари* этиб қуйидагилар белгиланди:

почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматлари кўрсатиш;

почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, уни ҳўжалик юриштишнинг бозор шароитларига ўтказиш, кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш;

почта алоқаси хизматлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини эркинлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни фойдаланувчиларга яқинлаштириш;

почта жўнатмаларини, почта орқали пул маблағлари жўнатмаларини халқаро, шу жумладан хорижий мамлакатлар билан айирбошлашни ташкил қилиш;

почта алоқаси тармоқларида ёзишмаларнинг махфийлигини ва почта хавфсизлигини таъминлаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда паст нархлардаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш йўли билан почта хизматлари бозоридаги рақобатбардошлиликни ошириш;

почта алоқаси сифати ва ишончлилигини ошириш учун ахборот технологияларини қўлланиш;

почта алоқаси соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш.

4. Коммунал хизмат кўрсатиш

Кейинги йилларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказишга доир анча ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди - Уй-жой кодекси, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида», «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқалар қабул қилинди. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш концепцияси ҳамда бозор механизмларини жорий этишга қаратилган тегишли минтақавий комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари

ва ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органлари Уй-жой эгалари кенгашлари шакллантирилмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, коммунал хизмат тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ичимлик суви, табиий газ ва коммунал хизматлар билан барқарор таъминлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш масалаларида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ва масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрда қабул қилинган «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида»ги № 2791-Фармони билан Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилиб, унинг негизида **Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги** ташкил қилинди ҳамда ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бевосита қарамоғига топширилди.

Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги вазифаларни бажариш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 августдаги Фармони²⁰ кўра Ўзбекистон «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида *қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:*

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратишга кўмаклашиш;

²⁰ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 34-35-сон, 340-модда.

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ягона техникавий сийёсатни ўтказиш, коммунал тармоқлар ва корхоналарни ривожлантириш, техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, илғор замонавий технологиялар, машина ва ускуналарни татбиқ этиш, сув ва иссиқлик энергиясини сотиш ҳамда истеъмол қилиш бўйича ҳисоблагичлар ва назорат асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

минтақалараро сув қувурлари фаолиятини мувофиқлаштириш, улардан самарали фойдаланиш, ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш, коммунал хўжалик тизимида тармоқлар ҳамда асбоб-ускуналарни капитал ва жорий таъмирлашни ташкил этиш;

коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

5. Маиший хизмат кўрсатиш

1997 йил 17 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида» ги Фармони билан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни марказлаштиришдан чиқаришни давом эттириш ва рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари республика уюшмаси («Ўзмаишийхизматуюшма») тугатилди ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мавжуд ҳудудий уюшмалари ва маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари сақлаб қолинди. Ушбу ҳудудий уюшмалар ўз фаолияти тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари эса туман (шаҳар)лар ҳокимликларига ҳисоб берадилар.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмалари қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширадилар: - туман (шаҳар) маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, шунингдек ихтиёрий асосда уюшмага кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш масалаларида кўмаклашиш; - аҳолига маиший хизмат кўрсатиш туман (шаҳар) уюшмалари ва корхоналари фаолияти билан боғлиқ бўлган юридик, молиявий, техник ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш; - аҳолини иш билан таъминлашни кенгайтириш учун тегишли минтақалар ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатишининг ҳар хил турларини ривожлантириш учун шароитлар яратиш; - ҳудудий уюшмаларга кирувчи корхоналарга маркетинг фаолиятида, моддий-хом ашё ресурслари сотиб олишда кўмаклашиш.

Маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шаҳар) уюшмалари ихтиёрий асосда уюшма таркибига кирувчи маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига улар фаолиятини амалга ошириш учун зарур балган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ишлатиладиган ва бошқа хом ашё ресурслари билан таъминлаш масалаларида кўмаклашадилар; маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига корхоналар фаолияти билан боғлиқ бўлган иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатадилар.

Юқорида келтирилган Президентнинг фармони билан маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлар ва корхоналарга самарали ва малакали ёрдам бериш мақсадида техника сиёсати билан шуғулланувчи ҳамда коналтинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар негизида "Маиший хизмат маркази" акциядорлик фирмаси ташкил этилган бўлиб ушбу фирма техник сиёсатни белгилаш, янги технологиялар ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда маиший хизмат кўрсатишнинг йирик замонавий корхоналарини барпо этиш масалаларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларига кўмаклашиш;

маиший хизмат кўрсатиш ҳудудий уюшмаларига, бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига хизматлар бозори конъюнктурасини ўрганиш масалалари, уларнинг фаолияти билан боғлиқ иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш;

маиший хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари бозорларини ўрганиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг буюртмалари бўйича уларни ташқи бозорлардан улгуржи харид қилишга кўмаклашиш;

маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаш учун профессионал ходимлар тайёрлаш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспортини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
2. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси тўғрисида маълумот беринг.
3. Мамлакатимизда темир йўл транспорти соҳасида давлат назорати қайси орган томонидан амалга оширилади ва унинг вазифалари?
4. Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспорти фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қандай шаклларда амалга оширилади?
5. 2001 йил 4 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган автомобиль ва дарё транспорти соҳасида бошқарувни

- такомиллаштириш ва монополиядан чиқаришни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот беринг.
6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти Агентлигининг асосий вазифа ва функциялари нималардан иборат?
 7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шахар йўловчилар транспорти фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари нималардан иборат?
 8. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси тўғрисида маълумот беринг.
 9. Ўзбекистон Республикасида қандай турдаги автомобиль йўллари мавжуд?
 10. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари молиялаштириш қайси орган томонидан амалга оширилади?
 11. Қайси орган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари соҳасидаги махсус ваколатли орган бўлиб ҳисобланади ва унинг вазифалари нималардан иборат?
 12. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида» Қонунининг мазмуни?
 13. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг тизими?
 14. Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар нималардан иборат?
 15. Кейинги йилларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар тўғрисида маълумот беринг.
 16. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳуқуқий мақоми.

5-мавзу. Таълим соҳасини бошқариш

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.

2. Таълим тизимини бошқариш:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

3. Давлат тест маркази.

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилингандир. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига кўра «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб ҳаётга жорий этилди. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма
учун очиклиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикасида билим олиш ҳуқуқи давлат ва нодавлат
таълим муассасаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришдан ажралган
ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш, таълим ва кадрлар
тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим
муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;
барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқич-
даги ўқув юртига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, оилада ёки
ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган
таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш
ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оши-
рилади:

мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар
таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар ма-
лакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари
таълим.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда
ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таъ-
лим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан
қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I-IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган
саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратил-
гандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул
қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, муста-
қил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмала-
рини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таъ-
лимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисос-
лаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим олиш мақсадида ҳар ким уму-
мий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-хунар коллежида
ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга. Академик
лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича иш-
лаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги
босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар

таълими беради. *Академик лицей* ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир. *Касб-хунар коллежи* ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юрларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус касб-хунар таълими асосида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир. *Магистратура* аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизда камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда **мактабдан ташқари таълим** муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Давлат оилада **таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга** кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

2. Таълим тизимини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг 25-моддасига биноан *Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси* таълим тизимини бошқариш бўйича қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Шунингдек, қонуннинг 27-моддасида *маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг* ҳам ваколатлари берилган бўлиб, унга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар; таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга олади-лар; ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради. Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолият юритади. **Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. 2004 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллантириш тўғрисида”ги 341-сонли Қарори²¹ қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасининг талаб этиладиган даражасини таъминлаш, ўқитишнинг инновация усулларини жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда талаба ёшлар ўртасида тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш масалаларидаги фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилганлигини, бу мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрларни сифатли ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш мақсадида қуйидагилар *Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди*:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шакллари эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоровий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда таълим даражаси ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар

²¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 29-сон, 332-модда.

томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбааар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Вазирлик тизимига Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, каб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, идоровий мансуб олий ўқув юртлари киради.

Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

олий таълим муассасаларида ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоровий мансуб ташкилотларда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини таъминлайди;

бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича давлат таълим стандартларини, олий таълим фанларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек олий таълим муассасалари фаолиятининг аниқ турларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Иқтисодий вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликларининг истиқболли йўналишлари рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

Ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, янги авлод ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон кутубхоналар жорий этилишини таъминлайди;

олий таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида миллий мустақиллик ғояларига, халқнинг бой миллий ва маданий-тарихий анъаналари ва умуминсоний қадриятларга асосланган ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ташкил этилишини амалга оширади;

олий таълим муассасасининг намунавий уставини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда олий таълим муассасаларининг ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоравий мансуб ташкилотларининг уставларини тасдиқлайди;

Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг олий таълим муассасаларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари ва олий ўқув юртидан кейинги таълимга, шунингдек педагог кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари амалга оширилишини таъминлайди;

педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этишнинг самарали шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари, педагоглари ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори, проректори ва факультет декани лавозимига номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, педагог кадрларнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва ўқув жараёнига жорий этади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог кадрларини ишга қабул қилишнинг танлов тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

олий таълим соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил этади, республиканинг олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларини, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини моддий-техник жиҳозлашни молиялаштиришнинг давлат нормативларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

олий таълим муассасалари, Вазирлик корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

идоровий мансуб олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда белгиланган тартибда уларни молиялаштиришни амалга оширади;

Вазирликнинг идоровий мансуб муассасалари ва ташкилотлари бошқарув ходимлари сонини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўқитишнинг тўлов-контракт шакли даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва сарфланиши устидан назорат қилади;

Вазирликка марказлаштирилган тартибда ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш учун Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида жорий, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очади;

республика илмий-техник дастурлари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажаришда олий мактабнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

илмий ва илмий-педагог кадрлар аспирантура ва докторантура орқали белгиланган тартибда тайёрланишини ташкил этади;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

идоровий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар республиканинг олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда давлат тилида ва бошқа тилларда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтиришнинг йиллик ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик тизими ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этишга материалларни кўриб чиқади ва хулоса беради;

талабалар учун белгиланган тартибда универсиадалар ва бошқа спорт тадбирларини ўтказиши, уларнинг ғолибларини халқаро танловлар ва мусобақаларга юборади;

олий мактабни ривожлантириш, фан ва техниканинг долзарб масалалари бўйича белгиланган тартибда республика ва халқаро кенгашлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиши;

идоровий мансуб таркибий бўлинмалар, марказлар, Вазирлик тизимида кирадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини тайинлайди.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмасини такомиллаштириш ва бошқариш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

ҳайъат мажлисларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига эга бўлган республика вазирликлари ва идоралари раҳбар ходимларининг ахбороти (маърузалари)ни кўриб чиқиш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан шартнома асосида тайёрланган мутахассисларнинг ишга жойлаштирилиши мониторингини юритиш учун зарур бўлган таҳлилий материалларни ва бошқа материалларни сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича эксперт хулосалар бериш;

барча манбалар, айниқса ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультетлари ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхатини белгилаш;

республика вазирликлари, идораларидан ва бевосита олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан Вазирликка юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича белгиланган статистика ҳисоботини олиш ва Вазирликнинг таълим муассасаларида ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати устидан назорат қилиш;

ўзига қарашли ўқув юртларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлдириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек ўқув бинолари ва ётоқхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш. Жамғарма олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шак-

лида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалари ҳисобига шакллантирилади;

ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк муассасаларида ва бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш учун идоравий мансуб олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда махсус курслар, кафедралар, факультетлар ва лабораториялар очиш;

муаммоли лабораториялар ташкил этиш ва уларни ёпиш ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда - Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларида тармоқ илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этиш ва уларни ёпиш;

Вазирликда республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича тақлифларни кўриб чиқиш учун етакчи олимлар, юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассислардан илмий-методик кенгашлар ташкил этиш;

марказий аппаратнинг тасдиқланган тузилмасига Вазирликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва аппарат ходимларининг чекланган сони доирасида бошқарувнинг технологияси ва техникасини такомиллаштириш зарурияти туфайли келиб чиққан ўзгартиришлар киритиш;

идоравий мансуб муассасаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

белгиланган тартибда Вазирликнинг мукофотлари, кўкрак белгилари ва фахрий ёрлиқларини таъсис этиш ҳамда улар билан илғор ходимларни ва профессор-ўқитувчилар тартибини, шунингдек энг яхши илмий ва экспериментал конструкторлик ишлари учун олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг талабалари ва ўқувчиларини мукофотлаш;

олий таълим муассасаларининг талабаларини белгиланган тартибда бир ўқув муассасасидан бошқасига ўтказиш, талабаликка тиклаш ва талабалиқдан чиқариш, яқуний давлат аттестациясини қайта топширишга рухсатнома бериш;

олий таълим муассасалари фаолиятини белгиланган тартибда текшириш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вазирлик ўз ваколатлари доирасида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бажариши мажбурий бўлган, таълим сифатини оширишга, рақобатбарбoш кадрлар тайёрлашга, педагог ходимларнинг самарали ишини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир. Вазирлик олий таълим соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши, Вазирлик маблағларидан самарали фойдаланилиши, шунинг-

дек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш- вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади. Вазирнинг беш нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади, улардан бири Вазирликнинг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ҳисобланади.

Вазир:

Вазирлик фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Вазирлик тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг, тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимидаги қиладиган тасарруфидаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори лавозимига тайинлаш учун номзодларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, Вазирлик марказий аппарати ходимларини, олий таълим муассасалари проректорларини, Вазирлик тизимида қиладиган бошқа идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, уларни аттестациядан ўтказишни ташкил этади (ректорлардан ташқари);

педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битимлар, шартномалар тузади.

Вазирликда 9 кишидан иборат таркибида Вазир, Вазирнинг биринчи ўринбосари ва Вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирлик тизимининг бошқа ходимларидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъ-

атнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий масалаларини, энг муҳим буйруқлар ва йўриқномалар лойиҳаларини, Вазирлик бошқармалари ва бўлимларининг, таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қилади.

Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир ўз қарорини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

1998 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 77-сонли Қарори билан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ташкил этилди. 2004 йил 20 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 342-сонли марказ фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори²² билан қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг кўламли чуқур билимларга эга бўлган, ҳозирги бозор шароитларида муайян касб-хунарни ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифалари (ва устувор йўналишларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига янги педагогика ва ахборот технологияларини, шунингдек ўқувчиларни миллий мустақиллик ғоялаи, бой интеллектуал мерос ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва методларини жорий этиш; таълим даражасини ва касб-хунар мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш; академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув ва ўқув-методик адаби-

²² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 29-сон, 333-модда.

ётлар яратилиши ва нашр қилинишини ташкил этиш; ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари педагог кадрларининг касб даражасини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги халқ таълими давлат бошқарув органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари ҳамда идоравий мансуб бошқа муассалар, корхоналар ва ташкилотлар киради.

2004 йил 5 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган вазирлик низомига биноан²³ қуйидагилар вазирликнинг асосий вазибалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади, вазибалари ва қоидаларини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга йўналтирилган таълим тизимини ва унинг аниқ бўғинларини ривожлантиришнинг илмий асосланган прогнозларини ишлаб чиқади;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат талабларини белгилайди;

таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига илмий-методик раҳбарликни амалга оширади;

таълим муассасаларида умумий ўрта таълим, профессионал педагогик таълим давлат стандартининг жорий этилишини таъминлайди;

умумтаълим, фундаментал, ижтимоий-гуманитар ҳамда умумий касб-хунар предметлари ва фанларини ўқитишнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, Вазирлик тизимидаги таълим муассасалари учун ўқув-методик ҳужжатларни тасдиқлаш ва чиқариш тартибини белгилайди;

ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-методик комплексларини яратади ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлайди;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларига методик раҳбарликни амалга оширади, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

мактабгача таълимнинг, шу жумладан болаларни оила шароитларида тарбиялаш шароитларида ҳам, самарали психологик-педагогик методларини қидириб топиш ва жорий этишни амалга оширади;

²³ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 31-сон, 356-модда.

ўқувчилар билан мактабдан ташқари ишларнинг, шу жумладан болалар туризми ва халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари тақомиллаштиради, уларнинг миллий турлари ва шакллари қайта тиклайди ва янгиларини жорий этади;

болалар спортини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилади;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, ўқув-педагогик марказлар ва кабинетларнинг педагоглар жамоаларини ўқув-методик материаллар ва дарсликларни тезкорлик билан ишлаб чиқишга, янги педагогик технологияларни, барча турдаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқишга, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммоларини ҳал этишга кенг жалб этишни таъминлайди;

ўсиб келаётган авлодни маънавий-маърифий тарбиялашнинг миллий мустақиллик ғояларига, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ҳамда педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқади ва жорий қилади, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш ус-туворлигини таъминлайди;

умумтаълим ўқув юрталарини ўқув-лаборатория усқуналари билан жиҳозлаш бўйича ягона талабларни ишлаб чиқади, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумтаълим мактабларини замонавий мактаб парталари, ахборот технологиялари ва ўқув-лаборатория усқуналари билан жиҳозлашга танлов савдолари ўтказиши;

манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар билан биргаликда илғор педагогик тажрибани оммалаштириш ва жорий этишни таъминлайди;

Вазирлик тизими таълим муассасаларининг ота-оналар, оилалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ижодий фаол, Ўзбекистон мустақиллиги ғояларига садоқатли ва жамият тараққиётига аниқ улуш қўшишга лаёқатли шахсни камол топтириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорлигини амалга оширади;

иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитишнинг методологиясини, психологик-педагогик ва ташкилий шарт-шароитларини яратади ҳамда маълумотлар банкни шакллантиради, иқтидорли болалар ва ёшлар мониторингини олиб боради;

Вазирлик тизимида хорижий тилларни фаол ўрганиш ҳамда уларни ўрганишнинг жадаллаштирилган методларини жорий этиш, давлат тилида луғатлар ва маълумотнома адабиётларни нашр этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

ўқитувчиларнинг (ўқув фанлари ва соатлари бўйича) ўрин алмашиш тартибини белгилайди, умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг синфдан ташқари фаолиятини тартибга солади;

умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг билимларини баҳолашнинг рейтингли тизимини, педагог кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда Вазирлик тизимида уларга бўлган эҳтиёжлар мониторинги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашади;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга оширилиши мониторингини олиб боради; тўлиқ давлат таъминоти асосида етим болаларни ҳамда оналар қаровисиз қолган болаларни давлат ва нодавлат таълим муассасалари таъминотига олиш, ўқитиш, тарбиялаш ва касб-хунарга тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратади; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва таъминлашни ташкил қилади, касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштиради, уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини ва моддий таъминотини, уларга тиббий хизмат кўрсатишни ва соғломлаштиришни такомиллаштиради, ихтисослаштирилган мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар шохобчаларини ривожлантиради; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолининг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш, мактабгача ёшдаги болаларни тўлақонли жисмоний ва ақлий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширади, болалар ва ўсмирлар учун мактабдан ташқари ва ўқув-тарбия муассасалари шохобчаларини ривожлантиради, ўсиб келаётган авлоднинг ижсдий фаолиятини ва соғлом ҳордиғини, уларнинг қизиқишлари ва ихтиёжларини қондиришни, қобилияти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи муассасалар комплексларини ташкил қилади; таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

Вазирлик тизимидаги олий педагогика таълим муассасалари, ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда таълим соҳасида вазирликнинг илмий-техника дастурини кўриб чиқади ва шакллантиради, уни амалга оширишга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди;

олий педагогика ўқув юртлари, Қори-Ниёзий номидаги Республика илмий тадқиқот институти, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ҳузурида аспирантура ва докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни белгиланган тартибда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига фанлар доктори ва номзоди илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар раислари номзодларини ҳамда шахсий таркибини келишиш, тегишли кенгашларга диссертацияларни ҳимоя қилиш учун қабул қилиб олиш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш ҳуқуқи бериладиган мутахассисликлар рўйхатини келишиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

аспирантура ва докторантура орқали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш режаларини ишлаб чиқади;

педагогика институтлари ректорлари лавозимига тайинлаш учун номзодларни Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этади;

идоровий мансуб олий педагогика ўқув юртлари, Вазирлик тизимидаги республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўқувчиларни якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисидаги ва таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

халқ таълими тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларига доир тақлифларни белгиланган тартибда киритади;

таълим масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил қилади, республикада умумий ўрта таълимнинг аҳволини қиёсий таҳлил қилади, уни ривожлантириш тенденцияларини белгилайди;

илмий-методик журналлар, газеталар, Вазирлик буйруқлари ва йўриқномалари тўпламларини нашр этиш йўли билан таълим соҳасидаги илмий-техник ва педагогик ахборотларни оммалаштиради;

таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда уларни техника билан қайта жиҳозлаш, Вазирлик тизимидаги муассасалар ва ташкилотларда моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида норматив талабларни ишлаб чиқади ва ягона ёндашувни таъминлайди;

республика бюджетидан молиялаштириладиган ўқув-тарбия муассасалари қурилиши бўйича бош буюртмачи функциясини бажаради;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш, пулли маслаҳат бериш ва қўшимча (асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган) таълим хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш йўли билан таълим хизматларининг рақобат бозорини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда болалар, ўқувчилар ва педагоглар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни таъминлаш ишларини амалга оширади;

республиканинг манфаатдор вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, уюшмалари билан биргаликда мактаб спорт мусобақаларини, туристлар слётларини, техника ижодкорлиги кўриқларини, мактаб олимпиадаларини, педагог ходимлар ўртасида спорт мусобақаларини ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш, тарбиялаш ва шахсни камол топтиришга йўналтирилган ўқув-тарбиявий тусдаги бошқа тадбирларни ташкил қилади ва ўтказади;

белгиланган тартибда мактабгача, мактабда, мактабдан ташқари, олий педагогик таълим ва малака оширишнинг муҳим масалалари бўйича кенгашлар, семинарлар ва конференциялар чақиради;

Вазирлик тизимидаги педагог ходимларни, ўқувчилар ва талабаларни, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ходимларини меҳнатда ва ўқишдаги юқори кўрсаткичлари, ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги фаол иштироки ҳамда ҳомийлик кўмаги учун ҳукумат мукофотлариغا белгиланган тартибда тақдим этади ва идоравий мукофотлар билан тақдирлайди;

таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш ва контингенти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, республика бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар таъминотига ҳамда Вазирлик тизимидаги марказлаштирилган тадбирлар учун навбатдаги режалаштирилган йилга бюджет буюртманомаларини шакллантиради, давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобини ташкил қилади;

таълим даражаларининг узлуksизлиги ва узвийлигини таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ўқув режалари ва дастурларни уйғунлаштириш учун Вазирликнинг Умумий ўрта, касб-хунар таълими маркази билан фаолиятини мувофиқлаштиради;

васийлик кенгашлари фаолияти ташкил этилишига ва умумтаълим мактаблари билан жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлашга кўмаклашади;

умумтаълим мактабларида ахборот-таҳлилий ва прогноз ишлари олиб борилишини таъминлайди;

илғор тажрибани ўрганиш ва илғор технологияларни жорий этиш мақсадида умумтаълим муассасалари томонидан, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг мактаб таълими бўйича маълумотлар базаси яратилиши ишларини ташкил этади ва уларни қўллаб-қуватлайди;

Вазирлик ва умумтаълим муассасалари фаолиятини кенг ёритиш юзасидан оммавий ахборот воситалари билан иш олиб борилишини ташкил этади.

Вазирлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тегишли вазирлик ва идоралардан, вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, прогноз ва ҳисобот маълумотлар олиш;

таълим бўйича алоҳида масалаларни ҳал этиш, таълим муассасалари ишларини такомиллаштириш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш, давлат таълим муассасалари ходимларининг, ўқувчилар ва талабаларнинг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

мактабгача, мактабда, мактабдан ташқари, олий педагогик таълим муассасалари томонидан, уларнинг мулкчилик шакллари ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда таълим муассасалари бўйича қонун ҳужжатлари бажарилишини белгиланган тартибда текшириш;

таълим масалалари бўйича қонун ҳужжатлари қўлланиши амалиётини умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

таълим тизимини ва унинг муайян бўғинларини ривожлантиришнинг дозарб ва истиқболли муаммоларини ишлаб чиқиш учун вақтинчалик илмий жамоалар ташкил этиш;

ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда методик материаллар тўғрисида хулосалар тайёрлаш, педагогика Фани ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш учун илмий-методик кенгаш ташкил қилиш, методик кенгаш таркибини ва кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

давлат бюджети маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда жамлаш ҳамда ушбу маблағларни дарсликлар сотиб олишга ва йил мобайнида пайдо бўлиши мумкин бўлган бошқа марказлаштирилган тадбирларга йўналтириш.

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш - Вазирликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошқаради. Вазирнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Вазир:

вазирлик фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва идоровий мансуб органлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида унинг штат жадвалини, шунингдек вазирлик марказий аппаратининг, идоровий мансуб органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, вазирлик тизимига кирувчи идоровий мансуб бошқа муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

вазирлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини, вазирлик тизимига кирувчи идоровий мансуб бошқа муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Вазирликда таркибида вазир (ҳайъат раиси), вазир ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва вазирликнинг бошқа раҳбар ходимлари бўладиган тўққиз кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, вазирликнинг тақрибий ва ҳудудий бўлинмалари, идоровий мансуб бошқа органлар ва муассаса-

лар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

3. Давлат тест маркази

Республикада абитуриентларнинг олий ўқув юртларига сифатли қабул қилинишини таъминлаш, мутахассисларни, шунингдек таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифатини, республика таълим муассасаларида тест ва рейтинг балларининг ҳолисоналигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади. Давлат тест маркази давлат бошқарув органи ҳисобланади. Марказ ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2004 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тест маркази фаолиятини такомиллаштириш юзасидан қарори қабул қилинди²⁴ ва қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

республика таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синови орқали танлаб олиш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлиги ҳолисона баҳолалинишига назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

абитуриентлар, ўқувчилар, талабалар билимларинини Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартларига ва давлат талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

тест синови натижаларининг ҳолисоналиги, ишончилиги ва адолатлилигини таъминлаш;

ўзлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

идоровий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш;

хорижий мамлакатларда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш (тенглигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш.

Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

²⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 25-сон, 289-модда.

таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомиларга таклифларни ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тест синовлари натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади;

мураккаблик даражаси таълим дастурларига мувофиқ бўлган тест материалларини ишлаб чиқади ва улар асосида таълим муассасаларига киритилган абитуриентларни тест синовларидан ўтказиши;

ўқувчилар ва талабалар билимларининг жорий ва якуний баҳоларини таҳлил қилиш асосида тест ва рейтинг балларининг ҳолисоналигини, республиканинг барча таълим муассасаларида таълим, ўқитиш, ўқув режалари ва дастурлари сифатини баҳолайди ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

тест синовларидан ўтувчи шахслар учун ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва нашр қилади;

тест материалларини тайёрлаш ва тест синовларини ташкил этишда қатнашадиган шахсларни ўқитишни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида тест синовлари технологиясини такомиллаштиради;

тест материалларини ишлаб чиқишда ҳамда улардан фойдаланишда таълим муассасаларига ва бошқа муассасаларга маслаҳат ёрдами кўрсатади;

тест синовлари тартиботларини ўтказиш учун мўлжалланган тест материаллари мазмунининг махфийлигини сақлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини бажаради;

ташкilotлар ва муассасаларнинг буюртманомаларига биноан тест синовларини ўтказиш учун тўлов нормативларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

таълим муассасаларидаги тест синовлари якунларини умумлаштириши ва ўқитиш сифатини такомиллаштириши ишларида фойдаланиш учун уларни манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборади;

тест синовлари ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи хорижий таълимни бошқариш органлари ва ташкilotлари билан бевосита алоқалар ўрнатади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида улар билан ҳамкорликни амалга оширади;

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тўғрисидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кадрлар тайёрлаш сифатига тааллуқли талабларининг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

аттестациядан ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш сифатининг аҳолига доир масалалар бўйича мунтазам равишда эксперт хулосалари, ҳисоботлар, таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди ҳамда

уларни ишда фойдаланиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга юборади;

педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар кадрларни, шунингдек таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш жадвалларини тузади ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қилади;

таълим муассасаларининг мақоми ва йўналишларини ўзгартириш, шунингдек ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган тартибда зарур таклифлар киритади;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, таълим муассасаларини ташкил этиш (қайта ташкил этиш, тугатиш) ҳамда уларнинг мақомини қайта кўриб чиқиш бўйича материаллар экспертизасини ва тегишли хулосалар тайёрлашни амалга оширади.

Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун вазирликлар, идоралар, таълим муассасаларидан зарур маълумотлар ва материалларни олиш; таълим муассасалари раҳбарлари томонидан таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқлар, фармойишлар ва бошқа қарорларнинг амал қилишини ўз ваколатлари доирасида тўхтатиб қўйиш; таълим муассасаларида таълим ҳамда ўқувчилар ва талабаларни ўқитиш сифатини, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларининг мувофиқлигини белгиланган тартибда текшириш; шартнома асосида илмий-методик ва ахборот консалтинг хизматлари кўрсатиш; Марказга юкланган вазифаларни ҳал этиш учун олимлар, етакчи педагог-мутахассислар ва хорижий экспертларни жалб этиш, шунингдек ихтисослаштирилган, мақсадли ва вақтинчалик илмий-тадқиқот гуруҳлари ва ижодий гуруҳлар ташкил этиш; ўз ваколатлари доирасида вазирликлар ва идоралар, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш сифати муаммолари бўйича халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва йиғилишлар ишида иштирок этиш, шунингдек давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳамкорлик масалалари бўйича музокараларда қатнашиш.

Марказ абитуриентларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган ўқув юртларига сифатли қабул қилиниши таъминланиши, мутахассисларни, таълимнинг барча турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини тайёрлаш сифати, республика таълим муассасаларида яқуний тестпар ва рейтинг баҳоларининг холисоналиги назорат қилиниши учун жавоб беради.

Марказ ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

Марказни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошқаради. Директорнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан директор ўринбосари Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бошлиғи бўлади. Директор мақомига кўра Вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

Марказ директори:

Марказ ходимлари ва унинг ҳудудий вакиллари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Марказ фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Марказнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

Марказда 15 киши Марказнинг директори, директор ўринбосарлари, бўлим раҳбарлари ва юқори малакали ходимларидан иборат таркибда Илмий-методик кенгаш ташкил этилади. Кенгашнинг шахсий таркиби директор буйруғи билан тасдиқланади.

Назорат учун саволлар:

1. Мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари нималардан иборат?
2. Таълим турлари тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим тизимини бошқариш бўйича қандай ваколатларни амалга оширади?
4. Ўзбекистон Республикасида таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида маълумот беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Давлат тест марказининг асосий вазифалари нималардан иборат?

6-мавзу. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш

1. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқаришнинг мазмуни.

- 1. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.**
- 2. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати.**
- 3. Давлат санитария назорати.**

1. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқаришнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлигини сақлаш: соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши; аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши; профилактика чора-тадбирларининг устуңлиги; соғлигини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши; тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги каби асосий принципларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахл-сиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди. Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қондани бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашнинг бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Ушбу республика соғлиқни сақлаш органларининг ягона тизимини ташкил этади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимида давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббий експер-

тиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради. Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини;
фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини;
соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш дастурлари тасдиқланиши ва маблағ билан таъминланишини;
соғлиқни сақлаш давлат тизимини бошқаришни;
санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш устидан назоратни;

фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза этиш чора-тадбирлари кўрилишини, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишни;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида статистика ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизими ўрнатилишини;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий суғуртасининг таянч дастурларини тасдиқлашни;

фуқароларнинг айрим гуруҳларига тиббий ёрдам кўрсатишда ва уларни дори дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилашни;

давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боришни ва назорат қилиб туришни;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қўйидагилар киради:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш;

бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, улардан ҳаммининг баҳраманд бўла олишини таъминлаш, тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини

назорат қилиш, тасарруфдаги ҳудудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш;

соғлиқни сақлаш харажатларини молиявий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш;

фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлигини таъминлаш, профилактика, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва табиати муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

атроф муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлигини муҳофаза этиш чора-тадбирларини кўриш, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги эҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш;

мувофиқлаштириш ҳамда нazorat қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини nazorat қилиб бориш;

ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

oilани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш;

соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги соғлиқни сақлаш давлат бошқаруви марказий органи ҳисобланади ва у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз иштини республиканинг давлат бошқаруви бошқа органлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ижро этувчи органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширади.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга ошириш; фуқароларнинг аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражасида ва сифатда малакали тиббий хизмат олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини, аҳолининг кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг барча турларидан тенг баҳраманд бўлишини таъминлаш; Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепциясини амалга ошириш, соғлиқни сақлашнинг нодавлат секторини, хусусий врачлик амалиётини ривожлантириш ва тиббий хизматлар бозорини ташкил этиш; тармоқни ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини яра-

тиш, соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни ишлаб чиқиш ва яратиш; соғлиқни сақлашни бошқаришнинг барча даражаларида аҳолига фавқулодда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил этиш ва мустақамлаш; мамлакатимиз тажрибасини ва энг яхши жаҳон ютуқларини уйғунлаштириш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ва прогнозлашни ишлаб чиқиш, илмий-тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш; аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлашнинг мақсадли дастурларини маблағ билан таъминлаш ва унинг моддий-техника базасини мустақамлаш учун бюджетдан ташқари маблағларни, хорижий инвестицияларни ва халқаро ташкилотлар маблағларини жалб этиш даволаш-профилактика муассасаларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга босқичма-босқич ўтказишни таъминлаш, тиббий сўғуртани ишлаб чиқиш ва жорий этиш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий ёрдам соҳасида нормативлар ва стандартлар тизимини яратиш, дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларга риоя этишни назорат қилиш; аҳолини санитария-эпидемиология жиҳатидан саломатлигини ҳамда манфаатдор органлар билан биргаликда республика ҳудудини карантин ва ўта хавfli инфекциялардан муҳофаза қилишни таъминлаш; олий ва ўрта тиббий таълим тизимини, халқаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида чет эл тажрибасидан жаҳон стандартларидан фойдаланиш; истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жамоатчиликни жалб этиш.

Вазирлик юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш соҳасида манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш прогнозларини ва мақсадли дастурларини ишлаб чиқади;

касалликларнинг олдини олиш, тиббий ёрдам, ногиронлик, тиббий экспертиза бўйича тадбирларни амалга оширади;

соғлиқни сақлаш тизими даволаш муассасалари, шунингдек хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланувчи шахслар томонидан аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши устидан назоратни амалга оширади;

соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббий хизматлар сифати стандартларини ва қиймати нормативларини белгилайди, тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялашни ҳамда сертификациялашни амалга оширади;

дори-дармон ва дезинфекция, санитария-гигиена ва парфюмерия-косметика воситаларини, иммунобиологик препаратларни ҳамда тиббиёт ва фармацевтика буюмларини, кучли таъсир қилувчи ва захарли мод-

даларни, наркотик, психотроп воситаларни стандартлаштириш ва сертификациялашни, уларни ишлаб чиқаришни ва улардан фойдаланиш тартибини назорат қилишни амалга оширади;

дори-дармон, дезинфекция воситаларига, иммунобиологик препаратларга ва бошқа тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжни ўрғанади, талаб ва тақлифлар балансини ишлаб чиқади;

фавқулодда шошилиш тиббий ёрдам хизматининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди;

фавқулодда тусдаги авария вазиятлари ва ҳалокатларни бартараф этиш республика дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда фойдаланиш учун белгиланган тартибда тиббиёт буюмлари, дори-дармонлар, дезинфекция воситалари ва иммунобиологик препаратлар захираларини яратади;

юқумли ва юқумсиз, паразит касалликларнинг, шунингдек инсоннинг яшashi ва меҳнат фаолиятига ноқулай таъсир кўрсатувчи муҳит омиллари билан боғлиқ бўлган касб касалликларининг олдини олишга доир ишларни амалга оширади;

манфаатдор органлар билан биргаликда бошқа давлатлар ҳудудидан юқумли ва карантин касалликларнинг кириб келишининг олдини олиш ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

профилактика ёрдами йўналишлари ва ҳажмлари, профилактик эмлаш муддатлари ва усуллари тўғрисида қарорлар қабул қилади, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни амалга оширади;

оила, она, ота ва болага, шунингдек муҳтож шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишда қатнашади;

санитария нормаларини, қоидаларини, гигиена нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларга риоя қилиниши устидан давлат санитария назоратини, шунингдек, идоровий мансублигидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизматлари ишига услубий раҳбарликни амалга оширади;

суд-тиббий ва суд-руҳий экспертизани таъминлайди;

истеъmolчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, санитарияга оид қонун ҳужжатлари, давлат стандартлари ва сертификатлаш қоидалари талабларини текшириш ишларига истеъmolчилар жамоат ташкилотлари вакилларини жалб этади;

истеъmolчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаларига кўра ўзига қарашли лабораторияларда товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) хавфсизлик талабларига мувофиқлигини шартнома асосида синовдан ўтказилади.

тиббий статистика ва ахборотлаштириш соҳасида

тармоқни ахборотлаштириш тизимини шакллантиришни таъминлайди, соғлиқни сақлашда статистикани юритиш ишларини ташкил қилади, соғлиқни сақлаш тизимида статистик ҳисобга олиш ва ҳисобот тартибига услубий раҳбарликни амалга оширади, статистик ахборотларнинг ишончлилигини назорат қилади;

иқтисодиёт ва молия соҳасида

Вазирлик тизимида иқтисодиёт ва молия ишларини ташкил қилади, тиббиёт муассасаларининг давлат бюджети ҳисобига амалга ошириладиган харажатларини маблағ билан таъминлайди, тизим ходимлари меҳнатини нормалаш ва унга ҳақ тўлашни ташкил қилишни такомиллаштириш тадбирларини рўёбга чиқаради;

тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларда фаолиятни таҳлил қилади ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритишга услубий раҳбарликни амалга оширади, бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланишни назорат қилади;

соғлиқни сақлаш бўйича мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни жалб этиш ишларида давлат, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг, муассаса ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

даволаш-профилактика муассасаларининг хизмат кўрсатишнинг пулли шаклларига босқичма-босқич ўтишини ва тиббий суғуртани жорий қилган ҳолда, соғлиқни сақлашни маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштиради;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни, халқаро ташкилотлар, жамғармалар маблағларини жалб этиш ишларини амалга оширади;

соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда уларни амалга оширишда қатнашади;

кадрлар тайёрлаш соҳасида

тармоқни кадрлар билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва рўёбга чиқаради, соғлиқни сақлашда тегишли йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳамда уларни тайёрлашни амалга оширади;

раҳбар ходимларнинг малакавий таркиби ва касбий даражаси, врачлар, фармацевтлар ва бошқа тиббиёт кадрлари касб малакасини оширишни назорат қилади ва уларни аттестациядан ўтказди;

олий ва ўрта тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади, улар фаолиятини маблағ билан таъминлайди ва назорат қилади;

соғлиқни сақлаш тизимида ихтисосликлар номенклатурасини белгилайди, Вазирлик номенклатурасидаги лавозимларга кадрлар танлайди;

соғлиқни сақлашни бошқариш соҳасида

Вазирлик тасарруфидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар тузилмасини такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқарув органлари фаолиятига услубий раҳбарликни, уни назорат қилишни амалга оширади;

тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларни қонунда белгиланган тартибда ташкил қилади, қайта ташкил этади ва тугатади, улар тўғрисидаги низомилар ва уставларни тасдиқлайди;

соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш, тармоқнинг янги ташкилотлари ва муассасаларини қуриш, ишлаб турганларини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқишни ташкил қилади;

илмий-техникавий тараққиёт соҳасида

илмий-тиббий тадқиқотларни ривожлантиришни ва уларнинг самардорлигини оширишни, фан, техника ва илм тарихи ва тажриба ютуқларини тиббиёт амалиётига жорий этишни таъминлайди;

илмий тадқиқотлар натижаларини экспертизадан ўтказиш, муассасаларга, ташкилотларга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар юзасидан буюртмалар беради;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида

тармоқни ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиради ва кенгайтиради;

республикада халқаро тадбирлар (симпозиумлар, конференциялар, кўргазмалар ва шу кабилар) ўтказишни ташкил қилади;

етакчи хорижий ва илмий марказларда тармоқ мутахассислари тайёрлашни ташкил қилади;

халқаро, давлатлараро соғлиқни сақлаш ташкилотларида республика номидан вакиллик қилади;

белгиланган тартибда илмий, услубий адабиётлар ва ахборотларни нашр этади ва Вазирлик бўлиmlарини улар билан таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган Вазир бошчилиги қилади. Вазир Вазирликка юкланган вазифалар бажарилиши ва унинг ўз функцияларини амалга ошириши учун шахсан жавоб беради. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Вазир: Вазирлик ва унга қарашли муассасалар, ташкилотлар, ўқув юртлари ва корхоналар фаолиятига раҳбарлик қилади; ўз ваколати доирасида буйруқлар, йўриқномалар чиқаради ҳамда ўзига қарашли барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек соғлиқни сақлашнинг ҳудудий органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради ва уларнинг юқорисини текширади;

Вазирлик тасарруфида юритилган масалалар бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритади; вазир ўринбосар-

лари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради; вазир ўринбосарлари ва Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарларининг улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгарлиги даражасини белгилайди; республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида марказий аппарат тузилмасини ва штат жадвалини, Вазирлик таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирликка қарашли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг низомлари ва уставларини тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати ходимларини ва Вазирликка қарашли муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарларини белгиланган номенклатурага мувофиқ лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади; Вазирлик марказий аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш шартларини белгилайди; алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий унвонлар ва мукофотлар беришга белгиланган тартибда тақдим этади; амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Вазирликда Вазир - ҳайъат раиси, лавозимига кўра вазир ўринбосарлари, шунингдек Вазирлик ва унинг тизимининг бошқа раҳбаридан иборат таркибда Ҳайъат ташкил этилади. Вазирлик ҳайъати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, лавозимига кўра унинг таркиби кирадиган шахслар бундан мустасно.

Ҳайъат маслаҳат органи ҳисобланади ҳамда ўз мажлисларида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ва Вазирлик, соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятининг, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш, муҳим буйруқлар ва йўриқномалар лойиҳаларини тайёрлаш, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарларининг, соғлиқни сақлаш органлари ҳамда ўқув юртлари ва бошқа муассасалар раҳбарларининг ахборотларини эшитади.

Ҳайъат қарори Вазирнинг буйруғи билан амалга оширилади. Вазир билан ҳайъат аъзолари ўртасида англашилмовчиликлар келиб чиққан тақдирда вазир пайдо бўлган англашилмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин. Соғлиқни сақлаш муаммоларини илмий таҳлил қилиш учун Вазирликда илмий тиббиёт кенгаши ташкил этилади. Кенгаш таркибига етажчи олимлар ва юқори малакали мутахассислар киради. Илмий тиббиёт кенгаши таркиби ва унинг тўғрисидаги низом Вазир томонидан тасдиқланади.

3. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати

Ушбу фаолият *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси* томонидан амалга оширилади. Назорат инспекцияси *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-*

лигида ташкил этилади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунди. Унинг Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмалари бўлади, улар бошқарувнинг вертикал тизимига эга бўладилар ва ўз фаолиятида бевосита Назорат инспекцияси бошлиғига бўйсундилар.

Қуйидагилар Назорат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

соғлиқни сақлаш органлари, мулкчилик шаклларидан ва маблағ билан таъминланиш манбаларидан қатъи назар, профилактика ва санитария муассасалари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш; даволаш-профилактика муассасалари бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан коррупция ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш; бюджетдан жалб этилган маблағлар билан таъминланадиган даволаш-профилактика муассасаларида дори-дармонлар ва тиббиёт воситаларини харид қилиш, сотиш ҳамда улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни ташкил қилиш; амалдаги қонунчиликни бузишга қарши соғлиқни сақлаш тизими ходимларини маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш.

Нazorat инспекцияси ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун:

соғлиқни сақлаш, даволаш-профилактика муассасалари бошқарув органларининг аҳолининг малакали тиббий хизмат олиш бўйича конституцион ҳуқуқларига ҳамда фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши масалалари юзасидан ўзларига юкланган вазифаларни бажаришга доир фаолиятини назорат қилиш ва текширишни амалга оширади; соғлиқни сақлаш ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича шикоятлар ҳамда аризаларни кўриб чиқади ва ўрганади, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари бўйича хизмат текширишларини ўтказиши; дорихона ва даволаш-профилактика муассасаларида бюджет маблағларидан фойдаланган ҳолда дори-дармонлар ва тиббиёт воситаларини сотиб олишда, сотишда ҳамда улардан белгиланган мақсадларда фойдаланишда белгиланган тартибга риоя қилиниши устидан, шу жумладан фавқулодда тафтишлар ўтказиш йўли билан, назоратни амалга оширади; текширишлар чоғида фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилиш масалаларидаги бузилишлардан, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини хизмат юзасидан текширишлар натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабардор қилади; буйруқлар лойиҳаларини тайёрлайди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатига қонунчилик талаблари борасида аниқланган бузилишларни бартараф этиш, саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилилмаган

соғлиқни сақлаш ходимларини моддий, маъмурий ва қонунчиликда на- зарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка тортиш тўғрисидаги так- лифларни қўриб чиқиш учун киритади; соғлиқни сақлаш ва даволаш-про- филактика муассасаларини бошқариш органларида молия-хўжалик фао- лиятини биргаликда тафтиш қилиш учун ўз ишларини Ўзбекистон Рес- публикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан мувофиқлаштириб боради.

Назорат инспекцияси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг топшириғига биноан ёки тасдиқланган иш режасига мувофиқ инспекция гуруҳларини соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиниши масалалари бўйича текшириш ва тафтишлар ўтказиш учун юбориш;

барча даражалардаги соғлиқни сақлаш органларида ва даволаш-профилактика муассасаларида уларнинг фаолиятига тааллуқли ҳужжат- ларни текшириш;

ўзларига юкланган вазифаларни бажариш чоғида даволаш-профи- лактика муассасаларининг барча биноларига, белгиланган кириш тарти- бига риоя қилган ҳолда, қаршиликсиз кириш;

дори-дармонларни, тиббиёт воситаларини харид қилиш ва сотиш, шунингдек, чекланган савдо устамалари қўлланиши юзасидан назорат ва тафтишларни амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш органлари ва даволаш-профилактика муассаса- лари раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслардан қонунчилик та- лабларининг бузилиши фактлари бўйича ёзма тушунтиришлар олиш;

зарурат бўлганда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти билан келишган ҳолда, бошқа таркибий бўлинмалар мутахассисларини текши- ришларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва- зирлиги ҳайъати материалларини ва вазирлик буйруқларини тайёр- лашда қатнашиш учун жалб этиш.

Назорат инспекцияси қўйидагиларга мажбурдир:

«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика- си Қонуни, бошқа қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларини бажариш; давлат сирига ва амалга оширилаётган ишларнинг махфийлик режимида, ўтказилаётган текшириш ва тафтишларнинг ошкор қилинмас- лигига қатъиян риоя этиш; соғлиқни сақлаш бошқарув органлари, текши- рилаётган даволаш-профилактика ва дорихона муассасалари фаолияти- нинг малакали, ҳолисона, асосли баҳоланишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекцияси таркиби белгилаб қўйилади ҳамда олий юридик, тиббий, фармацевтик ва иқтисодий маълумотга эга бўлган юқори малакали мута- хассислар билан бутланади. Назорат инспекциясини Ўзбекистон Респуб- ликаси Соғлиқни сақлаш вазири тайинлайдиган бошлиқ бошқаради.

Назорат инспекцияси ходимлари инспекция бошлиғининг тақдимно- масига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томо- нидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

4. Давлат санитария назорати

Давлат санитария назорати- бу санитария қонунларининг бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизматининг фаолиятидир. Ушбу фаолият 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуни²⁵ билан тартибга солинади. Ушбу қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади, одамнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлайди.

Давлат санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашни қўйдаги асосий принциплар асосида амалга оширади: атроф муҳитни соғломлаштириш, овқатланишни, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуини амалга ошириш асосида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш; халқ хўжалик объектлари, технология ускуналарини ва асбобларини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушуриш чоғида атроф муҳит омиллари аҳоли саломатлигига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган фаолиятининг устиворлигини таъминлаш; аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш; санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаолиятнинг мажбурий қисми сифатида амалга ошириш; мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаслик ҳамда санитарияга доир ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслик натижасида аҳолининг саломатлигига ва атроф муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш; санитария нормалари, қоидаларига риоя этилиши ва санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади. Санитария-эпидемиология станцияси Ўзбекистон республикаси «Давлат санитария

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., N 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., N 6, 118-модда; 1999 й., N 5, 124-модда; 2000 й., N 7-8, 217-модда

назорати тўғрисида»ги қонун ҳамда улар тўғрисидаги Низомга мувофиқ иш кўрувчи тиббий профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларининг мажмуини уюштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ўрта Осиё темир йўлининг ишлатилаётган ва қурилаётган объектларида идоровий санитария назоратини тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадilar. Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади. Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қайси идорага бўйсуншидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизматининг давлат санитария назоратини амалга оширувчи бош давлат санитария врачлари, бошқа мансабдор шахслари ва мутахассислари ҳокимият вакили ҳисобланадилар ва давлат ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари:

давлат санитария эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини ва устувор йўналишларини белгилайди; санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди; атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади; авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш юзасидан муваққат санитария нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; вилоятлар ва Тошкент шаҳри, бош давлат санитария врачларини тайинлайди, санитария-эпидемиология хизмати муассасаси раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади; одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган яшаш ва ҳўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди; ҳудудларни карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган республика ва маҳал-

лий эпидемияга қарши жамғармалардан ва моддий-техникавий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

Вилоят ва Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачлари: ўз буйсунувидаги санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиладилар; халқ хўжалиги объектларини қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари юзасидан хулосалар берадилар; санитария эпидемия жиҳатидан хотиржамлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳужжатлар чиқарадилар; одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавfli бўлган, аҳолининг яшаши ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайдилар; вилоят ва шаҳар ҳудудларига карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини амалга оширадилар; авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказадилар; Ўзбекистон Республикасининг Бош санитария врач билан келишган ҳолда шаҳарлар ва туманларнинг бош давлат санитария врачларини тайинлайдилар.

Давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга уларнинг ваколатлари доирасида қўидаги ҳуқуқлар берилади:

а) давлат бошқаруви идораларида, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан, шунингдек алоҳида шахслардан йўл қўйилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам беришни талаб қилиш;

б) халқ хўжалиги объектларини қуриш ва уларни қайта қуриш лойиҳаларида санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилиш;

в) мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга ва алоҳида шахсларга белгиланган тартибда; аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари, халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришнинг истиқбол режалари бўйича, шунингдек корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш лойиҳалари бўйича хулосалар бериш; қурилиш учун ер участкалари бериш, рўзғорда ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланадиган жойларни ва оқова сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, захарли, кимёвий, радиоактив ва бошқа моддаларни қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш масалалари бўйича хулосалар бериш;

г) турар жой бинолари ҳамда маданий-маиший бинолар, sanoat, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, шунингдек иншоотларнинг амалдаги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар бериш;

д) болалар муассасаларида тарбияланаётган ҳамда ўқув юртларида таълим олаётган болаларнинг ўқув-меҳнат соатлари ва тахминий машғул-лот тартиби ҳақида тақдим этишган таклифлар юзасидан хулосалар бериш;

е) қайси идорага бўйсунидан қатъи назар, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларини, бошқа муассасалар ва ташкилотларни махсус экспертизалар ўтказишга жалб этиш ва бунга буюртмачилар ҳисобидан ҳақ тўлаш;

ж) санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида қайси идорага қарашли бўлишдан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кириш;

з) қайси идорага қарашли бўлишдан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан: санитария нормаларини, қоидаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам суратда бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юкумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштиришни; атрофдагилар учун хавфли бўлган юкумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни касалхонага ётқизишни; профилактика ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни; объектларнинг санитария ҳолатини аниқлаш ҳамда аҳоли саломатлигининг ҳолатини эпидемиология жиҳатдан таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

и) гигиена экспертизалари, лаборатория тадқиқотлари ўтказиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмларни, предметлар ва материалларни олиш, шунингдек бевосита объектларнинг ўзида, лабораторияда ва асбоблар ёрдамида зарур текширишлар ўтказиш;

к) санитария назоратини амалга оширишга бошқа идораларнинг мутахассисларини шартнома асосида, шунингдек жамоатчилик вакилларини жалб этиш.

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари бузилган тақдирда қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар: ер участкаси, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш ва бошқа халқ хўжалиги объектлари қурилишига, уларни қайта қуриш, кенгайтиришга, ер ажратишга доир, санитария нормаларига ва қоидаларига жавоб бермайдиган лойиҳалаш ҳақидаги ҳужжатларни ва лойиҳаларни қайтариш; санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам берилгунга қадар амалдаги ишлаб чиқариш объектларида, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасасаларининг фаолиятини тўxtатиб қўйиш, ускуналар, асбоблар ва гидротехника иншоотларини ишлатишни тақиқлаб қўйиш; санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган тақдирда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, уларни қайта қуришни

ҳамда мазкур объектларда айрим иш турларини амалга оширишни тўхтатиб қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турларини, кимёвий моддаларни, технология ускуналарини, жараёнларини ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, қурилиш материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва доридар-монларга ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер ва бошқа материалларни, улардан тайёрланган буюмларни ва бошқа халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни, қўллашни ва сотишни таъқиқлаб қўйиш;

ҳўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш чоғида кимёвий моддаларни қўллашни, одамлар саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш хавфи туғилган тақдирда қишлоқ ҳўжалик экинлари ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган ва тартибга соладиган дориларни, пестицидларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини қўллашни бу моддалар ва материалларни ишлаб чиқувчи уларнинг хавфли эмаслиги ҳақида илмий асосланган маълумотларни тақдим этгунигача тақиқлаб қўйиш; сув истеъмол учун яроқсиз деб топилганда ундан ичиш ва ҳўжалик мақсадларида ишлатишни тақиқлаб қўйиш; санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузаётган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг соғлигини сақлаш қандай принципларга таянган ҳолда амалга оширилади?
2. Мамлакатимизда қайси органлар республика соғлиқни сақлаш органларининг ягона тизимини ташкил этади?
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аҳолининг соғлигини сақлаш соҳасида қандай ваколатларни амалга оширадилар?
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида маълумот беринг.
5. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати қайси орган томонидан амалга оширилади ва унинг вазифалари?
6. Давлат санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашни қайси асосий принциплар асосида амалга оширади?
7. Давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга уларнинг ваколатлари доирасида қандай ҳуқуқлар берилди?

7-мавзу. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш

- 1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳуқуқий мақоми.**
- 2. Ташқи меҳнат миграцияси.**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги қонуни Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминлашдан иборат конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш, давлат пенсияларининг ягона тизимини, уларни тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу қонун билан давлат пенсияларининг куйидаги турлари белгиланади: ёшга доир пенсия; ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги** томонидан амалга оширилади. Ушбу вазирлик 2001 йил 13 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони²⁶ билан меҳнатни рағбатлантириш ва манфаатдорликни ошириш соҳасида бошқарувни ташкил этиш даражасини ошириш ва такомиллаштириш, аҳолини иш билан оқилона таъминлаш, ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни тобора йўқурлаштириш шароитида ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шу асосда аҳолининг фаровонлиги барқарор юксалиб боришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»²⁷ ги Фармонида биноан Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг фоят муҳим омили сифатида унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., № 1-2

²⁷ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 15-сон. 156-модда.

ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ушбу масалаларни ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ролини фаоллаштириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек улар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг энг муҳим вазифалари* деб ҳисобланиши белгилаб қўйилди:

минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, демографик омилларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш ҳисобиغا аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;

демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камхарж оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган тарзда ва аниқ ёндашувни кучайтириш;

меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий таъминлаш соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

2007 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини тартибга солувчи Низомга²⁸ биноан Вазирлик тизимига қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари;

бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари;

туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари;

²⁸ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 19-20-сон, 195-модда.

худудий реабилитация марказлари;
ногиронлар ва қариялар учун «Мурувват» ва «Саховат» уйлари;
уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар;
Тошкент шаҳрида ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш ўқув маркази;

Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш
Республика инспекцияси;

тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари;

Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази;

Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ногиронлар учун ихтисослаш-
тирилган республика касб-ҳунар коллежлари;

2-сон юридик коллеж;

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизими
ходимлари малакасини ошириш Республика курслари;

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги;

фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик
ҳисобидаги минтақавий бюролар;

Жўнаб кетишдан олдинги мослашув ва ўқитиш маркази;

Ахборот-компьютер маркази;

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази.

Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функция-
ларни амалга оширади:

*1. Меҳнат бозорини шакллантириш ва аҳолини иш билан таъмин-
лаш соҳасида:*

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда республика ва худудлар-
нинг демографик ривожланиш прогнозларини амалга оширади, аҳолини
иш билан самарали таъминлаш чора-тадбирлари комплексини асосла-
ган ҳолда меҳнат ресурсларининг прогноз балансларини ишлаб чиқади;

республика ва худудларнинг меҳнат ресурслари сони ва таркибини
ўрганади ҳамда уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

аҳолининг иш билан бандлик даражаси ва таркибини энг тўлиқ ва
холисона баҳолашни таъминлаш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахс-
ларни аниқлаш мақсадида меҳнат бозорининг аҳволи мониторингини
ташkil этади;

худудларнинг демографик ривожланиш прогнозлари асосида аҳо-
лини иш билан таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

миграция жараёнларини таҳлил қилади, ташқи меҳнат миграциясини
ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги меҳнат
фаолиятини ташkil этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ишсизларни ҳисобга олишни ташkil қилади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўрта мах-
сус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг иш билан
таъминланишини тадқиқ этади ҳамда улар натижалари асосида ишчи

кадрлар ва ўқув юртларида мутахассисларнинг касб тайёргарлиги йўналишларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

аҳолини иш билан таъминлаш, ёшларни, ишдан бўшаб қолган ходимларни ва аҳолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, шунингдек бўш иш жойлари бўйича ахборотларнинг шакллантирилишини ва таҳлил этилишини ташкил қилади;

шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол ўстириш билан банд бўлган шахслар ҳисобини амалга оширади;

ёшларнинг ва иш билан банд бўлмаган аҳолининг касб-хунарга хоҳишини ва меҳнат йўналишларини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда иш ўринлари ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишда қатнашади;

иш билан таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда ҳокимликларга методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва таркибий қайта ташкил этиш давомида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротга учраши ва тугатилиши натижасида ишдан бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофиза қилишга доир мақсадли минтақавий дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва ташкилотларга корхоналар ҳамда фуқаролар ўртасида кооперациялаш асосида касаначиликни кенгайтириш масалаларида кўмаклашади;

меҳнат бозори инфратузилмаси фаолияти такомиллаштирилишини таъминлайди;

ишсизлар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

ишсизларни касб-хунарга ўқитишни, уларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

2. Аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш ва ижтимоий таъминлаш соҳасида:

муҳтож oilалар, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилганлиги ва аниқлигини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашда қатнашади;

давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва ижтимоий муҳофиза қилиш механизмининг ишлаши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кекса фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, санаторий-курортда даволанишга йўлланмалар ва махсус ҳаракатланиш воситалари берилишида қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда муҳим ижтимоий-меҳнат нормалари ва нормативлари рўйхатини белгилайди ҳамда уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини тадқиқ этади, уни юксалтиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокида пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган oilаларни, аҳолининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа ижтимоий ночор гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади;

ишсизлар ва уларнинг oilа аъзоларини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг таъминланишини ташкил этади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш ишларини ташкил этади;

энг кам иш ўринларининг ажратилиши ва уларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар билан бутланиши масалаларини ўрганади ва таҳлил этади;

деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлаётган фуқаролар, шуниңдек тадбиркорлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари рўйига чиқарилишини ташкил этади;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлашда қатнашади;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдорини белгилашга доир таклифлар тайёрлайди.

3. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш шартларини ва уни муҳофаза қилишни такомиллаштириш соҳасида:

меҳнатни моддий рағбатлантириш механизмларини ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш методларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг меҳнатни нормалаштириш ва ишчи касблари ҳамда мутахассислар ва хизматчиларнинг лаво-

зимлари тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштиради;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, ягона тариф сеткасини, иш ҳақини районлар бўйича тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, ишлар ва касблар, лавозимларнинг тариф-малака маълумотномаларида акс эттирилмаган лавозимлар ва ишларни тариф сеткасининг тегишли разрядларига киритиш масалаларида ҳужалик бошқаруви органларига ва ташкилотларга методик ва амалий ёрдам беради;

тегишли касаба уюмлари органларининг (ҳодимларнинг бошқа вакиллик органларининг) ҳамда иш берувчиларнинг (улар бирлашмаларининг) таклифларига кўра тармоқ битимлари тузишда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнат шaroитларини баҳолаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун норматив базани яратиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қайта кўриб чиқилишини, келишилиши ва тасдиқланишини ташкил этади, иш ўринларини меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказишда методик ёрдам кўрсатади;

иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асбоб-ускуналарнинг шикастланишга хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасида юридик шахсларни аттестациядан ўтказади, шунингдек уларнинг мутахассисларини ўқитиш ва аттестациядан ўтказишни амалга оширади;

меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда давлат назоратини амалга оширади;

вазирликлар ва идораларнинг Имтиёзли пенсия таъминоти, қўшимча таътил, қисқартирилган иш куни ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, ишлар ва касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлари юзасидан хулосалар беради;

Ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини татбиқ қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар беради, шунингдек ушбу Рўйхатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади;

Ноқулай меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёзлар ва компенсацияларнинг амалдаги рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив-методик ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

меҳнат, унинг шaroитлари ва унга ҳақ тўлаш, иш билан таъминлаш ҳамда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган, давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож oilаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиради.

4. Пенсия хизмати кўрсатиш ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар билан таъминлаш соҳасида:

пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини (компенсация тўловлари бўйича - бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз вақтида тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга, шунингдек деҳқон хўжалиklarининг ижтимоий суғурта бадалларини тўлаётган аъзоларига ҳомиладорлик ва туғруқ, чақалоқ туғилганлиги бўйича нафақаларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлашни ҳамда дафн маросими учун тўловни амалга оширади;

меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигидан ногиронлик бўйича «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун маблағларни айбдор юридик ва жисмоний шахслардан регрессив даъволар бўйича белгиланган тартибда ундириб олишни амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг, шунингдек шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиklarининг қорамол ўстириш ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланаётган аъзоларининг меҳнат дафтарчаларини юритиш ва сақлашни амалга оширади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш мониторингини олиб боради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг ўз вақтида тўланиши бўйича ўзаро яқин алоқани амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга ва деҳқон хўжалиklари аъзоларига ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг ишончлигини текширади;

пенсиялар, нафақалар ҳамда компенсация тўловларининг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қилади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашади;

ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсиялар ҳамда ижтимоий суғурта бўйича нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини текширишга доир назорат-тафтиш ишларини амалга оширади ва ташкил қилади;

ишламаётган ва ишлаётган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ҳамда компенсация тўловларини тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж ҳажмини аниқлайди ва ҳар ойда, белгиланган муддатларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи дирекциясига буюртманома тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетининг ихроси тўғрисидаги йиғма ҳисоботларни белгиланган тартибда тақдим этади;

пенсиялар, нафақалар ҳамда бошқа ижтимоий тўловларни тайинлаш ва тўлаш ишларини ташкил этади ва уларга методик раҳбарлик қилади;

имтиёзли пенсияларни тартибга солиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқишлигини ташкил этади;

имтиёзли пенсия таъминоти учун ҳуқуқ берувчи ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш масалалари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, уларни такомиллаштириш бўйича келишилган таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда пенсия таъминотининг нодавлат тизимини яратиш ва ривожлантириш чоратадбирларини ишлаб чиқишда қатнашади.

5. Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида:

ижро этувчи ҳокимият республика, вилоят, туман, шаҳар органлари иштирокида ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган бошқа аҳоли гуруҳларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этади;

ижтимоий таъминот муассасаларида («Мурувват» ва «Саховат» уйларида, пансионатларда, санаторийларда) яшаётган кекса фуқаролар ва ногиронларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил қилади, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлалини таъминлайди;

ёлғиз кекса фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ташкил этади ва уларнинг ишини назорат қилади;

аҳолига ижтимоий ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш ишларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи нодавлат хизматлар ташкил этишга кўмаклашади ҳамда уларнинг иши устидан назоратни таъминлайди;

ўзига қарашли ташкилотларнинг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурларини молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган ишларини, шу жумладан уларнинг тижорат фаолиятини мувофиқлаштиради.

6. Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва реабилитация қилиш соҳасида:

ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва реабилитация қилиш ишларига раҳбарликни амалга оширади;

ногиронларнинг касб-ҳунар-техника таълими ва уларни қайта ўқитиш бўйича идоровий таълим муассасаларига раҳбарлик қилади;

инфратузилма объектларининг ногиронлар ва кекса фуқаролар учун қулайлигини таъминловчи шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда қатнашади;

ногиронлар учун иш ўринлари ташкил этишда ва уларни ишга жойлаштиришда ногиронларнинг нодавлат ва бошқа ташкилотларига ёрдам беради;

ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга, меҳнатнинг касаначилик турларини ва иш билан таъминлашнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўмаклашади;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида уларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати ривожлантирилишига қўмаклашади;

ҳаракатланишнинг махсус воситаларига, ишлаб чиқариш ва маиший тусдаги мосламаларга, ногиронларни реабилитация қилиш ва уларни парваришлашнинг бошқа техник воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқариш учун буюртмалар беради;

аҳолига протез-ортопедия ёрдами кўрсатишни ташкил этишни, давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва ногиронларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, уларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ишлари амалга оширилишини таъминлайди;

ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

7. Молия-ҳўжалик фаолияти соҳасида:

Вазирлик тизимида режа-молия ишларини, тасарруфидаги ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларни, шунингдек ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлашни белгиланган тартибда ташкил этади;

аҳолига ижтимоий ёрдам беришнинг ҳар хил турларини ташкил этишни иқтисодий жиҳатдан асослаб беради;

Вазирлик тизими ходимлари меҳнатини нормалашнинг ташкил этилишини такомиллаштириш тадбирларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

тасарруфидаги ташкилотларнинг молия-ҳўжалик фаолияти бўйича баланслар ва ҳисоботларни кўриб чиқади;

давлат марказлаштирилган капитал қўйилмаларидан тасарруфидаги ташкилотлар томонидан самарали фойдаланилишини таъминлайди, Вазирлик тизимидаги объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли дастурларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади.

Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилиги қилади. Вазирнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга

тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Вазир:

Вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан ҳамда тасарруфидаги органлар ва ташкилотлар иши учун шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Ўз ваколатлари доирасида Вазирлик тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Вазирликнинг марказий аппарати, ўзига қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига кирувчи ўзига қарашли бошқа ташкилотларнинг низомларини (уставларини) белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларини ва Вазирликка бўйсунадиган ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини Вазирлик томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирликда 9 киши - Вазир (ҳайъат раиси), вазир ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирлик ва унинг тизими бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, Вазир ва унинг ўринбосарлари бундан мустасно.

Вазирлик ҳайъати ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир, пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда, мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари

ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Вазирликка бўйсундилар ва ҳисобот берадилар. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари раҳбарларини тайинлаш тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан амалга оширилади. Вазир туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказлар, ТМЭКлар, шунингдек ҳудудий бош бошқармаларга қарашли тиббий-ижтимоий ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларини тайинлашга розилик беради.

2. Ташқи меҳнат миграцияси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарорига²⁹ мувофиқ меҳнат миграцияси масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорликнинг ўсиб бораётган кўламларини, Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш учун иш ўринлари бериш хоҳишини билдирган мамлакатлар ва чет эл компаниялари сони кўпайганлигини ҳисобга олиб, шунингдек республика фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизимини ва унинг механизмни тартибга солиш, фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш ҳукумат қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юкланди.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли давлат унитар корхонаси ҳисобланади. Агентлик: меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга

²⁹ "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами", 2003 й., N 11, 117-модда.

жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ишга жойлаштириш, чет элларда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўниқув тадбирларини ўтказиш йўли билан уларга кўмаклашиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар, шунингдек чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниқтириш ва ўқитиш маркази фаолиятини мувофиқлаштириш; хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиши бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш мuddатини узайтириш); юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш мuddатини узайтириш), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тақлифларига мувофиқ ҳамда ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари таҳлилини, аҳоли меҳнат миграциясини ривожлантиришнинг узоқ мuddатли ва ўртача мuddатли прогнозларини ҳисобга олган ҳолда хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятига тасдиқномалар бериш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш масаласи бўйича ўз ваколати доирасида музокаралар олиб боради, хорижий ҳамкорлар билан тузиладиган шартномалар, битимлар ва протоколлар лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни имзолайди, тегишли қарорларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан Ўзбекистон фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномалари, битимлари ва протоколларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини мувофиқлаштириб боради; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда белгиланган тартибда берилган рухсатномалар (тасдиқномалар) асосида ишлаётган хорижий фуқароларни ҳисобга олади; Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларидан фойдаланишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга иш берувчилар томонидан риоя этилишини назорат қилади; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида

меҳнат фаолияти ҳуқуқини берувчи тасдиқномага эга бўлган хорижий фуқаролар томонидан республика ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади; меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ чет элга ишлаш учун жўнаб кетаётган фуқароларни ишга жойлашиладиган мамлакатда бўлиш хусусиятлари, хорижий иш берувчилар билан меҳнат шартномалари тузишнинг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида хабардор қилади, уларнинг малака оширишига ва ҳўжалик ҳисоби асосида хорижий тилни ўрганишига кўмаклашади; Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали, белгиланган тартибда чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолияти мониторингини амалга оширади; чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлайди; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий органлари билан биргаликда чет элларга ишга юборилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанга қайтгандан кейин ишга жойлаштирилишини ташкил этади; чет элларда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради; хорижий мамлакатларнинг меҳнат бозорини ўрганади, хорижий иш берувчиларни қидиради ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш тўғрисида битимлар тузади; чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширишни хоҳловчи фуқаролар тўғрисидаги ахборотларни хорижий иш берувчилар ўртасида, шу жумладан «Интернет» тармоқлари орқали тарқатади.

Агентликни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Агентлик бошлиғи бошқаради. Агентлик бошлиғи: Агентликнинг жорий фаолиятини ташкил қилади ва юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради; Агентлик ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади; давлат органлари, юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва jisмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар олдида Агентлик манфаатларини ифодалайди; Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда штат ҳадвалини, Агентлик аппарати таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди; Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар ҳамда юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга жойлашиш учун хорижий фуқароларнинг меҳнат фаолиятига тасдиқномалар беради (уларнинг амал қилиш муддатини узайтиради). Агентликка юкланган вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга

оширади. Агентлик бошлигининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади. Агентлик таркибий бўлинмалари раҳбарлари Агентлик бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Назорат учун саволлар:

1. Давлат пенсияларининг қандай турлари мавжуд?
2. Фуқаролар давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўзбекистон Республикасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви қайси орган томонидан амалга оширилади ва унинг ваколатлари?
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида қайси органлари қандай қилиб ишлайди?
5. Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг ҳуқуқий мақоми?

8- мавзу. Маданият ва спорт соҳасини бошқариш

1. *Ўзбекистон Республикасида маданият ва спорт соҳасининг давлат томонидан тартибга солинишининг мазмуни.*
2. *Кино ва видео фаолияти.*
3. *Матбуот ва ахборот*
4. *Телевидение ва радио.*

1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва спорт соҳасининг давлат томонидан тартибга солинишининг мазмуни

2004 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони³⁰ билан маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва баркамол шахсларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат туйғусини сингдириш, аҳолининг маданий ва эстетик талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, шунингдек маданият ва спорт соҳасини бошқаришни тақомиллаштириш, бу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил қилинди ҳамда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг *асосий вазифалари ҳамда йўналишлари* этиб белгиланди:

маданият ва оммавий спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой ва уйғун камол топган шахсларни тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

миллий истиқлол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда аҳоли ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини амалга ошириш, одамларнинг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш;

театр, мусиқа, хореография, тасвирий санъат, цирк, халқ амалий ва эстрада санъатини янада ривожлантириш, уларнинг ғоявий-бадиий ва маънавий савиясини ошириш, халқ тарихининг энг ёрқин саҳифаларини ва унинг ҳозирги ҳаётини, мамлакатнинг эркин демократик тараққиётини

³⁰ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 38-сон, 422-модда.

ёритиб берадиган асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

маданий-оммавий ва байрам тадбирларининг чуқур ғоявий мазмун билан бойитилишини таъминлаш, республиканинг ижодий уюшмалари ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз таланти ва истеъдодларини тўла намойиш этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини, биринчи навбатда ёшлар ва болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини англаш руҳида тарбиялаш, уларга соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат иштиёқини сингдириш, ёшларни меҳнатга ва республика қуроли кучларида хизмат қилишга тайёрлаш;

Олимпия ўйинларида, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ва юқори спорт натижаларига эриша оладиган юксак маҳоратли спортчиларни тайёрлаш учун олимпия захираси муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республикада болалар спорти ҳаракатини ривожлантиришга қўмаклашиш;

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» узлуксиз спорт мусобақаларининг уч босқичли тизимини ташкил этиш ва ўтказиш;

миллий спорт турлари бўйича халқ ўйинлари, мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш;

турар жойлар ва маҳаллаларда маданий-маърифий фаолиятни, аҳолини маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашни ташкил қилишда, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини ўтказишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва уларга қўмаклашиш;

давлатлараро ва халқаро маданий ҳамда спорт алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўргазмалар ва спорт мусобақалари ўтказиш, маданият, санъат ва спорт соҳасига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш ишларини ташкил қилиш;

маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан энг юқори даражада тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

маданият ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш, республика маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасаларини, ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

профессional, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини, оммавий жисмоний тарбия ва спорт, оммабоп маданий-маърифий ва спорт дастурларини

кенг тарғиб қилиш, шунингдек маданият ва спорт соҳасида оммабоп адабиётларни чоп этиш ҳамда видео ва кино материаллар чиқариш.

Вазирлик фаолияти тўғрисидаги низомга биноан³¹ вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маданият ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиш мониторингини олиб боради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

маданият ва спорт соҳасида ҳамкорлик бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқади, қабул қилинган халқаро битимларнинг бажарилишини таъминлайди;

театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини ривожлантиришни таъминлайди, ижодий жамоаларга халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифаларини, унинг ҳозирги ҳаётини, мустақил ривожланиш тажрибасини акс эттирувчи асарлар яратишда ҳар томонлама ёрдам беради;

кадрларни миллий ва умуминсоний кадриятлар, инсонпарварлик ва юксақ маънавият руҳида тайёрлаш жараёнини ташкил қилади, кишиларнинг ўзининг умумтаълим ва маданий савиясини оширишга интилишини рағбатлантириш, уларни миллий, жаҳон маданияти ва санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш ишларини амалга оширади;

Вазирлик тизими кадрлари малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлашни, аттестациядан ўтказишни, шунингдек хорижда тажриба орттиришини, ўқитишни таъминлайди;

музейларда миллий мустақиллик ғояларига ҳамоҳанг бўлган, ўзбек халқининг бой маданий меросини, унинг инсоният тарихидаги роли ва аҳамиятини, унинг ривожланиш босқичларини ҳаққоний акс эттирувчи экспозицияларнинг ташкил этилишини, шунингдек замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганишни, музейшунослик, музейлар фондларидаги экспонатларнинг ягона каталогини юритиш бўйича умуммиллий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлайди;

республика аҳолисини Ўзбекистон халқлари тарихи тўғрисида ҳабардор қилувчи чет элларда сақланаётган қадимий буюмлар, шунингдек мамлакатимиз музейларида намоиш қилинаётган ноёб экспонатлар билан кенг таништириш воситасида одамларда умуминсоний кадриятларни, бой миллий маданий меросни ҳурмат қилиш ва эътироф этиш гуйғусини тарбиялашга кўмаклашади;

³¹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 14-сон, 104-модда.

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан гойдаланиш бўйича қонун ҳужжатларининг юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, қўриқлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

маданий мерос объектларини таъмирлаш, консервация, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат дастурларининг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

маданий мерос объектларини аниқлаш, рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланишни таъминлайди;

маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритади, уларни тарихий-маданий экспертизадан ўтказишни ташкил қилади ва амалга оширади;

маданий қимматга эга бўлган буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда классификациясини аниқлайди;

маданий бойликларнинг четга олиб чиқиб кетилиши, вақтинчалик олиб чиқиб кетилиши тўғрисида қарорлар қабул қилади;

четга олиб чиқиб кетиладиган ва четдан олиб келинадиган, шунингдек вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган ва вақтинчалик олиб келинадиган маданий бойликларни рўйхатдан ўтказади;

четга олиб чиқиб кетиладиган, вақтинчалик олиб чиқиб кетиладиган, шунингдек вақтинчалик олиб чиқиб кетилгандан кейин қайтариб олиб келинган маданий бойликларнинг экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

маданий бойликларни четга олиб чиқиб кетиш ва вақтинчалик олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига сертификатлар беради;

тутиб қолинган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мусодара қилинган маданий бойликларни давлат тағишли органларидан қабул қилиб олади, уларни экспертизадан ўтказади ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотларнинг жамоалари ва яққохон ижрочиларининг гастроль-концерт фаолиятини, шу жумладан чет эллардаги гастроль-концерт фаолиятини ташкил қилади;

республикада ва хорижий мамлакатларда профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлари, шунингдек кўргазмалар ўтказишни ташкил қилади;

Эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши билан биргаликда республика маданият саройлари, концерт заллари ва стадионларида ўтказиладиган маданий-маърифий ҳамда концерт тadbирларининг тематик, репертуар режалари ва дастурларини такомиллаштиришга доир ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

мамлакатимиз таълим муассасаларида дарс бериш учун республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочиларини ҳамда санъат ва спорт арбобларини, етакчи мутахассис педагогларини таклиф қилади;

чет элларда ўқиётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган ижодкор ёшларнинг республикада ўтказиладиган кўриклар, танловлар ҳамда фестивалларда қатнашишини таъминлайди;

иқтидорли ёшлар ва санъат арбобларининг ижодий сафарларини ташкил қилишни ҳамда уларнинг халқаро кўламда ва республика миқёсида санъат ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа анжуманларда иштирок этишини таъминлайди;

культурологияни, театршунослиқни, санъатшунослиқни, мусиқашунослиқни ва мазкур соҳадаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўради;

драматик, мусиқали, мусиқали-драматик асарлар, тасвирий ва амалий санъат ва ҳайкалтарошлик асарлари яратишга давлат буюртмаларини амалга оширади;

ижодий жамоалар, маданият, санъат ва спорт мутахассисларини, арбобларини, шунингдек спортчиларни ҳамда уларнинг идоровий мансублигидан қатъи назар, бошқа вакилларни халқаро танловлар, фестиваллар, мусобақаларда ва чет эллардаги бошқа тадбирларда қатнашиш учун тайёрлашни, жўнатишни ва қабул қилинишини таъминлайди;

мамлакатда спорт турларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари ва аъзоларини спорт инвентарлари, жиҳозлари, кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлайди;

республикада маданият ва спортни ривожлантиришнинг аҳволи мониторингини амалга оширади, мамлакатда уларни ривожлантиришга доир ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

жаҳон илмий-техника тараққиёти ютуқлари, хорижий мамлакатларда маданият ва спортни ривожлантиришнинг илғор тажрибаси умумлаштирилишини, ушбу ютуқларнинг тармоқда жорий этилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар билан биргаликда маданият ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ривожланишига, шунингдек аҳолини jismoniy тарбиялашга кўмаклашади, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар олиб борилишини мувофиқлаштиради;

маданият ва спорт бўйича ўқув дастурлари, қўлланмалари ва бошқа илмий-методик адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек уларни тасдиқлайди;

маданият ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни, маданият ва спорт соҳасига тааллуқли дастурий-методик ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди, уларнинг тўғри бажарилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда маданият ва спорт арбобларини, шу жумладан спортчиларни, тренерларни, спорт фахрийларини ва бошқа мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва бошқа жамоат спорт ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашади;

Ўзбекистондаги спортнинг миллий турларини ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашади, мамлакатда ва чет элларда спортнинг миллий турлари бўйича мусобақалар, халқ ўйинлари бўйича жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилиши молиялаштирилишини, шунингдек халқаро спорт майдонларида спортнинг миллий турлари тарғиб қилиниши ва ривожлантирилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

халқаро ва республика оммавий спорт тадбирлари ўтказилишини, спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислар таъминотини, спортчиларни, мамлакат терма жамоаларини тайёрлашни ва уларнинг Олимпиада ва Осиё ўйинларида, жаҳон, Осиё чемпионатлари, кубоклари ва биринчиликларида ҳамда бошқа халқаро спорт мусобақаларида иштирок этишини, халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўланишини белгиланган тартибда таъминлайди;

республика спортчилари томонидан спорт турлари бўйича ўрнатилган мамлакат рекордларини тасдиқлайди ва уларни тасдиқлаш учун тегишли ҳужжатларни халқаро спорт ташкилотларига белгиланган тартибда тақдим этади;

спорт федерацияларининг тақдимномаси бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган халқаро оммавий спорт тадбирларида спортнинг алоҳида турлари бўйича қатнашадиган мамлакат спортчилари, терма жамоаларини тасдиқлайди ва уларнинг иштирок этишини таъминлайди;

аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маданий тадбирлар ва оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда мамлакатнинг давлат ва жамоат ташкилотларига қўмаклашади;

ўзига қарашли ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришда ва уларни ахборот билан таъминлашда, маслаҳат бериш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ҳамда бошқа ёрдам турларини кўрсатишда уларга қўмаклашади;

барча маъжуд маданият ва спорт иншоотларини, кутубхоналар, театрлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа маданий-маърифий муассасаларни хатловдан ўтказиш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштиради ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан белгиланган тартибда сертификатлар беради;

маданият ва спорт соҳасидаги улкан ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

ҳалқаро маданият ҳамда спорт алоқаларини амалга оширади ва ривожлантиради;

маданият ва спорт муассасаларининг давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини белгиланган тартибда таъминлайди.

Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзининг ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли бошқа ташкилотлар орқали амалга оширади.

Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси, «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси, «Ўзбекмузей» республика жамғармаси ҳамда Вазирликка қарашли бошқа маданият, спорт ва таълим муассасалари киради.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари икки томонлама бўйсундилар ҳамда Вазирликка ва маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органига ҳисоб берадилар. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилиқ қилади. Вазирнинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан икки нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Вазир:

Вазирлик фаолиятига яқка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда, Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, шунингдек Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик тизимига қирувчи ташкилотлар ва муассасалар штат жадвалини, шунингдек харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига қирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар низомларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар, Вазирлик тизимига қирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Вазирлик таркибига Вазир (раис), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 15 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазир тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, Вазирлик тизимига қирувчи бошқа ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари-

нинг ҳисоботларини эшитади, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини кўриб чиқади. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar. Туман (шаҳар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари ўз фаолиятини туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Вазир томонидан тайинланади.

Туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари тегишли туман (шаҳар) ҳокими тақдимномасига биноан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошлиқлари томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бошқариш 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсати:

инсонпарварлик;

демократизм;

фуқаролар жисмоний тарбиясининг узлуксизлиги ва давомийлиги;

жисмоний тарбия ва спорт тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги принциплари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмаларини тузиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фуқароларнинг жисмоний тарбиясига давлатнинг муҳим ижтимоий сиёсати сифатида қарайдилар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, давлат дастурларини амалга оширадilar ҳам-

да улар асосида жисмоний тарбия ва спортни бошқариш маҳаллий давлат органлари билан биргаликда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир ўз дастурларини ишлаб чиқадилар. Фуқароларнинг турар жойларида ва оммавий дам олиш жойларида жисмоний тарбия ва спорт машғулоти учун шарт-шароит яратиш ва уларни ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спортни бошқариш давлат органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди;

жисмоний тарбия ва спорт ривожининг молиявий таъминланишини белгиланган тартибда амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

ўзларига қарашли ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга раҳбарлик қиладилар;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлайдилар;

жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмаларининг тузилишига кўмаклашадилар;

маҳаллий корхоналарда жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт ва туристик аҳамиятдаги товарлар ишлаб чиқарилишига кўмаклашадилар;

жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базасини кенгайтириш ҳамда жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида киритилган маблағларни жамлайдилар;

аҳоли ўртасида спорт нормативларини топшириш бўйича ишларни ташкил этадилар;

ҳаваскорлик жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини ривожлантириш учун фуқароларнинг турар жойлари ва дам олиш жойларида шарт-шароитлар яратадилар;

зарур ўқув-моддий базасини таъминлаган ҳолда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ҳамда жисмоний тарбия-спорт муассасаларини ташкил этадилар ва уларни маблағ билан таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, спорт турлари бўйича федерациялар, уюшмалар, жамғармалар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт клублари ва асосий мақсади жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдан

иборат бўлган бошқа жамоат бирлашмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи спорт-техника клублари жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари жумласига киради. Жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмалари ўз уставларига мувофиқ фуқаролар ўртасида жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини ташкил этадилар ҳамда спорт резервини тайёрлашни амалга оширадилар.

2. Кино ва видео фаолияти

2004 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3407-сонли Фармони билан мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида «Ўзбеккино» Давлат-акционерлик компанияси «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил этилди.³² Ушбу агентлик ўз низомига³³ мувофиқ кино санъати, кино-видео фаолиятни амалга ошириш соҳаларидаги вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат бошқарув органи ҳисобланади ва у ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизида ташкил этиш;

кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

³² «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 11-сон, 126-модда.

³³ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 11-сон, 128-модда.

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудига кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;

кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.

Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

кино санъати, кино-видеофаолиятни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

томошабинлар талабини ўрганади, замонавий жанр ва мавзуларда фильмлар яратишга кўмаклашади, миллий кино санъатининг юқори сифатга эга бўлиши ва халқаро майдонга чиқиши учун Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, муҳандис-техник ходимлар, спортчилар, каскадерлар ва бошқа касб вакиллари-нинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради;

ёш авлод онгида миллий ғоя ва миллий шуурни шакллантириш, замондошларимизнинг мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, илмий ва ижтимоий ислоҳотлардаги иштирокини акс эттирадиган асарлар яратишда иштирок этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи сифатида ўз вазифасини бажаради;

ривожланиб келаётган хусусий кино ва видеостудияларга зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатади, уларнинг маҳсулотларини республика кино экранларида кенг намойиш этилишига кўмаклашади;

кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни намойиш этиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради, бунда ижодий жамоалар, кино иждодкорлар ва турли мулк шаклидаги киностудиялар ўртасида фильм яратиш бўйича танловлар (тендерлар) ташкил этади;

кино тизимига кирувчи корхоналарни моддий техника базасини янгиланишига кўмаклашади, соҳани қайта техник жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

республика ҳудудига кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилайди, хусусий прокат тизимини ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон киноарбоблари уюшмаси аппарати фаолиятини аъзолик бадаллари, турли ижодий учрашувлар ва тадбирлар ҳисобидан таъминлайди;

кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатади, уларнинг ўқув режалари, дастурлари ва мутахассисларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, тизим ходимлари учун қисқа муддатли ма-лака ошириш ўқишлари ва семинарлар ташкил этади;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, кино-видеофаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва хусусий тадбир-корлар учун тенг шароитлар яратилишини, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини ва хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувга йўл қўйилмаслиқни таъминлайди;

кино ва видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, прокат ва намойиш этиш ҳамда сотишга оид стандартлаш бўйича техник-иқтисодий сиёсатни юритади;

кинофильмларни яратиш, намойиш этиш, агентлик корхоналарини моддий-техника базасини янгилаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлайди;

кино-видео прокат тизимини ривожлантириш, яратилган фильмлар-ни видео кассета ва бошқа турдаги манбаларга нусхасини кўчириб тарқатиш орқали агентлик корхоналарининг қўшимча маблағ манбалари-ни шакллантиришига кўмаклашади;

Давлат фильмлар фонди фаолиятини юритиш билан боғлиқ дастур-ларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хорижий киностудия ва телеканалларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадиий кино ва видеофильмларни суратга олиш бўйича муро-жаатларини ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар беради;

кино санъати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради, мил-лий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун халқаро ки-ноанжуманлар ва кинофестивалларда фаол иштирок этади, хорижий ки-но ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан мунтазам алоқалар ўрнатади.

Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шу-нингдек, ўз ҳудудий тузилмалари ҳамда ўз тизимидаги ташкилотлар орқали ҳал қилади. Агентликни қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бош-қаради. Бош директорнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Бош директор ўз мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбо-сари ва ўринбосарига тенглаштирилади.

Бош директор:

Агентлик фаолиятига яқка тартиб асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бош директор ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, агентлик тизимидаги бошқа

мансабдор шахсларнинг ваколатларини ва масъуллик даражасини белгилайди;

агентлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади;

белгиланган ходимлар чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритади, штатлар жадвалини, агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари харажатлари сметасини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари низомларини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлим раҳбарларини лавозимига тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Агентликда бош директор (Ҳайъат раиси), бош директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва агентликнинг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 7 киши таркибидаги Ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби бош директорнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Агентлик Ҳайъати ўзининг мунтазам ўтказиладиган мажлисларида агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари ва бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботини тинглайди, агентлик фаолиятига доир муҳим буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат унинг мажлисида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овоз бериш натижалари тенг бўлган ҳолатда, Бош директорнинг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Ҳайъатда қабул қилинган ҳужжатлар Ҳайъат қарорлари билан тасдиқланади ҳамда бош директорнинг буйруқлари орқали амалга оширилади. Агентликда доимо фаолият юритувчи профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадий кенгаш тузилади ва унинг Низоми белгиланган тартибда тасдиқланади.

Бадий кенгашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

мамлакатимизда яратилаётган бадий ва ҳужжатли кино-видео-фильмлар маънавий ва бадий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва талабларни акс эттириш:

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига экспорт баҳоси берилишини таъминлаш.

Агентликнинг ҳудудий тузилмалари агентлик тарафидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган низомлар асосида мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритади. Агентлик ҳудудий тузилмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-

лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, Бош директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

3. Матбуот ва ахборот

Ўзбекистон Республикасида матбуот ва ахборот-оммавий воситалари, ахборотлар алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ва даврий нашрларни тарқатиш соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш *Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлиги* томонидан амалга оширилади. Ушбу агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» ги 3103-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (26.12.1997.) ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида» ги (30.08.1996.) қонунларига мувофиқ ҳамда мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида республика аҳолисининг матбуотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот воситаларининг замонавий бозорини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди.

Фаолият низомига кўра Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари, ахборотлар алмашиш, матбуот, поширлик, матбаачилик фаолияти ҳамда даврий нашрларни тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.³⁴ Агентлик ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Агентлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари ҳамда Агентликка парашли бошқа ташкилотлар киради.

Худудий бошқармалар икки томонлама бўйсунадилар ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, мараллий давлат ҳокимияти органларига ҳисоб берадилар.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолиятни амалга оширишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига ва тегишли қонун ҳужжатларига, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатларига сўзсиз риоя қилиниши мониторингини олиб бориш; республика фуқароларининг ахборотлар олишга бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, аҳолининг, энг аввало,

³⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 272-модда.

ўсиб келаётган авлоднинг таълим, маънавий ва маданий даражасини ошириш, уларни миллий мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш мақсадида оммавий ахборот воситаларини, ноширлик ишларини ва матбаачиликни кенг ривожлантиришга кўмаклашиш; ноширлик ва матбаачилик фаолияти, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрларни тарқатиш, шу жумладан кўрсатиб ўтилган фаолият турларини рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радиоэшиттириш ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш; республика фуқаролари ва юридик шахсларнинг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш; ноширлик фаолиятини лицензиялашни ташкил этиш; мулкчилик шаклларида қатъи назар, оммавий ахборот воситалари учун ахборот бозорида тенг шарт-шароитларни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш; ноширлик ва матбаачилик фаолияти, даврий нашрларни тарқатиш соҳасида ягона техника сиёсатини ўтказиш; рекламалар тайёрлаш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш; ноширлик-матбаачилик фаолиятининг ишлаб чиқариш-техникавий базасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

матбаачилик фаолияти билан шугулланувчи шахсларни, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш;

Вазирлар Маҳкамасининг Ноширлик фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функциясини бажаради;

нашриётлар, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва республика ахборот бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ахборот соҳасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил қилади;

қонун ҳужжатларига, рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш шартларига риоя этилишини назорат қилади, оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса - рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома-лар ва лицензияларнинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туради ва тўхтатади;

техник, шунингдек бошқа нормативлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда техникавий базани ривожлантириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Агентлик ваколатига киритилган соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи бошқа органларга кўмаклашади;

Агентлик ваколатига кирувчи тармоқларни ривожлантириш прог-нозлари ва дастурларини ишлаб чиқади;

Агентлик фаолиятига тааллуқли иқтисодий, ижтимоий, техникавий, ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилади ҳамда уларни ҳал этиш, шу жумладан тақлифлар, тегишли қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

Агентлик тасарруфидаги ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қиладди ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг моддий-техникавий таъминотиغا қўмаклашади;

матбуот ва ахборот соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради, халқаро ташкилотларнинг Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ишларида қатнашади.

Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга: давлат органларидан ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраб олиш; қонун лойиҳаларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тадқиқот ишларини амалга ошириш ва консултациялар учун илмий ташкилотларни, давлат органлари ходимларини, мутахассислар ва экспертларни, шу жумладан хорижий мутахассислар ва экспертларни белгиланган тартибда жалб этиш, вақтинчалик ижодий жамоалар ташкил қилиш; ўз ваколати доирасида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузаётган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар (тақдимномалар) бериш. Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Агентлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг оммавий ахборот воситаларини цензура қилиши, материалларни таҳрир қилиши ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига бошқа ҳар қандай шаклда ноқонуний аралashi қатъиян тақиқланади.

Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилик қилади. Бош директорнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Бош директор мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари - вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директор ўринбосари - вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Бош директор:

Агентлик фаолиятига яккабошчилик асосида раҳбарлик қилади ва Агентликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Агентликнинг марказий аппарати ходимларини ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Бош директорнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Агентликнинг мансабдор шахслари, ҳудудий бошқармалар, Агентлик тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ходимларнинг сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси ва штат жадвалини, матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармалари ходимлари сонини, шунингдек уларнинг таъминоти харажатлари сметасини тасдиқлайди;

Агентликнинг таркибий ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, Агентликка қарашли ташкилотларнинг низомларини белгиланган тартибда тасдиқлайди. Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Агентликда таркибига Бош директор (ҳайъат раиси) ва Бош директорнинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникациялар, матбуот, нашриётлар ва матбаа соҳасидаги бошқа раҳбар ходимлар, шунингдек Бош директорнинг тавсияси бўйича бошқа шахслар кирадиган 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат Агентлик фаолиятини прогнозлаш билан боғлиқ асосий масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, Бош директор буйруқлари билан амалга оширилади. Бош директор билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчилик келиб чиққан тақдирда бош директор узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот беради. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин. Ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда Агентлик томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Бош директор томонидан тайинланади.

4. Телевидение ва радио

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш, очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар онгида демократик қадриятларни шакллантиришда мустақил оммавий ахборот воситаларини, энг аввало, алоҳида аҳамиятга эга бўлган телерадиоэшиттириш фаолиятини ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Бугунги кунда телерадиоэшиттириш соҳаси 50 та телестудия, 13 та радиостанция, 36 та кабелли телевидение студияларидан иборат давлат ва нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ўзига қамраб олади. Ўзбекистон телерадиокомпанияси республикадаги телерадио-эшиттириш тизимининг энг йирик субъекти бўлиб, унда ҳозир олти мингга яқин журналист, бошқа ижодий ва техник ходимлар меҳнат қилмоқда. Компания ўз кўрсатув ва эшиттиришларини тўртта теле ва тўртта радиоканал орқали республика ҳудудининг 98 фоизига тарқатади, кўрсатув ва эшиттиришларнинг ўртача бир кунлик ҳажми 54 ва 93,2 соатни ташкил этади. Кейинги йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида телерадиоэшиттириш тизими мукамал ва замонавий ишлаб чиқариш-техника базасига эга бўлди. Энг янги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадио дастурларини тарқатиш тармоғининг қабул қилиш-узатиш тизимларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларини ишлаб чиқариш ҳамда шакллантириш жараёни замонавий рақамли ускуналар ва медиатехнологиялар тадбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг фаолияти ҳали замонавий талаб ва андозаларга тўла жавоб беради, деб бўлмайди. Ўзбекистон телерадиокомпаниясини бошқаришнинг мавжуд тизими, бошқарув тузилмаларидаги бир-бирини тақрорлаш ва параллелизм, телерадиоканалларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил эмаслиги телерадиоиндустрия бозорини ривожлантиришга, гоя ва дастурларнинг ижобий рақобатига тўсиқ бўлмоқда. Молиялаштириш тизимининг марказлаштирилгани, телерадиоэшиттириш соҳаси мутахассисларининг ижодий ва техник хизматларига янги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга жамоалар қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олмай туриб, ҳақ тўланаётгани Ўзбекистон телерадиокомпанияси журналистлари ва бошқа ходимларининг юқори унум билан, ижодий ташаббус ва фаоллик кўрсатиб меҳнат қилишига йўл бермаяпти.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси, аввало, унинг ҳудудий бўлинмалари кўрсатув ҳамда эшиттиришларининг профессионал даражаси, гоявий-бадий савияси ва сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Мавжуд шарт-шароитлар телерадиожурналистларнинг мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз вақтида ва тезкорлик билан эътибор қаратиш борасидаги фаолиятнинг янада сустлашувиغا олиб келмоқда. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мус-

тақил телерадио каналларини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ва ҳолис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги Фармони³⁵ билан Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси этиб қайта ташкил этилди ва унинг таркибига қуйидагилар киритилди:

«Ўзбекистон» телеканали ва «Ўзбекистон» радиоканали негизда ташкил қилинган «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Спорт» телеканали ва «Машъал» радиоканали негизда ташкил қилинган «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Тошкент» телеканали ва «Дўстлик» радиоканали негизда ташкил қилинган «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси;

«Республика телемаркази», «Республика радио ва овоз ёзиш уйи», «Нукус телерадиомаркази» корхоналари негизда ташкил қилинган «Respublika telestudiomarkazi» давлат унитар корхонаси;

«Ўзбектелефильм» студияси негизда ташкил қилинган «O'zbek-telefilm» давлат унитар корхонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят телерадиокомпаниялари, шунингдек бошқа ижодий, ишлаб чиқариш-техника бўлинмалари.

Ушбу фармон билан қуйидагилар Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг асосий вазифалари этиб белгиланди: аҳолини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган, ҳуқуқий демо-кратик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш; аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган теле-ва радиодастурлар сифатини, профессионал ва бадий даражасини таъминлаш; Ўзбекистон МТРК телерадиоканаллари, таркибий бўлинмалари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш, телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини ташкил қилиш жараёнига бозор механизмларини тадбиқ этиш, ушбу соҳага мамлакатимиз ҳамда чет эл корхоналари, ташкилотлари ва молия инс-

³⁵ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2005 йил, 45-сон, 338-модда.

титутларнинг сармояларини жалб қилиш; замонавий талаблар ҳамда стандартларга мувофиқ техника базасини янада ривожлантириш, телерадиодастурлар тайёрлашга ахборот, компьютер ва медиатеchnологияларни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; Ўзбекистон МТРК бўлинмалари ижодий ва техник ходимларининг касб маҳоратини такомиллаштириш, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида уларни самарали қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун зарур ташкилий шарт-шароитлар яратиш; давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан телерадиоэшиттириш соҳасида ахборот алмашиш бўйича самарали халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Шунингдек, ушбу фармонга биноан белгиланган Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг энг муҳим вазифалари билан бир қаторда қуйидагилар асосий устувор йўналишлар этиб белгилансин:

«O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун: давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати соҳасидаги энг муҳим қарорлари, мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган, ҳуқуқий демократик давлатни, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ислохотлардан мамлакат аҳолиси, шунингдек чет эл жамоатчилигини ҳар томонлама ва холис хабардор қилиб бориш; умуммиллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий ва социал муаммолар - иқтисодийёт, кичилоқ хўжалиги, тадбиркорлик, фермерлар ҳаракати, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш масалаларини кенг ёритиш; фуқароларнинг таълим даражасини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим йўналишлари бўйича уларнинг ўз фикрини баён қилиши билан боғлиқ муаммоларни кенг муҳокама қилиш, теле ва радиодастурлар тайёрлаш; халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини сақлаб қолишга, фольклор-этнография анъаналарни ривожлантиришга, миллий ҳамда жаҳон адабиёти, мусиқаси, театри, киноси, тасвирий санъатининг энг яхши намуналари билан таништиришга қаратилган муҳим ижтимоий, гуманитар-маърифий телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил қилиш.

«Sport» телерадиоканали « давлат унитар корхонаси учун:

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга, мамлакатимиз ва чет эллардаги муҳим спорт тадбирларини, республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, болалар спорти ва оилавий спортни оммавий равишда ривожлантириш, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шакллари ташкил қилиш, оммавий равишда ривожлантиришга, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини

қайта тиклаш ҳамда ривожлантиришга бағишланган теле ва радио-дас-турларни тайёрлаш;

хорижий телерадиокомпанияларнинг энг яхши дастурларини, шу жумладан жаҳон спорти, олимпия ҳаракати тарихига, халқаро спорт таш-килотлари фаолиятига бағишланган дастурларни олиб кўрсатиш;

республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларини тўғридан-тўғри трансляция қилишни ташкил этиш;

«Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун:

Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, иж-тимой-иқтисодий ва маданий ҳаётини, бу ерда содир бўлаётган ижти-мой аҳамиятга молик бошқа катта воқеалар ва тадбирларни ёритиш;

маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг мамлакат пойтахтини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оши-риш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил қилиш масалаларига бағиш-ланган дастурлар тайёрлаш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг кўп миллатли аҳолиси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-гуманитар, ўқув, маданий-маърифий кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил қилиш.

«Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти учун: мам-лакатни демократик янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнларида ёшларнинг иштирокини кенг ёритиш; умуминсо-ний қадриятларни тарғиб қилиш, йигит ва қизларни халқимизнинг тари-хий анъаналари, маънавий қадриятлари, миллий маданиятимиз ва жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқлари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, маърифатли, билимли ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз замонавий ёшларининг ички маънавий дунё-сини намоён этишга йўналтирилган телекўрсатув ва радио эшиттириш-лар тайёрлаш;

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш авлоднинг фаол ҳаётий позиция-сини шакллантиришга қаратилган республика ва халқаро миқёсдаги тур-ли теле-, радиофестивалларни ташкил қилиш.

Ўзбекистон МТРКнинг асосий вазифаларини, шунингдек телерадио-каналлар ўртасида теле, радиомахсулот сифатини, бадний ва профес-сионал савиясини оширишга, аҳолининг хилма-хил ва ишончли ахборот-га бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган дастурлар ва ижодий гоя-ларнинг соғлом рақобатини ривожлантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда, ушбу бандда кўрсатилган устувор йўналишларини муттасил чуқурлаштириб, кенгайтириб ва янгилаб бориш Ўзбекистон МТРКнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисобла-

нади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Respublika tele-radiomarkazi» давлат унитар корхонаси давлат мулки ҳисобланувчи ва телерадиотузилмаларга шартнома асосида берилувчи телерадиомаҳсулот ишлаб чиқариш воситалари, энерготаъминот объектлари, узатиш қурилмалари Ўзбекистон МТРКнинг бино ва муҳандислик-техник иншоотларининг асосий фондига эгалик қилувчи ташкилот ҳисобланади.

Қуйидагилар «Respublika tele-radiomarkazi» давлат унитар корхонасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон телерадиоташкилотларига, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, теле, радиомаҳсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлаш бўйича, шу жумладан, йўлдош тизимларидан, кўчма телевидение ва радиостанциялардан фойдаланган ҳолда шартнома асосида техник, технологик, сервис ва бошқа хизматлар кўрсатиш;

телерадиомаҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига дастурларнинг бадиий савияси ва сифати юқори бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот, компьютер ва медиатеchnологияларни тадбиқ этиш;

телерадиомаҳсулотлар ишлаб чиқариш моддий-техника базаси, воситалари, узатиш қурилмалари, биналар ва антенна иншоотларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, модернизациялаш ва янада ривожлантириш, уларни энергия билан узлуксиз таъминлаш.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда йўналишлари тўғрисида маълумот беринг.
2. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсати қандай принциплар асосида амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикасида кино санъати, кино-видео фаолиятни амалга ошириш соҳаларидаги вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат бошқарув органи тўғрисида маълумот беринг.
4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Телерадиоозиттириш фаолиятини ривожлантириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида маълумот беринг.

9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида мудофаа соҳасини бошқариш

1. **Ўзбекистон Республикасида мудофаани ташкил этиш.**
2. **Мудофаа соҳасини тартибга соливчи давлат органлари.**
3. **Фуқароларнинг ҳарбий мажбурияти ва ҳарбий хизмати.**
4. **Ўзбекистон Республикасида ҳарбий рўйхатга олиш тартиби.**
5. **Фавқулодда вазиятлар соҳасини бошқариш.**

1. Ўзбекистон Республикасида мудофаани ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Мудофаа соҳасини маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида» ги (11.05.2001. *янги таҳрири.*), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги (12.12.2002.), «Ўзбекистон Республикасида қуроли кучлар резервидаги хизмат тўғрисида» (25.04.2003.)ги қонунлари, шу соҳани тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг мудофааси- Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуидан иборат бўлиб, мудофаа соҳасидаги давлат сиёсати:

- бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно;

- халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш;

- ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик;

- ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши;

- ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш;

- Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши;

- мудофаанинг етарли даражада бўлиши;

- ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш каби асосий принциплар асосида амалга оширилади.

Мудофаани ташкил этиш қуйидагиларни қамраб олади:

- тажовузнинг олдини олиш ва қайтаришга, Ўзбекистон Республикасига тажовузлардан уюшган ҳолда қуролли ҳимояланишга қаратилган зарур шароитлар яратиш;

- мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат ҳарбий тузилишини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш;

- мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун керакли барча кучлар ва воситаларнинг мувофиқлаштириб борилишини ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш;

- ҳарбий-сиёсий вазият, миллий хавфсизликка бўлган аниқ ва потенциал таҳдидлар мониторингини юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси урушга ва қуролли можароларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар кўриш;

- Қуролли Кучларнинг қурилиши, тайёргарлиги, доим шай ҳолда сақлаб турилиши, уларнинг сони, тузилиши ва таркибининг мақбуллаштирилиши;

- Қуролли Кучларни тегишли равишда замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат, бошқа моддий-техник воситалар, энергетика ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, уларнинг захираларини вужудга келтириш;

- Қуролли Кучлар қўлланилишини режалаштириш;

- мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун ташқи сиёсий йўналишдаги чора-тадбирларни кўриш;

- аҳолини ва худудни мудофаага тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасининг қўриқланиши ва ҳимояланишини таъминлаш;

- аҳолини, иқтисодиёт ва ҳаёт кечириш учун зарур бўлган объектларни ялпи қиргин қуролларидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказиш;

- Қуролли Кучларнинг, мамлакат иқтисодиётининг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек аҳолининг сафарбарлик тайёргарлиги;

- давлат ва сафарбарлик захиралари учун моддий бойликлар захираларини вужудга келтириш;

- мудофаанинг илмий, илмий-техникавий, маърифий, ҳарбий-саноат, иқтисодий, ахборот ва қонунчилик базасини такомиллаштириш;

- аҳолини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Қуролли Кучлар шахсий таркибини давлатни ҳимоя қилишга ахлоқий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш;

- мамлакат мудофаасини ташкил этишга доир бошқа тадбирлар.

Қуролли Кучлар- Қуролли Кучлар урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий

манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади.

Қуролли Кучлар ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яқкабошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади. Ҳарбий объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади. Қуролли Кучларнинг комплектлиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мудофаага ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Уруш даврида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони ўринбосари ҳисобланади. Қуролли Кучларнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида Қуролли Кучларнинг таркибига кирадиган ҳарбий тузилмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари амалга оширадilar. Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан уларга тезкор раҳбарликни Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи амалга оширади.

2. Мудофаа соҳасини тартибга солувчи давлат органлари

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида» ги қонунининг 3-бўлимида давлат органларининг мудофаа соҳасидаги ваколатлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги шитироки кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга қўра:

Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони: Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди;

давлат бошқарув органларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қилади;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти таъминланиши, унинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги муҳофаза этилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар қўради;

Қуролли Кучларни қуриш, қўллаш ва ривожлантириш режаларини, шунингдек мудофаани ташкил этиш юзасидан давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларининг тинчлик ва уруш даврига мўлжалланган тузилиши, таркиби ва жойлашувини тасдиқлайди;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида, шу жумладан халқаро тинчликпарварлик тадбирларида қатнашиш тўғрисида, шунингдек Қуролли Кучларни ўзларига бевосита тааллуқли бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Қуролли Кучларга буйруқ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тартибда: Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади;

Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради;

ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилиш лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сонини, уларнинг ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ тартибини, ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни ҳарбий ҳисобга олиш ишининг юритилиш тартибини, мудофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжлари учун қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситаларининг нормалари ҳамда ҳажмини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга чақириш, муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларини резервга ва муқобил хизмат хизматчиларини захирага бўшатиш тўғрисида, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурларни ҳарбий йиғинларга чақириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, фуқароларни сафарбарлик бўйича ва уруш даврида ҳарбий хизматга чақириш, сафарбарликдан бўшатиш тўғрисида фармонлар чиқаради;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек сафарбарлик ва стратегик давлат захираларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди;

ҳарбий олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини, олий таълим муассасалари қошида ҳарбий таълим факультетларини, шунингдек ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларини (ҳарбий кафедралар ёки циклларни) ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

давлат ҳарбий буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек сафарбарлик ва стратегик давлат захираларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқади, мазкур режаларнинг ижроси устидан назорат олиб боради;

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг моддий ва ижтимоий-маиший таъминоти масалаларини ҳал этади;

Қуролли Кучларнинг тегишли равишда қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий-техникавий ва ашёвий мол-мулклар, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши ва таъминланишини ташкил этади;

қурол-яроғлар ва ҳарбий техника, стратегик материаллар экспорти ҳамда импорти устидан назорат олиб боради;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар мудофаа эҳтиёжларига доир вазифаларни бажарганлиги муносабати билан улар сарф қилган моддий харажатларнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги қўшинларга бошқарувни амалга оширади, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати юритилишини, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларининг замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилишини, чақирувнинг ва Қуролли Кучлар кадрлари тайёрлашнинг ташкил этилишини таъминлайди.

Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи ҳисобланади.

Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби:

- миллий ҳарбий стратегия, Қуролли Кучлар қурилиши ва ривожлантирилишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун масъул бўлади;

- Қуролли Кучларни, ҳарбий округларни, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини тезкор-стратегик бошқаришнинг бош органи вазифасини бажаради;

- қўшинларнинг жанговар ҳаракатлари стратегик жиҳатдан ва тезкор режалаштирилишини ҳамда уларга раҳбарликни амалга оширади;

- қўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлигига, улар ташкилий-штат тузилишининг қўшинларни қўллаш шакл ва усулларига кўникма ҳосил қилишига доир тадбир-чоралар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

- ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан, Қуролли Кучларнинг шакл ва турдаги қўшинларининг, бирлашмалари, қўшилмалари ва бўлинмаларининг қўмондонлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган директивалар ва буйруқлар чиқаради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ҳарбий округ операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умум қўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир. Ҳарбий округлар зиммаларига юкланган вазифаларни бажарадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қиладилар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қонун ҳужжатларига мувофиқ мамлакат мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларнинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини, шунингдек жанговар қобилиятини таъминлашда қатнашадилар ҳамда зиммаларига юкланган вазифалар бажарилиши учун масъулдирлар. Ҳарбий буюртмаларни бажарувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мудофаа эҳтиёжларига зарур бўлган маҳсулотлар етказиб берилиши, тармоқнинг сафарбарлик тайёргарлиги учун масъулдирлар, сафарбарлик тайёргарлиги режасига мувофиқ тармоқнинг уруш даврида барқарор ишлашини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

- тегишли сафарбарлик топшириқлари бажарилишини таъминлайдилар;
- ўз ҳудудларида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда сафарбарлик режалари ҳамда давлат ва сафарбарлик захиралари моддий бойликларини жамлаш топшириқлари бажарилиши устидан назорат олиб борадилар;
- ҳарбий ҳисобга олиш ишини, ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришни, сафарбарлик, ҳарбий йиғинларни ташкил этишда, шунингдек сафарбарлик ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига брон беришда қатнашадилар;
- фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилишини таъминлайдилар;
- ҳудудий мудофаа тадбирларини режалаштиришда ва уларнинг бажарилишини таъминлашда қатнашадилар;
- Қуролли Кучларнинг зарур маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларига, иссиқлик ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини таъминлайдилар, уларга алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маиший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар;
- ҳарбий қисмлар, Қуролли Кучларнинг корхона, муассаса ва ташкилотлари эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда ер, хизмат хоналари ҳамда турар жой берадилар;
- фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи, жанговар ҳаракатларда қатнашиши муносабати билан уларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари учун белгиланган ижтимоий кафолатлар амалга оширилишини таъминлайдилар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

- ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни хабардор этиш ва мудофаа ишлари бўлимларига чақиришни ташкил этишда кўмаклашадилар;
- шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда ҳарбий хизматга мажбурларни ва чақирилувчиларни бирламчи шахсий ҳисобга олиш ишини юритадилар, шунингдек фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатнашадилар;
- фуқаро муҳофазаси ва ҳудудий мудофаа тадбирларида қатнашадилар;

- ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни уруш даврида мудофаа эҳтиёжлари учун қонунда белгиланган тартибда бериб турадилар, қилинган харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда қатнашадилар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар:

- сафарбарлик режалари ҳамда давлат ва сафарбарлик захиралари моддий бойликларини жамлаш топшириқларида назарда тутилган тадбирларни;

- фуқаро муҳофазаси ва ҳудудий мудофаа тадбирларини;

- ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳисобга олиш ва уларга брон бериш тадбирларини; - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни бажарадилар.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни мудофаа эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бериб турган тақдирда улар қилган харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

3. Фуқароларнинг ҳарбий мажбурияти ва ҳарбий хизмати

Ўзбекистон Республикасини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга, шунингдек ўз мулкидаги бинолар, иншоотлар, транспорт ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларини уруш даврида мудофаа эҳтиёжлари учун қонунда белгиланган тартибда бериб туришга мажбурдирлар, қилинган харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда кейинчалик қопланади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий, ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"³⁶ (12.12.2002.)ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, хусусан:

³⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 1-сон, 2003 й.

ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар - *чақирилувчилар*;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар - *ҳарбий хизматчилар*;

Қуролли Кучларнинг резерви ёки захирасидаги шахслар - *ҳарбий хизматга мажбурлар*;

турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан истеъфодаги шахслар - *ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади*.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқи ва Президентига содиқлик тўғрисида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар. Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чақирилганларида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет давлатларнинг ҳарбий хизматиغا, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шу каби бошқа органларига хизматга кириш тақиқланади. Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилади:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;

контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли ҳарбий хизматга, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўн сажиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташга яроқли эркак фуқаролар чақириладилар.

Муддатли ҳарбий хизмат чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир. Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида: муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лаво-

зимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун - ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун - тўққиз ой);

муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун - тўққиз ой қилиб белгиланади.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги ҳарбий хизмат муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақирuvi резерви сафига олинадилар. Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутати.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига шахслар йиғирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар. Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар йиғирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари миқдори ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган алоҳида низом билан белгиланади. Бу маблаглар муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчиларнинг пул ва моддий таъминотини ошириш, шунингдек сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизмат сафига олинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ўтказишга аниқ мақсадли йўналтирилган бўлади. Сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир. Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айти пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида

ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарты билан контракт тузилади. Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугагандан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбурлар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларни тинчлик ва уруш даврида бажариши учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий принцип асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин. Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониغا биноан қўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга. Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

Муқобил хизмат фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланиш ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

Ҳарбий лавозимлар- (ҳарбий хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонлар ҳарбий қисмларнинг, ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқарув органларининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар муассасаларининг штатларида назарда тутилади. Ҳарбий лавозимлар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига бўлинади.

Қуролли Кучларда олий қўмондонлик лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолат ва имтиёзлари сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда мудофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий рўйхатга олиш тартиби

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатдан ўтишлари зарур. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатдан ўтказиш давлатдаги мавжуд ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчилар ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда таҳлил қилишнинг умумдавлат тизими ҳисобланади. Рўйхатга олиш тизимининг фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари томонидан таъминланади. Тиббий тайёргарликка ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган рўйхатдаги тегишли ҳарбий ихтисосликка турдош касб бўйича тайёргарликка эга бўлган аёллар ҳарбий рўйхатга киритилади. Улар туман, шаҳар мудофаа ишлари органларининг чақирuviга биноан тиббий кўриқдан ўтиш ва ҳарбий рўйхат қоидаларини бажариш учун ҳозир бўлишлари шарт.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхати уларнинг турар жойлари бўйича олиб борилади ҳамда умумий ва махсус рўйхатга бўлинади. Умумий ҳарбий рўйхатда чақирилувчилар, шунингдек сафарбарлик даври ва уруш даври учун давлат бошқаруви органлари,

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бронлаштириб қўйилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар турадилар.

Махсус ҳарбий рўйхатда сафарбарлик даври ва уруш даври учун давлат бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бронлаштириб қўйилган ҳарбий хизматга мажбурлар турадилар.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни шахсий рўйхатга олиш туман (шаҳар) мудофаа ишлари органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ишлайдиган ёки ўқийдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Модда Ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматдан бўшатилганидан кейин турар жойига етиб борган шахслар уч кунлик муддат ичида тегишли мудофаа ишлари органларига келишлари шарт.

Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар турар жойи бир ярим ойдан кўпроқ муддатга ўзгарган, уч ойдан кўпроқ муддатга хизмат сафарига, ўқиш, таътил ёки даволанишга борган тақдирда турар жойларидаги ҳарбий рўйхатдан чиқишлари, янги турар жойга (доимий ёки вақтинчалик) келганларидан кейин уч кунлик муддат ичида ҳарбий рўй-хатдан ўтишлари шарт. Уруш даврида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг туман (шаҳар) мудофаа ишлари органи бошлигининг рухсатисиз доимий турар жойидан бошқа жойга кетиши ман этилади.

Ҳарбий хизматга чақирилган ёки кирган шахслар резервдагилар ва захирадагилар ҳарбий рўйхатидан чиқарилиши лозим.

Ҳарбий рўйхатдан қуйидагилар чиқарилиши шарт:

1) тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилиб, ҳарбий рўйхатдан чиқарилган фуқаролар;

2) резервда ёки захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган фуқаролар;

3) чет элга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган фуқаролар;

4) вафот этган ёки қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаролар.

5. Фавқулодда вазиятлар соҳасини бошқариш

1996 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан аҳолини ва халқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Фавқулуда вазиятлар вазирлиги ташкил этилди. Ушбу вазирлик фуқаро муҳофазаси, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги ишларга раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштириб

бориш ишларини амалга оширувчи марказий давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, табиатни муҳофаза қилиш ва махсус ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий кадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек, тинчлик ва уруш вақтида фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундан ҳоллардаги хатти-ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини, мамлакат ҳудудини, республиканинг миллий бойлиги бўлган объектларни муҳофаза қилиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг аҳолини ва миллий бойликларни муҳофаза қилиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар туфайли вужудга келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш шунингдек, террорчилар ҳаракат қилаётган зонада жойлашган алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг барқарор ишлашини, террорчилик ҳаракатлари оқибатларининг тугатилишини;

йирик фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш, ушбу мақсад учун зарур бўлган куч ва воситаларни ташкил этиш ва уларнинг тайёрлигини таъминлаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишга, аҳолини, мамлакат ҳудудини муҳофаза қилишга ҳамда фавқулодда вазиятлар вужудга келган тақдирда халқ хўжалиги объектлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини оширишга қаратилган мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

молия, озиқ-овқат, тиббиёт ва моддий-техника ресурсларининг давлат фавқулодда заҳира фондларини ташкил этишга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш;

аҳолини, ФВДТ мансабдор шахсларини ва тузилмаларини фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни ташкил этади;

ФВДТ фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига белгиланган тартибда тақдим этади;

Вазирликнинг фаолият соҳаси масалалари бўйича давлат мақсадли дастурларининг давлат буюртмачиси вазифасини белгиланган тартибда амалга оширади;

фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг, шу жумладан, ҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш масалаларига оид норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари ишлаб чиқирилишини ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича йўриқномалар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив-услубий ҳужжатларни тасдиқлайди;

фуқаролар муҳофазаси бўйича белгиланган норматив талабларнинг бажарилиши, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, бошқарув органларининг, ФВДТ кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар вужудга келган тақдирда қидирув-қутқарув, авария-қутқарув ва бошқа долзарб ишларни бажаришга тайёргилигининг аҳволи устидан давлат назоратини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг ҳамда объектларни куриш лойиҳаларининг фуқаро муҳофазаси талабларига риоя қилиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид қисмини давлат экспертизасидан ўтказишда қатнашади;

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг вужудга келиши мумкинлигини олдиндан аниқлаш, уларни моделлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини хавфли ишлаб чиқаришлар, объектлар ҳамда табиий офатлар хавфи мавжудлиги бўйича районлаштириш, халқ хўжалиги объектларида ва ҳудудларда таваккалчилик даражасининг норматив кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш бўйича ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштириб боради;

зилзила, кўчки, сел, тошқин ва бошқа табиий офатларни, шунингдек техноген тусдаги авария ва ҳалокатларни кузатиш ҳамда олдиндан аниқлаш тизимининг фаолият кўрсатилиши ва ривожланишини мувофиқлаштириб боради;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар билан биргаликда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун муължалланган куч ва воситалар таркибини, уларни жойлаштириш ва жиҳозлашни аниқлайди, ўқув ва соғломлаштириш марказларини ташкил қилади;

фавқулодда вазиятларни тезкорлик билан чеклаш ва бартараф этишга доир ишларни бажариш учун доимий тайёр бўлиб турувчи авария-қутқарув бўлинмаларини тузиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланишни ташкил қилади;

аҳолини фавқулодда вазиятлар туғрисида хабардор қилишни ташкил этади, хабардор қилишнинг тегишли ҳудудий ва маҳаллий тизимларининг ташкил этилишини ва ишлашини назорат қилади;

фуқаро муҳофазаси чора-тадбирларининг фавқулодда вазиятлар бўйича ҳудудий бошқарув органлари ва бўлинмалари томонидан бажарилишига бевосита раҳбарлик қилади, уларнинг сафарбарлик тайёргарлигини режалаштиради ва ташкил этади;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг одамларни қидириш ва қутқариш, авария-қутқарув ишларини ўтказиш, нефть, нефть маҳсулотлари, зарарли кимёвий, радиоактив ва бошқа моддаларнинг тўкилишини бартараф этиш, табиий офатлар ва ҳалокатлар оқибатларини тугатиш бўйича фаолиятларини мувофиқлаштириб боради;

республика раҳбариятининг топшириғига биноан вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан аҳолини сел, тошқин, кўчки, сув босиши хавфи бўлган жойлардан кўчириш, янги турар жойларда улар учун зарур ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, шунингдек, ушбу жойлардан кўчирилган фуқаролар учун уй-жойлар, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси объектлари қуриш бўйича топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади;

жамоат бирлашмаларини ҳамда тегишли билим ва тажрибага эга бўлган алоҳида фуқароларни, шу жумладан, хорижий фуқароларни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини ўтказишга белгиланган тартибда жалб қилиш ишларини уюштиради;

ижро этувчи ҳокимиятнинг манфаатдор органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий мамлакатларнинг фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолисига мурувват ёрдамчи шакллантириш ва етказиб беришни белгиланган тартибда ташкил этади;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, бошқа вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятлар жойларидаги ишларни бажаришга жалб этиладиган ходимларининг хавфсизлигини, офатлар рўй берган жойларга Вазирлик кучи билан етказиб бериладиган юкларнинг, шу жумладан, мурувват ёрдами юкларининг сақланишини таъминлайди;

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вужудга келган фавқулодда вазиятлардаги кўрилган моддий ва атроф-муҳитга етказилган зарарни аниқлаш усулларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳалокатлардан зарар кўрган ёки уларнинг оқибатларини бартараф этишда қатнашган фуқароларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва тиббий муҳофаза қилиш масалалари бўйича фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни ва уни мувофиқлаштириб боришни ҳамда ушбу соҳадаги тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади;

фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, авария ва ҳалокатлар оқибатларини тугатиш, одамлар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар рўй берган ҳолларда халқ хўжалиги объектлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини ошириш масалалари бўйича жамоатчилик, фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари билан алоқани белгиланган тартибда амалга оширади;

фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига киритилган масалалар бўйича қабул қилишни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли бошқарув органларининг, авария-қутқарув ва бошқа тузилмаларнинг молиявий, моддий ва техник таъминотини ташкил этади, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фондидан белгиланган тартибда маблағ билан таъминлайди, ажратилган моддий ва молиявий ресурслардан фойдаланишни назорат қилади;

белгиланган тартибда тасдиқланган танитувчи белгилар, махсус сигналлар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус транспорт воситаларига эга бўлади;

белгиланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларни, ўқув юртларини белгиланган тартибда ташкил этади ва қайта ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппарати ва ўзига қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини, авария-қутқарув ва бошқа тузилмаларнинг ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга оид чоратадбирларни амалга оширади;

фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга аҳолини ўқитиш, фуқаро муҳофазаси бошқарув органлари ва тузилмаларининг, ФВДТ бўлинмаларининг мансабдор шахсларини тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириб боради, тасдиқлайди ёки келишиб олади,

қутқарувчиларни ва авария-қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказишни ташкил этади ва амалга оширади;

фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаши, қутқарувчиларни махсус тайёрлаш масалалари бўйича ўқув ва махсус ўқув юртларининг ўқув дастурларини кўриб чиқади ва келишиб олади;

қутқарувчиларни фавқулодда вазиятларда ва шошилинч шароитларда ҳаракат қилишга тайёрлашни ташкил этади;

фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, авария-қутқарувнинг мавжуд воситаларини такомиллаштириш ва юқори самарали янги воситаларини яратиш, уларни бажариш учун махсус техник воситаларни яратиш, фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги объектларининг фаолият кўрсатиши барқарорлигини ошириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказишни ташкил қилади ҳамда маблағ билан таъминлайди;

фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, шу жумладан, авария ва ҳалокатлар оқибатларини тугатиш, зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига тааллуқли бошқа масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни, шунингдек, ушбу соҳалардаги чет эл тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришни белгиланган тартибда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда қатнашади, шу жумладан, фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларда ўзаро хабардор қилиш ва ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ташқи иқтисодий ҳамкорликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан БМТ тизимининг ихтисослашган халқаро ташкилотларининг ва бошқа ихтисослашган халқаро ташкилотларнинг марказий органларида ва минтақавий бўлинмаларида ишлаш учун, ушбу ташкилотлар билан келишиб олинган шартларда, белгиланган тартибда вакиллар юборади;

давлат статистика ҳисоботида назарда тутилган статистика маълумотларини давлат статистика органларига тақдим этади;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига тааллуқли масалалар бўйича, давлат сирини, хизмат ахборотларини муҳофаза қилишга, махсус алоқани ривожлантиришга доир тадбирларни ўтказишни таъминлайди;

хавфли юклар, қурул-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги кўйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши мажбурий бўлган фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятлар, авариялар ва ҳалокатлар, террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириб бориш учун зарур бўлган қарорларни белгиланган тартибда, ўз ваколати доирасида қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлардан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан Вазирликка юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларни белгиланган тартибда талаб қилиш ва олти;

вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва объектларни ўз ваколатига тааллуқли масалалар бўйича текширишларни белгиланган тартибда ўтказиш;

мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларини ҳудудларни, хавф-хатар мавжуд бўлган объектлар ва ишлаб чиқаришларни давлат экспертизасидан ўтказишга жалб этиш;

авария-қутқарув техникасини яратиш, авария ва ҳалокатлардан зарар кўрган аҳолини ва ҳудудларни соғломлаштириш ва тиклашга доир ишларни амалга ошириш юзасидан иш бажарувчилар (фирмалар) билан, шу жумладан, хорижлик иш бажарувчилар (фирмалар) билан белгиланган тартибда контракт (шартномә)лар тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар билан келишилган ҳолда, бошқа соҳалардаги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини амалга ошириш учун доимий тайёргарликнинг зарур ҳудудий кучлари ва воситаларини жалб этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош вазирнинг биринчи ўринбосари - Вазир бошқаради. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири ўзига юкланган фаолият соҳасига раҳбарликни яқкабошчилик асосида амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. У лавозимга кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятлар вазири: Вазирлик ҳамда унга қарашли корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва тузилмалар фаолиятига раҳбарлик

қилади, Ўзбекистон Республикасининг давлат ва бошқа органлари ҳамда ташкилотларида, шунингдек, халқаро ташкилотларда вазирлик номидан вакиллик қилади; Вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг жавобгарлик даражаларини ҳамда Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарларининг жавобгарлик даражаларини белгилайди, белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирлик марказий аппаратининг тузилмасини ва штатлар рўйхатини, шунингдек, тегишли давр учун тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида уларни маблағ билан таъминлаш харажатлари сметасини тасдиқлайди; буйруқлар, директивалар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирликнинг олий офицерлар таркиби ишлайдиган лавозимлари рўйхати тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказий аппаратида ва унга қарашли ташкилотларда олий офицерлар таркиби ишлайдиган лавозимларга тайинлашлар тўғрисида ҳамда хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни лавозимдан озод қилиш тўғрисида. Уларга олий офицерлар таркиби ҳарбий унвонлари бериш тўғрисида, уларни ҳарбий хизматдан бўшатиш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;

Мудоффа вазирлигининг офицерлар таркиби учун белгиланган тартибда ва муддатларда офицерларга полковник (уни ҳам қўшган ҳолда) даражасигача ҳарбий унвонлар беради; фавқулодда вазиятлар ҳудудий бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари билан келишган ҳолда лавозимга тайинлайди; Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳамда уларга фахрий унвонлар бериш, шунингдек, идоравий мукофотлар таъсис этиш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади; ходимларни, шунингдек ҳарбий хизматчиларни хизмат сафарларига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарларига, белгиланган тартибда юборади;

Фавқулодда вазиятлар вазирлигини маблағ билан таъминлаш учун ажратиладиган кредитларнинг бош тасарруфчиси ҳисобланади;

давлат бюджети ҳисобидан ажратилган моддий маблағларни ҳамда хизмат ресурслари учун белгиланган муддатни ўтаб бўлган моддий-техник воситаларни рўйхатдан чиқаришга оид ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди, объектлар, техник воситалар, асбоб-ускуналар ва қурол-яроғларга доир ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича лойиҳалаш ва техник хулосалар бериш юзасидан топшириқларни тасдиқлайди;

авария-қутқарув тузилмалари учун қурол-яроғларнинг, техника ва техник воситаларнинг янги турларини лойиҳалаш юзасидан топшириқларни, шунингдек, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун тактик-техник топшириқларни тасдиқлайди.

Вазирлик таркибида Вазир (ҳайъат раиси), лавозими бўйича вазир ўринбосарлари, Вазирликнинг ҳамда унга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, бошқа вазирликлар ва идораларнинг раҳбар) ходимлари бўлган 9 кишидан иборат ҳайъат тузилади. Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, лавозимига кўра ҳайъат таркибига кирувчилар бундан мустаснодир. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармалари, тоифаланган шаҳар ва туманларда эса фавқулодда вазиятлар бўлимлари ташкил этилади ва фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ваколатига киритилган муҳим муаммоларга оид тавсияномаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузурида илмий-техника Кенгаши ташкил этилади. Унинг таркибига манфаатдор давлат ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг вакиллари кириши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида мудофаани ташкил этишнинг конституциявий асослари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг мудофаа соҳасидаги давлат сиёсати қандай принциплар асосида амалга оширилади?
3. Мудофаа соҳасини тартибга солувчи давлат органлари тизими ва уларнинг вазифалари тўғрисида маълумот беринг.
4. Мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг қандай турлари жорий этилади ва улар тўғрисида маълумот беринг?
5. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий рўйхатга олиш кимлар томонидан амалга оширилади?
6. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифалари тўғрисида маълумот беринг.

10-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик соҳасини бошқариш. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш

- 1. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.**
- 2. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш.**

1. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Миллий хавфсизликни таъминлаш фаолияти бевосита давлат, унинг чегараларини ҳамда мамлакат демократик тизимининг дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Миллий хавфсизликни бошқаришда қуйидаги хусусиятлар намоён бўлади:

- Миллий хавфсизликни таъминлаш муайян давлат органи томонидан амалга оширилиши билангина чекланиб қолмайди, балки миллий хавфсизликни, миллий ва хизмат сирларини таъминлаш мамлакатдаги барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳам бурчи ҳисобланади;

- Миллий хавфсизликни таъминловчи ваколатли органлар ушбу соҳани бошқаришни амалга ошириш билан бирга Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган ва қонунларда белгиланган бошқа турдаги жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларини амалга оширадилар;

- Миллий хавфсизлик соҳасини бошқаришда марказлашганлик, яқка-бошчилик, органларда хизматни ўташнинг ўрнатилган махсус тартиб-қоидалари ҳамда ҳарбий интизом қоидалари тадбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати соҳасидаги органлар тизимига Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 25 августдаги ва 26 сентябрдаги фармонлари асосида республика қўмитаси ҳуқуқида ташкил этилган.

МХХ ва унинг жойлардаги органлари хорижий давлатлар ва хорижий ташкилотлар махсус хизматларининг Ўзбекистонга қарши разведка-қўпоровчилик фаолияти билан кураш олиб борадилар, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, конституциявий тузумини, ҳудудий бутунлигини, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини ғайри-қонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси МХХ республика қўмитасининг ҳуқуқлари билан таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди. Ўзбекистон Республикаси МХХ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун Қорақалпоғистон Республикасида, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда, вилоятларда, алоҳида шаҳарлар ва туманларда ўзининг органларини тузади.

МХХ Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларининг ишлашини нодўстлик кайфиятидаги давлатлар ва конституцияга қарши ички тузилмалар махсус хизматларининг разведка-қўпоровчилик ва бошқа хил жиноий тажовузларидан самарали ҳимоя қилиш учун жавобгардир ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлиси олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туради.

Миллий хавфсизлик органларининг фаолияти қонунийлик, қонун олдида ҳаммининг тенглиги, шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонпарварлик ва байналмилаллик принциплари асосига қурилади. Миллий хавфсизлик органлари ўз фаолиятларини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширадilar. Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги органлари ўзларининг амалий фаолиятларида меҳнаткашлар билан яқиндан алоқада бўлишга, доимо уларнинг ёрдамига суянишга мажбурдирлар.

МХХга Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланадиган ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланадиган Раис бошчилик қилади. МХХ Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси МХХ Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинланадилар.

Миллий хавфсизлик хизматининг Раиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан республика вазирларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси МХХ амалдаги буйруқлар ва кўрсатмаларга мувофиқ, агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаса, оператив-қидирув ва бошқа хил хизмат фаолиятларини амалга оширади. МХХ Раиси ва унинг ўринбосарлари ўз ҳуқуқлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Мажлисининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида буйруқлар, кўрсатмалар ва йўриқномалар чиқарадилар.

Хавфсизлик органлари ишини ташкип этиш масалаларини ҳал этиш учун таркибида Хизмат Раиси - Кенгаш раиси, унинг ўринбосарлари ва Хизматнинг бошқа раҳбар ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Кенгаши тузилади. Кенгаш аъзоларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Хизмат Раиси томонидан тасдиқланади. Миллий хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида разведка ва контрразведка фаолияти билан шуғулланиш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органлари:

1. Разведка ва контрразведка фаолиятини амалга оширадilar; давлат хавфсизлиги манфаатларига дахлдор бўлган терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб борадилар; Ўзбекистон Конституцияси ва мустақиллигини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни

таъминлайдилар, чет элларда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик, савдо ва бошқа расмий вакилларининг хавфсизлигини таъминлайдилар, зарур бўлган ҳолларда Республика фуқароларининг чет элга жўнаб кетишида ва у ерда бўлишида уларнинг хавфсизлигини таъминлашни ташкил этадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун республика давлат чегарасининг дахлсизлигини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

3. Ўзбекистон Президентини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини хавфсизлик мавзафатларига дахлдор бўлган масалалар юзасидан хабардор қилиб турадилар; Ўзбекистон Президентини, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларини хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий, мудоффа қурилиши ва фан-техника тараққиёти, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун уларни зарур бўлган ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот бериш-таҳлил қилиш ишларини амалга оширадилар; хавфсизлик манфаатларига дахлдор бўлган ижтимоий жараёнларни ва муаммоларни тадқиқ қиладилар ва олдиндан айтиб берадилар.

4. Халқ хўжалиги ва бошқа объектларда давлат сирларини сақлашга оид чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашадилар; тижорат сирларини сақлашда корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга ёрдам кўрсатадилар.

5. Тергов қилиш хавфсизлик органлари ихтиёрига ўтказилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ишларини олиб борадилар; бундай жиноятларни содир этган ёки содир этишда шубҳа қилинаётган шахсларни қидиришни амалга оширадилар; жиноят содир қилган шахсларнинг ҳисобини юритадилар.

6. Халқ хўжалиги ва бошқа объектларда хавфсизликни таъминлайдилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви юқори органларининг қарори бўйича ички ишлар органлари билан биргаликда фуқароларни ҳимоя қилишда, транспорт ва алоқа, аҳоли ҳаётини таъминлаш объектларини, муҳим халқ хўжалиги ва ҳарбий объектларни қўриқлашда, қонунчиликни ва ҳуқуқий тартиботни тиклашда, оммавий тартибсизликларнинг, миллатлараро низоларнинг олдини олишда қатнашадилар.

8. Атом энергетика объектларидаги, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларидаги, транспортдаги, саноатнинг мудоффа тармоқлари объектларидаги ва бошқа муҳим халқ хўжалиги объектларидаги йирик аварияларнинг, ҳалокатларнинг ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олишга оид тадбирларни амалга оширишда, табиий офатлар, эпидемиялар, эпизоотик касалликлар, экологик ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг оқибатларини тугатишда қатнашадилар.

9. Давлат органларининг суровлари бўйича давлат сирларидан иборат маълумотларни яхши билган шахслар тўғрисида, уларнинг чет элга жўнаб кетаётганликлари ва фуқароликдан чиқишлари ҳақидаги илтимосномалари муносабати билан ахборотлар тақдим этадилар.

10. Махсус юкларни ташишнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан чоралар ишлаб чиқишда ва амалга оширишда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда қатнашадилар.

11. Уруш даврида миллий хавфсизлик органларининг сафарбарлик тадбирларини таъминлашда қатнашадилар.

12. Давлат сирларини сақлашга, божхона қоидаларига, қурол ва ўқдорилар сотиб олиш ва сақлашга тегишли масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш юзасидан умумдавлат тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашадилар.

13. Хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий молмулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

14. Миллий хавфсизлик органларининг моддий-техника базаларини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

15. Миллий хавфсизлик органлари кадрлари билан ишлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар; ўз хавфсизликларини таъминлашга оид тадбирларни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик органлари ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун:

1. Ўзбекистон қонуни билан тергов қилиш миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига ўтказилган жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларни очиш мақсадида, шу жумладан, техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, ошкора ва ноошкора оператив-қидирув тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширадилар, олинган маълумотлардан қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фойдаланадилар.

2. Миллий хавфсизлик органлари зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун фуқароларнинг розилиги билан ошкоралик ва ноошкоралик асосида уларнинг ёрдамидан фойдаланадилар, шу жумладан, кўнгилли асосда фуқароларни хавфсизлик органларининг штатсиз ходимлари сифатида жалб қиладилар.

3. Чет давлатлар ва чет эл ташкилотлари махсус хизматларининг Ўзбекистонга қарши разведка-қўпоровчилик фаолиятини, конституциявий тузумга ва республиканинг мустақиллик ҳуқуқига қарши тажовузкорликларнинг пайини қирқиш мақсадида, кейинчалик прокурорни хабардор қилиб, почта жўнатмаларини текширадилар, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмаларидан фойдаланиб гаплашувчи айрим шахсларнинг гапларини эшитадилар, шунингдек тергов қилиш Ўзбекистон қонуни билан миллий хавфсизлик органларига берилган жиноятларни содир этиш ва уларга тайёргарлик кўрилатганлигини кўрсатувчи етарли маълумотлар бўлганда, бу чора-тадбирлар натижасида жинойий иш бўйича далил

бўлувчи маълумотлар олинади, деган асос бўлган ҳолларда бу шахслар томонидан фойдаланиладиган техник алоқа каналлари-дан ахборотларни оладилар.

4. Ички ишлар органлари билан бирга ўзаро ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиб ташлаш учун оператив-қидирув тадбирларини амалга оширадилар.

5. Ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда хавфсизликни таъминлаш юзасидан тадбирлар ўтказиш учун бу органларнинг кучи ва воситаларини жалб қиладилар.

6. Тергов қилиш қонун билан миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига берилган жиноятларни содир қилганликда асосли равишда шубҳаланилган ёхуд жиноятлар содир қилган фуқароларнинг, уларнинг шахси-ни тасдиқловчи ҳужжатларини, шунингдек бажарилишини назорат қилиш хавфсизлик органлари зиммасига юклатилган қоидаларга риоя қилини-шини текшириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни текширадилар.

7. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат корхоналарига тегишли, шошилиш ҳолларда эса фуқароларга тегишли алоқа восита-ларидан хизмат мақсадларида монеликсиз фойдаланадилар.

8. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотларга, жамоат бирлашмаларига ёки фуқароларга тегишли (чет давлатлар, халқаро ташкилотларнинг дипломатия вакилликлари, консул-лик ва бошқа муассасаларидан ташқари) транспорт воситаларидан жи-ноятларнинг олдини олиш, жиноят содир этган ёки жиноят қилган-ликда шубҳаланилаётган шахсларни кузатиш ва ушлаш, шошилиш тиббий ёр-дамга муҳтож фуқароларни даволаш муассасаларига етказиш учун, шу-нингдек воқеа содир этилган ёки табиий офат рўй берган жойга етиб бо-риш учун фойдаланадилар. Транспорт воситалари эгаларининг талабига кўра миллий хавфсизлик органлари оқибат-натижада уларга келтирил-ган зарарни белгиланган тартибда тўлайдилар.

9. Текшириш қонун билан миллий хавфсизлик органлари ихтиёрига берилган жиноятларнинг бевосита олдини олишда, бундай жиноятларни содир этганликда шубҳаланилаётган шахсларни таъқиб қилишда, хав-фсизликка таҳдид солувчи фавқулодда ҳолатларда куннинг хоҳлаган вақтида уйларга ва фуқароларга тегишли бўлган бошқа хоналарга, кор-хоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳудудларига ва биноларига ҳеч қандай монеликсиз кирадилар ҳамда кўздан кечирадилар, сўнгра бир кун муддат ичида қилинган ҳаракатлар тўғрисида прокурорга хабар берадилар.

10. Ўзбекистон давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорига кўра иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларни аниқлашга оид тадбирларни амалга оширадилар; бундай-ҳолларда милиция ходимларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

11. Текширилиши қонун билан миллий хавфсизлик органларига бе-рилган жиноятларнинг олдини оладилар. Қонун билан назарда тутилган ҳолларда фуқароларни ҳуқуққа қарши ҳаракатларнинг содир бўлишига

йўл қўймаслик тўғрисида расмий равишда огоҳлантирадилар, кейинчалик бу ҳақда прокурорни хабардор қиладилар.

12. Қонун билан белгиланган тартибда жиноятчиликнинг олдини олиш чораси сифатида ҳисба олинган шахсларни ва миллий хавфсизлик органлари томонидан жиноятлар қилишда шубҳаланиш бўйича ушланган шахсларни, айрим ҳолларда эса прокурор санкцияси билан ушланган ва ички ишлар органлари, прокурорлар ва судлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонуни билан назарда тутилган ҳолларда ушланган ва қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун тергов изоляторлари ва бошқа хоналарга эга бўладилар.

13. Ўз ҳуқуқлари доирасида давлат сирлари, махсус алоқа турлари ва шифрлаш ишлари хавфсизлигининг сақланишини қандай таъминлашни, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, жамоат бирлашмалари органларида, Ички ишлар вазирлигининг ички кўшиқларида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан назарда тутилган бошқа ҳарбий тузилмаларда хавфсизликнинг бошқа масалаларини қандай ҳал этишни ташкил қиладилар ва назорат этадилар; хавфсизлик манфаатларига тегишли аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ёзма докладлар тақдим этадилар, тегишли чоралар кўришни ва миллий хавфсизлик органларини уларнинг ижроси тўғрисида хабардор қилиб қўйишни талаб қиладилар.

14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтилган маълумотлар билан ёки белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ишловчи, шунингдек ўрнатилган талабларни бузиб бажарадиган, давлат сирларидан иборат бўлган ишларни узатувчи радиосэлектрон воситалардан фойдаланишни тақиқлайдилар.

15. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидан хавфсизликни таъминлаш юзасидан мажбуриятларни ижро этиш учун зарур ахборотларни белгиланган тартибда расмий равишда талаб қиладилар ва оладилар.

16. Миллий хавфсизлик органлари фаолиятига тааллуқли шошилинч тергов ва бошқа маълумотларнинг давлат томонидан сақланишини амалга оширадилар ва уларни ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланиш тартибини аниқлайдилар; ахборот тизимларини ташкил этадилар.

17. Миллий хавфсизлик органларининг ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон қонунига мувофиқ қурол ва махсус воситаларни олиб юриш, сақлаш, қўллаш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик органларининг кадрларини ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчилар ташкил этади. Миллий хавфсизлик органлари ҳарбий хизматчиларининг, ишчиларининг ва хизматчиларининг сони ва тузилишини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

2. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳам бошқа ҳар қандай давлат каби ўзининг давлат чегарасига эга ва уни ҳимоя қилиш ҳамда унинг дахлсизлигини таъминлаш Ўзбекистоннинг асосий функцияларидан биридир. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (куруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгилловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида» ги қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 4-моддасига биноан Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш пайтида Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъминлаш заруратидан келиб чиқади ҳамда қуйидаги принципларга амал қилади:

давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлиги ва бузилмаслигини ўзаро ҳурматлаш;

чегара масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш;

чет эл давлатлари билан ҳар томонлама, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш;

қўшни давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик.

Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси делимитация ва демаркация (редемаркация) қилинади.

Давлат чегараси қуйидагича белгиланади:

куруқликда ўзига хос нукталар, рельефнинг чизиклари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича;

кема қатнайдиган дарёларда-дарёнинг асосий фарватери ёки талъвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиган дарёларда, жилғаларда- уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзанининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув ҳавзаларида-Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув ҳавзаси орқали ўтадиган Давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва бошқа сунъий сув ҳавзаларида-улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўғонлар ва бошқа иншоотларда-Давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

Давлат чегараси режими:

Давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш;

Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши;

Давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш;

Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш;

Давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва бошқа фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуидан иборат.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги қонунининг 5 – бўлимида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашдаги иштироки кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга қўра:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги кучлар ва воситаларни, ўтказиладиган тadbирларни молиялаш ва ресурслар билан таъминлашни амалга оширади; Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида норматив ҳужжатлар чиқаради; вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ижро ҳокимияти маҳаллий органларининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; Давлат чегараси ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди; чегара қўшинларини бошқаришни амалга оширади; давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради; Давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этади; разведка, контрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади; белгиланган тартибда контрабандага қарши кураш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади; Давлат чегараси чизифининг ўтишини белгилашда иштирок этади; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир қисмини шакллантириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни ташқи сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади; Давлат чегарасини ва унинг режимини белгилаш бўйича музокаралар олиб боради, зарур ҳужжатлар ва материаллар тайёрлайди; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши ва Ўзбекистон Республикасидан чиқиши ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради; Давлат чегараси режимига риоя этиш масалаларини, чегара низоларини белгиланган тартибда ҳал этади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

ҳаво бўшлиғида Давлат чегараси ҳимоя қилиниши ва қўриқла-нишини амалга оширади; Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучла-ри қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат чегарасини ҳимоя қилишда иштирок этишини таъминлайди; ўз ваколатлари доирасида ҳаво бўшлиғида юзага келган чегара низоларини ҳал этади; Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тадбирлари ресурс ва бошқа жиҳатдан таъминланишида чегара қўшинларига белгиланган тартибда кўмаклашади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколат-ларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир тадбирларни амалга оширишда чегара қўшинларига кўмаклашади; чегара олди зона-сида чегара олди режимига риоя этилиши устидан ҳамда Давлат чегара-си орқали ўтказиш пунктларига туташ ҳудудларда ҳуқуқ-тарти-ботга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари-нинг иштирокини таъминлайди; чегара олди ҳудудларида ҳуқуқ-тарти-ботнинг ҳолати тўғрисида чегара қўшинларига ахборот беради; Давлат чегарасини ҳимоя қилишда ички қўшинлар қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда иштирок этишини таъминлайди; чегара қўшинларининг тақдимномасига биноан чегара олди қидирув ишлари ва операциялари ўтказилаётган пайтда, шунингдек ҳарбий хуружни қайтариш ёки Давлат чегараси орқали ноқонуний оммавий ўтишларнинг олдини олиш чоғида Давлат чегарасига яқин айрим участкалар ёки объектларга фуқаролар-нинг ўтишини вақтинча чеклаш ёки ман этишни таъминлайди; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда чегара қўшинла-рига кўмаклашади; Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги ре-жимга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда божхона ор-ганлари иштирокини таъминлайди; шахслар, транспорт воситалари, то-варлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларнинг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида божхона назоратидан ўтиши ва расмийлаштири-лишини ташкил этади; контрабандага ва божхона тўғрисидаги қонун

ҳужжатлари бошқа тарзда бузилишига қарши курашга доир чоралар ишлаб чиқади ва амалга оширади; Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари ташкил этишга доир таклифларни киритади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Давлат чегарасида санитария-карантин, ветеринария, фитосанитария назоратини ҳамда назоратнинг бошқа турларини амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари:

шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонлар Давлат чегараси орқали ўтказилишида ўз ваколатлари доирасида иштирок этадилар; зарур ҳолларда Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида ўз хизматларини тузадилар ва улар ишини ташкил қиладилар; Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда чегара қўшинларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашадилар; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

Давлат чегарасини қўриқлаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ шароит яратиб берадилар; Давлат чегараси эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда ер участкалари берадилар, улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар; Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда фуқаролар ихтиёрий асосда иштирок этишларига кўмаклашадилар; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик соҳасини бошқаришнинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг вазифалари нималардан иборат?
4. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш мамлакатимизда қандай принципларга амал қилган ҳолда амалга оширилади?
5. Мамлакатимизда давлат чегараси қандай белгиланади?

11-мавзу. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар соҳасини бошқариш

- 1. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.**
- 2. Йўл ҳаракати хавфсизлиги.**
- 3. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими**
- 4. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари тартиби.**

1. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Республика Конституцияси ва Республика суверенитети ҳақидаги Декларацияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади. Вазирлик ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишни ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлайди.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ҳукуматига бўйсунди. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилади ва тугатилади, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси олдида ўз зиммасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши учун жавоб беради. Вазирлик ўз фаолиятида сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларидан мустақилдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

республика ички ишлар органлари ишининг стратегик йўналишларини белгилаш;

ички ишлар органлари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, уни мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-методик ёрдам бериш ва улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш;

ички ишлар органлари, ички ишлар вазирлиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари тизимининг фаолиятида қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ички қўшинларнинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этиш;

фан ва техника ютуқларини, ижобий тажрибани, бошқарувнинг прогрессив шакллари ва иш усулларини жорий этиш;

ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашнинг юқори савияда бўлишини таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий кафолатлашни таъминлаш;

уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш ишларини таъминлаш.

Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда қуйидаги принципларга амал қилади:

- коллегияликни яқкабошчилик билан уйғунлаштириш;

- қонунчилик, шахсни ҳурмат қилиш, байналмилалчилик;

- ошкоралик;

- давлат органлари, жамоатчилик бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан биргаликда иш олиб бориш, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- ички ишлар органлари ходимларининг миллий мансублик, тил, ўтроқлик белгилари бўйича ҳуқуқларини чеклашга йўл қўймаслик.

Вазирлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

- Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;

- Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий ва республика органлари билан ички ишлар органларининг фаолияти соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги битимлар;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив актлари.

Вазирлик ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, кадрлар билан ишлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига умумий раҳбарлик қилади ва бу ишларни мувофиқлаштиради, методик жиҳатдан таъминлайди;

жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш республика дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, мазкур йўналишлар бўйича умумиттифоқ дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқ-тартибот масалалари юзасидан республика қонунчилигини ишлаб чиқишда таклифлар киритади ва қатнашади;

ўз ҳуқуқи доирасида ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича республика тадбирларини ўтказишни кучлар ва воситалар билан бошқаради;

ички ишлар органларида режалаштириш, назорат қилиш ва ахборот-аналитик фаолиятнинг ягона тизимини белгилайди, ташкил этади ва таъминлайди;

республика маълумотнома-ахборот фондларини, оператив-қидирув ва кадрларни ҳисобга олишни шакллантиради, республика криминалистик ҳисобот-ахборот тизимини тузади, ички ишлар органлари фаолияти масалалари юзасидан давлат статистика ҳисоботини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган транспорт ички ишлар органларига, ички ишлар органлари ўқув юртларига раҳбарликни амалга оширади;

жиноятлар ҳамда жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, вазирлик, идоралар, муассасалар ва ташкилотларга жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг сабабларини ҳамда ана шу хатти-ҳаракатларни содир қилишга сабаб бўлувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар киритади;

фуқаролар, давлат, жамоат, коллектив, қўшма, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий ҳуружлардан ҳимоя қилишни ҳамда улар туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини, жиноий жазо бериладиган чайқовчиликка, порахўрликка, сохта пул ясашга ва валюта операциялари қондаларининг бузилишига қарши курашни таъминлайди;

оператив-қидирув ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

қонунчилик томонидан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятлар ҳақидаги дастлабки сўроқ ва терговни таъминлайди;

тергов ва суддан яшириниб юрган айбланувчи, ҳукми ижро этиш ва жазони ўташдан бўйин товлаб юрган жазога тортилган шахсларни, бедарак йўқолган ва қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил этади;

бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда болаларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш ҳамда балоғатга етмаганлар томонидан ҳуқуқ бузишларга қарши кураш ишларини олиб боради;

судларнинг ажримлари, прокурорларнинг қарорлари ва терговчилар ва дастлабки терговни олиб борган шахсларнинг прокурор томонидан қамоққа олиш хулосаси тўғрисида санкция берилган қарорларининг, шунингдек, қонунчилик томонидан ички ишлар органлари зиммасига ижро этиш юклатилган мажбур этишнинг бошқа чораларини қўлланиши ҳақидаги бошқа қарорларнинг ижросини таъминлайди;

ҳибсга олинганлар ва ушланганларни кўриқлаб ва кузатиб боришни ташкил этишни таъминлайди;

озодликдан маҳрум этишга, сургун, бедарга қилишга ҳамда қонунчилик томонидан ички ишлар органларининг зиммасига ижро этиш юк-

латилган жазонинг бошқа турлари бўйича ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ҳукмларининг ижро этилишини ташкил этишни таъминлайди;

жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади, қонун томонидан белгиланган жазони ўташ режимига қатъий риоя қилинишини, жазога ҳукм этилганларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар билан сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этади, манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда жазога ҳукм этилганларга умумий таълим ва ҳунар-техника таълими беришни ташкил этади ва амалга оширади, содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилигини, жазога ҳукм этилганнинг шахсияти, шунингдек, унинг ҳуқ-атвори ва меҳнатга муносабатини ҳисобга олган ҳолда жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш воситаларини танлашда яқка тартибда иш олиб боришни таъминлайди, бунда педагогика, психология ва бошқа фанлар соҳасида эришилган ютуқлардан кенг фойдаланади;

озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатиш ва шахсларнинг ишга жойлашишига ва турмушда ўз ўрнини топишига кўмаклашади;

озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатиш ва шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий назорат қилиб туради, шунингдек, қонун томонидан белгиланган ҳолларда шартли равишда жазога ҳукм этилган ва шартли равишда жазони ўташдан озод этилган шахсларни назорат қилиб боради;

республика ҳудудида паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлайди, чегара кўшинлари билан биргаликда фуқароларнинг чегара режими қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади, чет эллик ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар учун белгиланган яшаш ва кўчиш қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб боради;

қонунчиликка мувофиқ ўт очиш ва совуқ қуруллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи заҳарли, наркотик ва радиоактив моддаларни сотиб олиш, сақлаш ва ташишни, ўқ отиш тирлари ва отишма жойларини, қурул-яроғларни тузатиш ва пиротехника корхоналари, ов ва спорт қуруллари билан савдо қилувчи магазинларни очишни ва уларнинг ишлашини назорат қилиб боради;

белгиланган тартибда полиграфия ҳамда штемпель-гравюра корхоналарини очиш ва уларнинг ишини, шунингдек, полиграфия асбоб-ускуналарини сотиб олиш, сақлаш ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашни назорат қилиб боради;

республикада давлат ёнғин назоратини амалга оширади, аҳоли яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларини ёнғиндан сақлашни таъминлайди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ишини назорат қилади ва бошқаради, республика ёнғиндан сақлаш ташкилотларининг биргаликда иш олиб бориш тартибини белгилайди;

табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда одамларни ва мол-мулкни қутқаришда қатнашади, бунда жамоат тартиби сақланишини таъминлайди, мол-мулкни муҳофаза қилишни ташкил этади, бундай ишларга аҳолини, шунингдек, транспорт ҳамда корхона-лар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли воситаларни қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган авария - қайта тикдаш ишларини ўтказишга жалб қилишга кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликдан ва бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрган ҳамда жамоат жойларида оғир аҳволда қолган шахсларга шошилинч ёрдам кўрсатишни ташкил этади;

шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда йўл ҳаракатини ва автомобиль йўлларида қатновни бошқаришни ташкил этади, вазирликлар, идоралар ва транспорт ташкилотларининг автоматотранспорт ҳамда шаҳар электр транспорти аварияларининг олдини олиш чоратадбирларини ўтказишларини назорат қилади;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли автоматотранспорт воситаларини рўйхатга олади ва ҳисобга олиб боради, шунингдек, ана шу транспорт воситаларининг техника аҳолини назорат қилиб туради;

кўчалар, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларининг бехатар ҳаракат қилишни таъминлайдиган аҳволда бўлишини назорат қилиб боради, улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш тадбирларини кўради, автотранспортдан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солган ҳолларда кўчалар ва автомобиль йўлларининг айрим участкаларида автотранспорт ҳамда пийдалар қатновини белгиланган тартибда чеклайди ва тақиқлайди;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни, шунингдек, фуқароларнинг уйлариини белгиланган тартибда муҳофаза қилишни ташкил этади ва амалга оширади, идоравий кўриқлашни инспекция қилади, кўриқлашнинг ишончлилигини ва бу ишларга харажатларни камайтириш чораларини кўради;

ўта хавфли давлат жиноятчилигига қарши курашда ҳамда давлат хавфсизлигини сақлашга доир бошқа тадбирлари ўтказишда ёрдам беради;

республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилмайдиган маблағлар ҳисобига Вазирлик тизими органлари, бўлинмалари, муассасалари ва ташкилотларини белгиланган тартибда маблағ билан таъминлайди;

ички ишлар органлари шахсий таркибининг касб малакасини ошириш ва интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади, шахсий таркиб томонидан ички ишлар органлари фаолиятини регламентловчи хизматни ўташ ҳақидаги низомлар, уставлар ва йўриқномалар талабларининг бажарилишини таъминлайди;

белгиланган тартибда ва ўз ҳуқуқлари доирасида ички ишлар органлари шахсий таркибига махсус унвонлар беради;

ички ишлар органларига улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фаол кўмаклашган Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнат

кўрсатган ходимларини ва фуқароларни белгиланган тартибда кўкракка тақиладиган нишонлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлайди, шунингдек, рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллайди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўчалар, ҳовлилар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳудудини, шунингдек, меҳнаткашлар дам оладиган шаҳардан ташқари жойлар ва чўмиладиган жойларда санитария қондаларига риоя қилинишини назорат қилиб боради;

эпидемиялар ва эпизоотияларга қарши курашда, шунингдек, табиати муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов ва балиқчилик қондаларининг бузилишига қарши курашда карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида санитария назоратини ташкил этади, иттифоққа бўйсунувчи даволаш-профилактика ва санатория-курорт муассасаларида ички ишлар органлари шахсий таркибига тиббий ва санатория-курорт хизмати кўрсатишни таъминлайди;

ички ишлар органлари тизимида бут қозонлари назорати инспекцияси ишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ҳуқуқи доирасига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади; жамоат бирлашмалари, ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб боради;

“Постда” “На посту” газеталарини нашр этади;

ўз ҳуқуқи доирасида ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаролар мудофааси тадбирларини амалга оширади;

фуқаролардан тушган тақлифлар ва аризаларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди;

икки томонлама ва кўп томонлама битимларнинг шартларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади;

хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Вазир бошчилиқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири:

республика ички ишлар органлари ва муассасалари тизимига умумий раҳбарликни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиғига Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг жойлардаги органлари структураси, ходимлари

сони нормативлари, уларни маблағ, моддий-техника билан таъминлаш, зарур комплекслар, бинолар қуриш ва янгидан тузиладиган строевой бўлинмаларни жойлаштириш юзасидан тақлифлар киритади;

ажратилган пул маблағи доирасида Вазирлик аппарати ва ички ишлар органларининг ташкилий-штат тузилишини тасдиқлайди;

ички тузилиш бўлинмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, ташкилотларда, муассасалар, корхоналар, жамоат бирлашмаларида, меҳнат жамоалари, аҳоли билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, халқаро ташкилотларда Вазирлик номидан вакиллик қилади;

Ички ишлар вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўқув юртларига раҳбарлик қилади;

ички қўшинлар ва ўқув юртларини моддий-техника жиҳатидан таъминлашни ташкил этади;

милиция, ички қўшинларнинг соқчилик ва махсус моторлаштирилган қисмларига нисбатан (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган) катта оператив бошлиқ ҳисобланади;

ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларида оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун соқчи қисмларининг кучлари ва воситаларидан фойдаланади, жамоат тартибини сақлаш ва тасарруфидаги ҳудудда фавқулодда вазиятларда ўз вазифаларини бажариш учун милициянинг махсус моторлаштирилган қисмларини жалб этади;

Вазирликка берилган ҳуқуқлар доирасида буйруқлар, йўриқномалар, кўрсатмалар ва бошқа актлар чиқаради, уларнинг бажарилишини текширишни ташкил этади;

вазир ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига ички ишлар органлари юқори бошлиқлар таркибига унвонлар бериш ҳақида тақдимнома киритади;

милиция полковниги, ички ишлар полковнигигача бўлган ички ишлар органлари бошлиқлари таркибига кирувчи шахсларга дастлабки ва навбатдаги махсус унвонларни беради;

ички ишлар органларининг полковнигича бўлган бошлиқлар таркибига кирувчи шахслар томонидан эгалланадиган лавозимлар рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг органларидаги генераллар томонидан эгалланадиган лавозимлар рўйхатини киритади;

қонунчилик томонидан унинг ҳуқуқ доирасига киритилган бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва ўз функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради.

Вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ Вазир ўринбосарлари Вазирлик фаолиятининг конкрет йўналишларига раҳбарликни амалга оширадилар. Вазирнинг топшириғига кўра унинг ўринбосарлари ўз ҳуқуқ доирасида буйруқлар ва кўрсатмалар чиқарадилар. Вазифаларни келишилган ҳолда ҳал этиш ва функцияларни амалга ошириш учун Вазирликда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири (раис), лавозимлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари, Вазирлик ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, вилоят ички ишлар бошқармаларининг раҳбарлари (улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадилар).

Ҳайъат қарорлари Вазир томонидан имзоланади ва уларнинг ички ишлар органлари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Вазирлик ҳайъати бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қарорлар қабул қилиши мумкин. Бундай ҳолларда қабул қилинган қарорлар, одатда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг буйруқларига кўра ҳаётга татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг регламенти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади. Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларини, уларни илмий, ижтимоий ва моддий-техник ривожлантириш, кадрлар билан таъминлаш, бошқарув қарорлари ва тавсияларни келишилган ҳолда ишлаб чиқиш масалаларини комплекс ҳал этиш учун Вазирликда кенгашлар ва комиссиялар тузилади.

2. Йўл ҳаракати хавфсизлиги

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу Қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлашга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек атроф табиий муҳитни ҳимоя этишга қаратилгандир.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати бўлиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг юзага келиш сабабларини олдини олишга, бундай ҳоди-

салар оқибатларининг оғирлигини енгиллатишга қаратилган фаолият йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш дейилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш - қўлланиши стандартлар билан тартибга солинадиган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган бошқаришнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама қатнови белгиланади.

Йўл ҳаракати қатнашчиси - йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита шитирок этаётган шахс ҳисобланади. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йоллардаги қатновнинг хавфсиз шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак. Йўл ҳаракати қатнашчилари:

- Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўллар бўйлаб эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ҳуқуқларининг бузилиши ёки чекланиши сабаблари тўғрисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;

- қатновнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ маҳсулот ва хизматлар сифати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

- йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари ўтказиш ва бошқа шошилинч ёрдам кўрсатиш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ана шундай ёрдамлар олиш, қутқарув ишлари кўрсатилишига эришиш;

- йўл-транспорт ҳодисаси натижасида уларнинг ўлими, тан жароҳати олиши, транспорт воситаси ва юклар шикастланиши рўй берган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарларнинг ўрни сопланишига эришиш, шунингдек маънавий зиён учун компенсация олиш;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Йўл ҳаракати қатнашчилари:

- «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуни, Йўл ҳаракати қоидалари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларини билишлари ва уларга оғишмай риоя этишлари;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида махсус ваколатли давлат органлари мансэбдор шахсларининг қонуний талабларини бажаришлари;

- қонун ҳужжатларида назорда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги;

- Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларни амалга ошириш устидан назорат олиб боради;

- Йўл ҳаракати қондаларини ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

- вазирликлар ва идораларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- транспорт воситалари ва йўлларнинг техникавий ҳолатига, йўллар ва темир йўлдан ўтиш жойлари бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;

- транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлашга, шунингдек аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қондаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди;

- транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини, шундай воситаларнинг ўзини, йўл ҳаракати қондаларининг бузилиши ҳолатларини, йўл-транспорт ҳодисалари ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини амалга оширади;

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳудудий дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларни амалга ошириш устидан назорат олиб боради;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

- йўл-транспорт ҳодисалари оқибатидаги жароҳатланишларнинг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб этиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш чора-тадбирларини кўради;

- шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлчаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини бошқариш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг қурилиши ва соҳа ҳолатда сақланишини таъминлайди;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

- автомобилда юк ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан норматив ҳужжатларни ишлаб чиқаради;

- транспорт воситалари ва транспортда кўрсатиладиган хизматлар сертификатлаштирилишини амалга оширади;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига автомобиль транспортида риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акция-дорлик компанияси:

- ўз тасарруфидаги автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз қатнови учун бу йўлларнинг соҳа ҳолатда сақланишини таъминлайди;

- йўл ҳаракати қатнашчиларини йўл қопламасининг ҳолати, гидрометеорологияга оид ва бошқа шароитлар тўғрисида зарур ахборот билан таъминлайди;

- автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини бошқариш воситалари, тезкор алоқа тизими қурилиши ва жонсоқлигини амалга оширади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

- автомобиль йўлларининг қатнов учун хатарли жойларини аниқлайди ва бу жойларда йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини кўради;

- оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади, шунингдек йўл хизмати кўрсатиш объектлари жойлашувига розилик беради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати:

- йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларини ишлаб чиқаради;

- йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу қонунга, йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмга риоя этиши устидан назорат олиб боради;

- жамоат транспортининг, шунингдек оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;

- йўлларни, темир йўл кесишуви жойларини, автомобиль ёнилғиси қуйиш тармоқларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларига розилик беради;

- фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назорат олиб боради, транспорт воситаларининг техник кўригини ўтказиши;

- йўллар ва темир йўлдан ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини бошқариш воситалари билан жиҳозланиши устидан назорат олиб боради;

- йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлмаган йўллар ва темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;

- транспорт воситалари, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши ҳоллари ва йўл-транспорт ҳодисалари ҳисобини ва рўйхатини юритади;

- транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига доир гувоҳномалар беради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ваколат доирасига берилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими

Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар йиғиндиси ташкил этади. Паспорт тизими аҳолини ҳисобга олишда, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда катта роль ўйнайди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими 1999йил 26февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом билан бевосита тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига эга бўлишлари шарт. Ҳарбий хизматчилар бундай паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар кўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белги-ланган ҳужжатлар асосида яшайдилар.

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти:

Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган фуқароларига;

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга;

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради. Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан берилади.

Паспортга ўзбек, рус ва инглиз тилларида (Қорақалпоғистон Республикасида эса - Қорақалпоқ тилида ҳам) фуқаронинг шахси тўғрисида қуйидаги маълумотлар ёзилади:

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- тутилган йили, куни, ойи;
- тутилган жойи;
- миллати;
- жинси;
- шахс ўқшашлигини аниқлаш рақами.

Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилётганда паспорт олувчининг отасига кўра отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёзма аризасига мувофиқ отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин, аммо фақат бир марта ўзгартирилади.

Паспортда унинг эгасининг имзоси, паспорт берган масъул шахс имзоси бўлиши, шунингдек паспорт берилган вақт ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим. Шунингдек паспортга:

- балоғатга етмаган болаларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тутилган йили, куни, ойи;
- ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги;
- никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги;
- паспорт эгасининг яшайдиган ва доимий қайд этилган жойи ҳақидаги;
- вақтинча қайд этилгани тўғрисидаги;
- чет элга чиқиш учун рухсатнома ҳақидаги;

- хорижий давлатларга кириш учун визалар ҳақидаги маълумотлар ёзилади.

Фуқароларнинг розилиги билан уларнинг паспортига паспорт эгаларининг қони гуруҳи ва резуси тўғрисидаги белгилар қўйилади.

16 ёшга тўлган шахсга ички ишлар органлари томонидан паспорт берилади ва у 25 ёшга тўлгунига қадар ҳақиқий ҳисобланади. Фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганда ички ишлар органлари уларга янги паспорт беради, унга олдинги паспортдаги маълумотларнинг янги паспорт бериш вақтида ҳақиқий бўлганларининг ҳаммаси киритилади. 45 ёшга тўлган фуқаролар паспортининг амал қилиш муддати чекланмайди. Паспорт унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиш чоғида илгари олган паспортини доимий истиқомат жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эса Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига топширишга мажбурдир. Паспортни фуқаролар истиқомат жойидаги ички ишлар органлари, ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шахс борган хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари беради ва алмаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан бўшатишган ҳарбий хизматчиларга паспорт ҳарбий билет ва шахсий гувоҳнома асосида берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган шахсларга паспортлар ички ишлар органлари томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилади.

Қуйидаги ҳолларда паспорт алмаштирилади:

- паспортнинг амал қилиш муддати тугаганда;
- фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарганида;
- миллатини, туғилган йилини ўзгартирганда;
- ёзувлардаги чалкашлик аниқланганда;
- виза ва алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақлар тўлганда;
- фойдаланишга яроқсиз ҳолга келганда.

Фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг ёки фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили ва миллатини ўзгартирган, ёзувдаги чалкашлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай, паспорт аниқ муддатга берилган ҳолларда эса - паспортнинг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч кун муддатда паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатларни ва фотосуратларни тақдим этиши керак. Ўзбекистон Республикаси фуқаро-си хорижга жўнаб кетадиган тақдирда, агар паспортнинг амал қилиш муддати олти ойдан камроқни ёки кириш визасидаги муддатни ташкил этса, паспорт алмаштирилиши мумкин.

Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик:

Фуқаролар:

- паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан қайд эттирмай яшаганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлик ҳамда паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик, паспортни авайлаб сақламай уни йўқотганлик учун;

- паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишига масъул бўлган шахслар фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, ёхуд қайд этмай яшашига йўл қўйгани учун, шунингдек фуқаролар ўзлари эгаллаб турган уй-жой биноларида паспортсиз шахсларнинг қайдсиз яшашига йўл қўйгани учун;

- мансабдор шахслар паспортсиз ёки паспорти ҳақиқий бўлмаган фуқароларни, шунингдек қайдсиз яшаётган фуқароларни ишга қабул қилгани учун;

- мансабдор шахслар фуқароларнинг паспортини қонунсиз олиб қўйгани ёки паспортни гаровга олиб қолгани учун;

- чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлиши вақтинча, чекланган жойларга кириш ёки унда яшаш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Паспорт тизими тўғрисидаги Низомга кўра қуйидагилар паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулдирлар:

- ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва ўқув юрларининг, меҳмонхоналар, санаторийлар, пансионатларнинг, қариялар ва ногиронлар уйлари ва бошқа шундай муассасаларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари;

- хусусийлаштирилган уй эгалари ва шахсий мулк ҳуқуқи билан уйларга эгалик қилувчи шахслар.

Паспорт тизими қоидалари бажарилишини ички ишлар органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари назорат қиладилар.

4. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий фуқаролар шу жумладан, МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашлари ёки вақтинча бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар (вазирликлар, идоралар, мулкчилик шакллари ва фаолият туридан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари)ни, шунингдек, хусусий ишлар бўйича уларни Ўзбекистон Республикасига таклиф

килган шахсларни хабардор қилган ҳолда хоҳишларига кўра меҳмон-хоналарда ёки бошқа турар жойларда яшайдилар.

Хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлиmlарига ўз вақтида рўйхатдан ўткази-лишини таъминлаш чора-тадбирлар кўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари тугаши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга мажбурдилар.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий паспортлар бўйича вақтинча рўйхатдан ўтиш асосида яшайдилар. Миллий паспортлар белгиланган жойга келингандан сўнг уч сутка мобайнида вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно.

Куйидагилар чет эл паспортларини вақтинча рўйхатдан ўтказишдан озод қилинадилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларига кўра республикага келган чет мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқлари, парламентлар ва ҳукуматлар делегацияларининг аъзолари, ушбу делегацияларнинг техник ходимлари, санаб ўтилган шахсларнинг оила аъзолари;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан берилган паспортлари бўйича Ўзбекистон Республикасига келган шахслар;

в) 16 ёшга тўлмаган хорижий фуқаролар;

г) Ўзбекистон Республикасига байрам ва дам олиш кунлари ёки одатдаги кунларда уч суткагача муддат билан келган ва шу кунлар мобайнида республикадан жўнаб кетувчи фуқаролар;

д) сафарда юрган хорижий туристлар, агар уларнинг республиканинг ҳар бир аниқ аҳоли яшаш жойида бўлишлари муддати уч суткадан ошмаса;

е) белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига келган хорижий ҳарбий самолётлар (кемалар)нинг экипажлари аъзолари

Ҳарбий самолётлар (кемалар)нинг экипажлари аъзоларининг қирғоққа тушиши ва Ўзбекистон Республикаси Ҳудуди бўйлаб юришига келган ҳарбий самолётлар (кемалари қабул қилиш режасига мувофиқ катта (ҳарбий) бошлиқ томонидан рухсат этилади;

ж) халқаро йўлларда юк ва йўловчилар ташишни амалга оширувчи хорижий автотранспорт воситалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар, ташишларни амалга ошираётган йўналишларидаги шаҳарларда ва аҳоли яшаш жойларида, шу жумладан, борадиган жойларда бўлган чоғларида;

з) ҳарбий бўлмаган чет эл кемалари экипажлари таркибига кирувчи шахслар гарнизонларда ва чегара шаҳарларида бўлган чоғларида, бу шахслар уюшган ҳолда саёҳатга чиққан вақтларида эса Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарларида ҳам.

Хорижий фуқаролар кўрсатиб ўтилган тоифаларининг объектлардан чиқишларига портларда амалда бўлган қондалар ва йуриқномаларга мувофиқ чегара кўшинлари вакиллари томонидан рухсат этилади;

и) халқаро авиация йўлларининг фуқаро ҳаво кемалари экипажлари, ҳалқаро темир йўл поездлари бригадалари таркибига кирувчи шахслар, қатновнинг амалдаги жадвалида кўрсатилган аэропортларда ёки станцияларда бўлган чоғларида

Хорижий фуқароларни вақтинча рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлариининг масъул шахслари томонидан келиб жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади.

Ички ишлар органи ҳудудий бўйсунушига қараб ҳафтасига икки марта Манзил-маълумотнома бюросига кетиш ва келиш варақаларини юборишга мажбур. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлариининг масъул шахслари ўзлари жойлашган жойдаги Манзил-маълумотнома бюросига ҳисобга олиш учун рўйхатдан ўтказиладиган, келиб жойлашган шахсларнинг анкета-аризаларини бир сутка мобайнида юборишга мажбур.

Агар фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келган, яъни назорат-ўтказиш пункти томонидан қўйилган санадан уч кун ўтгандан кейин (байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно) ички ишлар органларида вақтинча рўйхатдан ўтмасдан республика ҳудудида булганларида ҳужжатларни расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлаштириш тақиқланади. Меҳмонхоналар маъмурияти Ўзбекистон Республикасига кетиш визасига эга бўлмаган, шунингдек бошқа қонда бузишларга йўл қўйган хорижий фуқаролар тўғрисида ҳудудий ички ишлар органларига зудлик билан хабар қилишга мажбурдир. Бундай шахсларни меҳмонхоналарда расмийлаштириш фақат ички ишлар органларидан рухсат олингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва меҳмонхоналарга жойлашган хорижий фуқароларнинг бўлиш муддатини узайтириш қабул қилувчи ташкилотларнинг ёзма илтимосномасида (туристлар учун-турнинг амал қилиш муддатида) кўрсатилган, лекин визанинг амал қилиш муддати доирасида амалга оширилади. Хорижий фуқаролар назорат ўтказиш пунктидан ўтиб дастлабки меҳмонхонага келганларидан сўнг уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишларининг тўлиқ муддатига рўйхатдан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш хорижий фуқаро меҳмонхонага келгандан сўнг 48 соат мобайнида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи хорижий фуқаролар Ўзбекистон

Республикасида яшаш ҳуқуқи бўйича умумий асосларда меҳмонхоналарга жойлаштириладилар ва ҳисобга олинадилар.

Ўзбекистон Республикасига олти ойгача муддатга келган хорижий фуқароларнинг шахсий ва хизмат автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона органларида ҳисобга олиниши керак. Хорижий фуқаролар ўз транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олти ойдан ортиқ муддатга олиб келишлар, бу транспорт воситалари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида миллий рақам белгиларини алмаштирган ҳолда рўйхатга олинади. Халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт воситаларини бошқариш учун ҳақиқий ҳисобланади. Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенциянинг тегишли талабларига жавоб берадиган миллий ҳайдовчилик гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг тасдиқланган таржимаси мавжуд бўлганда ҳақиқий ҳисобланади. Хорижий фуқароларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ёки бу фуқароларга кўрсатилган Конвенция талабларига жавоб бермайдиган гувоҳномаларни алмаштириб бериш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Хорижий шахсларнинг транспорт воситаларини давлат техник кўригидан ўтказиш ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган хорижий фуқароларга тегишли бўлган автотранспортни хорижий фуқароларга фойдаланиш учун бериш автототранспорт давлат рақами белгисини хорижий фуқароларга мўлжалланган тегишли тоифасига алмаштириб бериш учун ички ишлар органларини хабардор қилган ҳолда нотариал тартибда расмийлаштирилади. Хорижий фуқаролар томонидан қайтариб олиб кетиш мажбурияти билан олиб келинган автотранспорт белгиланган муддат тугаши билан чет элга олиб кетилиши керак ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолдирилиши мумкин эмас.

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари- хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий фуқаролар боришлари учун очиқ бўлган жойларда юришлари мумкин. Хорижий фуқаролар мўлжалланган жойга келганларидан сўнг ички ишлар органларида вақтинча рўйхатдан ўтишлари ёки меҳмонхоналарда ҳисобга туришлари керак.

Хорижий фуқароларнинг чегара зоналарига ёки хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойларга киришлари ва уларнинг юришлари ички ишлар органларининг рухсати билангина амалга оширилиши мумкин:

қабул қилувчи ташкилотлар орқали келганлар - бу ташкилотларнинг ёзма мурожаатномалари асосида;

хусусий ишлар бўйича келганлар-хорижий фуқароларнинг шахсий ёзма аризалари асосида.

Қабул қилувчи ташкилотларнинг илтимосига кўра хорижий фуқароларга бир неча марта келиш ва юришга рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бўлиш жойларини мазкур қоидаларни бузган ҳолда ўзгартирган хорижий фуқаролар ички ишлар органлари талабига кўра олдинги келган жойларига қайтишга ёки танланган бориш жойларига мувофиқ юришга мажбурдирлар.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий мақоми?
2. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарувининг мазмуни?
3. Паспорт тизими қоидалари тўғрисида маълумот беринг.
4. Мамлакатимизда чет эл паспортларини вақтинча рўйхатдан ўтказишдан озод қилишнинг асослари тўғрисида маълумот беринг.

12-мавзу. Ташқи ишлар соҳасини бошқариш

1. **Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати.**
2. **Ташқи ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.**
3. **Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби.**

1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари ва принцип-ларига, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғриси-да»³⁷ги (22.12.1995.) Қонунга, «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси (30.08.1995)га, бошқа қонунларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

2. Ташқи ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Ташқи ишлар соҳасини бошқаришнинг мазмунини ваколатли органларнинг бевосита ўзларига тегишли бўлган ташқи ишлар соҳасидаги функцияларни амалга оширишлари ташкил этади. Давлатнинг олий ҳокимият ва вакиллик органлари ташқи сиёсатнинг энг муҳим маса-

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 262-модда

лаларини ҳал этадилар, ташқи сиёсий фаолиятга кундалик ва бевосита раҳбарликни эса ташқи ишлар органлари амалга оширадилар.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси* Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди ҳамда халқаро шартнома ва битимларни ратификация ва денонсация қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради; музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва қабул бўлиқларини қабул қилади; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат иқтисомий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси* Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради ҳамда қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ташқи ишлар соҳасини бошқаришда махсус ваколатли органлар тизимига Ўзбекистон республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, чет эл давлатлари ҳудудидаги элчихона ва консулликлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тизимига кирувчи ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, шунингдек халқаро-ҳуқуқий меъёрларда белгиланган принциплардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсатини рўйга чиқаришни амалга оширувчи давлат бошқарув органидир.

Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлигида амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети принципларини ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи сиёсий йўлини амалда рўйга чиқариш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатларини ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсати стратегияси, унинг Ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, шунингдек давлатнинг халқаро фаолияти умумий муаммоларга доир масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президентини халқаро сиёсат масалалари бўйича зарур ахборот билан таъминлайди;

Ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, идоралар, муассасаларнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш бўйича ишини мувофиқлаштиради;

республика органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг миллий-давлат манфаатларини, шунингдек унинг хориждаги фуқаролигининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига, халқаро молиявий, иқтисодий ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилишига ва бу алоқаларнинг кенгайишига қўмаклашади;

белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат органлари ва Ташқи сиёсий муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб боради ҳамда шартномалар ва битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалари ва битимларини ишлаб чиқишда қатнашади ва тузилишини таъминлайди ҳамда бу шартномалар ва битимлар асл матнларининг депозитари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, ижро этиш ва денонсация қилиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

тегишли давлат шартномалари ва битимларини ратификация қилиш учун белгиланган тартибда Олий Мажлисга тақдим этади;

бошқа давлатларнинг тегишли Ташқи сиёсий органлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ишларни мувофиқлаштириш тўғрисида шартномалар ва битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган давлатлараро шартномалари ва битимларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳужжатлар йиғмажилдида сақлаш, рўйхатга киритиш ёки эълон қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятига белгиланган тартибда юборади;

Ўзбекистон Республикаси давлат шартномалари бўйича томонлар мажбуриятларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш чоратадбирларини қўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирининг хорижий давлатларга ташрифларини Ўзбекистон Республикасининг давлат дипломатик протоколи тўғрисидаги Низомга мувофиқ протокол жиҳатдан тайёрлайди ва ташкилий таъминлаш чоратадбирларини қўради;

халқаро конференциялар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар мажлислари ишида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияларини тузади ва юборади;

хорижий давлатларнинг расмий давлат делегацияларини қабул қилиш ташкил этади ва унда иштирок этади ҳамда сиёсий, дипломатик, протокол ва вакиллик ишларини олиб боради;

иқтисодиёт, маданият, фан-техникани айирбошлаш ва савдо соҳасида Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг халқаро алоқалари ривожланишига кўмаклашади;

чет элда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ва ички сиёсати тўғрисида ҳолисона ахборот тарқалишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги ахборотнинг Интернет тармоғида тарқатилишини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларига дипломатик протокол соҳасида, улар томонидан элчихоналар ва бошқа хорижий ваколатхоналар билан алоқаларнинг амалга оширилишида кўмаклашади;

ҳам республика ҳудудида, ҳам чет элда хорижий давлатлар, халқаро, ҳукуматлараро ва минтақавий ташкилотлар билан дипломатик ва консуллик алоқаларини амалга оширади;

республиканинг чет элдаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарнинг таркибини белгиланган тартибда шакллантиради ва ишини ташкил этади, фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ бошқа давлатларнинг республика ҳудудидаги доимий дипломатик ваколатхоналари билан муносабатларни қўллаб-қувватлайди, дипломатик ваколатхоналар ходимларини аккредитация қилади;

хорижий мухбирларни аккредитация қилади, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради, бошқа давлатларнинг журналистлари билан брифинглар, матбуот конференциялари ва учрашувлар ўтказиши;

хорижий давлатларнинг савдо ваколатхоналарини, халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ва бирлашмаларининг ваколатхоналари ва миссияларини аккредитация қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ва консуллик иммунитетига риоя қилиш учун шароитлар яратади, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ўз функцияларини бажаришларида уларга кўмаклашади;

Ўзбекистоннинг чет элдаги савдо ваколатхоналарини тузиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади, уларнинг кадрлари таркибини шакллантиради ва уларга умумий раҳбарлик қилишни амалга оширади;

Вазирликнинг муассасаларини ташкил этиш (диспокация, тузилма, штатлар) масалалари бўйича таклифларни белгиланган тартибда ишлаб

чиқади ва тегишли органларга киритади, дипломатик ва консуллик лавозимларига кадрлар тайёрлашни, танлашни ва тавсия этишни амалга оширади;

давлатлараро шартномалар матнларининг расмий таржима қилинишини ва рўйхатдан ўтказилишини амалга оширади;

чет элда ишловчи ватандошлар билан алоқалар ва муносабатларнинг ривожланишига қўмаклашади;

паспорт-виза ҳужжатларини расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликда маҳаллий ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар учун ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва легализация қилиш ишини белгиланган тартибда юритади, фуқаролик ҳолати ва нотариат ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган бошқа консуллик масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикасига келувчи фуқароларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш масалалари бўйича тақдимномаларни кўриб чиқишда белгиланган тартибда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топширигига биноан Ташқи сиёсий фаолиятга тегишли бўлган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади, республика қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тайёрлайди;

Ташқи сиёсий фаолият ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича адабиётлар, республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалар, шунингдек ушбу масалалар бўйича илмий-оммабоп адабиётлар режасини тузади ва уларнинг нашр этилишини ташкил этади;

Вазирлик тизимини ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади, Вазирликнинг моддий-техника таъминотини, бинолари, муассасалари асосли қурилиши ва тузилишини ташкил этади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади;

Вазирликка қарашли органларни маблағ билан таъминлашни белгиланган тартибда амалга оширади, Вазирлик тизими муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва назорат қилади;

қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат органлари, Ташқи сиёсий муассасалари ва дипломатик ваколатхоналари бўйича ўз ваколатлари доирасида музокаралар олиб бориш ҳамда давлат номидан улар билан расмий ёзишмаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ташкилотлари, муассасалари ва корхоналаридан Ташқи сиёсий ва Ташқи иқтисодий фаолият масалалари бўйича сўровлар юбориш ва маълумотлар, таклифлар, хулосалар ҳамда бошқа зарур материалларни олиш;

мувофиқлаштирувчи, илмий-устубий ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари тузиш, шунингдек Ташқи сиёсий фаолият муаммолари бўйича махсус кенгашлар чақириш;

зарурат бўлганда халқаро муносабатлар соҳасида таклифлар, хулосалар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш учун олимлар, мутахассислардан иборат вақтинчалик ишчи гуруҳлари тузиш;

хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида зарур ахборотни айрибошлашни белгиланган тартибда амалга ошириш, бунинг учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан талаб этиладиган материалларни олиш;

зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, идоралар билан биргаликда буйруқлар ва йўриқномалар чиқариш;

ҳам республикада, ҳам унинг ташқарисида Вазирликка қарашли хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларни, марказларни, агентликларни, жағфармаларни бошқа идоралар ва ташкилотларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

ҳам республика, ҳам чет олимлари, мутахассислари ва экспертларини шартнома (контракт) асосида халқаро маълумотларни ўрганиш маслаҳатлашиш ва ҳал этиш учун жалб этиш;

Вазирлик ва унинг бўлинмалари томонидан республикада ва унинг ташқарисида олинadиган бюджетдан ташқари маблағлардан, шу жумладан, валюта маблағларидан ўзининг моддий техника негизини маблағ билан таъминлаш учун ва ижтимоий мақсадлар учун қонунда белгиланган тартибда фойдаланиш;

республика бюджетидан ажратилadиган маблағлар ҳисобидан махсус билимлар, узоқ муддатли хизмати ва хорижий тилларни билганлиги учун лавозим маошларига устамалар тўлаш;

Вазирликнинг расмий таклифи бўйича Ўзбекистонга келувчи хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшashi ва транспорт харажатларини маҳаллий валютада (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган прейскурант бўйича) тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати билан келишган ҳолда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетининг битирувчиларини тақсимлашга ва улардан оқилона фойдаланишга раҳбарлик қилишни амалга ошириш;

Вазирлик ҳужжатларини идоравий тармоқ бўйича сақлаш ва улардан фойдаланиш.

Вазирлик тизимига қуйидагилар киради: марказий аппарат, элчи-хона, миссиялар, бош консулликлар ва консулликлар, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар, дипломатик сервис хизмати, хўжалик ҳисобидаги тузилмалар. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган вазир бошчилиги қилади.

Дипломатик ваколатхоналар Вазирлик раҳбарлигида ишлайдилар ва қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

ўзлари бўлган давлатда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрадилар;

ўзлари бўлган давлатда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларнинг манфатларини халқаро ҳуқуқ ҳамда бу давлатлар билан икки томонлама шартномалар ва битимлар билан, шунингдек ҳар иккала давлат қатнашчиси ҳисобланган кўп томонлама шартномалар билан йўл қўйиладиган даражада ҳимоя қиладилар;

ўзлари бўлган давлатнинг ҳукумати ва бошқа муассасалари билан музокаралар олиб борадилар;

ўзлари бўлган мамлакат Ташқи сиёсий идоралари билан, шунингдек бу давлатда аккредитация қилинган хорижий ваколатхоналар билан доимий алоқада бўладилар;

ўзлари бўлган давлатдаги воқеаларни барча қонуний воситалари билан аниқлайдилар ҳамда улар тўғрисида Вазирлик орқали республика раҳбариятига маълум қиладилар;

Ўзбекистон Республикаси билан ўзлари бўлган давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва алоқаларни рағбатлантирадилар ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда уларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишига кўмаклашадилар;

ўз ваколатларига тегишли бўлган бошқа вазифларни ҳал этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари учун бошлиқларни тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари учун бошлиқларни тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби тўғрисида"³⁶ги қонунга асосан ҳамда дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенциясига, шунингдек бошқа умумэтироф этган халқаро нормаларга мувофиқ белгиланади. Чет давлатдаги дипломатик ваколатхонанинг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан тайинланади ва чақириб олинади. Бу лавозимга номзод тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги киритади. Республика Президенти маъқуллаган дипломатик ваколатхона бошлиғининг номзодини Ташқи ишлар вазирлигига (ёзма) тақдим этиб, унинг розилиги (агреман) сўрайди ва бу мамлакатнинг расмий розилигини олинганидан кейин тайинланади. Ваколатхона жойлашган мамлакатдан жавоб олингунча дипломатик ваколатхона бошлиғи лавозими номзодлигига сид маълумотлар махфий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан чақириб олинади:

а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда;

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси 1992й. №9 349-м.

- б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда;
- в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда;
- г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;
- д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганида.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколотхоналарининг бошқа аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруқлари билан тайинланадилар ва чақириб олинадилар.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг 3 даражаси белгиланган:

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор элчи;

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор вакил;

чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган ишончли вакил.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги дипломатик мартаба- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланган:

Фавқулодда ва Мухтор элчи;

Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил;

Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил.

3. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий фуқаролар шу жумладан, МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хусусий ҳамда хизмат ишлари бўйича, турист сифатида, дам олиш, ўқиш, ишлаш, даволаниш ва доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасига келишлари ва ундан кетишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби" тўғрисидаги Низомга кўра хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига келиш (келиш, келиш-кетиш, транзит) визалари:

а) Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган ҳолларда эса - Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битими мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари томонидан;

б) чет мамлакатлар билан алоқа йўллари мавжуд бўлган аэропортлардаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консулик бюрolari томонидан берилади.

Элчихоналарнинг консулик бўлимлари, бош консуликлар ва консуликлар, вице-консулик, консулик агентликлари Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги консулик муассасалари ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасига келиш визалари хорижий фуқароларга бир йилгача бўлган муддатга ёки улар аккредитация қилинган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикасидан кетиш (кетиш, кетиш-келиш) визаларини беришни ва уларнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифалари учун амалга оширадilar:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматларaro ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ходимларига (ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига), шунингдек Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган матбуот вакилларига ва уларнинг қарамоғида бўлган уларнинг оила аъзоларига;

б) расмий ва парламент делегациялари аъзоларига;

в) дипломатик мақомга эга бўлган бошқа шахсларга;

г) юқоридаги «а» кичик бандда кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларнинг таклифи бўйича келганларга.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармалари Ўзбекистон Республикасидан кетиш (кетиш, кетиш-келиш) визаларини бериш ва уларнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни юқорида кўрсатилмаган хорижий фуқаролар учун амалга оширадilar.

Кўп марта фойдаланиладиган визалар бир йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан хорижий фуқароларнинг қуйидаги тоифаларига ва уларнинг оила аъзоларига берилади:

а) ваколатхона ходимининг аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида аккредитация қилинган фирмалар ва компаниялар доимий ваколатхоналари ходимларига берилади. Виза хорижий фирма ёки компаниянинг доимий ваколатхонаси илтимосномаси асосида берилади;

б) хорижий фуқаронинг хорижий банк ёки бошқа молия ташкилотининг штатига киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида рўй-

хатга олинган хорижий банк ёки бошқа молия ташкилоти ходимларига берилади. Виза хорижий банк ёки бошқа молия ташкилотининг илтимосномаси асосида берилади;

в) Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки аккредитация қилинган қўшма корхоналар ва 100 фоиз хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ходимларига, улар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг меҳнат фаолияти кўрсатиш учун рухсатномасини олганларидан сўнг, агар икки томонлама ва кўп томонлама ҳукуматлараро Битимлар билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, берилади. Виза корхона илтимосномаси асосида берилади.

Ўзбекистон Республикасига келиш учун берилган виза, транзит визадан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳақиқий ҳисобланади, хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойлар, объектлар бундан мустаснодир.

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва кетишлари тартиби, уларга визалар бериш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама битимлари билан, тенглик асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан кетиш ҳуқуқидаги чеклашлар- хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига келиши қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;

б) агар бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

в) агар шахс Ўзбекистон Республикаси конунчилигини бузганлик учун илгари жиноий жавобгарликка тортилган ва ундан судланганлиги белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса;

г) агар шахс чет эл террорчи, экстремист ва бошқа жиноий ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор бўлса;

д) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

е) агар шахс илгари хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш-кетиш тартибини ҳамда бу ерда бўлиш қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг божхона, валюта ва бошқа қонунчилигини бузганлиги аниқланган бўлса;

ж) агар шахс касал бўлса ёки унинг саломатлиги жамият хавфсизлиги ва соғломлигига хавф туғдирса ҳамда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган бўлса.

Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолларда рухсат берилмайди:

а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса - кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса - ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса - иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилингунга қадар;

г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса - жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунча;

д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса - мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;

ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса - суд томонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилгунга қадар.

Назорат учун саволлар:

1. Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсатни амалга оширишнинг конституциявий асослари нималардан иборат?
2. Мамлакатимизда ташқи сиёсат қандай принциплар асосида амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини амалга оширишга ваколатли давлат органлари тизими?
4. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари учун бошлиқларни тайинлаш ва уларни чақириб олиш қай тартибда амалга оширилади?

13-мавзу. Адлия соҳасини бошқариш

1. *Ўзбекистон Республикасида адлия соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.*
2. *Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш.*
3. *Ўзбекистон Республикасида нотариат.*
4. *Адвокатура.*
5. *Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати.*

1. Ўзбекистон Республикасида адлия соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатнинг пировард мақсади фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган кучли демократик жамият қуриш экан, ушбу сиёсатни амалга оширишда адлия органлари, шу жумладан Адлия вазирлиги катта роль ўйнайди. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгапарининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва унинг мониторинги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. 2003 йил 27 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида³⁹ *қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш* Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланиб, вазирликнинг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

³⁹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 15-16-сон, 138-модда.

қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш;

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Адлия вазирлиги ўз мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради. Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунди.

Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

а) қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади;

қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳаларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиши ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан хулосалар беради;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимга солинишини ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, уларнинг Кенгашлари, қўмиталари ва комиссиялари билан доимий амалий алоқада бўлади;

б) идоравий норма ижодкорлиги соҳасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиши;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юри-тади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, шунингдек уларни қўллаш бўйича ишларини назорат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

в) қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкни (фондини) шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси тармоқ қонунчилигининг умумҳуқуқий классификаторини ривожлантирилишни амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

г) ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида:

ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижалари бўйича таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ўз ваколатлари доирасида хулосалар беради;

2) Конотитуцияда ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

халқаро тажрибани ўрганади ва халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларидаги ижроси бўйича таклифлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганади ва умумлаштиради ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмаларининг ролини кучайтиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига кўмаклашади;

инсон ҳуқуқлари бўйича, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради;

3) давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимлар аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари методик жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шаклларини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек, илмий-оммабоп ва бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

ҳуқуқий ахборотлар давлатлараро алмашилишини амалга оширади; кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларини, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисоб-

ланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» расмий нашр этилишини ташкил этади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

4) судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасида:

судларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

судларнинг биноларини қуриш ва таъмирлашга, судларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга ажратилган маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлайди;

судлар ва суд жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади;

судларнинг фаолиятини таъминлаш, уларнинг амалдаги мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини яратади;

5) ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш соҳасида;

а) нотариат ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш фаолиятини ташкил этиш бўйича:

давлат нотариал идораларини очади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади ва тугатади;

нотариуслар фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг давлат реестрини юритади;

стажер нотариуснинг стажировкани ўташ тартибини, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартибини белгилайди, малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзосининг ва улар муҳри кўчирмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни бажаради;

нотариуслар томонидан хизмат мажбуриятларининг, шу жумладан нотариал иш юритув қоидаларининг бажарилиши юзасидан белгиланган

тартибда назорат олиб боради, уларнинг ишини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

нотариал иш юритиш қоидаларини, давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғини раислари (оксоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариал ҳаракатлар, тасдиқловчи ёзувлар ва гувоҳномаларни рўйхатта олиш реестрлари шаклини тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатта олишни ташкил қилади, ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уларни назорат қилади;

ФХДЁ органларини ташкил қилади, қайта ташкил қилади ва тугатади, уларнинг ишини текширади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ФХДЁ ва нотариат идоралари ходимлари томонидан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бланкалари намуналарини тасдиқлайди;

ФХДЁ органларини ва Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларини қатъий ҳисобдаги гербли гувоҳномалар бланкалари билан таъминлайди;

нотариат ва ФХДЁ органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ушбу органлар учун кўрсатмалар ва методик тушунтиришлар беради;

б) адвокатура ва юридик хизматларни ривожлантириш бўйича:

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатларини ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда адвокатларнинг Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади; адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг реестрини юритади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатларнинг Олий малака комиссиясининг фаолиятига методик ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади;

адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради; адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

адвокатлик фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек адвокатларнинг касбий тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг адлия органларига статистика ҳисоботи тақдим қилиш шаклларини тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

юримдик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиради, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текширади ва таҳлил қилади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юримдик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юримдик маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради, уларни аттестациядан ўтказди;

б) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини ўрганади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

назорат қилувчи органлар ўтказаетган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради;

жиной, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади;

давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлайди, ўрганади ва мониторингни амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади;

7) шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

шартнома интизомини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

хўжалик юритувчи субъектларни ва энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чоралар қўлланилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш ишларини олиб боради;

8) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар, сиёсий партиялар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш;

аудиторлик ва суғурта ташкилотларини, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни, биржалар, бозорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишда қонунийликка риоя қилинишини таъминлайди;

ўзи томонидан рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг давлат реестрини юритади;

адлия органларида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат олиб боради;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва ўз устав фондларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради;

9) халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш бўйича таклифларни келишади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва бажаришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири ҳисобланадиган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳафолати остида тузилган қарз ва кредит шартномалари бўйича юридик ҳулосалар беради;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

Ўз ваколатлари доирасида бошқа давлатларнинг тегишли органлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузади;

халқаро-ҳуқуқий ахборот масалалари бўйича маълумотлар банкини ташкил этади;

Ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

хорижий давлатлар судларида томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низолар кўриб чиқиладиганда вакиллик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий, шу жумладан судда ҳимоя қилишни амалга оширади;

10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Тошкент давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицейда ва Вазирлик тизимининг бошқа ўқув юртларида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларининг кадрлар заҳирасини яратади, кадрларни тайёрлашни ташкил этади, танлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашади, уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

11) фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида:

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ушбу масалалар бўйича шикоятлар ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлайди;

қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни зарур ҳолларда жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб, адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларининг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганади ва бу борадаги ишларни умумлаштиради, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

12) ҳуқуқий статистика соҳасида:

давлат органлари ва бошқа органлардан олинган ҳуқуқий статистика маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича статистика ҳисоботи юритиш ва таҳлил қилишга методик раҳбарликни таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларида статистика ҳисоботи ва бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари шаклларини ишлаб чиқади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрганади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олишни, шунингдек адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича статистикани юритади;

13) адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаштириш соҳасида:

адлия тизими ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади, адлия органлари, давлат нотариал идоралари, ФХДЎ бўлимлари, суд ижрочилари бўлимлари ва бошқа адлия муассасалари биноларини капитал қуриш ва таъмирлаш чораларини кўради, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади;

адлия органлари ва муассасаларини белгиланган тартибда молиявий таъминлашни амалга оширади, адлия тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва назорат қилади;

адлия органлари ва муассасаларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

14) суд-эксперт, илмий ва таълим муассасаларини ривожлантириш соҳасида:

ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва илмий-методик раҳбарликни амалга оширади;

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи ва бошқа адлия муассасалари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига буйсунувчи республика органлари ва ҳудудий органлар орқали амалга оширади.

Вазирлик ўз зиммасига оқланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасида таҳлилий, статистика материаллари ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

3) давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлардан қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ҳулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга улар томонидан риоя қилиниши, шунингдек уларнинг қўлланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

6) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олди-га бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

7) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш ёхуд уларнинг (тўлиқ ёки қисман) амал қилишини тўхтатиш;

8) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда уларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

9) вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилиши бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли органлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари зарур даражада қўлланилиши тўғрисида тақдимномалар киритиш;

10) Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) ҳолатлари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиш учун киритиш;

11) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш.

Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг сабаблари ҳамда унга кўмаклашувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

12) хорижий давлатларнинг судларида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

13) ҳуқуқий, шу жумладан, суд масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг вакили сифатида иштирок этиш;

14) тегишли органларга судьялар ва суд аппарати меҳнат шароитларини яхшилаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш;

15) адвокатлар ва нотариусларга берилган лицензияларнинг белгиланган тартибда амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш;

16) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

17) адвокатлик бюрolari, хайъатлари ва фирмаларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф қилиш тўғрисида кўрсатмалар юбориш;

18) вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

19) хизмат мажбуриятларини қўпол равишда бузилишига йўл қўяётган юридик хизмат ходимларига берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш;

20) тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

21) барча вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган:

- аниқланган қонун ҳужжатлари бузишларини, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида;

- тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида;

22) Конституцияда ва қонунларда мустақамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдида қўйиш;

23) вазирликлар, идоралар, **назорат қилувчи** ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **тадбиркорлик субъектлари**, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар **иштирокидаги** корхоналар ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи қарорларини ва **шунингдек**, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни **тўхтатиб қўйиш**;

24) жинойий, фуқаролик, **хўжалик ва маъмурий** ишлар бўйича **тадбиркорлик субъектлари**, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг **ҳуқуқлари** ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат **божи тўламасдан** қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига **тақдимномалар** киритиш;

25) **тадбиркорлар** ва хусусий **мулк эгалари** ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг **бузилиши** мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда **огоҳлантириш**;

26) фуқароларнинг, шу жумладан **тадбиркорлик субъектлари**, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний **манфаатлари** бузилганлиги тўғрисида муурожаатларни текшириш учун тегишли **мутахассисларни жалб қилиш**;

27) **хўжалик шартномалари бажарилиши** жараёнини назорат қилиш, шартнома интизоми бузилган тақдирда **хўжалик юритувчи субъектларга** мансабдор шахсларнинг шахсий **жавобгарлиги** ва судларда даъво қўзғашлари, шунингдек шартнома **мажбуриятларини** бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) **натijasида** ётказилган зарарни қоплашлари юзасидан белгиланган **муддатларда** бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар **киритиш**; тақдимномада баён қилинган талаблар белгиланган **муддатда бажарилмаган** тақдирда ваколатли органлар ёки судлар олдига шартнома **интизомини** бузганлик учун мансабдор шахсларнинг **жавобгарлиги тўғрисидаги** масалани қўйиш;

28) адлия органларида **рўйхатдан ўтган** юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига амал қилишини **текшириш**, улардан керакли ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этишларини **талаб қилиш**, кўрсатиб ўтилган юридик шахсларнинг раҳбарларига аниқланган **камчиликларни** бартараф этиш тўғрисида белгиланган **муддатларда** бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, таъсис **ҳужжатларини** ва амалдаги қонун ҳужжатларини **бузганлиги** учун мансабдор шахсларни белгиланган **жавобгарликка** тортиш, шунингдек, уларнинг **айби** билан давлатга ёки корхонага ётказилган моддий зарарни **ундириш учун** юқори турувчи органларга ёки судга муурожаат қилиш;

29) ўз ваколатлари доирасида **хорижий** давлатлар органлари ва халқаро ташкилотлар билан **тўғридан-тўғри** алоқалар ўрнатиш;

30) барча давлат органлари ва **бошқа** ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва **юритиш учун** зарур бўлган маълумотларни олиш;

31) давлат, юридик ва жисмоний **шахслар** манфаатларини кўзлаб судларга давлат **божи тўламасдан аризалар** ва даъволар билан муурожаат қилиш;

32) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлинмалар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Вазирликнинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналари ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг ходимлари ўз ваколати доирасида назоратни амалга оширишда:

текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатиб тегишлича вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг, корхона ва ташкилотларнинг тобелигидан, мансублигидан қатъи назар ҳудудларига ва биноларига киришга;

ўрганиш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича қонунийликнинг ахволи, шунингдек уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олишга ҳақлидир.

Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир. Вазирлик, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқаришга ҳақлидир.

Вазирлик қонунчилик ижодкорлиги соҳасида давлат сийёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ва ўзига юкланган бошқа вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш- вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири бошчилик қилади. Вазир ўз ўринбосарларига, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Вазир:

1) яккабошчилик асосида Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

2) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Вазирлик фаолиятининг алоҳида қисмлари ҳамда унга бўйсунувчи органлар ва муассасаларнинг иши учун ўз

ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

3) вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди;

4) вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасаларнинг низом (устав)ларини тасдиқлайди;

5) ходимлар белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини тасдиқлайди;

6) Вазирлик марказий аппаратининг, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

7) республика нотариат ва ФХДЎ муассасалари тизимини тасдиқлайди;

8) тегишли давлат органларига адлия органлари ва муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ходимлари сонини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;

9) Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасалари ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

10) Вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини, шунингдек Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

11) адлия органлари ва муассасалари ходимларига белгиланган тартибда мартаба даражалари беради, адлия органлари ва муассасалари ходимларига олий мартаба даражалари бериш учун уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади;

12) адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этади;

13) ҳонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Адлия органлари ва муассасаларининг, шу жумладан Вазирлик тизимидаги илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимига ва иш стажига мувофиқ махсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари берилади ва белгиланган хизмат муддати учун устама ҳақи тўлаб борилади. Мартаба даражалари бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

Вазирликда Вазир (раис), вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Адлия вазири-

нинг тақдимномасига кўра **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** томонидан тасдиқланади. **Вазирлик ҳайъати** Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли **органлар** ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш, ижро назорати масалаларини, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларини, шунингдек текшириш натижаларини муҳокама қилади. Вазирликнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳайъатнинг **мажлисларига** вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий **давлат** ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар **раҳбарлари** таклиф қилинишлари мумкин. Ҳайъатнинг қарорлари **Вазирнинг** буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Вазир билан ҳайъат **ўртасида** келишмовчилик юзага келган тақдирда, Вазир ўз қарорини **амалга** оширади. Вазир юзага келган келишмовчилик тўғрисида **Ўзбекистон Республикаси Президентига** ахборот беради.

2. Фуқаролик ҳолати **далолатномаларини** қайд қилиш

Қонун фуқароларнинг **шахсий** ва **мулкӣ** ҳуқуқларини ҳимоялашни ҳамда давлат ва жамият **манфаатларини** ҳисобга олган ҳолда, фуқаролар ҳаётидаги муҳим воқеалар - **туғилиш**, никоҳ тузиш, ўлим ва инсоннинг муҳим субъектив ҳуқуқлари ва **мажбуриятларнинг** юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатишига **сабаб бўладиган** бошқа ҳолатларнинг ваколатли органларда қайд этилишини белгилайди.

Фуқаролик ҳолатини қайд этиш **фуқароларнинг** ҳуқуқ ва бурчларини пайдо бўлишига сабаб бўлиб **хизмат қилувчи** ҳужжат (гербли гувоҳнома) бериш учун асос бўлади. **Фуқаролик** ҳолати **далолатномаларини** қайд этишнинг аҳамияти шундаки, **унга** асосан **ФХД** органи томонидан берилган гувоҳнома, **унда кўрсатилган фактнинг** тўғрилигини тасдиқловчи шаксиз далил ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати **далолатномаларини** қайд этиш туман ва шаҳарларда фуқаролик ҳолати **далолатномаларини** ёзиш бўлимлари томонидан амалга оширилади, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш эса **шаҳарча**, **қишлоқ** ва **овулларда** фуқаролар йиғинлари раислари (**оқсоқоллари**) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин. Фуқаролар ўзини ўзи **бошқариш** органларининг фуқаролик ҳолати **далолатномаларини** қайд этиш **борасидаги** ҳаракатлари ўзлари турадиган **ҳудудлардаги** тегишли **фуқаролик** ҳолати **далолатномаларини** ёзиш бўлимларининг назорати **остида** бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати **далолатномаларини** қайд этиш консул томонидан, **Ўзбекистон Республикаси** қонун ҳужжатларига мувофиқ **Консул** вақтинча бўлмаганда **фуқаролик** ҳолати **далолатномалари** консул томонидан тайинланган **консулликнинг** мансабдор шахси томонидан

қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари бўлмаган хорижий давлатларда фуқаролик ҳолати далолатномалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган бошқа хорижий давлатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан қайд этилади.

ФХДЁ органлари қуйидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этади; а) туғилганлик; б) никоҳ тузиш; в) никоҳдан ажрاليш; г) ўлим.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади. Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади.

ФХДЁ органлари ва консуллик муассасалари фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзув бланклари билан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан таъминланади.

Консул Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқароларидан, фуқаролик ҳолатларини Ўзбекистон Республикасида қайд эттирган хорижий давлатларнинг фуқароларидан ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслардан далолатномаларга ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, далолатнома ёзувларини тиклаш тўғрисида аризаларни тегишли ҳужжатлар билан бирга қабул қилиб олади ва ушбу ҳужжатларни ваколатли органларга кўриб чиқиш учун юборади. Фуқаролик ҳолати далолатномасини қайд эттириш масаласида консулга мурожаат этган шахслардан бири Ўзбекистон фуқароси, иккинчиси эса чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувини қайд этиш, агар бу ёзувини қайд этиш консуллик муассасаси фаолият кўрсатаётган давлатнинг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар ёки битимларга зид бўлмасagina амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш рад қилиниши мумкин: агар далолатнома ёзувини қайд этиш қонунга зид бўлса; агар далолатнома ёзувини қайд эттириш учун мурожаат қилган шахс бунга ҳуқуқли бўлмаса ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг рад қилиниши бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишнинг юқори турувчи органига ёки суд тартибиде шикоят қилиниши мумкин.

Консулнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш масалалари бўйича ҳаракатлари устидан шикоятлар бўйсуниш тартибига кўра кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлат-

даги дипломатик ваколатхонаси бошлиғига ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

ФХДЁ органлари ходимлари, шунингдек консул ўзи, эри ёки хотини ва болалари тўғрисида далолатнома ёзувларини қайд этишга ёки уларга тегишли ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга ҳақли эмаслар.

ФХДЁ органларининг фаолиятига умумий раҳбарлик, ФХДЁ органларини ташкил этиш, қўшиб юбориш, тугатиш, қайта ташкил этиш ва улар фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Адлия вазирлиги ФХДЁ органларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги консуллик муассасаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномаларнинг давлат бланклари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари адлия бошқармаларининг ФХДЁ органлари фаолиятини ҳар 2 йилда камида 1 марта; Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия бошқармалари ўзларига қарашли ФХДЁ органлари фаолиятини бир йилда камида 1 марта; Туман, шаҳар ФХДЁ бўлимлари фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари бўйича ўзларига ҳисоб берувчи ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари фаолиятини бир йилда камида бир марта текширувдан ўтказди.

3. Ўзбекистон Республикасида нотариат

Нотариал хизматни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида» ги қонуни⁴⁰ билан белгиланади.

Нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида фақатгина қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) амалга оширадilar. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади.

Нотариус лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда

хузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси тайинланади. Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир. қонунга қўра нотариус илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари, тадбиркорлик ва бошқа фаолият билан шуғулланишга, шартномалар тузишда воситачилик хизмати кўрсатишга ҳақли эмас. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариши муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиш, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ваколатлари айнан бир хил эмас. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар битимларни тасдиқлайди; васиятномаларни тасдиқлайди; эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради; ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди; ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди; кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради; фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди; фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди; фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди; ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди; жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади; пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади; ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади; пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди; ижро хатларини ёзади; векселларнинг протестларини амалга оширади; денгиз протестларини амалга оширади; нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради. Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариусларга эса ушбу ҳаракатларни амалга ошириш билан бирга қонунда мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни таъқиқлаб қўйиш ва таъқиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш ваколатлари берилган.

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади: васиятномаларни тасдиқлайди; ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар-

нинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади: битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно; фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди; фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди; фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди; ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди; мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради; эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради; ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмалар тўғрилигини шаҳодатлайди; ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди; ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди; пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади; сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади; ижро хатларини ёзади; денгиз протестларини амалга оширади.

Давлат нотариал идоралари ташкилий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида туради. Нотариуслар нотариал ишларни Адлия вазирлиги тасдиқлайдиган қоидаларга мувофиқ юритадилар. Шунингдек, Адлия вазирлиги: давлат нотариал идораларини очади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади ва тугатади; нотариуслар фаолиятини лицензиялашни амалга оширади; давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг давлат реестрини юритади; стажер нотариуснинг стажировкани ўташ тартибини, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартибини белгилайди, малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди; чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзосининг ва улар муҳри кўчирмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни бажаради; нотариуслар томонидан хизмат мажбуриятларининг, шу жумладан нотариал иш юритув қоидаларининг бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назорат олиб боради, уларнинг ишини таҳлил қилади ва умумлаштиради; нотариал иш юритиш қоидаларини, давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариал ҳаракатлар, тасдиқловчи ёзувлар ва гувоҳномаларни рўйхатга олиш реестрлари шаклини тасдиқлайди.

4. Адвокатура

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, уларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар ва ҳуқуқий ёрдам беришда адвокатура тизими катта роль ўйнайди. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган "Ўзбекистон XXI асрга интиломда" маърузасида: "Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз"⁴¹, деб таъкидлаган эди. Республикаимизда адвокатлик фаолияти 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги, 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ихтисомий ҳимояси тўғрисида» ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, қорхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун шахс малака имтиҳонини топшириши шарт.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилади. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди. Адвокатура ўз фаолиятини адвокатнинг мустақиллиги; касб этикасига, адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш; қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш каби принциплар асосида амалга оширади. Адвокатнинг мустақиллиги: унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш; адвокатнинг дахлсизлиги; адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш; адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; давлат томонидан унга адвокат-

⁴¹ Ўзбекистон XXI асрга интиломда. –Т., 1999. -28-30-б.

лик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

Адвокатлик фаолияти қуйидаги турларда амалга оширилади: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий ҳусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдидан вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шунингдек, агар олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, республика ташқарисида ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга. Адвокат касбий фаолиятини амалга оширар экан:

қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш;

ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган холи учрашувлар ўтказиш;

ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;

иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

агар жиноят ишини юритишда, шунингдек фуқаролик, ҳўжалик ишини ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш каби ҳуқуқларга эга. Шунингдек, адвокат ёрдамчига эга бўлиши мумкин.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд

мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, ҳолис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ;

адвокат кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш топширигини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар миждознинг ўзи уни бундан озод этмаса, ҳақли эмас;

жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини ваҳ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас.

Адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан кўзғатилиши мумкин. Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан» кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек унинг почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин. Адвокатнинг иш бўйича ҳуқуқий нуқтаи назарига нисбатан суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас. Адвокатни юридик ва жисмоний шахсларга қонунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатганлиги муносабати билан жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки унга шундай жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш мумкин эмас.

Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади. Адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш. бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмайди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда фао-

лият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир. Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек адвокатлар бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда рўйхатга олинади. Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларини тузиш, уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солиб турилади. Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс маҳомини оладилар ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатадилар. Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузишлари мумкин.

5. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати

Мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш шароитларида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, юридик хизматнинг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"⁴² ги қарори билан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом ва Ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низомга кўра давлат органининг юридик хизмати - давлат органининг фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий бўлинма ёки лавозим. Юридик хизмат бевосита давлат органининг раҳбарига бўйсунди. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд

⁴² "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.

битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт бўлиши мумкин.

Давлат органининг юридик хизмати ходими ёхуд юрисконсулт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин. Давлат органининг юридик хизмати бошлиғи лавозимида олий юридик маълумотга ва камида икки йиллик юридик хизмат ходими иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

Давлат органида юрисконсулт ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Юрисконсулт ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта мах. ус юридик маълумотли шахс, шунингдек «юриспруденция» мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистратура тингловчиси ишлаши мумкин.

Қуйидагилар давлат органи юридик хизматининг асосий вазифаларни ҳисобланади:

1) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиш;

2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ юритиш;

3) давлат органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини уларга етказишда қатнашиш;

4) давлат органи ва унинг тизимида қирадиган бўлинмалар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашга кўмаклашиш;

5) давлат органининг шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

6) судларда ва бошқа идораларда давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш.

Давлат органининг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

а) давлат органининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда қатнашади;

б) давлат органи ваколатига қирадиган масалалар бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда қатнашади;

в) давлат органининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатиغا олиш учун юборишда қатнашади;

г) мустақил ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда экспертизадан ўтказиш ва давлат органи билан келишиш учун тақдим қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий

экспертизадан ўтказди, уларнинг қонунчиликка ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий ҳулосалар тайёрлайди;

д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

е) давлат органи фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

ж) давлат органига келиб тушган ва давлат органининг ўзи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофиқ қуритади, уларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди;

з) давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотно-малар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, давлат органи раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

и) давлат органи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр этишга тайёрлайди;

к) давлат органи раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

л) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда қатнашади;

м) давлат органи фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга оширади;

н) давлат органи ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга давлат органи фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

2) давлат органи фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида:

а) давлат органида ва унинг тизимига кирувчи бўлинмаларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

б) давлат органи раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказди ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) мустақил равишда ёки бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг буйруқлари, фармойишлари ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

г) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

д) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда мулк сақланиши таъминланишининг ҳуқуқий механизмларини ташкил қилади;

е) давлат органининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда давлат органи, унинг тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, шикоятлар ва бошқа муурожаатларни кўриб чиқади;

ж) давлат органида бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат органи тизимига кирадиган бўлинмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

з) давлат органида меҳнат ҳақидаги қонунга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битим ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

3) шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

а) бошқа бўлинмалар билан биргаликда давлат органи томонидан шартномалар тайёрланиши ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлари бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ҳодимларидан) кейин виза қўйилади;

б) қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади;

г) давлат органи томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

д) давлат органининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, давлат органида талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

е) тегишли бўлинмалар билан биргаликда давлат органининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳолини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) давлат органининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белги-ланган тартибда суд мажлисларида қатнашади;

4) бошқа соҳаларда:

а) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолияти йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

б) қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларга етказди;

в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг юридик хизмати мазкур органнинг норматив тусдаги қарорлари лойиҳаларининг ҳудудий адлия органларига киритилишини таъминлайди.

Давлат органининг юридик хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давлат органига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни та-нишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисо-бини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

б) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг ман-сабдор шахсларидан юридик хизматга юкланган вазифалар ва функция-ларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

в) раҳбарият томонидан қақриладиган ҳуқуқий масалаларга тегиш-ли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда қатнашиш;

г) раҳбарият топшириғига кўра ёки тегишли бўлинма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амал-га ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

д) қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жа-воб бермайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозла-рини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ҳуқуқий хулосалар бериш, раҳбарият топшириғига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошқа бўлинмалар билан биргаликда ушбу лойиҳа-ларни пухта ишлашда қатнашиш;

е) давлат органи тизимига кирадиган бўлинмаларда давлат органи ваколатга кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қили-ниши масалаларини ўрганиш;

ж) давлат органи ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларнинг қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаёт-ган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида раҳба-риятга таклифлар киритиш;

3) давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда ёки давлат органи томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ҳуқуқий хулосалар бериш.

Юридик хизмат ходими: унга юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши; давлат органида ва унинг тизимига кирадиган бўлинмаларда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериши; белгиланган тартибда ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Назорат учун саволлар:

1. Кейинги йилларда мамлакатимизда адлия соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг мазмуни?
2. 2003 йил 27 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари нималардан иборат?
3. Адлия органлари тизими?
4. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилишнинг моҳияти?
5. Ўзбекистон Республикасида нотариал фаолиятни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари?
6. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти қандай турларда амалга оширилади?
7. Адвокатнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида маълумот беринг.
8. Давлат органи юридик хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?

14-мавзу. Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасини бошқариш

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва ҳуқуқий асослари
2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари
3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари.

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач ўзининг мустақил ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш имконига эга бўлди. 1991 йилнинг 14 июнь ойидаёқ ташқи иқтисодий фаолият олиб боришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. Ушбу қонун 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинди. Қонуннинг асосий вазибалари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимиغا интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойини эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги;

савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўйилмаслиги;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари бўлиб, олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланган

товарлар (ишлар, хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, қимматли қоғозлар, валюталар ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турларига, транспорт воситаларига, интеллектуал мулк объектлари эса ташқи иқтисодий фаолият объектлари ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари

Ташқи иқтисодий фаолият қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

Халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;

Ташқи савдо фаолияти;

Чет эл инвестицияларини жалб этиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти.

Давлат ташқи иқтисодий фаолиятни қуйидаги йўллар билан тартибга солади:

ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;

валюта билан тартибга солиш;

солиқ билан тартибга солиш;

тариф ва нотариф тартибга солиш;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига риоя этилиши учун ҳимоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;

ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан, миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш;

қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нисбатан экспорт назоратини ўрнатиш;

олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;

техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузади;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг кафолатларини беради.

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқсодий фаолиятни бошқаришга вакил қилинган махсус давлат органи бўлиб **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги** ҳисобланади. Ушбу вазирлик 2005 йил 21 июлда ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ўрнида ташкил этилди. Шунингдек, ушбу фармонга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб, агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бошқармалари вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари этиб қайта ташкил қилинди ҳамда қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хорижий инвестициялар ва кредитлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш; экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши тугатилиб, тугатилган кенгашларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юкланди.

Белгилаб қўйилдики, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда агентлик миқтабавий бошқармаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий зорис ҳисобланадилар.⁴³ 2005 йил 26 июлда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва

⁴³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 28-29-сон, 206-модда.

савдо вазирлиги тўғрисидаги Низомга биноан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Вазирлик тизимиغا Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, хорижий давлатлардаги Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ҳисобланадиган хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар, савдо ва иқтисодий ваколатхоналар киради. Худудий бўлинмалар икки томонлама бўйсундилар ҳамда Вазирликка ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисоб берадилар.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни жалб этишни, ташқи савдони эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш;

товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ташқи ва ички сотиш бозорларининг истиқболлилиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимиغا интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фойда кўриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш.

Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини, экспортни рағбатлантиришни, хорижий инвестицияларни

жалб этишни, ташқи савдони эркинлаштиришни, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш соҳасида:

давлат бошқарув органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасини ташқи иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, ташқи савдо, валюта балансининг асосий индикаторлари параметрларини шакллантиришда ҳамда мамлакатнинг валюта, божхона-тариф ва солиқ сиёсатини такомиллаштиришда қатнашади;

тенг шериклик ва камситмаслик принципларига асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни эркин ва тенг ҳуқуқли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишда қатнашади;

товарлар, шу жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик товарлари, фуқаро авиатехникаси билан халқаро савдо қилиш, хизматлар кўрсатиш, интеллектуал мулк объектлари билан халқаро савдо қилиш, давлат харидларини, юклаб жўнатишдан олдинги инспекцияни амалга ошириш, ташқи савдода санитария, фитосанитария ва техник чора-тадбирларнинг қўлланиши соҳасида давлат сиёсати ўтказилиши билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

тизимли таҳлилни амалга оширади ва манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

иқтисодиётни ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни таъминлайдиган инвестицияларни жалб этиш соҳасида халқаро мслия институтлари ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини танлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

хорижий инвесторлар билан ишлаш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда махсус иқтисодий зоналар бўйича давлат сиёсатини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунларни шарҳлайди ва улар бўйича тушунтиришлар беради;

Ўзбекистоннинг ташқи савдоси инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга оширишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида ва чет элда вазирликлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркалар, форумлар, тақдимотлар, конференциялар ва шу каби тадбирларни ташкил этади ҳамда ўтказиши, реклама-ахборот ишларини амалга оширади;

ташқи иқтисодий алоқалар, чет элда қисқа муддатли ва узоқ муддатли ўқув стажировкалари ва семинарлари, Вазирликнинг ўқув марказида Вазирлик тизими ходимлари ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассислари учун ўқитишдан ўтганлиги тўғрисида сертификат берган ҳолда ўқитиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

б) товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ташқи ва ички сотиш бозорларининг истиқболлилиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилишига йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор шериклик муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларини тадқиқ этади;

ташқи иқтисодий алоқалар, товарлар билан халқаро савдо қилишининг аҳволини, хорижий давлатлардаги иқтисодий вазиятни таҳлил қилади, конъюнктурани ўрганади ва шу асосда жаҳон товарлар ва хизматлар бозори ривожланиши тенденцияларини прогнозлаштиради;

ташқи ва ички сотиш бозорларининг ҳолатини ва уларни ривожлантириш прогнозини уларнинг истиқболлилиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилади;

республика хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг ҳар хил шакллари кенгайтирилишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятини ва Вазирлар Маҳкамасини ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича зарур ахборотлар билан таъминлашни амалга оширади;

қисқа, ўрта ва узоқ муддатли даврда мамлакат асосий экспорт товарларининг жаҳон бозоридаги аҳволини тадқиқ этади ва сценарийли ривожланишини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарларини сотиш бозорларини диверсификация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини ҳуқуқий, нарх, валюта, молия, кредит масалалари, ташқи бозорларнинг экспортга етказиб бериладиган маҳсулот сифатига, техник тавсифларига қўядиган талаблари бўйича методик, ахборот ва маслаҳат билан таъминлашни амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, хорижий шерикларни излашда ва уларнинг ишончлилиги ва амалий репутациясини ўрганишда, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо алоқалари ўрнатишда мамлакатнинг хўжалик юритувчи субъектларига кўмаклашади;

корхоналарда маркетинг хизматларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатишида методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

ташқи савдо инфратузилмасининг электрон савдо жаҳон тизимига интеграцияси, Интернетнинг глобал тармоғида миллий ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларнинг мавжуд бўлишини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият ахборот марказини ташкил этиш бўйича дастурлар ва комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

электрон тижорат соҳасида савдо сиёсатини шакллантиришда қатнашади, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташқи иқтисодий фаолиятда электрон савдо соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

в) иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасида:

хорижий давлатлар бозорларини маркетинг тадқиқ этиш асосида, товарларнинг янги турларини, уларни кейинчалик экспорт қилиш учун ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқади;

импортнинг ўрнини тўлдириш ва маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича тақлифлар киритади, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар хил гуруҳлари, энг аввало кооперация алоқаларини ривожлантиришни талаб этадиган техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатлари келишиб олинишини таъминлайди;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқади;

ташқи сотиш бозорлари эҳтиёжлари ва талабларини ўрғанади, экспорт стратегиясини, шунингдек экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш, экспортни молиялаштириш механизминини такомиллаштириш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам анъанавий экспорт номенклатураси билан савдо қилиш шарт-шароитларини мақбуллаштириш ва янги воситаларни жорий этиш ҳисобига, ҳам ноанъанавий экспорт маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар)нинг бошқа турларини киритиш ва экспорт номенклатураси диверсификацияси ҳисобига халқаро бозорларга чиқиши бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

экспортнинг ҳар хил механизмлари ва схемаларини, ташқи бозорларнинг талабларини ва маҳаллий моддий-хом ашё ресурсларидан энг

юқори даражада фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштиришга доир тавсифларни ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт коммуникациялари, ташқи савдо юқларини ташишни мақбуллаштириш, республиканинг коммуникация тизимларини халқаро транспорт коммуникациялари тизимига интеграциялаш мақсадида янги транспорт йўналишлари ва йўлақларини ишлаб чиқиш соҳасида ташқи иқтисодий сиёсат масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маркетинг тадқиқотларини амалга оширади ҳамда миллий экспортнинг бутун номенклатураси бўйича маркетинг ва таҳлилий шарҳлар тайерлайди;

экспорт салоҳиятини кенгайтириш, мамлакатнинг экспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни иқтисодий рағбатлантиришга доир таклифлар киритади;

экспорт қилинадиган товарлар миқдори ва сифатини экспорт баҳолаш тизимини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

республика корхоналари, шу жумладан кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспортга сотишни ташкил этишда қатнашади, хорижий бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини амалга оширишда корхоналарга қўмаклашади;

давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида экспорт ва импорт мониторингини амалга оширади ҳамда экспорт ва импорт прогнозлари бажарилишини таҳлил қилади, экспорт ва импорт суръатлари, нисбати ва самарадорлигини натура ва нарх ифодасида прогнозлаштиради, уларга тузатиш киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;

экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, шунингдек экспорт маҳсулотларининг тармоқ ишлаб чиқарувчилари ва экспорт қилувчилар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

энг муҳим товарларни, шу жумладан пахта толаси, рангли металллар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда экспортга етказиб бериш балансларини ишлаб чиқишда қатнашади;

товарларнинг келиб чиқишини сертификациялаш, юридик шахслар томонидан, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун хорижий инвесторлар томонидан олиб келинадиган маҳсулотларни сертификациялаш, мамлакатда ишлаб чиқарилган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни сертификациялашни, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёж қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланила-

диганлар тоифасига киритиш тўғрисида хулосалар беришни мустақил амалга оширади ёки бу борадаги ваколатларни ўзгаларга беради;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, экспорт-импортни лицензиялаш, экспорт ва импорт контрактлар экспертизаси, бошқа савдо-иқтисодий шартномаларни рўйхатга ва ҳисобга олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасига товарлар экспорти ва импорти юзасидан миқдорий чеклашлар жорий этиш тўғрисида, товарларнинг айрим турлари экспорти ва ёки импортига давлат монополиясини ўрнатиш тўғрисида, шунингдек товарларни четдан олиб кириш ва четга олиб чиқишга нисбатан ҳимоя чоралари, компенсация, антидемпинг чоралари ва бошқа чораларни қўлланиш тартиби тўғрисида таклифлар киритади;

ҳимоя чораларини, антидемпинг ва компенсация божларини жорий этишдан олдин, белгиланган тартибда текширувлар ўтказиши;

ихтисослаштирилган ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари томонидан республика ишлаб чиқарувчиларининг товарлари экспорти прогнози бажарилиши мониторингини амалга оширади;

ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниялари томонидан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобига ташқи савдо инфратузилмаси объектлари, ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларида қўшма корхоналар ташкил этилишини, юқлаб ортишдан олдинги инспекция, сифат сертификацияси тизимини ривожлантириш дастурида иштирок этишни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини чет элда белгиланган тартибда ифодалайди ва ҳимоя қилади, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишига қўмаклашади;

Ўзбекистон Республикасига нисбатан ишбилармонлик амалиётини чеклашга йўл қўядиган ёки республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари олдидаги мажбуриятларни ҳалол бажармаган хорижий давлатлар компаниялари рўйхатини юритади, ушбу рўйхатнинг мазмуни юзасидан ташқи иқтисодий фаолият суб. ектларига маслаҳатлар беради;

давлат бюджети маблағлари, давлат ташқи қарзлари ёки ҳукумат кафолатлари ҳисобига молиялаштириладиган контрактлар бўйича тижорат, валюта ва тўлов шартлари ва ташқи савдо нархлари устидан, шунингдек уларни экспорт ва (ёки) импорт қилишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий сиёсат чоралари қўриладиган товарларнинг айрим турларига нисбатан назоратни амалга оширади;

халқаро иқтисодий низоларни ҳал этишга доир таклифлар киритади, хорижий мамлакатларда хўжалик низоларини судгача бўлган тартибда тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик ва жисмоний шахсларга белгиланган тартибда ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали хавфли юклар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулк, портловчи моддалар ва буюмларни транзит бўйича ташишда белгиланган тартибда хулосадар беради ва назоратни амалга оширади;

аниқланган ҳолатларда товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида ёки унинг ташқарисида қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишади;

товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги тўғрисидаги хулосани белгиланган тартибда беради;

экспорт фаолиятини рағбатлантиришнинг халқаро амалиётини ўрганиш ва республиканинг амалдаги қонунчилигини таҳлил қилиш асосида Вазирлар Маҳкамасига экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

г) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фойда кўриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ва ҳукумат ташкилотлари билан ташқи иқтисодий ҳамкорлиги устувор йўналишларини шакллантиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий фаолият масалалари, шу жумладан савдо-иқтисодий, инвестиция, молия, солиқ, транспорт-коммуникация, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан келишиб олади ва Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлар Маҳкамасига чет элда Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналарини очиш ва ёпиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топширигига кўра музокарапар ўтказади ва халқаро шартномалар тузади, шунингдек бошқа давлатларнинг ташқи иқтисодий органлари, фирмалари, компаниялари ва корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича томонларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторингни амалга оширади;

хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг техникавий, мурувват, беғараз ёрдамини ва бошқа ёрдамларини олиш жараёнини мувофиқлаштиради;

Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия котибияти функциясини бажаради, мамлакатнинг Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилотига кириши, шу жумладан қонун ҳужжатларини Савдо ва тариф бош битими Жаҳон савдо ташкилотининг нормалари ва қоидаларига мослаштириш бўйича

тадбирларни амалга ошириш юзасидан вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий давлатларга давлат ташрифлари билан боғлиқ тадбирларни ахборот-таҳлил, шартномавий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлашда қатнашади;

хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар)нинг Ўзбекистон бўйича котибияти функцияларини бажаради;

ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий делегацияларни қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши, шу жумладан кутиб олиш ва кузатишларни ташкил этиш, делегация аъзоларига визалар олиш ва визалар муддатини узайтириш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш, музокара-лар, бизнес-семинарлар, конференциялар, Ўзбекистон Республикаси бўйлаб сафарларни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ўз вакилларини Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналари ҳузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар сифатида юборади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

д) қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига қўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш соҳасида:

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини таҳлил қилади, уларни жалб этиш ва рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиради бўйича таклифлар тайёрлайди;

иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, кўрсатиб ўтилган дастурларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми ҳамда параметрларини ҳисоблаб чиқишда қатнашади;

стратегик муҳим инвестиция дастурларини ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ташқи кредитларни жалб этади, корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида улардан самарали фойдаланиш мониторингини юритади;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлат, банк ва тижорат кредитларини жалб этиш, валюта маблағларидан оқилona фойдаланилишини назорат қилиш ва ҳукумат кафолатлари билан таъминланган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ишларида ўз ваколатлари доирасида қатнашади, шунингдек идоравий мансуб ташқи иқтисодий ташкилотларга кредитлар ҳисобига операцияларни амалга оширишни топширади ҳамда кредитлар ҳисобига тузиладиган

контрактлар амалга оширилишининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан Вазирликка юкланган лойиҳалар бўйича уларни тақдим этиш шартларига мувофиқлиги устидан тезкор назоратни таъминлайди;

иқтисодий тармоқлари ва республика минтақалари бўйича жалб этиладиган инвестицияларни мақбул жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

халқаро молия тузилмалари, хорижий молия ва суғурта институтлари ҳамда донор-мамлакатларни республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этишга жалб этиш бўйича улар билан таклифларни, истиқболли ва жорий дастурларни ўрганади, умумлаштиради ва таклифлар тайёрлайди;

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади, Вазирлар Маҳкамасига инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш ва устувор инвестиция лойиҳалари портфелини янгилаш бўйича аниқ таклифлар киритади;

устувор инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантиришда қатнашади, уларни узоқ муддатли прогнозлар, иқтисодий ривожлантириш устуворликлари ва таркибий қайта ўзгартиришлар, шунингдек ҳукумат томонидан белгиланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишлари асосида халқаро молиявий тузилмалар, хорижий молия ва суғурта институтлари ҳамда донор-мамлакатлар билан амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодийнинг устувор секторлари рўйхатини ва энг муҳим ишлаб чиқаришларни аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, йирик корхоналарни хусусийлаштириш бўйича танловлар ташкил этишда қатнашади;

инвестициялар лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини, шу жумладан инвестиция шартномалари шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

белгиланган ҳолларда инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари экспертизасини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг уларга тадбиркорлик объектларида моддий ва номоддий бойликлар ва ҳуқуқлар бериш ҳамда чет элдаги бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида ахборотлар билан таъминлайди;

потенциал хорижий инвесторларни республикадаги мавжуд потенциал инвестиция имкониятлари ва амалга ошириладиган лойиҳалар, мамлакат қонунчилиги ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди;

ўзаро қизиқиш уйғотувчи масалаларни муҳокама қилиш учун республикада ва чет элда халқаро конференциялар, семинарлар ва бизнес-форумларни мунтазам ўтказишни назарда тутган ҳолда потенциал инве-

сторлар ва донор-мамлакатлар билан доимий алоқалар ўрнатиш ҳамда бу алоқаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

потенциал хорижий инвесторларни, шу жумладан хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналаридаги савдо-иқтисодий маслаҳатчилар, ихтисослаштирилган ахборот ресурслари (Интернет, нашрлар ва бошқалар) орқали хабардор қилиш учун миллий хўжалик юритувчи субъектларнинг лойиҳаларнинг асосий параметрлари ва зарур инвестицияларнинг назарда тутилаётган хажмлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олувчи инвестиция таклифлари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради;

Савдо ва тариф бош битими Жаҳон савдо ташкилоти принципларига мувофиқ юклар жўнатишдан олдинги инспекция бўйича фаолиятнинг ташкил этилишини мувофиқлаштиради.

Назорат учун саволлар:

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари?
2. Ташқи иқтисодий фаолият қандай асосий принциплар асосида амалга оширилади?
3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари?
4. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари тизими ва уларнинг ваколатлари тўғрисида маълумот беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳуқуқий мақоми?

15-мавзу. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш

1. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари.
2. Табиатни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви.
3. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
4. Экологик назорат.
5. Табиатни муҳофаза қилишда давлат назорати.

1. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, оқилона фойдаланмасликдан муҳофаза этилиши лозим. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлари билан, бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. Табиатни муҳофаза қилишдан мақсад:

инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш;

экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш;

экология хавфсизлигини таъминлаш;

табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолишдир.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига эришиш учун давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари, вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермерлик ва кооператив хўжаликлар, шунингдек айрим шахслар хўжалик, бошқарув ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш жараёнида қуйидаги қондаларга амал қилишлари керак:

инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлиги, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида ғамхўрлик қилиш;

фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

табиатдан махсус фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ва умумий асосларда фойдаланганлик учун ҳақ тўламаслик;

экология экспертизаси ўтказишнинг мажбурийлиги;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сихат-саломатлиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошқоралик;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш.

Давлат қўриқоналари, миллий, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрария боғлари, шунингдек Халқаро қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси қизил китобига киритилган ҳайвонлар ҳамда ўсимликлар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудлари ва объектлари жумласига киради.

2. Табиатни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида:

табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш;

табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш; табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг заҳираларини тасдиқлаш;

экология жиҳатидан танг вазиятлар, табиий офатлар ва фалокатларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

табиий офатлар ва йирик аварияларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик, чиқиндилар, зарарли таъсир этувчи бошқа нарсалар жойлаштириб ташлаганлик учун ҳақ тўлаш тартибини, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш, чиқиндилар жойлаштириш лимитларини белгилаш;

экология маорифи ва тарбияси тизимини яратиш ҳамда унинг амал қилишини таъминлаш;

табиатдан алоҳида тартибда фойдаланиладиган ҳудудларнинг чегараларини, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳўжалик фаолияти режимларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколат доирасига киради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий маҳаллий идоралари:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки қўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитта зарар етказиб қолган маҳаллий аҳамиятта молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради. Атроф муҳитта зарар етказиб қолган тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган маҳаллий аҳамиятта молик объектларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш (фаскулудда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш ва қайта ихтисослаштириш, шунингдек уларга берилган табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига доир рухсатномани бекор қилиш суд тартибидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига бўйсунди ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шунингдек айрим шахслар томонидан ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга доир қонунларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиқлайдиган Низом билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, туманлараро, туман ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялари), шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ягона тизимни ташкил этади.

қўмита вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш борасидаги фаолиятларида улар бижаришлари лозим бўлган ишларни ўз зиммасига олмайди.

Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш;

табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан тайинланадиган ва вазифасидан озод қилинадиган Раис бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари ўзлари мутасадди бўлган йўналишлар бўйича тегишинча Ўзбекис-

тон Республикасининг, қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг табиатни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторларидир. Қўмита раисининг ўринбосарларидан бири айни вақтда Бош давлат экологик экспертизасининг бошлиғидир.

Қўмитада қўмита раиси (ҳайъат раиси), Раис ўринбосарлари, қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, шунингдек марказий аппаратнинг айрим бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъат мажлислари, қоида тариқасида, ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

4. Экологик назорат

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади. Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.

Мониторинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Экологик назорат олдига:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқил-она фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тупроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини

атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилинч ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир таҳминлар билан таъминлаш мақсадида ташвиш этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очиқ-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат табиатни муҳофаза этиш идоралари томонидан зўлон қилиш учун мунтазам бериб борилади. Давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчилишни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади. Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг экология хизмати шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги идоравий назоратни амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг экология хизмати амалга оширади ва табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона

фойдаланиш ва уларни тиклаш, атроф **табиий** муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир **қонунларнинг** талаблари бажарилиши юзасидан дастурлар ҳамда айрим **тадбирлар** ижросини тегишлириш мақсадини кўзлайди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги **жамоат** назоратини жамият бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар **амалга** оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси куйидагилар устидан давлат назоратини олиб боради

а) экология тизимлари, табиий генофонд, биологик мувозанатнинг атмосфера ҳавосини, ер усти ва ер ости сувларини, тупроқни ифлослантирувчи манбаларнинг, ўсимлик дунёси (**шу жумладан ўрмонлар**, ва биологик сув объектларининг, ёввойи **ҳайвонлар** яшаш муҳитининг) ҳолати;

б) юридик ва жисмоний шахслар томонидан **қонун** ҳужжатларининг ифлослантирувчи моддаларни атроф **табиий** муҳитга чиқариб ташлашнинг (оқизишнинг) белгиланган лимитлари ва йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори нормативларига ҳамда **бундай** ифлослантирув-чи моддаларни чиқариб ташлашни (оқизишни) **белгиланган** нормативларга қадар камайтиришга доир келишилган **чора-тадбирларга**;

янги ва қайта қурилган корхоналар ҳамда **бошқа** объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишда экологик нормативлар, стандартлар ва талабларга;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш, **портлатиш** ишларини ўтказиш, қазилма чиқиндихоналарни, терриконлар, қолдиқ жинслар уюмини ва ахлатхоналарни жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида атроф-муҳитни ифлосланишдан, булғанишдан ва қашшоқлашишдан муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш талабларига;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини, тезлаштирувчи моддаларни, минерал **ўғитларни**, **бошқа** кимёвий моддалар ва дориларни ташиш, сақлаш ва қўллаш чоғида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига;

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш нормалари ва қоидаларига;

балиқчилик, балиқ заҳираларини муҳофаза этиш улардан фойдаланиш ҳамда уларни урчитиш, балиқчиликни рағбатлантириш қоидаларига;

сувни муҳофаза қилиш объектларини, сув **хўжалиги** тизимлари, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларини ишлатиш қоидаларига доир қисмига риоя этиши ва уни бажариши;

в) атроф муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш дастурлари ва топшириқларини бажариш;

г) сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси давлат кадастрларини юритиш;

д) табиатдан фойдаланувчилар табиий ресурслардан фойдаланишнинг, табиий муҳитга ифлослантирувчи моддалар, саноат чиқиндилари

ва маиший чикиндиларни чиқариб ташлаш ва оқизишнинг ҳамда бошқа зарарли таъсирларнинг (жисмоний таъсирдан ташқари) дастлабки ҳисобини юритиши, шунингдек Статистика қўмитаси билан билан биргаликда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир давлат статистика ҳисоботлари тўғри бўлишига риоя этилиши;

е) сув ресурсларидан фойдаланиши, сувдан фойдаланишнинг белгиланган нормалари, қоидалари ва тартиботига риоя этилиши, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш, булғаниш ва қуриб қолишдан муҳофаза қилиниши, шунингдек сув объектларининг қирғоқ бўйларида (зонаоарида) сувни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

ж) ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ер участкалари қайси мақсадлари учун берилган бўлса, шу мақсадларга мувофиқ фойдаланишлари ва тупроқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари;

з) вақтинча фойдаланишга берилиб, қурилиш, фойдаланиш қазилмалар қазиб олиш ва бошқа таъсирлар натижасида бузилган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш;

и) ўрмон ресурсларининг, қимматли табиий ландшафтларнинг, шунингдек ўрмон ўсимликларининг сувни муҳофаза қилиш, сувни бошқариб туриш, экин майдонларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳимоя вазифалари сақланишинини таъминлаш;

к) кўриқхона ишларини юритиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартиботини таъминлаш;

л) давлат овчилик фондини муҳофаза этиш, ов ва овчилик хўжалиги юритиш қоидаларига риоя этилиши;

м) қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасига доир бошқа масалаларнинг ҳал этилиши.

Назорат учун саволлар:

1. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари?
2. Табиатни муҳофаза қилишнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қандай вазифаларни амалга оширади?
4. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва асосий вазифалари?
5. Экологик назоратнинг асосий вазифалари?
6. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратининг моҳияти нималардан иборат?

16-мавзу. Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит соҳасини бошқариш

1. *Давлат молиявий фаолияти тушунчаси ва молиявий фаолиятнинг асосий йўналишлари.*
2. *Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар тизими.*
3. *Ўзбекистон Республикаси банк тизими.*
4. *Молиявий назорат.*

1. Давлат молиявий фаолияти тушунчаси ва молиявий фаолиятнинг асосий йўналишлари

Молия – умудавлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидир. Давлат молиявий сиёсати – пул маблағларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, жамият ижтимоий-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган, молиявий назорат бўйича тармоқлараро хусусиятга эга бўлган давлат фаолиятининг алоҳида бир туридир.⁴⁴ Бугунги кунда “мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустақамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг тадбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда”⁴⁵.

Бозор иқтисодиёти шароитларида давлат молиявий фаолиятининг мақсадли йўналиши катта ўзгаришларга учрайди. Унинг мақсади молия механизмининг иқтисодий стратегиянинг ҳаракатчан воситасига айлантириш, молия ресурсларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг устувор йўналишларида тўплашга қаратилгандир. Буни ҳисобга олиб, ҳозирги ривожланиш босқичида давлатимиз молиявий фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

-миллий даромаднинг ўсишини таъминлаш, бозор қайта қуришларига жавоб берадиган молиявий муносабатларнинг янги шаклларини кенгайтириш ва жорий этиш;

-хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажариш учун масъулиятни, шунингдек, раҳбариятнинг иқтисодий усулларни кенг қўллаш асосида молияни бошқариш таъсирчанлигини ошириш;

⁴⁴ Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. Т., 2004. 11-б.

⁴⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон. 1993.

- маблағларни бошқаришда марказлаштириш билан маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллигининг уйғунлашганлиги;
- умумдавлат молиясини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат бюджетининг ролини ошириш;
- пул маблағлари жамғармаларини оқилона тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, бюджет олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самарадорлигини ошириш.⁴⁶

2. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлари тизими

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки уларнинг ҳар бири молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни амалга оширадилар. Шу билан бирга, улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни билан бир-биридан фарқ қилиб, бу ушбу органларнинг вазифалари ва ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият органи сифатида Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсати ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республиканинг марказий молия-иқтисодий органи сифатида Ўзбекистон Республикасининг молиявий нарх сиёсатини ҳаётга татбиқ этади ва унинг бутун ҳудудида молия, нарх-навои ташкил этиш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур молиявий негиз ярачишни, республика бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этишни, унинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашни, валюта режасини тузиш ва ижро этишни, пул ресурсларидан оқилона ва тежаб сарфлашни таъминлайди. Молия вазирлиги республика бюджети ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича ижро этилиши учун, молиявий ресурсларни умумреспублика эҳтиёжларига сафарбар этиш ишларини ташкил этиш учун жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимлари, давлат суғурта идоралари, шунингдек, уларга қарашли давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона тизимини ташкил этади. Молия вазирлиги Ўз тизимига кирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тўғридан-тўғри ёки ўзи ташкил этадиган органлар орқали мувофиқлаштиради ва йўналтиради.

Молия вазирлиги тизимига кирувчи органларни бошқариш жараёнида Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг молиявий ва нарх-наво сиёсатини амалга оширишнинг бирлигини таъминлайди.

Шу мақсадларда Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси молия тизими таркибига кирувчи органлар фаолиятини келишилган ягона молиявий, солиқ, валюта ва нарх-наво сиёсатини шакллантириш ишларини олиб боришга, олтин захирасини кўпайтириш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг молиявий мустақиллигини таъминлашга, республика иқтисодий тинчлигини соғломлаштиришга, бозор муносабатларини шакллантириш шароитида нарх-навоки тартибга солишнинг иқтисодий усуллари ролини кучайтиришга ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтиради;

халқ хўжалиги ва ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан таъминлайди, республика минтақаларининг яхлит ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиёти учун молиявий негиз яратади;

ўз ваколати доирасида республика молия тизими таркибига кирувчи органлар фаолиятини назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади, улар фаолияти усуллари ва шаклларини такомиллаштиради, мазкур органлар ходимларининг касб маҳоратини ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича услубий кўрсатмалар, йўриқномалар, прејскурантлар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди ва чиқаради;

республика халқ хўжалигини, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа давлат муассасаларини, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлашни валюта билан таъминлайди.

Молия вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

молия тизимининг, солиқ ва нарх-наво сиёсатининг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсир кўрсатишини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишини, миллий даромаднинг, корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг ва бошқа молиявий ресурсларнинг ўсишини таъминлаш;

молия-кредит воситаларининг хўжалик механизмининг бошқа элементлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

республиканинг молиявий ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқариш-ни ривожлантириш ва фан-техника тараққиётининг устивор йўналиш-ларига жамлаш, ижтимоий ривожланишни жадаллаштириш, маълум мақсадга йўналтирилган яхлит халқ хўжалиги дастурларини маблағ би-лан таъминлаш, зарур молия, валюта резервларини ташкил этиш;

рахбарликнинг иқтисодий усуллари, узоқ муддатли меъёрлар ва нормативлардан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривож-ланиш, молиявий ресурсларни режалаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда марказлаштирилган асосларни минтақалар-нинг ўзини ўзи бошқаруви, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг мустақиллиги билан қўшиб олиб бориш асосида молия, суғурта, нарх белгилашнинг давлат томонидан бошқарилишини такомиллаштириш;

молия ва нарх механизмининг аксилхаражат йўналишини ошириш, уни ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланишни рағбат-лантириш томон йўналтириш, нобудгарчиликларни бартараф этиш, иш-лаб чиқариш ва муомала чиқимларини камайтириш, фойда (даромад) ни кўпайтириш;

молия, бюджет, валюта ва солиқни режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш усулларини такомиллаштириш; аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия битимларида назарда тутилган лицензия талаб-лари ва шартларига риоя қилинишини назорат қилиш;

корхоналар, вазирликлар, идоралар, банклар ва давлат суғурта таш-килотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва тако-миллаштириш ишларини мувофиқлаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий этиш соҳасида маҳаллий молия органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

солиқ солиш, нарх белгилаш, суғурта, валюта-молия аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида шунингдек солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни қонунчилик ва меъёрий актларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

молия, солиқ нарх белгилаш, суғурта, валюта аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида шунингдек солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Респуб-ликаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлайдиган Вазир бошчилиги қилади. Молия вазири Вазирлар Маҳка-маси томонидан тайинланадиган ўринбосарларга эга бўлади. Ўринбо-сарлар ўртасидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан тақсимланади.

3. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Мамлакатимизда банк ва банклар фаолиятини ташкил этиш Ўзбе-кистон Республикасининг 1995 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбе-кистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги ва 1996 йил 25

апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари билан белгиланади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва бошқа тижорат банкларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг бош банки ҳамда мутлақ мулки бўлиб ҳисобланади.

Марказий банк - ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий вазифалари:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш; Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, келишувга биноан ҳукумат резервларини қўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиш; давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва фискаль агенти (ҳазина вакили) сифатида иш тутади. Марказий банк ҳукуматга Марказий банкнинг вазифаларига ҳамда ваколатларига дахлдор барча муҳим масалалар бўйича маслаҳат беради.

Марказий банк ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар, шунингдек монетар ва валюта сиёсати бўйича давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади. Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди. Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, шунингдек банклар, кредит уюшмалари ва гаров-

хоналарга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белги-ланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкала-рини ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда амалга оширилади.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, шунингдек банклар, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига амалга оширилади. Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади.

Марказий банк: банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни; молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларни; фаолият ва операцияларни амалга ошириш юзасидан гаровхоналар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради, Олий Мажлис: Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида кўра Марказий банк Раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади; йиллик ҳисоботни, шунингдек аудиторнинг ҳулосасини кўриб чиқади. Марказий банк пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳар йили матбуотда маъруза эълон қилади.

Марказий банк Раис томонидан бошқарилади. Раис: Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади; Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қилади, қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно; Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради; Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқаради; Олий Мажлисда, ҳукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, халқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради; айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади. Марказий банк Раисининг ваколат муддати - беш йил. Марказий банк Раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

4. Молиявий назорат

Молиявий назорат молиянинг махсус функцияси бўлиб, унинг мақсади молиявий ресурсларни бошқариш қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул қилинган андозалардан четга чиқиш ҳолларини аниқлаш,

бундай четга чиқишлар мавжуд бўлганда эса, уларни тузатиш ва олдини олиш бўйича тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилишдан иборат.⁴⁷

Республикамиз мустақиллика эришган дастлабки кунларданоқ бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос бўлган йўлини танлаб олди. Уша пайтларда мамлакатимизда олиб борилаётган бозор муносабатлари сиёсати текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазмунини тубдан ўзгартиришни талаб қиларди ва молиявий назорат олдига принципиал жиҳатдан янги вазифаларни қўйди. Бу вазифалар шу билан белгиланар эдики, "бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг тармоқланган инфратузилмасини ташкил этишни талаб қилади"⁴⁸, чунки улар сиз "бозор механизмлари тўлиқ даражада ишлай олмайди"⁴⁹. Бундай инфратузилмалар қаторига банк-кредит ва солиқ тизимлари, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, суғурта ва аудиторлик хизматлари ва ҳ.к. киради. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ана шу бозор механизмлари тўлиқ шакллантирилди ва улар ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда давлат молиявий назоратини Олий Мажлис, Президент, ҳамда ижроия ҳокимиятининг тегишли органлари амалга оширадilar. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси ва Сенати* биргаликда бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилади ва унинг ижросини назорат этади.

*Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилади.*⁵⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат бошлиғи сифатида ижро этувчи ҳокимият девонини ва шу жумладан, давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқ.)ни шакллантиради.

Давлат молиявий назорати тизимида *Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига* катта рол ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси 2002 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш мақсадида ташкил

⁴⁷ Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. Т., 2004. 75-б.

⁴⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон – ўз янгиланиш ва тараққёт йўли. –Т., Ўзбекистон, 1992. 52-б.

⁴⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели. –Т., Ўзбекистон, 1993. 46-б.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги 1993 йил 3 сентябрдаги қонуни. // Ўз.Р. ОМА. 1997, №9, 241-м.

этилган. Ушбу орган баҳо беришда мустақил ва холис бўлиб ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида”⁵¹ ги Фармони билан палатанинг ваколатларини кенгайтириш, бюджет жараёнини чуқурроқ ва ҳар томонлама таҳлил этиш ва унинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Давлат бюджети лойиҳасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини шакллантириш жараёнини чуқур ва пухта ўрганиш, уларни бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида ўтказилаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларига, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш соҳасида қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларга тўла-тўқис мос келиши нуқтаи назаридан танқидий баҳолаш;

тармоқлар ва ҳудудлар бўйича Давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилиши ва ижросини модда-модда, ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, бюджет даромадларининг асосий моддалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг реаллиги ва тифизлигига баҳо бериш, бунда ёқилғи-энергетика комплекси, қазиб чиқариш саноати, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо, иқтисодиётнинг даромад ҳосил қилувчи бошқа тармоқ ва соҳаларидаги захираларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш;

агросаноат комплексидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш, қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришга ажратиладиган бюджет маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

маҳаллий бюджетлар шакллантирилиши ва амалга оширилишини, уларнинг балансанишини мунтазам таҳлил этиш ва назорат қилиш, маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш учун уларга реал молиявий маблағлар ажратиб бериш вазифасини ҳал этиш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини камайтириш резервларини аниқлаш. Марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли ва самарали фойдаланилишини, улардан фойда-

⁵¹ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 14-сон, 101-модда.

ланишда қонунбузарликлар ва суистеъмомчиликларнинг олдини олиш чораларини амалга ошириш;

бюджетдан ташқари жамғармалар - Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси, Қишлоқ хўжалигини аванслаш жамғармасининг давлат бюджети таркибида йиғиладиган маблағлари тўлиқ тушиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш;

ўтказилаётган пул-кредит сиёсатини, миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилиятини ошириш, пул массаси ва пул агрегатларини мақбул ҳолга келтириш, банкдан ташқари пул айланишини кескин қисқартириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш;

республика ташқи савдо оборотининг аҳолини чуқур таҳлил қилиш, республика тўлов балансини шакллантириш ва ундан фойдаланишни баҳолаш. Товарлар (ишлар, хизматлар) экспорта прогнози бажарилиши, маҳсулот импорти мақбуллаштирилишининг таъминланиши, экспорт тушумлари ва хорижий валютани сотиш тўла-тўқис ва ўз вақтида бўлиши мониторингини амалга ошириш. Ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганиш, айирбошлаш курси динамикаси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий валютанинг эркин алмаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ташқаридан олинадиган қарзларнинг ҳажмлари ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинадиган хорижий кредит ва грант маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини, шунингдек Ҳукумат томонидан ёки Ҳукуматнинг кафолати билан олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини қаттиқ назорат қилиш;

олтин-валюта захираларининг ҳолати ва унинг харакати устидан назоратни амалга ошириш, ташқи активларни бошқариш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва уларни хорижий банкларда самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлаш.

Ҳисоб палатасига Ҳисоб палатасининг Раиси бошчилик қилади, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا мувофиқ лавозимга тайинланади ва озод қилинади. Ҳисоб палатаси Ҳисоб палатасининг Раисидан, Ҳисоб палатаси масъул ходимлари (инспекторлари)дан иборат бўлади. Ҳисоб палатасининг Раиси:

ҳисоб палатаси фаолиятига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади; ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича текиширишларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлайди; ҳисоб палатаси қабул қилган қарорларнинг ижроси устидан назоратни ташкил қилади; ҳисоб палатасининг фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқилиши чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сес-сиялари,

унинг қўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг ишида қатнашади; амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоботлар тақдим этади; берилган ваколатга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари (инспекторлари):

Ҳисоб палатаси фаолиятининг муайян йўналишларига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахслар ҳисобланади; ўз ваколатлари доирасида, ўзлари бошчилик қилаётган йўналишлардаги фаолиятни ташкил этишга оид барча масалаларни мустақил равишда ҳал этадилар ва унинг натижалари учун жавобгар бўладилар; Ҳисоб палатасининг фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқилиши чоғида Олий Мажлис қўмиталарининг, ижроия ҳокимият органлари ва бошқа давлат органлари ҳайъатларининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар; муаллимлик ва илмий ишлардан ташқари тижорат ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас.

Молиявий назорат бўйича муҳим функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бажаради. У вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида қатта ваколатлар берилган.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ўз фаолиятини хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш, солиқлар ва мажбурий тўловларини бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида тушириш, иқтисодий ва маъмурий тусдаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш йўли билан тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ва бюджетга тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган қарзларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширади. Комиссияси таркибида қуйидаги иккита кичик комиссия тузилади:

Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича;

Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича.

Қуйдагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

иқтисодий тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар ва

тижорат банкларининг тўлов интизомини мустаҳкамлаш, ҳисоб-китобларининг ўз вақтида қилиниши, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ тўланиши бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига қатъи риоя қилишлари устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

корхоналарнинг дебиторлик қарзи ҳолатини таҳлил қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, бюджетга ўз вақтида тўланмаган қарзларини қисқартириш, шунингдек, амалги қонун ҳужжатларига мувафиқ тўланиши керак бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш бўйича тиъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва кўриш;

корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг, шу жумладан, тайёр маҳсулотлар захирларига ҳамда тугалланмаган қурилишга йўналтирилиши сабабларини аниқлаш ва уларни қисқартиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссия қуйидаги ҳуқуқларига:

вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг аҳволи, солиқ ҳамда тўлов интизоми масалари бўйича ҳисоботларини эшитиш ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни юритишнинг белгиланган тартиби ва солиқ қонунчилиги бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

ўз вақтида тўланмаган қарзларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш учун муддат бериш, пенялар ёзишни тўхтатиш, солиқлар ва бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш бўйича Кичик комиссия томонидан киритиладиган тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни тўлашга қаратилган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро қарзлар баёнларини тасдиқлаш;

молия, солиқ ва бржхона органлари фаолиятини белгиланган тартибда текширишни ташкил этиш, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан Комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санациялаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар киритиш ёки тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларга мунтазам равишда йўл қўяётган корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш учун материалларини хўжалик судига ошириш;

Вазирлар Маҳкамасига республика қонунчилигини такомиллаштириш бўйича халқ хўжалигида солиқ солиш ва ҳисоб-китоблар тизимини яхшилашга қаратилган таклифлар киритиш.

Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган тугатилаётган корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тақдимномасига кўра ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

Республика пул-кредит сиёсати комиссияси зиммасига республикада нақд муомаласи ва халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш буйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.⁵²

Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси** ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари томонидан амалга оширилади. Ушбу органлар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилигига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва йўриқнома кўрсатмалари, бюджет мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ бошқа қонунчилик ҳужжатлари бажарилиши таъминланишини назорат қилиш; республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаш; молия органлари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш буйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш; ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилиш; пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни сотиш буйича статистика ҳамда бухгалтерия ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш; пахта тозалаш корхоналари

⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида"ги 1996 йил 1492-сонли Фармони.

томонидан қабул қилинадиган, сақланадиган ва қайта ишланадиган пахта хом ашёсининг миқдори ва сифати бўйича маълумотлар назорат ва тафтиш қилинишини, хом ашёни қайта ишлаш чоғида олинадиган пахта толаси, пайдо бўладиган куйиндилар ҳамда бошқа чиқиндиларнинг белгиланган меъёрларига риоя этилишини таъминлаш; навларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши, белгиланган стандартларга ва селекция навлари жойлаштирилишига мувофиқ уруғлик чигитлар тайёрланиши ҳамда пахтакор хўжаликларнинг улар билан таъминланиши мониторингини амалга ошириш; пахта хом ашёси ҳамда ундан ишлаб чиқариладиган пахта маҳсулотларининг миқдори ва сифатини ҳамда уларнинг ҳисоботда акс эттирилишини баҳолаш бўйича текширишларни ташкил қилиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш; инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш; бюджет маблағларини коммунал хизматлар ва электр энергиясига сарфлаш лимитларига риоя этилишини мунтазам равишда текшириб бориш; бюджет муассасалари томонидан штат-смета интизомига риоя этиш таъминланишини назорат қилиш; ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан бюджет жараёнига ноқонуний аралашуш ҳолларининг олдини олиш; давлат валюта маблағларининг тўғри ва белгиланган мақсадда сарфланишини назорат қилиш; фуқароларнинг молия ва бюджет интизомининг бузилиши ҳоллари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг функцияларига қуйидагилар киради:

маҳаллий бюджетлар ижросини ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилинишини тафтиш қилиш ва текширишни (мониторинг) ташкил этиш ва ўтказиш; харажатлар сметасини бажариш ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича маҳаллий бюджет муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни ташкил этиш; бюджет ижро этилиши ва бюджет интизомига риоя этилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари молия бўлимлари ишини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратлари харажатлари сметаси бажарилишини тафтиш қилиш ва текшириш; пахтачилик хўжаликларидан пахта тозалаш корхоналарига қабул қилинган пахта хом ашёси ҳажмлари тўғрисидаги дастлабки ахборотларни (ПК-17 қабул қилиш квитанциялари асосида) жойларда ҳар кун тўплаш, маълумотларни минтақалар даражасида умумийлаштириш ҳамда пахта хом ашёсини қабул қилиб олишнинг ҳар кунги ҳажмлари ва мавсум бошидан бошлаб ортиб боровчи яқунлари бўйича умумийлаштирилган маълумотларни тайёр-

лаш учун назорат-тафтиш бош бошқармасига бериш; Молия вазирлигига 3-ЗАГ (пахта) шакли бўйича пахтачилик хўжаликлари, туманлар ва вилоятлар бўйича ортиб борувчи якун билан пахта хом ашёси тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги статистика ҳисоботининг ПК-17 қабул қилиш қвитанциялари асосидаги дастлабки ахборот маълумотларига мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотни ҳар ҳафтада тақдим этиш; текшириш натижалари бўйича ахборотлар, маълумотномалар тайёрлаш; тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига кўрсатмалар тайёрлаш; молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш; марказлаштирилган топшириқлар бўйича тафтиш ва текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича тегишли ахборотлар ва тақлифлар тайёрлаш; молия ва бюджет интизомининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш бўйича тақлифлар тайёрлаш; махсус ваколатли органнинг қарори асосида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик режалар бўйича амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси.

Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сон қарори билан ташкил этилган таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосарига бўйсунди. Куйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатлар асосида текшириш (тафтиш)ларни ҳамда Ҳукумат қарорлари билан назорат солиқ органларига юкланган масалалар бўйича назорат тартибдаги текширишларни белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқаришда, ундиришда қонунийликка риоя қилиниши, тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;

солиққа доир ҳуқуқ бузишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам кўрсатиш;

Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларни комплекс текширишларнинг истиқболи режаларини тайёрлаш, текширишлар ўтказиладиган объектларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш;

хужжатлар асосида ва назорат тартибаги текширишларни ўтказиш жараёни ҳамда тартиби устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, уларни ўтказишда (барча даражадаги солиқ органларига) амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширишлар материаллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилниши ва молиявий санкциялар қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хужжатлар асосида ва назорат тартибдаги текширишлар яқунлари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши (қўшимча ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жариалар ва шу кабиларнинг ундирилиши) устидан назорат ўрнатиш;

хужжатлар асосида, ва назорат тартибдаги текширишлар натижа-сида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилишлари ва бошққа фактлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

фуқароларнинг солиқ қонунчилиги бузилишлари фактлари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш.

Молиявий назоратни амалга оширишда аудиторлик ташкилотларининг роли (аудит).

Давлат молиявий назорат тизимида адабиётларда идоравий молиявий назорат ажратилиб, у вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг тизмига кирувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Назоратнинг бундай тури мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Текширувларни тартибга солиш ва текширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида" 1996 йил 8 августдаги фармони⁵³ қабул қилингунига қадар ҳам мавжуд эди. Ушбу фармон билан хўжалик юритувчи субъектларни текширувчи идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга номувофиқ деб топилди. Шу муносабат билан вазирликлар, идоралар (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигидан ташқари), компаниялар, корпорациялар, уюшмаларга мавжуд тафтиш хизматларини тугатиб, уларнинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда фаолиятни таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари қўллаш ҳақида кўрсатма берилди.

⁵³ ЎзР. ОМА, 2000., №5. 149-м.; "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2003 й. №3 21-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра аудиторлик фаолияти деганда, аудиторлик ташкилотларининг молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни текшириш ва бошқа профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудиторлик фаолияти махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига кўра акциядорлик жамиятлари; банklar ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари; манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар; маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар; устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан ўтказилиши мумкин. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг предмети, муддатлари ва бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Шунингдек аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти томонидан улар ўртасида тузилган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш юзасидан тузилган шартномага асосан ўтказилиши мумкин. Аудиторлик текшируви ўтказишда айнан бир хил асосларга кўра айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини текширишга такрор жалб этилишига йўл қўйилмайди.

Аудиторлик текшируви аудиторлик ҳисоботи тузиш билан якунланади. Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжатдир. Аудиторлик ҳисоботидаги ахборот махфий ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

Назорат учун саволлар:

1. Давлатнинг молиявий фаолияти деганда нимани тушунасиз?
2. Мамлакатимизда молиявий сиёсат қайси асосий йўналишларда амалга оширилади?
3. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар тўғрисида маълумот беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида молиявий назоратни амалга оширувчи органлар тўғрисида маълумот беринг.
6. Қандай фаолият аудиторлик фаолияти деб аталади?

17-мавзу. Тармоқлараро соҳаларни бошқариш

1. Иқтисодиётни бошқариш.
2. Давлат статистикаси.
3. Солиқ соҳасини бошқариш
4. Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасини бошқариш.
5. Давлат мулкни бошқариш
6. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
7. Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизими
8. Гидрометеорология
9. Давлат заҳираларини бошқариш
10. Давлат ер ости бойликлари фондидини бошқариш
11. Ердан фойдаланиш, геодезия, картография соҳаси.
12. Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.
13. Ўзбекистон Республикасида дин ишлари.
14. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш.
15. Туризмни бошқариш.

1. Иқтисодиётни бошқариш

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлаби кунларданоқ ўзининг бозор муносабатларига асосланган тараққиёт йўлини танлаб олди. Иқтисодиёт мамлакат тараққиётининг асоси ҳисобланади. "Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни шарт қилиб қўймоқда. Бу борада устувор вазифа аввалгидек – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат. Бу йўналишда кўп ишлар қилинди, аммо яқин вақт ичида ҳал қилишимиз лозим бўлган масалалар ҳам оз эмас. Яъни, эски маъмурий тақсимот тизими қолипларидан бутунлай воз кечиш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этишимиз зарур"⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрда қабул қилинган фармонида⁵⁵ кўра иқтисодиётга бозор механизми ва услубларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча

⁵⁴ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т., "Ўзбекистон". 2005, 77-б.

⁵⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 24-сон

томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги тугатилиб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил қилинди ҳамда мамлакатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ҳамда комплекс дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қўйидаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган чуқур ўйланган ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юкланди.

Иқтисодиёт вазирлиги қўйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади:

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётни мутаносиб ва динамик ривожлантиришни таъминлаш;

кўп укладли ва самарали фаолият кўрсатувчи иқтисодиётни шакллантириш, хусусий мулкчиликнинг етакчи ролини таъминлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

бой табиий ва минерал - хом ашё ресурсларидан, яратилган ишлаб чиқариш ва илмий-техник потенциалдан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган аниқ мақсадли таркибий сиёсатни амалга ошириш, экспорт имкониятини ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига кенг интеграциялашни таъминлаш;

янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ресурсларини иш билан оқилона таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, аҳолини аниқ тарзда ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарор, изчил ўсишини, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишини таъминлаш;

мамлакат минтақалари иқтисодиётининг мутаносиб ва комплекс ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларининг мақбул ва самарали ривожланишини ҳамда республика ҳудудлари бўйича жойлаштирилишини таъминлаш.

Иқтисодиёт вазирлиги ўзига юкланган вазифаларни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қисқа ва ўрта муддатли прогностларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумиқтисодиёт комплексига кирувчи вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан рўбга чиқаради.

Қўйидагилар Иқтисодиёт вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиятни ривожлантириш ва демократик қайта ўзгартиришлар мақсади ва устуворликларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг, иқтисодиётни бошқаришнинг бозор методлари ва механизмларини жорий этишнинг пухта ўйланган стратегияси ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни, республиканинг, минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражасини комплекс

равишда изчил таҳлил қилиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, иқтисодиётдаги мавжуд ному-таносибликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини асослаш;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўп вариантли сценарийларини, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг миқтақалар, тар-моқлар ва иқтисодиёт секторлари бўйича қисқа ва ўрта муддатли прог-нозлари ва дастурларини ишлаб чиқиш;

муҳим қиймат, моддий ва меҳнат балансларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов баланслари ва тар-моқлараро баланслар билан ўзаро боғлиқлигини таъминловчи таъсир-чан механизмни шакллантириш;

бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва монополияга қарши сиёсат-нинг умумий йўналишлари, табиий монополиялар маҳсулотлари, товар-лари ва хизматларига нархлар ва тарифларни тартибга солиш механиз-мини такомиллаштириш, тўлов, молия ва моддий балансларни шакллан-тириш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш бўйича таклиф-лар тайёрлашда қатнашиш;

демографик прогнозларни, аҳолини аниқ тарзда ижтимоий муҳофа-за қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, одамлар фаровонлигини ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартиришларнинг ўрта муддатли прогнозларини, тармоқларни ривожлантириш, замонавийлаштириш ва технология билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришларни маҳаллий-лаштириш, илғор, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

таркибий сиёсат мақсадларига эришишни, миқтақаларни комплекс ривожлантиришни таъминловчи қисқа ва ўрта муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақбул суръатлари ва нисбатларини, минерал ва хом ашё ресурсларидан оқилona фойдала-нишни, Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни таъмин-ловчи замонавий ишлаб чиқариш инфратузилмасини, телекоммуника-циялар воситаларини ривожлантириш;

экспорт потенциалини ривожлантиришни рағбатлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини тайёрлаш, республикани жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш;

республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция дастур-ларини амалга оширишга халқаро молия тузилмалари, хорижий молия ва сугурта ташкилотлари ҳамда донор мамлакатларни иштирок этишга

фаол жалб этиш мақсадида улар билан ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш.

Иқтисодиёт вазирлиги ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

жамиятни ривожлантириш ва демократик қайта ўзгартиришлар мақсадлари ва устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва барқарор, мутаносиб ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, бозор методлари ва воситалари асосида иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бўйича мамлакатдаги мавжуд табиий, минерал-хом ашё, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва меҳнат ресурслари потенциалидан самарали фойдаланишни таъминловчи қисқа ва ўрта муддатли прогнозларини ишлаб чиқишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

республиканинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи даражасини, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни чуқур таҳлил қилади, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини белгилайди, иқтисодиётдаги номутаносибликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш йўлларини асослайди, республика иқтисодиётининг ривожланиши аҳволи тўғрисида йиллик ва ҳар чораклик маърузалар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади;

иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳар йилги кўп вариантли сценарийларини, муҳим қиймат, моддий ва меҳнат ресурслари балансларини ишлаб чиқади, иқтисодиётни барқарор, динамик ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш йўлларини асослаб беради ва методларини ишлаб чиқади;

бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта, нарх ва монополияга қарши сиёсатнинг умумий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлашда, маҳсулотлар, товарлар ва хизматларга нархлар ва тарифларни тартибга солиш механизмини такомиллаштиришда, тўлов, молия ва моддий балансларни шакллантиришда ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда қатнашади;

асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг пул-кредит агрегатлари, давлат бюджети параметрлари, ташқи савдо, тўлов ва тармоқлараро баланслар билан ўзаро боғлиқлигини таъминловчи таъсирчан механизминини шакллантиради;

ривожланишнинг аҳволи ва тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш асосида иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартиришларнинг аниқ мақсадли сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, унинг комплекс ва самарали ривожланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

углеводород хом ашё ва минерал-хом ашё ресурслари асосий турларини разведка қилиш, захираларини, қазиб олиш, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва улардан фойдаланишнинг узоқ муддатли балансларини ишлаб чиқади;

ер-сув ресурсларини ўрганиш ва баҳолашни ташкил қилади, ер ва сув ресурсларининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли балансларини ишлаб чиқади ҳамда юқори самарали агротехнологияларни, ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини истиқболли жойлаштиришнинг илмий асосланган тизимларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда ер фондидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини асослайди;

конъюнктуранинг вужудга келган аҳволи бўйича мунтазам мониторингни амалга оширади, ундан келиб чиққан ҳолда тармоқлар ва тармоқлараро комплексларни (маҳаллийлаштирувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни) ривожлантириш, уларни ресурсларни тежайдиган илғор технологиялар асосида замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш дастурларини ишлаб чиқади;

давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради ҳамда давлат таркибий сиёсатининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда давлат инвестиция дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради, қурилишларнинг тегишли аниқ рўйхатларини келишиб олади, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади, энг муҳим ва йирик инвестиция лойиҳаларининг йўл-йўналиш экспертизасини ўтказади, марказлаштирилган капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳаларни танлов асосида танлаб олишни ва уларнинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширади;

қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврларга мўлжалланган демографик прогнозларни ишлаб чиқади, ижтимоий сиёсатни, шу жумладан иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ва уларнинг харид қобилиятини ошириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг айрим қатламларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш, халқнинг моддий фаровонлигини барқарор равишда жадал ошириш масалаларини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

меҳнат ресурслари бозори мутаносиблигини таъминлашдан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг барча соҳалари ва секторлари учун малакали кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштиради;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва импортни, савдо балансини мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ҳамда ҳар йилги экспорт, ташқи савдо ва тўлов балансини тайёрлайди;

ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги иқтисодий сиёсат, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик қилиш ҳамда қўшма лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотлар етказиб бериш (ишлар ва хизматларни бажариш) ҳажмлари ва таркибини белгиланган тартибда шакллантиради;

мамлакатнинг иқтисодий сафарбарлик режасини белгиланган тартибда шакллантиради ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

минтақавий иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозининг минтақавий аспекти шакллантиради, иқтисодиёт тузилмаларини жойлаштириш ва иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш стратегиясини асослайди, иқтисодиёт тузилмаларини (ишлаб чиқарувчи кучларни) жойлаштиришнинг ўрта муддатли даврга мўлжалланган схемаларини ишлаб чиқади;

давлат экология сиёсатини шакллантиришда ва амалга оширишда ҳамда Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашади;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига, Вазирлар Маҳкамасига йирик стратегик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришга, иқтисодиётни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришга йўналтирилган таклифлар, тавсиялар ва таҳлилий ахборотлар тайёрлайди;

устувор инвестиция лойиҳаларини пухта ишлаб чиқади ва уларнинг портфелини шакллантиради, узоқ муддатли прогнозлар, ривожлантириш устуворликлари, таркибий ўзгартиришлар, шунингдек ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишлари асосида халқаро молия тузилмалари, хорижий молия ва суғурта ташкилотлари ҳамда донор мамлакатлар билан уларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

ҳалқаро молия тузилмалари (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки), хорижий молия ва суғурта ташкилотлари ҳамда донор мамлакатлар билан республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга уларни жалб этиш юзасидан истиқболли ва жорий дастурларни ўрганади, умумлаштиради ва таклифлар тайёрлайди;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари ишлаб чиқилишини, улар молиялаштириш ташкилотларига қўйиладиган стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда зарурат бўлганда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда белгиланган тартибда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилишини мувофиқлаштиради;

инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш, амалга ошириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, республикадаги иқтисодий ва ижтимоий қайта ўзгартиришлар стратегиясидан келиб чиқиб инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш ва устувор инвестиция лойиҳалари портфелини янгилаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритади.

Иқтисодиёт вазирлигига унга юкланган функцияларни амалга ошириши учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар, бошқа ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органларининг ислохотларнинг энг муҳим устуворликларини прогнозлаш ва амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мутаносиб ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни ижро этувчи ҳўкимият органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича методик материаллар ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Ҳўкумати тошширигига кўра халқаро даражада ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш, хорижий давлатлар, савдо-иқтисодий иттифоқлар билан савдо-иқтисодий битимларни тайёрлашда ва тузишда, халқаро иқтисодиёт ва молия ташкилотлари, хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳўкуматлараро комиссиялар ишларида қатнашиш;

вазирлик доирасида иқтисодиёт соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни танлаб олиш учун ушбу ишларни бажариш юзасидан давлат буюртмасига мувофиқ танловлар эълон қилиш ва танлов комиссиялари тузиш;

марказлаштирилган капитал қўйилмалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкумати кафолати остида олинган хорижий кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш;

илмий тадқиқотларга йўналтириладиган бюджет молия ресурсларини тақсимлашда қатнашиш;

вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари томонидан республика иқтисодиётининг сифарбарлик тайёргарлиги бўйича тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш, (зарурат бўлганда) саноат, транспорт ва бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг йирик объектларини жойлаштириш лойиҳаларини, уларнинг муайян даврда иқтисодиётнинг барқарор ишлаши талабларига мувофиқлиги юзасидан, экспертизадан ўтказиш ва ушбу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича, ижро этувчи ҳокимият бошқа органларининг ва йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда кенгашлар қақриш;

қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва халқаро ҳуқуқий норма-ларга мувофиқ бошқа давлатларнинг иқтисодиёт идоралари билан про-гнозлаш методологияси ва амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузиш;

Ўзига бевосита ёки ўзига қарашли бўлинмалар орқали юкланган ва-зифалар доирасида хорижий иқтисодий идоралар ва илмий институтлар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш учун бел-гиланган тартибда идоравий ва илмий-ўқув марказлари, хўжалик ҳисобидаги консултация ва ахборот марказлари ташкил этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун матбуот органлари таъсис этиш;

Иқтисодиёт вазирлиги тизимига кирувчи вазирликлар ва ташкилот-ларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирларини кўриш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ вазирлиқнинг ижтимоий инфратузил-масини яратиш ва такомиллаштириш, Иқтисодиёт вазирлиги тизими хо-димлари меҳнатини рағбатлантиришнинг ягона тизимини шакллантириш.

Иқтисодиёт вазирлиги иқтисодиётни самарали, барқарор ривожлан-тириш йўллари белгилашнинг асосланганлиги ва методларининг иш-лаб чиқилиши, Ҳукуматга тақдим этиладиган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тахлилий ҳужжатлари, таклифлари, про-гнозлари ва дастурларининг объективлиги ва комплекслиги учун жа-воб беради.

Вазирлик фаолиятини ташкил этиш- Иқтисодиёт вазирлигига Вазир раҳбарлик қилади. Вазирни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ амалга оширилади.

Иқтисодиёт вазирининг бир нафар биринчи ўринбосари ва Бош бош-қармалар бошлиқлари ҳисобланадиган уч нафар ўринбосари бўлади. Вазирнинг биринчи ўринбосари мақомига кўра Вазирга, Вазир ўринбо-сарлари Бош бошқармалар бошлиқлари Вазирнинг биринчи ўринбосар-ларига тенглаштирилади.

Иқтисодиёт вазирлиги ўз ҳузуридаги:

Самарали иқтисодий сиёсат маркази;

Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция ло-йиҳалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш республика маркази;

Вазирлик маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси;

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали таҳририяти фао-лиятига раҳбарлик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармалари, шунингдек республика шаҳарлари ва туманларидаги иқтисодиёт бўлимлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шафарлар ва туманлар ҳокимликларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига қарашли бўлади.

Уларнинг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги амалга оширади. Иқтисодиёт вазирлигида 9 кишидан иборат Ҳайъат тузилади, унинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиб туриладиган мажлисларида мамлакатни, тармоқларни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини, прогнозлаш методологиясини ва уни ташкил этишни яхшилаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади. Ҳайъат қарорлари Иқтисодиёт вазири буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

2. Статистика

Ўзбекистон Республикасида давлат статистикасини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунига⁵⁶ мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қонун давлат статистикасини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, давлат статистикаси органларининг ваколатларини белгилайди ҳамда ягона статистика ахбороти тизимини юритилиши учун норматив асос яратади.

Мазкур қонуннинг 3-модасига кўра давлат статистикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва эълон қилиш; халқаро стандартларга мос келувчи ягона статистика услубиятини таъминлаш; давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотларни, шунингдек жамоатчиликни белгиланган тартибда статистика маълумотлари билан таъминлаш; статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистика таснифлагишлар тизимини ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш.

Давлат статистикаси:

ишончлилиқ, ҳолислик, бегаразлиқ;

долзарблиқ, қиёсийлиқ ва барқарорлик;

қулайлик, очиқ-ойдинлик ва ошкоралиқ;

⁵⁶ Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами 2002 й., N 24, 194-м

статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашишни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратиш каби асосий принципларга мувофиқ амалга оширилади.

Давлат статистика кузатувлари иқтисодийда ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика маълумотларини изчил йиғиб боришдан иборат бўлиб, улар бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита кузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади. Давлат статистикаси органлари давлат статистикаси кузатувларини ўтказиш учун шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиши мумкин. Давлат статистика кузатувлари умумдавлат ва идоравий (тармоқ) кузатувлари тарзида бўлиши мумкин. Юридик шахслар давлат статистика кузатувлари ўтказилаётганида қонун ҳужжатларига мувофиқ бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш, зарур ҳолларда эса, хизмат билан ва ер участкаларига кириш эркинлигини таъминлаш шарт.

Молия, божхона, солиқ органлари, банклар ҳамда бошқа идоралар ва хизматлар, шунингдек юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар давлат статистикаси органларига давлат статистика ҳисоботларини, идоравий ҳисобга олиш маълумотларини ҳамда давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова этиладиган тушунтириш-изоҳларни бепул тақдим этади. Статистика маълумотлари ишончли бўлиши ва улар давлат статистика кузатувлари дастурларига мувофиқ белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва шаклларда тақдим этилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тартибга солувчи, қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар статистика ҳужжатларини тўлдириш (статистика кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби) учун асос бўлиб хизмат қилади.

Статистика маълумотларидан давлат манфаатларини кўзлаб ва илмий мақсадларда, жамоатчиликни хабардор этиш, бундай маълумотлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун фойдаланилади. Давлат статистикаси органлари юридик шахслардан, уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлардан олган бирламчи статистика маълумотлари фақат жамланма статистика кўрсаткичларини тайёрлашда статистика мақсадларида ишлатилади ҳамда жамланма ҳолатда ва эгаси мавҳумлаштирилган тарзда эълон қилинади. Таркибида давлат сирини ва тижорат сирларини бўлган статистика маълумотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 декабрда қабул қилинган ПФ-3183 сонли Фармони⁵⁷ билан иқтисодийда

⁵⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2002 йил, 24-сон

бозор механизми ва услубларини жорий қилишни давом эттириш, жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш талабларига мувофиқ иқтисодий ва статистика органларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги тугатилиб унинг негизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва статистика вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган яхлит илғор статистика ахбороти тизимини яратишга ва унинг фаолият кўрсатишига йўналтирилган ягона сиёсатни амалга оширувчи, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи давлат ҳокимияти ижро этувчи органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика ишларининг:

ишончлилиқ, ҳолислиқ, бегаразлиқ; долзарблиқ, қиёсийлиқ ва барқарорлиқ; қулайлиқ, очиқ-ойдинлиқ ва ошқоралиқ;

статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно этиш принциплари асосида ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, туманлар, шаҳарлардаги статистика органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига қарашли ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона тизимини ташкил этади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

статистика соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишнинг замонавий халқаро статистика стандартларига жавоб берадиган самарали тизимини таъминлаш; илмий асосланган, бозор иқтисодий асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий ҳисоб рақамларини тузишни таъминловчи ва халқаро статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлигини, ишончлилигини, холислигини ва изчиллигини таъминлаш; статистик ахборотнинг қулайлигини, аниқлигини ва ошқоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш; статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно қилувчи тизимини яратиш, ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш,

таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш, СНС халқаро методологиясига мувофиқ бўлган миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқиш, халқаро статистика стандартлари ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда миллий ҳисобларни тузишни ахборотлар билан таъминлаш тизимини шакллантириш; статистика ишлари давлат буюртмасини тайёрлаш ва унинг бажарилишини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари эҳтиёжлари, фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига талабини ўрганиш асосида Давлат статистика ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш; йўналишлар бўйича статистика ахборотларининг таққосланувчанлигини, мамлакатлараро таққосланувчанлигини таъминловчи, ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий-статистик таснифлар тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритиш; вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг статистика соҳасидаги ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича фаолиятининг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, республикани, минтақаларни ва тармоқларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Олий Мажлис қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг бажарилишининг статистика кузатувларини амалга ошириш, давлат органларини ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича методик базанинг ишлаб чиқилишини амалга ошириш, тематик ёзишмаларни, ценз тадқиқотларини ва мониторингни ташкил этиш ва амалга ошириш, статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатишни ва қайта ишлашни таъминловчи замонавий компьютерлар ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг республикадаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш; статистика ишларини ташкил этиш учун зарур бўлган иқтисодий-статистик классификаторлар тизимини ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрини юритиш; статистика ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш; барча даражалардаги статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни ва уларни қайта тайёрлашни таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишлар бўйича давлат статистикаси соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш; хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга дастурлар ишлаб чиқиш бўйича хизматлар ҳамда ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажарий, ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига раис раҳбарлик қилади. Раис республика Ҳукуматининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Раис лавозимга ўзининг касб ва техника малакаси асосида уч йил муддатга тайинланади ҳамда у ўзининг касбга номувофиқлиги сабабли белгиланган муддатдан олдин лавозимдан озод этилиши мумкин. Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси мақомига кўра вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларига тенглаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва унинг функцияларининг амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради. Раис:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятига раҳбарлик қилади; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди; давлат статистика органлари ходимларига нисбатан малака талабларини белгилайди ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини шакллантиради, юқори малака учун устамалар белгилайди; зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тузилмасига штатдаги ходимларнинг тасдиқланган сони ва статистика ишларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритади; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларнинг раҳбарларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

дастурлар бўйича бажариладиган статистика ишлари ҳажмларига мувофиқ молиявий ва моддий-техника ресурсларини тақсимлайди; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси барча органлари ва бўлинмалари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради; статистика органларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавийлаштириш ҳамда замонавий компьютерлар ва ахборот-коммуникация тизимлари ва технологиялари билан қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини кўради; қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бошқа давлатлар иқтисодиёт идоралари билан статистика методологиясини ва амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича шартномалар тузади, ўзига юкланган вазифалар доирасида халқаро ва хорижий статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида ўзига юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун амал-

даги қонун ҳужжатлари доирасида бошқа барча зарур чора-тадбирларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида 7 кишидан иборат Ҳайъат тузилади. Ҳайъат таркиби белгиланган тартибда тасдиқланади. Ҳайъат давлат статистикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шунингдек давлат статистикаси органлари фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади. Ҳайъат қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида давлат ҳокимияти органлари, ишбилармон доиралар, илмий жамоатчилик, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иборат таркибда давлат статистикасини ривожлантириш, фаолиятини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек статистика методологиясини такомиллаштириш ва фойдаланувчи-ларнинг расмий статистика ахборотига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиш муаммолари бўйича коллегиял маслаҳат органи ҳисобланадиган Статистика кенгаши ташкил этилади. Статистика кенгаши фаолиятининг ташкилий-техник таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузурида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази ташкил этилади.

3. Солиқ соҳасини бошқариш

Ҳар қандай давлатда солиқлар мамлакат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (24 апрель 1997 йил), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги қонуни ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига биноан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Демак, солиқларни тўлаб бориш фуқароларимизнинг конституциявий бурчлари ҳисобланади. Мамлакатимизда солиқ солиш - юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади. Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солинади. Солиқ имтиёзларини белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: умумдавлат солиқлари; маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади. Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) экология солиғи;
- 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 4) реклама солиғи;
- 5) автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;
- 6) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- 7) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;
- 8) юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра Давлат солиқ хизмати органлари бўлиб: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг Марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва

бошқа мажбурий тўловлар ундириш йўли билан давлат бюджетига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига даромадлар тўлик ҳажмда тушишини таъминлаш; солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тугри ҳисоблаб чиқилиши, тўлик ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлик ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлик қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш;

солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш йўли билан солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда бевосита қатнашиш;

солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқарнинг ҳисобини маълумотларнинг ягона компьютер тизимида юритиш, Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрини юритиш;

солиқ органларида кадрларни танлаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағлар тўлиқ тушишини таъминлаш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш йўли билан давлат бюджетига шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига даромадлар тўлик ҳажмда тушишини таъминлайди;

2. *Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тугри ҳисоблаб чиқилиши, тўлик ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида:*

ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этиш масалалари бўйича ҳужжатлар асосида ва назорат тартибида текширади;

солиқ органлари томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳужжатлар асосида ва назорат тарти-

бида текширишнинг белгиланган тартиби ва режасига риоя этилиши устидан назорат қилади;

солиқ тўловчилардан тушунтиришлар олади, солиқ тўловчининг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан даромад олиш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш, омборхона, савдо бинолари ва бошқа бинолар ва ҳудудларни кўздан кечиради (текширади);

содир этилган операцияларнинг, ҳужжатларда кўрсатилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг олинishi ёки берилишининг ҳақиқийлигини, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш амалда бажарилганлигини текширади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблағлари за моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналар ҳудудига моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқишда корхоналарда рухсат бериш тизими ишининг ташкил этилиши ҳолатини текширади;

ҳужжатлар асосида текшириш давомида ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини аниқлаш, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар хил хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисобоглари ва балансларини счётлар бўйича текширади;

солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши ҳолларини таҳлил қилади ва тегишли органларга солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

3. Солиқ солиш субъектлари за объектлари тўлик ва ўз вақтида ҳисобга олиншини таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлик қамраб олиш ва ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш учун:

солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлик ва ўз вақтида ҳисобга олиншини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга уларга рўйхатдан ўтиш (идентификациялаш) рақамлари берилган ҳолда уларнинг солиқ тўловчилар сифатида ҳисобга кўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар берилишини ташкил этади;

банк томонидан ҳисоб рақамлари ёпилиши тўғрисида ахборот тақдим этилган тақдирда олти ой мобайнида (савдо ва саздовоситачилик корхоналари учун - уч ой мобайнида) банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операциялари ўтказган ҳолда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни аниқтайди;

4. Солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқлар йиғилишини кўпайтириш ва солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликка солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни содир этган шахсларни қидиради, давлатга етказилган зарар белгиланган тартибда ундириб олинишини таъминлаш чора-тадбирларини қўради;

солиқлар, йигимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йул жамғармасига муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўлланилишини ташкил этади ва амалга оширади;

солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашдан бўйин товлашининг олдини олиш мақсадида нақд айланмага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилишини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;

акциз солиғи солинадиган товарлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши билан боғлиқ ҳуқуқ бузилишларни белгиланган тартибда аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришни ташкил этади ва амалга оширади;

ишлаб чиқариш ҳажмлари ва даромад яширилиши, сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмлари пасайтирилиши механизмини ўрганиш ва аниқлашни ташкил этади ва амалга оширади;

мусодара қилинган, эгасиз мол-мулк, хазина, шунингдек, мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган мол-мулк ҳисобга олиниши, баҳоланиши ва сотилиши устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши механизмини ўрганади ва аниқлайди;

маъмурий ҳуқуқ бузилишлар бўйича ишларни юритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суриштирувни юритади, жиноий ишлар қўзғайди ва уларни терговга тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беради;

солиқ соҳасида жиноят содир этилиши ҳолатларини аниқлаш, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириш учун оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойда-ланади.

4. Тўловларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун муддати ўтказиб юборилган қарзларни йиғади ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағлар тўлиқ тушишини назорат қилади.

5. *Ягона умумдавлат солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида:*

Давлат бюджетига солиқлар тушуми прогнозини ишлаб чиқишда қатнашади;

солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича услубий ва методологик ишларни олиб боради;

Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа вазирликлари ва идоралари билан биргаликда солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатларни Адлия вазирлигида тегишли равишда рўйхатдан ўтказилгандан кейин белгиланган тартибда чиқаради;

солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тулаш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар, декларациялар за бошқа ҳужжатлар шакллари белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

солиқ ҳақидаги қонунлар бўйича норматив ҳужжатлар тўпламларини нашр этади, ўзига қарашли органларни қонун ҳужжатлари ва йўриқнома материаллар, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш шакллари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

6. Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам бериш мақсадида:

солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини нашр этиш, кўпайтириш ва ҳудудий солиқ органларига етказиш, маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш, солиқ тўловчиларни солиқларни тугри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқишга, ҳисоботлар ва декларациялар тақдим этишга ўқитиш учун сервис-марказлар ташкил этади;

солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича норматив ҳужжатлар солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказилишини ташкил этади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари ҳимояланишини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ва солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиши масалалари бўйича шикоятлари ва аризаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади.

7. Солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларни тўлик ҳисобга олиш мақсадида солиқ тушумлари, барча солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлашнинг ягона компьютер тизимини ташкил этади ва ундан фойдаланади, солиқ ахбороти қабул қилиниши, пухта ишланиши, берилиши ва сақланишининг қуш меҳнат талаб қиладиган жараёнларини автоматлаштириш чора-тадбирларини кўради, Солиқ тўловчилар - юридик ва жисмоний шахсларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади.

8. Давлат солиқ хизмати органларини Юкори малакали, ўз ишига содиқ ходимлар билан таъминлаш, Кадрлар таркиби сифатини яхшилаш мақсадида:

қўйилган талабларга мувофиқ кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишларини ташкил этади, шу жумладан, давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларида ташкил этади;

ихтисослаштирилган ўқув марказлари ташкил этиш, шунингдек, давлат олий ўқув юртлари имкониятларидан фойдаланиш йўли билан солиқ органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозимлари малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказиши, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар беради;

кадрларни Ўзбекистон Республикасига содиқлик, ватанпарварлик, тўғрилиқ ва ҳуқуқий давлат гоялари ва асосларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан узлуксиз иш олиб боради, бунда замонавий шакллар ва усуллардан фойдаланади.

9. Ўз хавфсизлигини, режимни таъминлаш ва давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолларининг олдини олиш учун:

солиқ органлари мансабдор шахслари томонидан гаразли мақсадларда солиқ тўловчиларга нисбатан гайриқонуний таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларни аниқлайди ва уларга барҳам беради;

солиқ органларида коррупция ҳолларини аниқлашга, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ташкил этади ва уларни амалга оширишда қатнашади;

солиқ органларида коррупция ҳоллари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради ва таҳлил қилади, профилактика чора-тадбирларини амалга оширади;

солиқ органлари тизимида коррупция ривожланишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

солиқ органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажараётганда уларни ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланишига риоя этиш ишларини ташкил этади.

10. Давлат солиқ хизмати органларида назорат-тафтиш ишларини амалга ошириш мақсадида:

икки йилда камида бир марта қўйи солиқ бошқармалари за инспекцияларининг бюджет ва ҳўжалиқ фаолияти бўйича смета харажатлари ижроси бўйича тафтишни амалга оширади. Жуда зарур бўлганда ва молья-ҳўжалиқ фаолиятида қонун бузилишлари-га йўл қўйиш ҳоллари тўғрисида ишончли ахборот мавжуд бўлган тақдирда режадан ташқари тафтишлар ўтказилиши мумкин;

қуйи солиқ органлари томонидан моддий ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилишини таъминлайди, хўжасизлик, исрофгарчилик, давлат маблағларини асос-сиз равишда сарфлаш, смета интизомини бузиш ҳолларига барҳам беради;

қуйи солиқ органларида тафтишлар давомида аниқланган нуқсонлар ва бузилишларни бартараф этиш, шунингдек, давлатга ётказилган моддий зарарни қоллаш чора-тадбирларини кўриш бўйича ишларни ташкил этади;

Давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармасидан фойдаланишнинг тўғрилигини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган раис бошчилик қилади. Давлат солиқ қўмитасининг раиси Давлат солиқ қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради, ўз ўринбосарларининг, қўмитанинг мустақил таркибий бўлинмалари, бўйсунувчи давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг жавобгарлик даражасини белгилайди.

Давлат солиқ қўмитасида 11 кишидан ибрат ҳайъат ташкил этилади. Раис, лавозими бўйича раиснинг биринчи ўринбосари ва раис ўринбосарлари, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган бошқа раҳбар ходимлар ҳайъат аъзолари ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси Ҳайъати солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этиш ҳолатининг, солиқ хизмати фаолиятининг энг муҳим масалаларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруқлари ва фармойишлари бажарилишини, Кадрлар масалаларини кўриб чиқади, давлат солиқ хизмати органларининг ўзига бўйсунувчи ходимлари ҳисоботларини эшитади. Ҳайъат мажлиспарида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари бўйича ахборотлари ва тушунтиришлари эшитилиши мумкин. Ҳайъат қарорлари Давлат солиқ қўмитаси раисининг тегишли қарорлари ва буйруқлари билан ҳаётта татбиқ этилади.

Давлат солиқ қўмитасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш учун Эксперт Кенгаши тузилади. Эксперт кенгаши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Эксперт кенгашига Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари раҳбарлик қилади. Давлат солиқ қўмитасида ва давлат солиқ хизматининг унга қарашли органларида давлат солиқ хизмати органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамғармаси ташкил этилади. Давлат солиқ қўмитаси илмий тадқиқотлар, Кадрлар тайёрлаш ва солиқ хизмати ходимлари малакасини ошириш

учун идоравий илмий ва ўқув марказлари ташкил этиши, ноширлик фаолиятини амалга ошириши, шунингдек, хўжалик ҳисобидаги маслаҳат ва ахборот марказлари ташкил этиши мумкин.

Давлат солиқ қўмитасига аҳоли ўртасида тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириш учун ўзининг босма органларини таъсис этиш ва нашр қилиш ҳуқуқи берилган. Давлат солиқ қўмитасида зарурият бўлганда ажратилган бюджет маблағлари лимити ва Давлат солиқ органларини ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш жамғармаси маблағлари доирасида белгиланган тартибда солиқ органлари маъмурий биноларини кўриш бўйича буюртмачи ташкилот, автотранспорт, ахборот-ҳисоблаш бўлинмалари ҳамда давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида давлат ҳокимияти вакили ҳисобланадилар. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш хусусидаги талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Ҳеч ким давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашшига ҳақли эмас. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилиниш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратлаш, уларга қаршилиқ кўрсатиш, таҳдид қилиш, зўравонлик қилиш ёки уларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари қуйидагилар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар:

ўз вазифаларини бажармаганлиги ёхуд зарур даражада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги учун;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги учун;

ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги учун;

ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборганлиги ва солиқ солиш базасини камайтириб юборганлиги учун;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги учун;

бошқа ҳуқуқбузарликлари учун.

Солиқ органлари мансабдор шахсларининг солиқ текширувини амалга ошириш чоғидаги ғайриқонуний ҳаракатлари билан етказилган зарарлар қонунда белгиланган тартибда қопланиши керак. Давлат солиқ

органлари ходимларининг ўз хизмат ваколатлари доирасидан четга чиққанлиги, шунингдек, зиммасига юкланган хизмат вазифаларини бажармаганлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Солиққа тортиш субъектлари ва объектларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олиншини таъминлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органларида участка солиқ инспекторлари лавозими ташкил этилади. Участкаларнинг чегаралари, шунингдек участка солиқ инспекторларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган нормативлар бўйича белгиланади. Участка солиқ инспекторлари ўзларига бириктирилган участкада мол-мулк солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ ва ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш юзасидан тегишли ишларни бажарадилар ҳамда улар тегишли солиқларни ўз вақтида тўлашларини назорат қиладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси божхона соҳасини бошқариш

Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (26.12.1997 йил), «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги қонуни (29.08.1997 йил) ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади. Божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир. Божхона иши Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади. Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади.

1997 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1815-сонли Фармони⁵⁸ билан божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустақамлашда уларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил қилинди. Шунингдек ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бош божхона бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган божхона хизматлари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармалари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ўз фаолиятини қуйидаги асосий вазифа ва йўналишларда амалга оширади:

республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

республиканинڭ иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, белгиланган ваколатлар доирасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

божхона ишларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг, шунингдек, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасида божхона назоратини таъминлаш, шу чегара орқали товарлар ва транспорт воситалари ўтишини тезлаштиришга имкон берадиган шарт-шароитларни вужудга келтириш;

контрабандага, божхона қонунчилигини бузишларга қарши кураш, наркотик моддалар, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланувчи бадий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, ақлий мулк объектлари республиканинڭ божхона чегараси орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига чек қўйиш;

савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг божхона воситаларини қўллаш, бож ҳақи, солиқлар ҳамда бошқа божхона тўловларини ундириб олиш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари билан, божхона иши масалаларига мутасадди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятга оид божхона статистикаси ва товар номенклатурасини юритиш;

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995-1999. Ғ, Адолат, 2000 йил.

божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда унга ишлов бериш борасидаги автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра Ўзбекистон республикаси Давлат божхона кўмитаси, Давлат божхона кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органлари ҳисобланади ҳамда улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раисининг ўринбосарлари, Давлат божхона кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бошқармаларининг ва ихтисослаштирилган божхона мажмуаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадилар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эгадир: товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш; юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш; валюта назоратини амалга ошириш; молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш; божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш; божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш; божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш; божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш; экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда; шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақлан-

ганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш; суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш; божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар божхона назоратини амалга ошириш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда божхона органларига кўмаклашишлари шарт. Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа органлар ва ташкилотлар билан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар тегишли вазирликлар, идоралар билан келишилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатларига кирадиган айрим ҳаракатларнинг бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишига йўл қўядилар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидagi мажбуриятларнинг божхона тўловларига оид қисмининг бажарилиши тўғрисидаги божхона органларининг хулосасига биноан ана шу субъектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишлари мумкин;

белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари ва жарима суммаларини хўжалик субъектларидан сўзсиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар;

хўжалик субъектларининг сўмлардаги маблағлари етишмаса ва валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлса, божхона органларининг тақдимномасига биноан мазкур валюта маблағларини валюта биржасида сотиш кундаги курс бўйича бюджет олдидagi қарзни қоплаш учун зарур ҳажмларда сўзсиз сотишни амалга оширадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг айби билан божхона тўловлари ва жарима суммаларини тўлаш кечиктирилган бўлса, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ёки божхона органларининг божхона тўловларини ўтказиш ёки қайтариш тўғрисидаги топшириқлари банк ёки молия-кредит муассасаларининг айби билан бажарилмаган бўлса (бажариш кечиктирилган бўлса), хўжалик субъектларидан, банк ёки молия-кредит муассасаларидан белгиланган тартибда пеня ундирилади.

5. Давлат мулкани бошқариш

Давлат мулкани бошқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) томонидан амалга оширилади. Ушбу қўмита 1994 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 758-сонли Фармони билан республикада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тобора авж олдириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги давлат мулки Жамғармаси негизда ташкил этилган.

Давлат мулки қўмитаси давлат бошқарув органи ҳисобланади, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, шунингдек республикада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш унинг фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Давлат мулки қўмитаси:

- кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни ятказиш, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда устувор йўналишларини белгилаш;

- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнига ташкилий ҳамда услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш, тегишли тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида республика аҳолисининг мулквий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат мулки объектларини бошқа мулкчилик шаклларига айлантиришдан тушган маблағларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга оид вазифаларни ҳал қилиш учун сафарбар этиш;

- давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида ҳорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек улардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва шаклларини белгилаш;

- сармоя жамғармаларини, консалтинг ва аудиторлик хизматларини, ҳолдингларни, жамғарма биржалари ва кўчмас мулк биржаларини, ўзгача биржаларни ҳамда бошқа бозор тузилмаларини ташкил қилиш каби асосий вазифаларни амалга оширади.

Давлат мулки қўмитасида 7 кишидан иборат таркибда ҳайъат тузилади, унинг таркиби раис (ҳайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимига кўра), Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раиси, шунингдек бошқа раҳбар ходимлардан иборат бўлади. Давлат мулки қўмитаси ҳайъати аъзоларининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўзининг мунтазам ўтказиладиган мажлисларида мулкчилик муносабатларини ўзгартиришнинг, давлат мулкни бошқариш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришнинг энг муҳим муаммоларини, шунингдек Давлат мулки қўмитаси ва унинг тасарруфидаги тузилмаларнинг ишларини ташкил этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади. Ҳайъат қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади ҳамда, қондага кўра, Давлат мулки қўмитаси раисининг қарорлари ва буйруқлари билан амалга оширилади.

6. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш. Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2005 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, банкрот ва монополист корхоналарни қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизимини яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди ва қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

хусусий секторни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жумладан хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатчилик қобилиятини чуқур таҳлил этиш, монополиядан чиқариш соҳасида, жумладан йирик монополист корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизида ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мустақил ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва улардан рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган корхоналарни ажратиб олиш ва хусусийлаштиришни назарда тутадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табий монополия корхоналари ўзларининг ички бозордаги монополь маъқидан фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар нархларини асоссиз равишда сунъий оширишларига йўл қўймаслик мақсадида улар устидан назоратни амалга ошириш;

йирик монополияларнинг рақобатга зид ҳаракатларини, нопок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ноҳалол рақобатни, товарлар ва хизматлар бозорлари монополия қилиб олинишини чеклаш ҳамда пайини қирқишни таъминлайдиган рақобат муҳити учун ҳуқуқий майдонни такомиллаштириш;

иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этиш, корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасида давлат бошқаруви вазифаларини амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизimini истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат тузилмалари билан мустаҳкам мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиш;

реклама соҳасида нопок рақобатга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш.⁵⁹

Ушбу фармонга биноан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий органлари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасида - Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими негизида ташкил этиладиган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳрида - монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари, иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг кичик ва хусусуий тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари негизида ташкил этиладиган монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари.

Қўмита қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, ўз ваколати ва Қўмита тўғрисидаги тасдиқланган Низом доирасида, улар чиқарган қарорларни бекор қилиш ёки монополияга қарши

⁵⁹ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 17-18-сон, 127-модда.

ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни бузадиган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек берилган тақдимномалар ижросини назорат қилиш;

нолок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик бузилган ҳолларда уларга қарши судларда даъво кўзғатиш;

монополист корхоналарга, иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкротга учраш ҳолатига келиб қолган корхоналарга уларни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек суднинг қарорига биноан шундай тақдимномаларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмомолчилик ҳуқуқлари камситилгани тўғрисида истеъмомчиларнинг ариза ва ҳикоятлари юзасидан, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишилган ҳолда, ана шу ҳуқуқларни бузган корхона ва ташкилотларни текшириш (уларнинг молия-хўжалик фаолияти бундан мустасно).

Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонунининг 23-моддасига кўра давлат истеъмомчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Истеъмомчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар. Қуйидагилар истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси; Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

Истеъмомчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар; истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва тақлифларини кўриб чиқади-лар; истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар; ўз ҳуқуқлари доира-сида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида: товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар; товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва улар-нинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, ласт сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар; ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво кўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

Давлат назорати- Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозор-ларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» ги қону-нининг 14-моддасида хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш устидан давлат назорати назарда тутилган бўлиб, унга кўра монополияга қарши давлат органи (Ўзбекистон Респуб-ликаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қув-ватлаш давлат кўмитаси) куйидагилар устидан назоратни амалга оширади:

юридик шахслар бирлашмаларини ташкил этиш, қўшиб юбориш ва бирлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва бирлаштириш, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялари ташкил этиш;

корхоналарни тугатиш ва бўлиш устидан, агар бу бозорда устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг пайдо бўлишига

олиб келадиган бўлса, тугатиш суднинг қонуний кучга кирган қарорига мувофиқ амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик субъектларини қўшиб юбориш, бирлаштириш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органига қуйидагиларни тақдим этадилар:

хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатишга розилик бериш тўғрисидаги илтимоснома;

бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектлардан ҳар бирининг асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозоридаги улуши ва бирлашмага киришга розилиги тўғрисидаги маълумотлар.

Монополияга қарши давлат органи қарор чиқариш учун зарур бўлган бошқа ахборотларни ҳам сўраб олишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган маълумотларни тақдим этиш хусусияти ва шаклларига қўйиладиган талаблар монополияга қарши давлат органи томонидан тасдиқланадиган қоидаларда белгиланади. Монополияга қарши давлат органи зарур ҳужжатларни олган вақтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай аризага қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда маълум қилади.

Агар илтимосноманинг қондирилиши тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайишига ва (ёки) рақобатни чеклашга олиб келиши мумкин бўлса, агар тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида уларда баён этилган ва қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборот ишончсиз бўлса, монополияга қарши давлат органи илтимосномани рад этишга ҳақлидир. Монополияга қарши давлат органи илтимосномани қондиришни рақобатни таъминлашга қаратилган талабларни бажаришга боғлиқ қилиб қўйишга ҳақлидир. Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари монополияга қарши давлат органининг ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун розилик бериши тўғрисидаги қароридан акс этмоғи лозим.

Агар хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш тўғрисида қарор қабул қилаётган шахслар ва органлар ўзларининг ҳаракатлари бозорда савдо шароитларини яхшилашга хизмат қилишини, харидорларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берсалар, монополияга қарши давлат органи ҳатто юқорида кўрсатиб ўтилган нохуш оқибатлар юз бериши мумкин бўлганида ҳам илтимосномани қондиришга ҳақлидир.

Хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш, қўшиб юбориш, бирлаштириш тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайишига ёхуд рақобатнинг чекланишига олиб келган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари, қўшиб юбориш, бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органининг талабига биноан рақобат учун зарур шароитларни тиклаш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар тугатилиши муносабати билан уларни реестрдан чиқариш тўғрисида ёзиб қўйиш рўйхатга олувчи орган томонидан фақат монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган тартибни бузган ҳолда юридик шахсларни ташкил этиш, қўшиб юбориш ёки бирлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориб ва бирлаштириб, моллия-саноат гуруҳлари, холдинг компаниялар ташкил этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ монополияга қарши давлат органи қўйган талабларни бажармаслик давлат рўйхатига олишни монополияга қарши давлат органининг даъвосига биноан суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар қўшиб юборилган, бирлаштирилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг муассислари, қўшиб юбориш, бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар бу ҳақда фаолиятнинг турини, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмларини кўрсатган ҳолда монополияга қарши давлат органини ўн беш кунлик муддат ичида хабардор қилишлари лозим.

7. Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида *стандартлаштириш* ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади. *Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари бўлиб:*

маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва бир-бирига мос келишини таъминлаш;

фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифатини ҳамда рақобат қила олиш имконини ошириш;

барча турдаги ресурслар тежаллишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш;

ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;

истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот билан таъминлаш; мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини таъминлаш; ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифадаги норматив ҳужжатлар қўлланилади:

халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар;

Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари; тармоқ стандартлари;

техник шартлар;

корхона стандартлари;

хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари;

маъмурий-ҳудудий стандартлар. Давлат ягона ва узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек стандартлаштириш қондалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификаторлари ҳам киради. Халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек халқаро қондалар ва нормалар Ўзбекистон Республикаси иш тирок этган шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар ватанимиз ҳамда чет эл фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши лозим. Норматив ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобат қила олиш имконини таъминлаш учун асосли ҳолларда стандартларда истиқболга мўлжалланган, анъанавий технологияларнинг имкониятларидан илдамлашган дастлабки талаблар белгилаб қўйилади.

Маҳсулотнинг атроф-муҳит, аҳолининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавфсизлигини таъминлаш учун, техникавий ва ахборот жиҳатдан маҳсулотнинг бир-бирига мос келиши ва ўзаро алмашинувчанлигини, уларни назорат қилиш усуллари бирлиги ва тамғалаш бирлигини таъминлаш учун стандартларда белгиланадиган талаблар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа талаблар давлат бошқарув органлари, ҳўжалик фаолияти субъектлари риоя этиш учун мажбурийдир. Стандартларда маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш шартномасига киритилган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзга талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Импорт маҳсулот, башарти у Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларнинг мажбурий талаблар қисмига мувофиқлиги тасдиқланмаган бўлса, етказиб берилиши ва белгиланган мақсадда ишлатилиши мумкин эмас.

Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

халқ хўжалиги тармоқларида - Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси,

табiiй ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида - Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси);

тиббий мақсадлардаги маҳсулотлар, тиббий техника ашёлари, дори-дармонлар соҳасида ҳамда республика саноати ишлаб чиқараётган, шунингдек импорт бўйича республикага етказиб берилаётган маҳсулотларда инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалга оширади.

Метрология- бу ўлчовлар, уларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб қилинадиган аниқликка эришни йўллари ҳақидаги фандир. Давлат органлари ва юридик шахсларнинг метрология хизматлари тармоғи ҳамда уларнинг ўлчовлар ягона бирликда бўлишини таъминлашга қаратилган фаолияти давлат метрологик хизмати деб аталади. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати давлат метрология хизматидан ва юридик шахсларнинг метрология хизматларидан таркиб топади. Давлат метрология хизматиغا Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги метрология хизмати органлари қиради. Юридик шахсларнинг метрология хизматлари зарурат бўлган ҳолларда ўлчовларнинг ягона бирлигини таъминлаш бўйича ишларни бажариш ва метрология назоратини амалга ошириш учун тузилади.

Ўзбекистон Республикаси **сертификатлаштириш миллий тизими** – давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизимдир. Маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият маҳсулотларни сертификатлаштириш деб юритилади.

Сертификатлаштириш: одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавfli бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш; маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш; мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш; истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш; маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади. Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, маҳсулот хусусияти норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, назорат йўсинидаги текширувни ва сертификатланган маҳсулот устидан назоратни ўз ичига олади. Синовлар аккредитация қилинган синов лабораториялари (марказлари) томонидан тегишли норматив ҳужжатларда белгиланган усулларда, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса тегишли сертификатлаштириш органлари ишлаб чиққан усулларда амалга оширилади. Мажбурий сертификатлаштириш ишлари учун аризачи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ҳақ тўлайди. Аризачи ўз маҳсулотини мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказишга сарфлаган маблағлар суммаси шу маҳсулот таннархига қўшилади. Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни тарғиб қилиш ман этилади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар қуйидаги ҳолларда:

сертификатлаштиришга тақдим этилмаган бўлса;

сертификатлаштириш талабларига мувофиқ эмаслиги сабабли сертификатлаштиришдан ўтмаган бўлса;

агар сертификатнинг амал қилиш мuddати тугаган ёки унинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган (бекор қилинган) бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши мумкин эмас.

Қонунга хилоф тарзда мувофиқлик белгиси босилган маҳсулотларни реализация қилиш ман этилади.

Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини бошқариш – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизими тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига⁶⁰ кўра стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлиги таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (“Ўздавстандарт”) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига айлантирилди.

Фаолият тўғрисидаги низомга кўра Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун махсус ваколат берилган Ўзбекистон Республикасининг давлат

⁶⁰ “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” 2002 й. 19-сон

бошқарув органи ҳисобланади. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.⁶¹

«Ўзстандарт» агентлиги тизимига қуйидагилар киради:

ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари;

Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда унинг ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари:

Метрология хизматлари кўрсатиш маркази;

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти;

Миллий эталонлар маркази;

Штрихли кодлаштириш маркази;

Ахборот-маълумотлар маркази.

Ҳудудий бошқармалар икки томонлама бўйсундилар ҳамда Агентликка ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи ҳисоб берадилар.

Қуйидагилар «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш, ўлчовлар ягоналиги, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.

«Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги Ўзбекис-

⁶¹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 31-сон, 357-модда.

тон Республикасининг қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида:

давлат, тармоқ, маъмурий-ҳудудий стандартларни ва уларга ўзгартиришларни, корхоналарнинг маҳсулотларга техник шартларини, стандартларини ва уларга ўзгартиришларни, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича амал қилинадиган ҳужжатларни, шунингдек норма ва қоидаларни давлат рўйхатидан ўтказди;

бир турдаги маҳсулотлар учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашади, уларга илмий-методик раҳбарликни таъминлайди;

сертификатлаштириш ва юклаш-туширишдан олдин инспекция ўтказиш соҳасидаги юридик шахсларни белгиланган тартибда аккредитация қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг синов, ўлчов, таҳлилий, калибрлаш ва текшириш лабораторияларини аттестациядан ўтказди ва аккредитация қилади;

Ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатта бериш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда лицензиялайди, лицензия атлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назорат қилади, шунингдек лицензиялар реестрини юритади;

халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

б) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида:

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий жорий этиш масалалари бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг миллий эталон базасини шакллантиради ва ривожлантиради, миллий эталонларни халқаро эталонлар билан солиштиради;

в) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек

уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, чет мамлакатларнинг сертификатлаштириш бўйича ишлари натижаларини эътироф этиш ишларини ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва рўйхатдан ўтказиши;

штрихли кодлаштиришни жорий этиш сиёсатини амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг Давлат реестрини юритади;

манфаатдор шахсларни маҳсулотларни, синов ва ўлчов усулларини стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар билан таъминлайди, шунингдек мазкур соҳалардаги ютуқларнинг илмий-техник тарғиботини амалга оширади;

ўзига берилган ваколатлар доирасида халқаро, давлатлараро ва миллий норматив ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратади;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва ўлчовлар ягоналигини таъминлаш ишларини амалга оширишнинг умумий қоидаларини белгилайди;

мажбурий тартибда сертификатланган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

эталонларни сақлайди, қўллайди ҳамда ўлчамлар миқдорларини беради;

сертификатланган маҳсулотлар, сифат тизимлари, ўлчов воситаларининг ва ўлчовларни амалга ошириш методикасининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов (ўлчов) лабораторияларининг, сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг давлат реестрларини юритади;

г) кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш борасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги илмий ва муҳандис-техник кадрларни ўқитишни амалга оширади;

д) маҳсулотлар, ишлар, хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида:

ўз ваколатлари доирасида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича мажбурий талабларни белгилайди ҳамда ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилади;

стандартларга риюя қилиш, **ўлчовлар** ва сертификатлаш қоидаларининг ягоналигини таъминлаш **масалалари** буйича назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

норматив ҳужжатлар талабларига риюя этилишини, ўлчовларнинг ягоналиги ва ишончилиги, **мажбурий сертификатлаштириш** қоидалари таъминланишини ташкил этади ва **бу борада** давлат назоратини амалга оширади;

давлат метрология назоратини **амалга оширади**.

«Ўзстандарт» агентлигини **мақомига кўра** вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштириладиган **Бош директор** бошқаради. Бош директор ўринбосарлари мақомига кўра **вазир ўринбосарларига** тенглаштирилади. «Ўзстандарт» агентлигининг **Бош директори** ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар **Маҳкамаси** томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Бош директор ва Бош директор **ўринбосарлари** айна бир вақтда лавозимига кўра тегишли равишда **Стандартлар** ва ўлчовларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш **буйича** Ўзбекистон Республикаси давлат бош инспектори ва давлат **бош инспекторининг** ўринбосарлари ҳисобланади.

«Ўзстандарт» агентлигида **таркибида** **Бош директор**, Бош директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва «Ўзстандарт» агентлигининг бошқа ходимлари бўладиган 7 кишидан **иборат** ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Бош директор **тақдимномасига** кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан **тасдиқланади**.

Ҳайъат «Ўзстандарт» агентлиги **фаолиятининг** асосий масалаларини кўриб чиқади, «Ўзстандарт» агентлиги таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, идоравий мансуб бошқа органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, «Ўзстандарт» агентлигининг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини **муҳожама** қилади.

Ҳайъат қарорлари Бош директорнинг **буйруқлари** билан амалга оширилади. Бош директор билан ҳайъат **ўртасида** келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Бош директор **ўз қарорини** амалга оширади. Бош директор келиб чиққан келишмовчиликлар **тўғрисида** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

Стандартлар устидан давлат назорати- Хўжалик фаолияти субъектлари стандартларнинг **мажбурий** талабларига, стандартлаштиришга тааллуқли бошқа қонун **ҳужжатларига** риюя этиши устидан давлат назоратини «Ўздавстандарт» **агентлиги**», «Давархитектқурилиш» кўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек бошқа махсус вакил қилинган давлат бошқарув органлари **ўз** ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Идоравий бўйсунуви ва мулк **шаклидан** қатъи назар хўжалик фаолияти субъектларининг, шунингдек **тадбиркорлик** фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг **маҳсулот**и, шу жумладан сер-

тификатлаштирилган маҳсулот (ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида) давлат назорати объекти ҳисобланади.

Хўжалик фаолияти субъектлари давлат назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитни яратишлари шарт. Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини:

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари;

стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат инспекторлари давлат бошқарув органларининг вакиллари ҳисобланадилар.

Давлат инспектори:

хўжалик фаолияти субъектининг хизмат ва ишлаб чиқариш биноларига монеликсиз кириш; хўжалик фаолияти субъектидан давлат назоратини ўтказиш учун керакли ҳужжатлар ва маълумотларни олиш; давлат назоратини ўтказишда хўжалик фаолияти субъектининг техника воситаларидан фойдаланиш ва мутахассисларни жалб этиш; стандартлаштириш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқлигини текшириш учун маҳсулотларнинг намуналари ҳамда нусхаларини танлаб олишни ўтказиш, бунда ишлатиб юборилган нусхаларнинг қиймати ва синовларни (тахлилларни, ўлчовларни) ўтказиш харажатлари текширилаётган хўжалик фаолияти субъектларининг ишлаб чиқариш чиқимларига киритилади; маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, реализация қилиш (етказиб бериш, сотиш), ундан фойдаланиш (уни ишлатиш), маҳсулотни сақлаш, ташиш ва чиқиндини фойдали суратда ишлатиш босқичларида, стандартлар мажбурий талабларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш; хўжалик фаолияти субъекти текширувдан бўйин товлаган тақдирда маҳсулотни реализация қилишни ман этиш ҳуқуқига эга.

Стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори, стандартларни текшириш ва назорат қилиш ҳамда ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат инспекторлари бундан ташқари: стандартларнинг мажбурий талаблари бузилганлиги учун хўжалик фаолияти субъектларига нисбатан жарималар қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш; стандартлар бузилишида

айбдор бўлган хўжалик фаолияти субъектларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш; текширилган маҳсулотни у стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тақиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш; текширилган маҳсулот стандартларнинг мажбурий талабларига номувофиқ бўлган ҳолларда уни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни), ундан фойдаланишни (уни ишлатишни) тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ҳукуқиға эгадирлар.

Давлат инспекторларининг маҳсулотни реализация қилишни (етказиб беришни, сотишни) ман этиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги қурлат масини бузганлик учун хўжалик фаолияти субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима тўлайдилар. Хўжалик фаолияти субъектлари берилган кўрсатмалар ва қарорларни бажармаган тақдирларида давлат инспекторлари зарур материалларни прокуратура органларига ёки судга оширадилар. Давлат инспекторлари зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, давлат ёки тижорат сирини ошкор қилган тақдирларида қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат метрология текшируви ва назорати - давлат метрология текшируви ва назорати давлат метрология хизмати органлари томонидан метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида амалга оширилади. Қуйидагилар давлат метрология текшируви ва назоратининг объектлари ҳисобланади: эталонлар; ўлчов воситалари; моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналари; ахборот-ўлчов тизимлари; ўлчовларни бажариш услугиётлари; метрология нормалари ва қоидаларида назарда тутилган ўзга объектлар.

Давлат метрология текшируви ва назорати: соғлиқни сақлаш, ветеринария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; моддий бойликларни ва энергетика ресурсларини ҳисобга олиш; савдо-тижорат, божхона, почта ва солиқ операцияларини ўтказиш, телекоммуникация хизматларини кўрсатиш; заҳарли, енгил алангаланувчан, портловчи ва радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиб ташлаш; давлат мудофаасини таъминлаш; меҳнат хавфсизлигини ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; сертификатланадиган маҳсулотнинг хавфсизлиги ва сифатини аниқлаш; геодезик ва гидрометеорологик ишлар; ўлчов воситаларини давлат синовидан, текширувдан, калибрлашдан, таъмирлаш ва метрологик аттестациядан ўтказиш; фойдали қазилмаларни қазиб олиш; миллий ва халқаро спорт рекордларини рўйхатга олишга нисбатан татбиқ этилади. Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳужжатларига биноан давлат метрология текшируви ва назорати фаолиятнинг ўзга доираларига нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин. Давлат метрология текшируви қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Ўлчов воситаларининг турларини синаш ва тасдиқлаш; Ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини метрологик аттестация қилиш; (Ўлчов воситаларини, шу жумладан эталонларни текширувдан ўтказиш, калибрлаш; Ўлчов воситаларини ҳамда ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларини синаш, текширувдан ўтказиш, метрологик аттестация қилиш, ўлчов воситаларини ва метрология фаолиятнинг бошқа муайян турларини калибрлаш ҳуқуқига эга бўлиши учун метрология хизматлари, марказлари, лабораторияларини аккредитация қилиш; юридик ва жисмоний шахсларнинг ўлчов воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш, уларнинг ижараси билан шуғулланишга доир фаолияти лицензияланаётганда мазкур шахсларнинг белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этишларини баҳолаш ҳамда тасдиқлаш; ўлчовларнинг бажарилиш сифатини ва метрология фаолиятининг бошқа турларини баҳолаш. Давлат метрология назорати: Ўлчов воситаларини тайёрлаш, таъмирлаш, уларнинг ижараси билан шуғулланиш, уларни реализация қилиш, уларнинг ҳолати ва қўлланилиши (физик ўлчамлар бирликлари эталонларини, моддалар ва материаллар таркиби ҳамда хоссаларининг стандарт намуналарини, ўлчов тизимларини қўшган ҳолда); Ўлчовларнинг бажарилиш услубиётларининг қўлланилиши; белгиланган метрология нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда аккредитация қилинган метрология хизматлари, марказлари, лабораториялари фаолияти устидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда «Ўзстандарт» қарорига биноан метрология текшируви ва назоратнинг бошқа турлари ва шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

8. Гидрометеорология

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида»ги 183-сонли қарорига⁶² биноан гидрометеорология, табиий муҳитни ифлосланиш даражаси устидан кузатиш олиб бориш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази)* га айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет» маркази) Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус вакил қилинган давлат бошқаруви органи ҳисобланади. «Ўзгидромет» маркази ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

⁶² «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 15-сон, 179-модда.

«Ўзгидромет» маркази тизимига гидрометеорология бўйича ҳудудий бошқармалар, Гидрометеорология илмий-текшириш институти, Тошкент гидрометеорология коллежи, «Ўзгидрометприбор» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси киради. Гидрометеорология бўйича ҳудудий бошқармалар «Ўзгидромет» марказига ҳисобот беради.

Қуйидагилар «Ўзгидромет» марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

гидрометеорология кузатишлари давлат тизимини, республика иқтисодиёти тармоқлари, аҳолиси ва қуrolли кучларини гидрометеорологик таъминлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш; республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, корхоналар, муассасалар ва фуқароларни амалдаги ва кутилаётган гидрометеорология шарт-шароитлари ва иқлимнинг ўзгариши, табиий муҳитнинг ифлосланиши даражаси тўғрисидаги ахборот, хавфли ва стихияли гидрометеорология ҳодисалари пайдо бўлиши тўғрисидаги тезкор маълумотлар билан таъминлаш; маълумотларнинг давлат гидрометеорология фондини ва табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш; «Юза сувлар» бўлими бўйича сувларнинг давлат ҳисобини белгиланган тартибда юритиш, давлат сув кадастрини ташкил этиш ва юритиш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш, йўналтириш ва бирлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳолати, стихияли гидрометеорология ҳодисалари пайдо бўлиши ва ривожланиши, атмосфера ҳавоси, тупроқ ва юза сувлар ифлосланиши ус-тидан мунтазам кузатувларни ташкил этиш ва олиб бориш; гидрометеорология тавсифлари учун кузатишлар олиб бориш, об-ҳавони, дарёларнинг сувлигини, иқлимнинг ўзгаришини қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлаштиришни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

«Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

гидрометеорология соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш; гидрометеорология ахборотини тўплаш, уни таҳлил этиш ва умумлаштириш; ердаги ва аэрологик гидрометеорологик кузатишлар тармоқларини, шу жумладан масофадан туриб зондлаш учун техник жиҳозлашни ривожлантириш, уларни ишлатиш ва уларни ишчи ҳолатда сақлаш; кузатишлар маълумотларини тўплаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ҳамда тезкор гидрометеорология, иқлим хизматлари ва атроф муҳитга тегишли бўлган хизматлар кўрсатиш мақсадида уларни қайта ишлаш; гидрометеорологик прогнозлаштириш моделлари ва тизимларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш; гидрометеорологик ва иқлим маълумотлари миллий базасини ташкил этиш; миллий ва халқаро даражаларда илмий тадқиқотлар ва ишланмалар олиб бориш, гидрометеорология фанини замонавий технологиялар негизида ривожлантириш; аҳоли учун гидрометеорология

ахбороти, прогнозлар ва огоҳлантиришлар шаклида хизматларнинг ҳар хил турларини кўрсатиш; қишлоқ хўжалиги, авиация, миллий мудофаа ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ижтимоий тезкор гидрометеорология хизмати кўрсатиш; атмосферанинг ифлосланиши, юза (табиий сув оқимлари), тупроқ ифлосланиши мониторинги ва фон мониторингини (маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил этиш ва ахборот тэйёрлаш), атмосфера ифлосланиши даражаси прогнозини юритиш; иқлим ўзгариши мониторингини таъминлаш ва унинг тахминий прогнозларини тақдим этиш, шунингдек унинг иқлимнинг ўзгаришига таъсири чоралари ва вариантларини баҳолашга ҳисса қўшиш; метеорология, гидрометеорология ва агрометеорология приборлари ва қурилмаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш ва аттестациядан ўтказиш; тегишли халқаро мажбуриятларни, шу жумладан Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти Конвенцияси, БМТнинг иқлимнинг ўзгариши бўйича конвенцияси, БМТнинг чўлга айланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш конвенцияси, ЮНЕСКОнинг халқаро гидрология дастури доирасида мажбуриятларни бажариш, дастурлар ва халқаро фаолиятда иштирок этиш воситасида миллий манфаатларга кўмаклашиш; Бутунжаҳон Метеорология Ташкилотининг Жаҳон об-ҳаво хизмати тизимида минтақавий метеорология маркази функцияларини бажариш.

«Ўзгидромет» маркази ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳудудий бошқармалар ва ўзига идоровий мансуб ташкилотлар орқали ҳал этади.

«Ўзгидромет» марказига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Бош директор бошчилик қилади. Бош директор уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади. «Ўзгидромет» маркази Бош директорнинг ўринбосарлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар. Бош директор мақомига кўра вазирга, Бош директорнинг биринчи ўринбосари - вазирнинг биринчи ўринбосарига, Бош директорнинг ўринбосарлари - вазирнинг ўринбосарларига тенглаштирилади.

Бош директор:

«Ўзгидромет» маркази фаолиятига яқкабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади; «Ўзгидромет» маркази ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва «Ўзгидромет» марказига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради; ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, «Ўзгидромет» маркази тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, «Ўзгидромет» маркази фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини ҳамда ўзига қарашли бўлинмалар ва ташкилотлар ишини белгилайди; «Ўзгидромет» маркази тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради; «Ўзгидромет» марказининг тузилмасига ходимларнинг

белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, «Ўзгидромет» маркази марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек «Ўзгидромет» маркази марказий аппарати, марказга қарашли бўлинмалар ва ташкилотларнинг харажатлари сметасини тасдиқлайди; «Ўзгидромет» марказининг таркибий ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни, «Ўзгидромет» маркази тизимига кирадиган ўзига қарашли ташкилотларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди; «Ўзгидромет» маркази марказий аппарати ходимларини, «Ўзгидромет» маркази тизимига кирадиган таркибий ва ҳудудий бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади; Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

«Ўзгидромет» марказининг вилоят бўлинмалари раҳбарлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича «Ўзгидромет» марказининг Бош директори томонидан тайинланади.

9. Давлат заҳираларини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармонида мувофиқ республиканинг сафарбарлик тайёргарлигини янада такомиллаштириш, стратегик ва сафарбарлик аҳамиятига эга бўлган заҳиралар шаклланиши жараёнларининг давлат бошқарувини мақбуллаштириш юзасидан ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий заҳиралари бош бошқармаси *Ўзбекистон Республикаси Давлат заҳираларини бошқариш қўмитаси («Ўздавзаҳира» қўмитаси)* этиб қайта ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат заҳираларини бошқариш қўмитаси давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларини шакллантириш, сақлаш ва заҳираларга хизмат кўрсатишни бошқариш ва назорат қилишни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус вакил қилинган Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Қўмита тизимига унга қарашли қўмидаги ташкилотлар киради: «Магнит» комбинати (Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри), «Марказий» комбинати (Тошкент шаҳри), «Илғор» комбинати (Самарқанд вилояти, Жума шаҳри), «Озодлик» комбинати («Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри), «Ўзмахсустаъминот» агентлиги (Тошкент шаҳри).

Қўмита ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шакллари ва идоравий мансублигидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Қўмита ва унга қарашли давлат стратегик заҳирасининг моддий бойликларини сақлаш

ташкilotлари сафарбарлик органларига тегишлидир ҳамда хавфсизлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминланадиган, муҳимлигига кўра тоифалаштирилган объектлар рўйхатига киради.

Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда давлат стратегик заҳирасида моддий бойликлар тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилишининг йиллик ҳажмларини аниқлаш; давлат стратегик ва сафарбарлик заҳиралари шакллантирилишини, шу жумладан уларнинг тўпланиши, сақланиши ва янгиланишини таъминлаш; вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкilotлар томонидан давлат стратегик ва сафарбарлик заҳиралари шакллантирилиши (тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилиши), шунингдек қарз олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши бўйича топшириқлар бажарилишини доимий назорат қилиш; давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларидан белгиланган тартибда тезкор фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш.

Қўмита ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат стратегик заҳирасида моддий бойликлар ҳаракатининг (тўплаш, янгилаш, алмаштириш, чиқариш) йиллик ҳажмларини шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритади; давлат стратегик заҳираси товарлари ва маҳсулотлари тўпланиши, жойлаштирилиши, сақланиши ва чиқарилишини белгиланган тартибда таъминлайди; вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкilotлар томонидан давлат стратегик ва сафарбарлик заҳиралари шакллантирилиши (тўпланиши, янгиланиши, алмаштирилиши, чиқарилиши), шунингдек қарз олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифатли ва миқдорий сақланиши ва ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши бўйича топшириқлар бажарилишини назорат қилади; давлат стратегик ва сафарбарлик заҳиралари моддий бойликлари билан ишлашда қонун бузилишлари аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни қўллади; республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкilotларнинг давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларини шакллантириш бўйича харажатлари молиялаштирилишини, шунингдек Қўмита таркибий бўлинмалари фаолияти молиялаштирилишини белгиланган тартибда амалга оширади; Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларидаги моддий бойликлар тўғрисидаги йиғма ҳисоботларни, уларни тўплашга доир топшириқлар бажарилиши ҳамда давлат стратегик ва сафарбарлик заҳирасига қайтарилиши тўғрисидаги маълумотлар-

ни тақдим этади; Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра давлат заҳиралари масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни белгиланган тартибда амалга оширади. Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳамда ўзига қарашли ташкилотлар орқали ҳал этади.

Қўмитага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади. Қўмита раисининг бир нафар ўринбосари бўлади. Қўмита раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва маиший хизмат курсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари эса - вазир ўринбосарига тенглаштирилади. Қўмита раиси:

Қўмита фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради; ходимларнинг белгиланган сони доирасида Қўмита тузилмасига ўзгартиришлар киритади, унинг марказий аппарати штат жадвалини, шунингдек Қўмита марказий аппарати ва унга қарашли ташкилотларнинг харажатлари сметасини тасдиқлайди; Қўмитага қарашли ташкилотларнинг тузилмасини ва улар тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди; Қўмита марказий аппарати ходимларини, Қўмита тизимига кирадиган унга қарашли ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади. Қўмита қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қўмитада Қўмита раиси (ҳайъат раиси) ва унинг ўринбосаридан ҳамда Қўмита тизимининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда етти кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Қўмита раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қўмита ҳайъати Қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Қўмитага қарашли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботини эшитади, Қўмитанинг энг муҳим қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари Қўмита қарорлари билан амалга оширилади.

10. Давлат ер ости бойликлари фондини бошқариш

Ўзбекистон Республикасида давлат ер ости бойликлари фондини бошқариш ва кон муносабатлари соҳасида махсус вакил қилинган давлат органи бўлиб *Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси* ҳисобланади.

Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятини тўлиқ ҳўжалик ҳисобкитоби шарт-шароитларида амалга оширади, республика ҳудуди геологик жиҳатдан ўрганилиши ва минерал ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган масалалар ўз ваколати доирасида ҳал этилишини таъминлайди, чет элларда ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди.

Қуйидагилар Давлат геология қўмитасининг *асосий вазифалари* ҳисобланади:

ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни давлат йўли билан бошқариш; ер ости бойликлари тўғрисида геологик ва бошқа ахборотларни олиш учун фойдали қазилмалар ресурсларини прогнозлаштириш ва баҳолаш, аэрокосмик ўрганиш ҳам шу жумлага киради, улардан тежаб ва оқилона фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш учун, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости бойликларидан фойдаланиш имкониятларини асослаш учун бошқа ахборотларни олиш мақсадида ер ости қаърини геологик ўрганиш; тош геология материаллари давлат фондини, илмий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга эга бўлган алоҳида қўриқланадиган геология объектларини бошқариш; ер ости бойликлари тўғрисидаги геологик ахборот давлат фондини юритиш, ер ости бойликларини, шунингдек, бошқа мақсадлар учун фойдаланишга бериладиган ер ости участкаларини геологик ўрганиш бўйича ишларни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш; ер ости бойликлари геологик ўрганилиши ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланилиши устидан давлат назоратини (ўз ваколати доирасида) ўрнатиш.

Давлат геология кўмитаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

Ўзбекистон ҳудудининг геологик жиҳатдан ўрганилганлигини, халқ хўжалигининг минерал хом ашё захиралари билан таъминланганлигини таҳлил қилади ва шунинг асосида вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш, тақрор ишлаб чиқариш суръатлари, янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, оқилона ва комплекс фойдаланиш стратегияси ва ушбу мақсадлар учун зарур бўлган давлат маблағлари ва бошқа инвестициялар ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

республика минерал хом ашё базасини ривожлантириш дастурини вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар иштирокида ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

республикани ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш дастурини, ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва муҳофаза қилиш давлатлараро ва халқаро дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларнинг илмий асосланишини амалга оширади;

давлат буюртмаларини жойлаштиради, Давлат геология кўмитаси корхоналари ва ташкилотлари томонидан бажариладиган геология-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлайди, қайси идорага бўйсунуши ва мулкчилик шаклларидан қатъи на-

зар, корхоналар ва ташкилотларнинг геология-қидирув ишларига ажратиладиган давлат маблағларидан **оқилона** фойдаланилишини назорат қилади;

шартнома асосида геология-қидирув ишлари олиб борилишини, минерал хом ашёсининг асосий турлари захиралари ўсиши бўйича давлат буюртмалари ва республика минерал-хом ашё базасини шакллантириш, мустақамлаш ва кенгайтириш бўйича геология топшириқлари бажарилишини таъминлайди;

республика ҳудудининг геологик ўрганилиши соҳасидаги илмий-тадқиқот, мавзулар бўйича, тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқа ишларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон ҳудудини геоэкологик тадқиқ этиш дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида қатнашади;

ер ости бойликларини геологик ўрганишни ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи тармоқлараро ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

қўшни давлатларнинг геологик хизматлари билан биргаликда радиоактив ва захарли элементлар билан ифлосланган ўчоқларни аниқлаш ва ўрганиш ишларини амалга оширади, қўшни ҳудудларнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган алоҳида хавфли зоналар ва участкалар акс эттирилган геологик хариталар ва атласлар тузади ҳамда уларни манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларга тақдим этади;

ер ости бойликлари, тош геологик материаллар (жинслар, рудалар, жилоланувчи тош хом ашё, нодир минералогик ҳосилалар, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари), конларнинг давлат кадастри, фойдали қазилмалар, техноген ҳосилалар (минерал-хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндилар) ва минерал хом ашёнинг барча турлари, углеводород хом ашёси ҳам шу жумлага киради, бўйича фойдали қазилмалар захираларининг давлат баланси тўғрисидаги геологик ахборотнинг давлат фонди юритилишини амалга оширади;

ер ости бойликларини, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш, техноген ҳосилалардан фойдаланиш, жилоланувчи тош хом ашё, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун берилган участкаларни геологик ўрганиш бўйича ишларнинг давлат ҳисобини ва давлат рўйхатидан ўтказилишини юритади;

илмий, маданий, эстетик ва бошқа аҳамиятга эга бўлган алоҳида қўриқланадиган геологик объектлар (илмий ва ўқув полигонлари, геология қўриқхоналари, заказниклар, нодир геологик тоғ жинслари, ғорлар ва бошқалар) ҳудудларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилишини

мувофиқлаштиради, янги геология қўриқ-хоналари, заказниклар ташкил этиш тўғрисида хулосалар беради ва таклифлар киритади;

хавфли геологик жараёнлар (кўчкилар, силжишлар, чўкишлар, суффозилар, карстлар) ҳосил бўлиши ва ривожланиши устидан кузатиш ишларини олиб боради;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда сув манбалари (ер ости сувларидан фойдаланиш ва ҳудудларни техноген ва хавфли геологик жараёнларнинг таъсиридан муҳофаза қилиш схемаларини ишлаб чиқади;

фойдали қазилма конларини илмий прогнозлаштириш, излаш ва қидириш методикасини такомиллаштириш, геология-қидирув ишлаб чиқариши техникаси ва технологиясини мукаммаллаштириш масалаларида ягона илмий-техник сиёсатни мувофиқлаштиради ва олиб боради;

саноат ва фуқаро қурилишини истиқболли жойлаштириш учун муҳандислик-геологик ва геозкологик асосни тайёрлайди;

турли хилдаги фойдали қазилмаларни йўл-йўлакай казиб чиқаришни амалга оширади ва уларни шартнома асосида кон қазииш корхоналарига қайта ишлаш учун беради, статистика органларига белгиланган тартибда тегишли ҳисоботлар тақдим этади;

ўз ваколати доирасида минерал хом ашёга ва ер қаъридаги қидирилган фойдали қазилмаларга кондицияларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар заҳиралари давлат комиссияси (Ўзбекистон Республикаси ДЗК) экспертларининг шахсий таркиби бўйича таклифлар киритади, Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги фойдали қазилмалар заҳиралари марказий комиссияси (МЗК)нинг шахсий таркибини келишиб олади, Ўзбекистон Республикаси ДЗК ишида қатнашиш учун ўз мутахассисларини юборади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш соҳасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш стратегияси тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар билан биргаликда, шу жумладан, хорижий фирмалар ҳам иштирок этгани ҳолда, ер қаъридан фойдаланишга лицензиялар олиш учун даъвогарларни танлаш мақсадида кўриқлар (тендерлар) ўтказишга материаллар тайёрлашни амалга оширади;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини олиб боради, чет эл инвесторлари билан музокараларда иштирок этади ҳамда уларга ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

халқаро ҳамкорликни амалга оширади, симпозиумлар, кўргазмалар ўтказади, белгиланган тартибда халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг геология хизматлари билан Давлат геология қўмитаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан алоқада бўлади;

хавфли геология жараёнлари юзага келиши мумкин бўлган зоналарда халқ хўжалиги ва фуқаро объектларини қуриш учун ҳудудларни танлаш юзасидан ва қурилиш қилиниши учун сўралаётган майдонларда руда йўқлиги тўғрисида хулосалар беришни таъминлайди;

фойдали қазилма заҳираларининг ҳолати ва улардан фойдаланишнинг минтақавий ва локал ахборот тизимларининг фаолият кўрсатишини ва уларни ривожлантиришни таъминлайди, давлат геология, геозкология хариталари ва атласларини, ахборот бюллетенларини (шу жумладан ер ости сувларининг ҳолати тўғрисида), тўпламларни, каталогларни, услубий материалларни нашр этади;

саноат аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинчалик геология-қидирув ишларида ёки конларни қазиб чиқиш чоғида тасдиқланмаган фойдали қазилма заҳираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тўғрисида хулосалар беради;

шартнома асосида ўзига қарашли, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва ташкилотлар томонидан ер қаърини геологик ўрганиш, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда бошқа фаолият бўйича ўз таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ишларини олиб боради, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ қўшма корхоналарнинг муассислари сифатида иштирок этиши мумкин;

шартнома асосида ва бошқа асосда ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда ер қаърини геологик ўрганишга оид ишларни амалга оширади ҳамда геология-қидирув ишларини, фойдали қазилмалар қазиб олиш ва бошқа фаолиятни, шу жумладан, чет мамлакатларда ҳам амалга ошириш бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этади;

ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда моддий-техник ресурсларнинг илмий асосланган меъёрий харажатларини шакллантиришни, давлат буюртмаларига ажратиладиган марказлаштирилган ресурсларга лимитларни тақсимлашни амалга оширади, моддий-техник таъминот масалаларини мувофиқлаштиради, улгуржи савдони ривожлантиришга ҳамда етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга, моддий ресурсларни сотишга, шартномаларнинг ўз вақтида тузилишига, иккиламчи ва маҳаллий ресурслардан оқилona фойдаланишга кўмаклашади;

қурилаётган ва реконструкция қилинаётган йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларининг табиий муҳитга таъсирини баҳолаш ишларида иштирок этади;

ер ости сувлари ҳолатини кузатишнинг минтақавий тармоғининг фаолият кўрсатишини ташкил этади ва таъминлайди;

тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда ер қаъри мониторингини амалга оширади, геология муҳити объектларини муҳофаза қилиш, шу жумладан ер ости сувларининг ифлосланиши ва камайишини муҳофаза қилиш устидан идоравий назоратни таъминлайди;

республика ҳудудининг шўрланишига ҳамда саҳрога айланишига таъсир этувчи минтақавий экзоген геология жараёнларини ўрганишни амалга оширади;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда иморат қуриш мумкинлиги ҳамда улар жойлашган жойларда фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини жойлаштириш, шунингдек, фойдали қазилма конларига яқин майдонларда иморат қуриш мумкинлиги тўғрисида хулосалар беради;

ер қаъри участкаларини ўрганишни таъминлайди ҳамда улардан фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва уларни ишлатиш учун фойдаланиш, заҳарли моддаларни, радиоактив чиқитларни ва ишлаб чиқариш чиқитларини кўмиш учун фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулосалар беради;

сув (ер ости сувларидан махсус фойдаланишга рухсатномаларни келишиб олади);

Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўyxатини белгилайди ва уни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда геология-разведка ишлари (минерал хом ашё негизини яратишга харажатларни қоплаш ставкалари миқдорларини, геология-қидирув ишларини молиявий таъминлаш ва уни кредитлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади);

ер қаъри участкалари, ер ва сув ресурслари қийматини баҳолаш методикаси бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг қийматини белгилашда иштирок этади;

ер қаърини геологик ўрганишга оид ишларни лойиҳалаштириш, смета баҳоларини шакллантириш ва амалга ошириш соҳасидаги Ўзбекистон ҳудудида геологик ўрганиш ишларини амалга оширувчи барча юридик ва жисмоний шахсларнинг бажариши учун мажбурий бўлган стандартлар, меъёрлар, қондалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ҳўжалик ҳисоб-китобини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, корхона ва ташкилотлар ишининг рентабеллигини ошириш, асосий ва айланма маблағлар ҳамда банк кредитларидан самарали фойдаланишга оид ишларни амалга оширади, ўзига қарашли корхоналарнинг молиявий фаолиятини яхшилашга кўмаклашади;

тармоқ корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда иштирок этади, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган янги тузилмаларнинг ташкил этилишида кўмаклашади;

экстремал шароитларда (сувсизлик, баланд тоғ, ер ости ва бошқалар) ишларни олиб боришга устама тўловларнинг миқдорларини белгилаш бўйича таклифларни асослайди ва ишлаб чиқади;

бухгалтерия ва статистика ҳисобини такомиллаштиради, назорат-тафтиш ишларини ташкил этади, ўзига бўйсунувчи ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини тасдиқлайди, Давлат геология қўмитасининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти тўғрисида бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тайёрлайди;

тармоқда ишларни олиб бориш учун экспертизани ташкил этади ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлайди;

ишларни олиб боришнинг хавфсизлиги бўйича тармоқ меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқади, ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларда меҳнат ҳақидаги қонунчилик, меҳнатни ва атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя қилиш, ходимларнинг ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан давлат мажбурий шахсий суғуртасидан ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади;

бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва методларини такомиллаштириш, тармоқ ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофазалашни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ишларни олиб боради, раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек, резервни шакллантириш, ўрта, алоҳида ҳолларда юқори бўгин геолог мутахассисларини ўқитишни амалга оширади.

Давлат геология қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Раис бошчилик қилади. Раис Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ўринбо-сарларга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади. Ўринбосарлар ўртасидаги вазифаларни Давлат геология қўмитаси Раиси тақсимлайди.

Давлат геология қўмитаси Раиси:

барча давлат органларида, ташкилотларида, корхоналарида, жумладан, хорижий ташкилотлар ва корхоналарда геология тармоғи манфатларини ифодалайди, шартномалар (контрактлар) тузади; Давлат геология қўмитасига юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, Раис ўринбосарларининг, бўлимлар бошлиқларининг ва таркибий бўлинмалар раҳбарларининг жавобгарлик даражаларини белгилайди; ўз ваколати доирасида буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, бажариш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради ҳамда уларнинг ижросини текширади; Давлат геология қўмитаси аппарати тузилмасини, штатлар жадвалини, ходимларга иш ҳақи тўлаш ва мукофотлаш ҳақидаги низомни, Давлат геология қўмитасига бевосита бўйсунувчи ташкилотларнинг уставлари (низомларини тасдиқлайди, ўзи-

га қарашли қорхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларини, шунингдек, Давлат геология қўмитаси ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан бўшатади; геология тармоғининг кўкракка тақиладиган белгилари ҳақидаги низомни, уларнинг тавсифини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, тармоқ ходимларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг бошқа фуқароларини геология тармоғининг кўкракка тақиладиган белгилари, фахрий ёрлиқлар билан мукофотлашга тақдим этиш тартибини тасдиқлайди; зарур ҳолларда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари билан бирга қўшма қарорлар чиқаради.

Давлат геология қўмитасида қўмита раиси (ҳайъат раиси), раиснинг ўринбосари (лавозимига кўра), Давлат геология қўмитаси марказий аппарати, шунингдек қўмитага қарашли қорхоналар ва ташкилотлар раҳбар ходимларидан иборат таркибда 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Давлат геология қўмитаси қорхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳисоботларини эшитади, Давлат геология қўмитасининг муҳим қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари Давлат геология қўмитасининг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади.

11. Ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳаси

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Геодезия ва картография тўғрисида» ги, «Давлат кадастрлари тўғрисида» ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ерлардан фойдаланиш- Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасига биноан ер умум миллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш

тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда

ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар-қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари-шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар-кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар-алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар-тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) ўрмон фонди ерлари-ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) сув фонди ерлари-сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) захира ерлар.

Ер кодексининг 4-7-моддаларида Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органларининг ер муносабатларини тартибга солиш бўйича ваколатлари берилган бўлиб, уларга кўра:

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ер кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа тадбирлар билан яхлит тарзда ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш;

ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш;

ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сўғориладиган ерлар, алоҳида муҳофаза этила-диган ҳудудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно;

дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколат-

хона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради.

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган суғориладиган ерлар, личанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш ҳақида бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда;

фуқароларга фермер хўжалиғи юритиш учун ерларни ижарага бериш;

фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасини ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ижарага ер бериш;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш.

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олиншини ташкил этиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш;

қишлоқ хўжалиғи ва ўрмон хўжалиғи корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради:

ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тadbирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, шаҳар чегараси доирасида эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек ерни олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари бундан мустасно;

ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш;

ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш;

ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олиншини ташкил этиш;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш;

ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Геодезия ва картография- Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди, табиий осмон жисмларини қўшган ҳолда космик фазо геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг объектлари ҳисобланади.

Ўз ваколатига мувофиқ геодезия ва картографияга оид фаолиятни тартибга солувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, геодезия ва картография ишларининг буюртмачилари ёки ижрочилари ёхуд геодезия ва картография материалларининг (маълумотларининг) эгалари ҳисобланувчи, шунингдек геодезия ва картография маҳсулотини сотувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар геодезия ва картографияга оид фаолиятнинг субъектлари жумласига киради. Геодезия ва картография ишлари давлат аҳамиятига молик ва маҳсус аҳамиятга молик геодезия ва картография ишларига бўлинади. Қуйидагилар давлат эҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари жумласига киради:

Ер шаклининг ва ташқи гравитация майдонининг параметрларини аниқлаш;

давлат топография хариталари ва режаларини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда яратиш, янгилаб туриш ва нашр қилиш;

давлат геодезия ва нивелир тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва иш ҳолатида сақлаб туриш;

Ерни масофадан туриб зондлаш ва геодинamik тадқиқ этиш;

Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фондини шакллантириш ва уни бошқариш;

географик ахборот тизимларини яратиш ва уни бошқариш;

умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар, ўқув картография қўлланмалари тузиш ва нашр қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари делимитация, демаркация қилинишини ва давлат чегараси чизигининг ўтиши текширилишини геодезия, топография, картография ва гидрография жиҳатидан таъминлаш;

геодезия, топография ва картография ишларини метрология жиҳатидан таъминлаш;

географик номларни стандартлаш, ҳисобга олиш ва уларнинг қўлланилишини тартибга солиш;

геодезия ва картография техникасини кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Куйидагилар махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари жумласига киради:

шаҳарлар, аҳоли пунктларининг, турли объектлар қурилиш участкаларининг бош режаларини, ер ости тармоқлари ва иншоотлари лойиҳа-ларини тузиш, бинолар ва иншоотларни қурилиш участкаларига боғлаш, шунингдек бошқа махсус ишларни бажариш учун мўлжалланган топогра-фик режаларни яратиш ва уларни янгилаб туриш;

махсус аҳамиятга молик географик ахборот тизимларини яратиш ва уларни бошқариш;

махсус аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар нашр қилиш;

муҳандислик қидирув ишлари, турли иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, ер участкаларининг чегараларини ажратиш, кадастрларни юритиш ва бошқа қидирув ишлари чоғида геодезия, топография ишлари, аэро сурати олиш ва бошқа махсус ишларни бажариш.

Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди таркибида давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари бўлади.

Давлат картография-геодезия фонди умумдавлат, тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган материаллардан (маълумотлардан) ташкил топади ҳамда геодезия ва картографияга оид фаолиятни бошқарувчи орган ихтиёрида бўлади. Идоравий картография-геодезия фондлари махсус (тармоққа оид) аҳамиятга эга бўлган материаллардан (маълумотлардан) ташкил топади ҳамда тегишли органлар ихтиёрида бўлади. Давлат ва

идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг таркибидаги материалларнинг (маълумотларнинг) рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган тартибда тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат картография-геодезия фондининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Архив фонди таркибига киритилган материаллари (маълумотлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланади. Давлат картография-геодезия фондининг материалларини (маълумотларини) учинчи шахсларга беришга ва улардан нусхалар олишга ихтиёрида ана шу материаллар (маълумотлар) бўлган органларнинг рухсатисиз йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари яратган геодезия ва картография материалларининг (маълумотларининг) бир нусхасини тегишли картография-геодезия фондларига бепул беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан материалларнинг (маълумотларнинг) тегишли картография-геодезия фондларига берилиши, ана шу материаллар ва маълумотларнинг сақланиши ва улардан фойдаланилиши устидан давлат геодезия назоратини, идоравий картография-геодезия фондларининг давлат реестрини юритишни геодезия ва картографияга оид фаолиятни бошқарувчи орган амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг материалларидан (маълумотларидан) фойдаланувчилар олинган материалларнинг (маълумотларнинг) асралишини таъминлашлари, уларни белгиланган муддатларда қайтаришлари ҳамда улардаги давлат сирини бўлган маълумотни ошкор этмасликлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси давлат картография-геодезия фондининг материалларидан (маълумотларидан) фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

Давлат кадастри- Давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, ҳужалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умум давлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими тарзида яратилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимига қуйидагилар қиради:

давлат ер кадастри;

фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;

давлат сув кадастри;

давлат ўрмон кадастри;

ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;
хайвонот дунёси давлат кадастри;
алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
давлат шаҳарсозлик кадастри;
гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;
автомобиль йўллари давлат кадастри;
темир йўллар давлат кадастри;
транспорт қувурлари давлат кадастри;
алоқа объектлари давлат кадастри;
энергетика объектлари давлат кадастри;
чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат
кадастри;
табиий хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
техноген хавфи юқори бўлган тегралар давлат кадастри;
картография-геодезия давлат кадастри;
ҳудудлар давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизимга қонун билан белгиланадиган бошқа давлат кадастрлари ҳам кириши мумкин.

Ер, фойдали қазилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар сувлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, табиий ва техноген хавфи юқори бўлган тегралар, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари, бинолар ва иншоотлар, геодезия пунктлари автомобиль йўллари ва темир йўллар, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари давлат кадастрларининг объектлари ҳисобланади.

Қонунда давлат кадастрларининг бошқа объектлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат кадастрларини юритишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

кадастр объектларининг ҳар бир тури бўйича Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш;
фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш;
кадастрга доир ахборотни шакллантириш услубиятининг ягоналиги;
кадастрга доир ахборотнинг аниқлиги;
кадастрга доир ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги.

Давлат кадастрларини юритиш тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат кадастрларини юритишга қуйидагилар киради:
кадастр объектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

кадастр объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;
кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;

Давлат кадастрлари ягона тизимига киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

фойдаланувчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш.

Кадастр объектларининг мулкдорлари ҳамда кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқларнинг эгалари тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисида, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар ҳақида ахборот тақдим этишлари шарт.

Соҳани бошқариш- 2004 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони⁶³ билан ердан фойдаланиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ердан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ер муносабатларини тартибга солиш, Давлат кадастрларини ягона тизимини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси («Ергеодезкадастр») ташкил қилинди ва қуйидагилар қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

тупроқ унумдорлигини амалга ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

геодезия ва картография соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш;

давлат геодезия назоратини ташкил қилиш;

жойлардаги давлат бошқаруви органлари ва давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

қўмита ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

⁶³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил 12-сон, 445-модда

поғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш.

қўмига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошчилик қилади. Раис айна бир вақтда ерлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори ҳисобланади. Раиснинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Раиснинг биринчи ўринбосари айна бир вақтда Геодезия ва картография бош бошқармасининг бошлиғи ҳисобланади. қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари бошлиқлари айна бир вақтда тегишли ҳудудларда ерлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилинишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари ҳисобландилар.

“Ергеъдезкадастр” давлат қўмитасида таркибига раис (ҳайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимига кўра), қўмитанинг бошқа раҳбар ходимлари, шунингдек давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбар ходимлари кирадиган, 9 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат қўмига фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий ва ҳудудий бўлинмалар, бошқа идорави мансуб органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, қўмитанинг энг муҳим қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари қўмига қарорлари билан амалга оширилади. Раис билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда қўмига раиси пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда ўз қарорини амалга оширади, ҳайъат аъзолари эса, ўз навбатида, ўз фикрини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

12. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1041-моддасига кўра муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда бошқача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинкаланган ёзув, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видео ёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Оғзаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асар, башарти у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдидан

сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклга эга деб ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган (ошкор қилинган, чоп этилган) асарларга нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ этилмайди. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар киради:

адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драматик ва сценарий асарлар;

матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;

мусиқали-драматик асарлар;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видео фильмлар, слайд фильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино, теле ҳамда видео асарлар) радио асарлар;

рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

манзарали-амалий ва сахна беазаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар, барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари ва б.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади.

Ушбу кодекснинг 1074-модасига кўра турдош ҳуқуқлар сахна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видеоёзувига (ижро ёзувига), эфир ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади. Ижро этиш ҳуқуқи ижрочиларга, артистларга, сахналаштирувчи-режиссёрларга, дирижёрларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишлидир. Бундай ижродан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий ворисларга ўтиши мумкин. Ижро ёзувига бўлган ҳуқуқ ана шундай ёзувни амалга оширган шахсга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир. Трансляция қилиш ҳуқуқи кўрсатув ва эшиттиришни яратган эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир.

Ижрони ёзиб олгач шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгисидан фойдаланишлари мумкин. аудио ёки видеоёзувнинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган

филофда акс эттириладиган бу белги куйидаги уч элементдан иборат бўлади:

айлана ичига олинган лотинча «P» ҳарфи;
алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);
ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

Ижрочи куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ижро вақтида, ижро ёзувининг нусхаларида, ижро трансляция қилинаётганда ёки такрорланаётганида унинг исми-шарифини кўрсатиш;
асарни бузиб ижро этишдан ҳимоя қилиш;
ижродан фойдаланишни амалга ошириш ёки фойдаланишга рухсат бериш.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқи куйидагиларга рухсат бериш ҳуқуқини қамраб олади:

ижрони эфир ва кабель орқали трансляция қилиш;
ижрони техника воситалари ёрдамида ёзиб олиш;
ёзиб олинган ижрони трансляция қилиш ва омма олдида такрорлаш;
ижро ёзувини кўпайтириш ва унинг нусхаларини тарқатиш.

Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш **Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги** томонидан амалга оширилади. Агентлик муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2004 йил 16 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агентлик фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори⁶⁴ билан агентлик зиммасига *куйидаги вазифалар* юклатилди:

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини тузилган шартномалар асосида амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек ушбу асарлар муаллифларини рўйхатдан ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобини юритиш;

муаллифларнинг, уларнинг ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шу жумладан чет элларда, белгиланган тартибда ифодалаш;

⁶⁴ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 275-модда.

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш учун махсус ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади. У ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Агентлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

муаллифлардан, уларнинг ҳуқуқий ворисларидан ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларидан олинган ваколатлар доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш юзасидан шартномалар тузади;

тузилган шартномалар асосида муаллифлик пулини тўплаш, тақсимлаш ва муаллифларга, уларнинг ҳуқуқий ворисларига ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларига тўлашни амалга оширади;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашади;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг қонуний манфаатларини, шу жумладан чет элларда, ифодалайди;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймаслик ва бузилган тақдирда уларни тиклаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради;

Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро битимлардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

фан, адабиёт ва санъат асарларини, шунингдек ушбу асарлар муаллифларини рўйхатдан ўтказиши, рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида белгиланган намунада гувоҳнома беради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобини юритади;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги хорижий қонун ҳужжатларини ҳамда уларни қўлланиш тажрибасини ўрганади;

муаллифларнинг, улар ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуқи ва

турдош ҳуқуқлар объектига мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи хорижий ташкилотлар билан ўз ваколатлари доирасида битимлар ва шартномалар тузади;

муаллифларнинг, улар ҳуқуқий ворисларининг ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектига мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятига кўмаклашади;

ҳалқаро ва бошқа ташкилотлар томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича ўтказиладиган илмий анжуманларда, симпозиумларда, конференцияларда, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашади;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича илмий конференциялар, семинарлар, курслар ва бошқа тадбирлар ташкил қилади.

Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа ваколатли давлат органлари билан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги бузилишларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

муаллифлар ҳамда бошқа муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга доир масалалар бўйича манфаатларини суд органларида ифодалаш;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар масалалари бўйича эксперт ҳулосалари бериш;

муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-методик ва ахборот материаллари ҳамда бошқа нашрларни чоп этиш ва тарқатиш;

муаллифлар, уларнинг ҳуқуқий ворислари, бошқа муаллифлик ҳуқуқлар ва турдош ҳуқуқлар эгалари ҳамда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчилар ўртасида шартномалар тузишда, тегишли ваколатларни беришда воситачилик қилиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Агентлик ўз ваколатлари доирасида, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир. Агентлик ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради. Агентликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошчилиқ қилади. Бош директорнинг бир нафар ўринбосари бўлади. Бош директор мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосари вазир ўринбосарига тенглаш-

тирилади. Агентлик бош директори: Агентлик фаолиятига яққабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради; Агентлик тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида штатлар жадвалини, шунингдек Агентлик харажатлари сметасини тасдиқлайди; Агентлик ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

13. Ўзбекистон Республикасида дин ишлари

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг виждон ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш ваколати берилган давлат бошқаруви органи- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳисобланади. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2004 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қўмита фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори⁶⁶ билан қўмита фаолияти тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу низомга кўра қуйидагилар қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ диний масалаларни ҳал қилишда ягона сиёсатни амалга ошириш;

давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини ақс эттириш.

Қўмита унга юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

диний ташкилотлар, шунингдек хорижий диний ташкилотлар билан ўзаро муносабатларга доир диний масалалар бўйича ишларни олиб боради;

диний ташкилотлар илтимосига кўра уларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқаларига кўмаклашади ва ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар бўйича зарур ёрдам кўрсатади;

диний ташкилотлар ва уларнинг аъзолари ўртасида ўзаро бир-бирини тушунишни ва сабр-тоқатлиликни мустаҳкамлаш сиёсатини ўтказиши, ушбу борада ташкилотчилик ишларини амалга оширади;

⁶⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 16-сон, 188-модда.

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг топшириғига кўра виждон эркинлигига ва диний ташкилотлар фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

диний таълим муассасалари фаолияти белгиланган тартибда лицензияланиши, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил қилади, лицензиялар реестрини юритади;

республика доирасида ва чет элларда диний ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатилишини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги муқаддас жойларга боришини, шу жумладан Ҳаж ва Умра зиёратини амалга оширишини, фуқароларни диний ўқув юртларида таълим олиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун чет элларга юборишни, хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилишни, халқаро анжуманлар ўтказилишини ташкил қилади;

диний ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасида диний адабиётлар нашр қилувчи нашриётлар тўғрисидаги ахборотларни йиғишни таъминлайди;

республикада чиқариладиган ёки чет эллардан келтириладиган диний тусдаги маҳсулотларни (матбуот ва электрон нашрларни, аудио, видео кассеталарни, CD, DVD ва бошқа дискларни) экспертизадан ўтказди ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштиради.

Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита ҳал қилади. Республикада жойлашган диний ташкилотлар билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик қилиш, турли диний конфессиялар фаолияти амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш, жамиятда динлараро ва миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминлаш юзасидан таклифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш, конфессиялараро мулоқот маданиятини ривожлантириш учун Қўмита ҳузурида Конфессиялар ишлари жамоатчилиги кенгаши ташкил этилади, унинг таркибига республикадаги кўп сонли диний конфессиялар етакчилари киради. Конфессиялар ишлари кенгаши фаолияти ташкил этилишини таъминлаш учун 3 кишидан иборат доимий ишловчи Кенгаш котибияти ташкил этилган.

Қўмита ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралардан, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг ҳамда динга тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси масалаларига доир маълумотлар ва материалларини сўраш ва олиш;

ўз воқолатлари доирасида диний ташкилотларнинг, шу жумладан диний ўқув юртларининг фаолиятини, уларнинг ўқув жараёни ва дастурларини, ўқув-тарбиявий ишларини, фанлар бўйича ўқув режаларини, диний мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш, уларга

ушбу фаолиятни амалга оширишда ташкилий, ҳуқуқий, методик ёрдам кўрсатиш;

диний ташкилотлар раҳбарларидан зарур ахборотларни белгиланган тартибда талаб қилиш, шунингдек улар томонидан ўтказиладиган уларнинг ўз фаолияти билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш.

Қўмита ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бажариши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ҳамда бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

Қўмита ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради. Қўмитага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошчилик қилади. Раиснинг бир нафар ўринбосари бўлади. Раис мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосари эса - тегишли равишда вазир ўринбосарига тенглаштирилади. Раис: Қўмита фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Қўмитага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради; ўз ўринбосари ваколатларини белгилайди, Қўмита тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилайди; Қўмита тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида штат жадвалини, шунингдек харажатлар сметасини тасдиқлайди; Қўмита ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади. Қўмитада 5 киши - Раис (Ҳайъат раиси), Раис ўринбосари (лавозимига кўра) ва Қўмитанинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда Ҳайъат ташкил этилади. Қўмита ҳайъати Қўмита фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳисоботларини эшитади, Қўмитанинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари Раиснинг буйруқлари билан ҳаётга татбиқ этилади.

14. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-23-моддаларига биноан Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш-

нинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини демократиялашни қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилди.

Ушбу фармонга биноан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳлил, маслаҳат, идораларо ва мувофиқлаштириш органи ҳисобланади.

Қуйидагилар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш:

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр, этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барпо этиш;

- давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрлаш:

- инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Миллий марказ ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бошчилик қилади. Миллий марказ директорининг ўринбосари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

18. Туризм соҳасини бошқариш

1. Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.
2. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
3. Туризм соҳасини ваолатли органлар томонидан бошқариш. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси.
4. Туристлик фаолиятни лицензиялаш.

1. Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасидаги муносабатлар туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Туризм тўғрисида” ги қонуни билан ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

“Туризм тўғрисида” ги қонунинг 3-моддасига кўра туризм - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) бўлиб, белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар туристик фаолият субъектлари бўлиб ҳисобланадилар.

Турист - Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ёки бошқа мамлакатга саёҳат қилувчи (доимий истиқомат жойидан туризм мақсадида жўнаб кетган) жисмоний шахсдир. Туристлик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартнома кўрсатиладиган хизматларнинг кўлами ва сифатини, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди.

2. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

“Туризм тўғрисида” ги қонунинг 4-моддасига биноан туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- туризм ва туристик индустрияни ривожлантириш;
- фуқароларнинг саёҳат қилиш пайтидаги дам олиш, эркин ҳаракатланиш ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;
- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш;
- болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламлари туризми (экскурсиялари) учун шароит яратиш;
- туристик индустрияни ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш;
- тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун туристик хизматлар бозорида тенг имкониятлар яратиш;
- туристларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади.

Туристик фаолият:

- туристик фаолият субъектларининг ўз маблағлари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг пул бадаллари;
- заём маблағлари (облигация заёмлари ва бошқа заёмлар, банк кредитлари ва бошқа кредитлар);
- чет эл инвестициялари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар. Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

Туристтик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф-хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг ободлигини таъминлашлари;

- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек белги-ланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;

- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;

- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;

- автомобиль, тоғ, чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, гор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

Туристтик саёҳатларни туристлар ҳаракатланишининг фаол шакаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишга ихтисослашган туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экстремал вазиятларда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатишни кўзлаб қидирув-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузадилар. Қидирув-қутқарув хизматлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

3. Туризм соҳасини ва олатли органлар томонидан бошқариш.

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси

Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида ўз ваколатларини амалга оширувчи органлар ҳисобланадилар.

Туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- туризмни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлайди;

- туристик фаолиятни лицензиялаш тартибини белгилайди;

- туристларнинг бориши тақиқланадиган объектлар ва ҳудудларни белгилайди;

- туристларнинг айрим тоифаларига имтиёзлар бериш тартибини белгилайди;

- ҳукуматлараро шартномалар тузади;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва

амалга оширадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасидаги ваколатли давлат бошқарув органи «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳисобланади. 2004 йил 28 июлда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори⁶⁶ га кўра қуйидагилар компаниянинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш, туристик хизматлар инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;

туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, туристларнинг муҳофаза қилинишини ва хавфсизликни таъминлаш дастурларини амалга ошириш, туристик фаолиятларларни тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш;

туристик хизматларни сертификатлаштириш;

туризм соҳасида реклама ахборот сиёсатини амалга ошириш;

туризмни ривожлантириш соҳасига хорижий кредитлар ва инвестицияларни жалб этиш, хорижий мамлакатлар, шунингдек хорижий компаниялар билан ҳамкорликнинг узоқ муддатли дастурларини ривожлантириш;

туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, туризм тармоқ фанини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Компания ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини ишлаб чиқади;

туризмни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

туристик фаолиятни лицензиялаш бўйича ишчи орган функциясини амалга оширади;

«Туризм тўғрисида»ги қонунга мувофиқ туристик хизматларни сертификатлашни амалга оширади;

туризм соҳасида статистик ҳисобот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташиқил қилади; таҳлилий ишларни амалга оширади ва республикада туризмни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ва прогнозларини белгилайди;

туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда мақсадли, тармоқ ва минтақавий дастурлар бажарилишини мувофиқлаштиришни ташқил қилади;

туристик хизматларнинг амалга оширилишини реклама-ахборот билан таъминлаш фаолиятини амалга оширади;

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 30 (114)-сон, 345-м.

хорижий давлатларнинг миллий туристик маъмуриятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Жаҳон туризм ташкилоти ҳамда туризм билан боғлиқ бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлайди, уларда республика манфаатларини ифодалайди;

туризм индустриясини ривожлантиришга инвестициялар жалб этилишларида қатнашади;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташқи бозорда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига риш этилишини таҳлил қилади ҳамда унинг асосида туризм соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро дастурларни амалга оширади.

Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита шунингдек минтақавий бўлимлар тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали бажаради.

Компания ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариши учун куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

тегишли вазирликлар ва идоралардан туризм фаолияти масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан белгиланган тартибда ахборотлар айирбошлашни амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, йиғилишлар, семинарлар, сипозиумлар ўтказиш, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан шу каби тадбирларда қатнашиш;

туризмни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, тижриба алмашиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан амалий алоқалар ўрнатиш;

халқаро нормалар асосида отеллар, мөҳмонхоналар, кемпинглар, шунингдек туристларга хизматлар кўрсатувчи бошқа объектлар классификациясини ишлаб чиқишда қатнашиш.

Компания ўзига юкланган вафаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради. Компанияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган раис бошқаради. Раиснинг икки нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Раис мақомига кўра вазирга, раис ўринбосарлари - вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

Компанияда таркибига Компания раиси (ҳайъат раиси), раис ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарлари кирадиган 7 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби раиснинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан тасдиқланади. Компания ҳайъати Компания фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, таркибий бўлинмалар, минтақавий бўлимлар ва тасарруфидаги бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, компаниянинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади. Ҳайъат қарорлари раиснинг буйруқлари билан амалга оширилади. Раис билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда раис ўз қарорини амалга оширади. Раис пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

4. Туристик фаолиятни лицензиялаш.

Туризм фаолиятини лицензиялаш 2003 йил 11 ноябрда қабул қилинган шу тўғрисидаги Низомга биноан амалга оширилади. Унга кўра туризм фаолиятига саёҳатлар, экскурсиялар ва улар билан боғлиқ хизматларни ташкил этишга доир фаолият (туристик агентликлар, туроператорлар, сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа яшаш жойлари, туризмга ихтисослашган бошқа ташкилотлар) тегишли бўлади.

Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан қабул қилинади. «Ўзбектуризм» миллий компанияси эса Комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

Фақат юридик шахслар лицензия талабгорлари бўлиши мумкин. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензия берилади. Туризм фаолиятини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

Қуйидагилар туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, туризм соҳасидаги халқаро стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мажбурий тарзда риоя қилиш;

юридик шахс штатида туризм соҳасида махсус маълумотга ёки туризм соҳасида камида 3 йиллик иш стажига эга бўлган камида бир нафар ходим бўлиши;

юридик шахснинг бевосита саёҳатлар, экскурсияларни ташкил этиш ва улар билан боғлиқ хизматлар билан хизматлар кўрсатувчи ходимларининг камида 3 йилда бир марта малака оширишлари;

тегишли тарзда жиҳозланган ўз мулки бўлган ёки ижарага олинган хизмат бинолари мавжуд бўлиши;

энг кам ойлик иш ҳақининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилган устав фондига эга бўлиши;

кўрсатиладиган туризм хизматларига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиши;

мижоз билан фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ шартнома (контракт) тузилгандан кейин туризм хизмати кўрсатиш;

чет элга чиқиш, келиш ва у ерда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари. туристик саёҳат вақтида ўзини тутиш хусусиятлари ҳамда ҳар бири аниқ мамлакатда бўлишнинг бошқа қоидалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳар бир туристга белгиланган тартибда етказиш;

мижозга лицензиат иш режими, унинг юридик манзили, лицензия, мажбурий тарзда сертификатланадиган хизматларга сертификатларнинг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот бериш;

туристлар хавфсизлигини таъминлаш, жароҳат олганда, касалланиб қолганда ва бошқа ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг мавжуд бўлиши.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолдаги лицензия бериш тўғрисида ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензия талабгори томонидан бинодан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек бинони моддий-техник жиҳатдан жиҳозлашнинг лицензияланадиган фаолият тури талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ишчи орган вакиллари томонидан текшириш далолатномаси;

шакллантирилган устав фонди миқдори тўғрисида банк маълумотномаси;

туризм соҳасида махсус маълумотга ёки иш стажига эга бўлган мутахассислар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки меҳнат дафтарчаси нусхаси, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ);

фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, паспорт маълумотлари, уй манзили, маълумоти, телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда раҳбар тўғрисидаги маълумотлар.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатта аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида Комиссияга кўриб чиқиш учун масала киритиш.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ишчи органда қолади.

Назорат учун саволлар:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида маълумот беринг.
3. Мамлакатимизда давлат статистикаси қандай асосий принципларга мувофиқ амалга оширилади?
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг фаолияти қандай асосларда ташкил этилади?
7. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари тўғрисида маълумот беринг.
8. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари қандай вазифаларни амалга оширадилар?
9. Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари?
10. Республикада стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни қайси органлар амалга оширадилар?

11. Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими тўғрисида маълумот беринг.
12. «Ўзстандарт» агентлиги тизимида қайси органлар қиради?
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази тўғрисида маълумот беринг.
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат захираларини бошқариш қўмитаси қандай вазифаларни амалга оширади?
15. Ўзбекистон Республикасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қандай асосий принципларга асосланади?
16. Давлат аҳамиятига молик геодезия ва картография ишлари жумласига нималар қиради?
17. Махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари жумласига нималар қиради?
18. Давлат кадастрлари ягона тизимида нималар қиради?
19. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси («Ергеодезкадастр»)нинг асосий вазифалари нималардан иборат?
20. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига нималар қиради?
21. Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш қайси орган томонидан амалга оширилади ва унинг вазифалари?
22. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
23. Туризм соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай вазифаларни амалга оширади?
24. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида маълумот беринг.
25. Туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари тўғрисида маълумот беринг.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

АГЕНТЛИК – бирон бир муассасанинг маҳаллий бўлими, шунингдек, айрим ахборот, воситачилик ва ш.к. муассасаларнинг номи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан агентликлар – республика давлат бошқаруви органларига киритилган. (мас., Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва ҳ.к.).

АДЛИЯ (арабча адл – адолат, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, одил судлов, холислиқ) – судлов муассасалари ва уларнинг фаолиятини англатадиган тушунча. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари, ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради. ЎзР Адлия вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган: 1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; 2) Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш; 3) жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; 4) судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва давлат органлари бошқа ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш; 5) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш; 6) тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; 7) хўжалик юртувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш; 8) юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш; 9) тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш; 10) замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва

уларнинг малакасини ошириш. 11) адлия органлари ва муассасалари тизимига раҳбарликни амалга ошириш.

АУДИТ (инглизча - audit – эшитув) – муайян ваколатлар берилган шахслар – аудиторлар (аудиторлар фирмалари) томонидан ҳўжалик юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари тўғрилигини, улар амалга оширган молиявий ва ҳўжалик операцияларининг мамлакат қонунларига мувофиқлигини текшириш мақсадларида ўтказиладиган молия ҳўжатлари экспертизаси ва таҳлили. Унинг ички ва ташқи турлари бор. Ички А. бошқарувнинг корхона ҳўжалик фаолияти тўғрисида ахборот олиш, менежерлар ҳисоботининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш мақсадларини кўзлайди. Ташқи А. ўзаро мустақил томонлар (корхона ва аудиторлик фирмаси) ўртасида шартнома асосида амалга оширилади. Аудитда корхона молиявий ҳисоботининг тўғрилигига баҳо берилади унинг амалдаги қонунчиликка мос келиши тасдиқланади. Аудит йўналишига кўра умумий (корхоналар, бирлашмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда мулкчилик турларидан қатъи назар), банк, суғурта ташкилотлари, инвестиция и-тлари аудити ва бошқаларга бўлинади.

АУДИТОР – малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс. Агар а. аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин. А. – аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳўжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади. А. малака сертификати жисмоний шахсга, башарти у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса ёки у билан аудиторлик ташкилоти фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқини беради. А. малака сертификати ЎзР Молия вазирлиги томонидан, агар даъвогар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлса, берилади. Малака имтиҳони аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик текширувларини амалга оширишга даъвогар бўлган шахслар билимларини текшириш воситаси ҳисобланади. Малака имтиҳонини топширишга унга қўйилган талабларига жавоб берадиган даъвогарлар қўйилади. А. малака сертификатини олишга даъвогар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш ва бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида камида уч йиллик амалий иш ёки шу соҳаларда дарс бериш стажи; ёки иқтисодий бўлмаган олий ёҳуд ўрта махсус иқтисодий маълумот билан камида 5 й. а., бош бухгалтер, тафтишчи ёки солиқ инспектори сифатида иш стажига эга бўлиш. Бунда иш стажига кўрсатилган лавозимларда штатдаги ходим ёки ўриндош бўлиб ишлаш даври, шунингдек, а. ёрдамчиси сифатида ишлаш вақти ҳам киритилади; республика а.лар жамоат бирлашмаси билан келишган ҳолда ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган

гаълим дастури асосида а.ларни тайёрлаш марказларида махсус касбий тайёргарликдан ўтади.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахс. А.т. ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир. А.т. вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар А.т.нинг муассиси бўла олмайди. А.т. очиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин: А.т. устав капиталининг камида 51 фоизи бир аудиторга тағишли бўлиши керак (чет эл А.т.нинг филиали ёки шўъбаси бундан мустасно); А.т.нинг штат бирлиги камида икки аудитордан иборат бўлиши керак; А.т.нинг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак; А.т.нинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак. А.т.лари ЎзР Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги А.т.ларининг давлат реестрини юритади. А.т.ни давлат рўйхатидан ўтказиш ва А.т.ларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. А.т.лари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади. А.т. қуйидаги профессионал хизматларини кўрсатиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш; молиявий ҳисоботни тузиш; миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш. А.т.лари аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида назарда тутилган бошқа профессионал хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин.

АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ – ЎзРнинг амалдаги қонунчилигига асосан алоҳида ҳужжат, ҳужжатлар базаси, кутубхоналар, архивлар, турли фондлар каби ахборот тизимидаги маълумотлар. Улар техникавий, ташкилий ёки тижорат кўринишида бўлиши мумкин. Айрим ахборотлар сир тутилади ва ошкор этилиши қонун билан таъқиқланади. Ахборот шахсий ҳуқуқ ёки мулкӣ ҳуқуқ асосида шахсга тағишли бўлиши мумкин. Ахборот эгаси ўзидаги мавжуд маълумотдан ўз хоҳиши асосида, лекин қонунга мувофиқ ҳолда фойдаланиши лозим. Юридик шахслар ва фуқаролар турли битимлар натижасида қўлга киритилган ахборотлар эгаси бўлишга

ҳақли. Агар мавжуд ахборот давлат сирига тегишли бўлса, давлат ушбу ҳужжатлаштирилган ахборотларни улардан сотиб олишга ҳақли.

БАНК – юридик ва jisмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти. Б.лар ўз фаолиятларида қуйидаги Б. операцияларини ҳам амалга оширадилар: jisмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вақил банкларнинг ҳисобварақларини очиб ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, омонатларни жалб этиш, кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш. Б. бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас. Б., шу жумладан, чет эл банкларини ўз фаолиятини ЎзРнинг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Б., қонда тарихида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва jisмоний шахслар Б. муассислари бўлиши мумкин. Б. ўз уставлари асосида фаолият кўрсатади. Б.нинг устав капитали Б. муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади. Б. Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Б.лар ЎзРда ўз филиалларини, чет эл Б.лари эса ўз ваколат хоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очиб олиши мумкин. Б.лар башарти, қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва б. бирлашмалар тузишлари мумкин. Б. қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини ўқтатади: акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра; Марказий банк лицензияни қабул қилганида; банкрот деб эълон қилинганда.

БАНК ТИЗИМИ – у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк и-тларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи. Б.т.ларининг ўзига хос хусусияти, банк концентрацияси билан бирга, уларнинг марказий, тижорат, инвестиция, ипотека жамғарма ва б. банк муассасалари ва ташкилотлари шаклида кенг ихтирослашуви ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли мижозлар ҳамда юқори даромад олиш учун банклар ўртасида рақобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга интилиш мана шундандир. Жаҳон амалиётида б.т.нинг икки асосий моделидан фойдаланилади. Бу, биринчидан, сегментланган ва иккинчидан, универсал б.т.ларидир. Б.т.нинг сегментланган модели операция фаолияти билан айрим-айрим турдаги молия ташкилотларининг функцияларини қонунчилик билан қатъий ажратилишига асосланади. Бундай модель, мас., АҚШ ва Япония банк тизими учун хосдир. Универсал моделда банклар ва б. кредит ташкилотлари ҳар қандай турдаги банк операцияларини амалга

ошириши ва мижозларга барча турдаги хизматларни кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолда қонун операцияларнинг айрим турларини амалга оширишда қандайдир чеклашларни назарда тутмайди. Б.т.нинг бундай модели, мас., Буюк Британияга хосдир. ЎзРнинг банк тизими кўрсатилган иккала модел хусусиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бир томондан, мамлакатимиз банк қонунчилиги банк фаолияти соҳасини қатъий белгилаб, банк операцияларининг аниқ турларини белгилаб беради ва уларнинг мажмуи банк фаолияти мазмунини ташкил этади. Иккинчи томондан, банкларга операцияларнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириш учун рухсат берилиб, уларнинг рўйхати "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган.

БОЖ – ЎзРнинг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов; божхона йиғимларининг турларидан бири. ЎзРда импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, демпингга қарши, компенсация) турлари бор. Б. ставкалари ЎзРнинг бутун ҳудудида ягона бўлиб, товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтувчи шахсларнинг кимлиги, битимларнинг қандай турдалиги ва б. омиллардан қатъи назар, ўзгартирилиши мумкин эмас.

БОЖ ТЎЛОВЛАРИ – товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан ўтишида, шунингдек, БК белгиланган бошқа ҳолатларда божхона органлари томонидан олинадиган тўловлар. БКга кўра, Б.т.га қуйидагилар киради: 1) бож; 2) қўшимча қиймат солиғи; 3) акциз солиғи; 4) ЎзР божхона органлари томонидан лицензия берилганлиги учун йиғимлар; 5) божхона расмийлаштируви бўйича малака аттестати берилганлиги учун йиғимлар; 6) божхона йиғимларини расмийлаштирилганлик учун божхона йиғимлари; 7) товарларни сақлаш учун божхона йиғимлари; 8) товарларни божхона орқали кузатиб бориш учун олинadиган йиғимлар; 9) дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов. Товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланadиган божхона қиймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Б.т. декларант томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига Б.т.ни тўлашга ҳақли. Б.т. божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши биланбир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтилаётганда Б.т. божхона декларациясини қабул қилиш биланбир вақтда тўланади. Б.т.ни тўлаш муддатининг ўтиши божхона декларациясини топшириш муддати тугаганидан кейинги кундан бошланади. Б.т. божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилadиган товарларга нисбатан эса алоқа корхоналарига ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда тўланади. Б.т.ни тўлаш товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўйиш, учинчи шахснинг кафолати ёхуд тегишли суммаларни божхона органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш йўли билан таъминланади.

БОЖ УНДИРИШ – давлат божи суд муассасаларига бериладиган даъво аризаларидан, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат (қарор)лари устидан берилган шикоятлар, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протестлар келтириш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек, суд муассасалари томонидан қоғозлар ва ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун олинади. Давлат божининг миқдори ва унинг тўланиш тартиби “Давлат божи тўғрисида”ги ЎзРнинг 1992 й. 9 дек. қонуни ва шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 3 нояб.даги 533–сонли “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги ва унга киритилган ўзгаришлар ҳақидаги қарори; ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 11 окт.даги 358–сонли қарори; Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1993 й. 8 июнда тасдиқланган “Давлат божи тўғрисида”ги йўриқнома; ЎзР Олий Суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 1996 й. 20 дек. қарори ҳамда ФПКнинг 103–121-м. билан белгиланган.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ – божхона назоратини амалга ошириш учун зарур маълумотлар тўғрисидаги ёзма ёки оғзаки баёнот. Б.д. ЎзР Давлат божхона қўмитаси белгилаган муддатларда берилади. Б.д. жисмоний шахслар божхона чегараси орқали товарларни тижорат мақсадини кўзламаган ҳолда, қўл юки орқали ва кузатиб бориладиган юк (багаж)ни ўтказган пайтда товарларни тақдим этиш билан бир вақтда берилади. Товарлар учун божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётган божхона органига декларация топширилади. Товарлар ташийдиган транспорт воситалари товарлар билан бир вақтда декларацияланади. Юксиз транспорт воситалари ва йўловчилар ташиётган транспорт воситалари ЎзРнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида декларацияланади. Денгиз, дарё ва ҳаво кемалари ўзи етиб келган ЎзР божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда ёхуд ўзи жўнаб кетган ЎзР божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда декларацияланади. Б.д. божхона органлари томонидан белгиланган муддатларда топширилади. Бу муддатлар товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаслиги лозим. Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлардаги товарларни қўл юки ва багаж ҳолида божхона чегарасидан олиб ўтишда б.д. товарларни кўрсатиш билан бир вақтда топширилади. Божхона ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари ЎзР божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин кўпи билан уч соат, божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситалари эса ЎзРнинг божхона чегарасини кесиб ўтишига кўпи билан уч соат қолганида декларацияланади.

БОЖХОНА ИШИ – божхона органларининг божхона сиёсатини амалга ошириш юзасидан, божхона чегараси орқали олиб ўтишни назорат қилишда, шу жумладан, бундай олиб ўтиш билан боғлиқ валюта назоратида, ЎзР манфаатларини амалда кафолатлаш бўйича; ЎзР бозорини

ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиётни, экспортни рағбатлантириш, инфляцияга қарши курашиш, хорижий сармояларни жалб қилиш ва амалдаги ЎЗР қонунчилигида белгилаб берилган мақсадларга эришиш ҳамда савдо сиёсати масалаларини ҳал қилиш юзасидан божхона сиёсати мақсадларини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилиши буйича тадбирлар мажмуидир. Б.и. ЎЗР-нинг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

БОЖХОНА КЎЗДАН КЕЧИРУВИ – божхона органларининг божхона қоидаларини бузишнинг бевосита субъекти бўлган предметларни ёки корхона ва ташкилотлар ҳудудида ёки биноларида ёхуд транспорт воситаларида махсус тайёрланган яшириш жойига эга предметларни, шунингдек, божхона қоидаларини бузишга оид ишларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни текшириш фаолияти. Божхона органининг божхона қоидаларини бузиш ҳақидаги ишни юритаётган мансабдор шахси томонидан Б.к.к. ўтказилганлиги ҳақида асосланган қарор чиқарилади. Б.к.к. татбиқ этилаётган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ҳолислар иштирокида ўтказилади. Б.к.к. ўтказилганлиги ҳақида белгиланган шаклдаги баённома тузилади.

БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ – товарлар ва транспорт воситаларини Б.к.ў. товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона ҳудудида транзит тартибда ўтишнинг олдини олиш учун божхона мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар йўқлигида божхона органлари қўйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли: улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилганидан сўнг ўн кун ўтганидан кейин келмаган бўлса; давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, ЎЗРнинг бадий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда; товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса; товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда божхона ҳудудида қолдирилган бўлса.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ – божхона органлари томонидан юklar, транспорт воситалари, валюталар ва валюта бойликларининг олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки олиб ўтилиши тартибини бошқарувчи қонунлар ва қоидаларга юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этишига қаратилган назорат. Б.и. ЎЗР божхона органларининг мансабдор шахслари

томонидан божхона мақсадлари, божхона кўриги (товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, Б.н.нинг алоҳида шакли тариқасида шахсни кўздан кечириш), товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш, жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраш, ҳисоб ва ҳисобот тизимини текшириш, вақтинча сақлаш омборхоналарининг, бўш омборларнинг, божхона омборларининг, эркин божхона зоналарининг, божсиз савдо қиладиган дўконлар ҳамда товарлар ва транспорт воситалари бўлиши мумкин бўлган ҳудудини ва хоналарини ёхуд божхона органлари назорат қилиш керак бўлган фаолият амалга ошириладиган бошқа жойларни кўздан кечириш орқали амалга оширилади. Б.н.ни амалга оширишда инсон, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган ва товарларга, транспорт воситаларига, шахсларга зарар келтирмайдиган техник воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Б.н.зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва б. фаолиятни амалга оширишга, шунингдек, уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилади. Божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи ёки назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни амалга оширувчи шахслар бу органларга рўйхати ва тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар ва маълумотларни топширадидлар. Божхона назоратини амалга ошириш учун божхона органлари банклардан, бошқа молия-кредит муассасаларидан ва хўжалик юритувчи субъектлардан экспорт-импорт операциялари ҳамда назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятнинг бошқа турларига доир маълумотларни олишга ҳақлидир. Б.н. учун зарур бўлган ҳужжатлар шахслар томонидан камида уч й. сақланиши лозим.

БОЖХОНА ПОСТИ – божхонанинг муайян жойда ёки муайян ҳудудда божхона орқали расмийлаштиришини ва божхона назоратини тўла ҳажмда амалга оширишга ваколатли бўлган бўлинмаси. Божхонадан фарқли ўлароқ, юридик шахс ҳуқуқларига эга эмас. Б.п. одатда божхона маъмуриятдан узокда, унга бўйсунадиган божхона ваколатига (юрисдикциясига) кирувчи ҳудудда жойлашган бўлади. Постнинг фаолияти одатда вилоятнинг бир-икки туманига, транспорт инфраструктурасининг объектларига (кичикроқ дарё портлари, аэропортлар, темирйўл станцияларига) дахлдор бўлади. Б.п. қоида бўйича давлат чегараси бўйлаб деярли ҳар бир ўтиш жойида ташкил этилади. Б.п. йирик саноат корхонасида ҳам тузилиши мумкин. Б.п. кўпроқ юкларни кўздан кечириш ва расмийлаштириш билан шуғулланади. Б.п.нинг таркибий қисмига пост бошлиғи ва ҳудудий принцип бўйича ташкил этилган бўлимлар киради. Бўлим штатига бўлим бошлиғи, божхона хизмати бош назоратчиси, катта назоратчилари ва назоратчилар киради.

БОЖХОНА СИЁСАТИ – божхона тизими орқали амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги чоралар ва йўналишлар мажмуи. Б.с. давлат органларининг муайян иқтисодий, ижтимоий, молия-

вий ва савдо-сиёсий мақсадларга эришиш учун божлар ва йигимлар тўп-лаш ҳамда божхона процедуралари ва б. воситаларини қўллаш фаолиятини ўз ичига олади. Б.с.ни амалга оширишнинг асосий воситалари қуйидагилардан иборат: божхона йўли билан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари тизими, божхона иттифоқларида эркин савдо зоналарида ва божхона конвенцияларида (битимларида) иштирок этиш; юкларни чегара орқали ўтказишнинг белгиланган тартиби (режими); божхона назорати билан шуғулланувчи давлат органлари мажмуи; божхона фаолиятини тартибга солувчи зарур қонун-қоидалар. ЎзР ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми бўлган ягона б.с. амалга оширилади. ЎзР божхона ҳудудида божхона назорати ва товар айирбошлашни тартибга солиш воситаларидан энг самарали фойдаланишни таъминлаш, миллий бозорни ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, таркибий қайта қуришни амалга ошириш бўйича савдо-сиёсий вазифаларни бажаришда ва ЎзР иқтисодий сиёсатининг бошқа вазифаларини бажаришга ёрдамлашишда иштирок этиш, шунингдек, ЎзР Олий Мажлиси, Президенти ва ҳукумати томонидан ва қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда белгиланадиган бошқа мақсадлар ва тадбирлар.

БОЖХОНА ТИЗИМИ – 1). Умумий ва йиғма тушунча бўлиб, у нафақат божхона сиёсатини амалга оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат тузилмаларини, балки улар фаолиятининг амалий шаклларини, шунингдек, божхона қонунларини, жумладан, қонуности ҳужжатларини ҳам назарда тутди. 2). Кенг маънода божхона органларининг мажмуи, шунингдек, божхона ишини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар, уларнинг бўлинлари ва тузилмалари, божхона органлари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, божхона органларида давлат хизматига қабул қилишнинг тартиби ва ҳуқуқий шарт-шароити.

БОЖХОНА ХИЗМАТИ – божхона органларида амалга ошириладиган давлат хизматининг таркибий қисми. Божхона хизмати органлари ЎзРнинг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. ЎзР Давлат божхона қўмитаси, Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларидир. Божхона органлари ўз фаолиятида ЎзР Конс.га, ЎзРнинг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига амал қиладилар. Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар. Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Б.х.нинг алоҳида масалалари бўйича махсус ҳужжатлар қабул қилинган. Божхона органларининг мансабдор шахсларига божхона органларида штат лавозимини эгаллаб турган ёки божхона органлари кадрларида турган махсус унвон берилган шахслар киради.

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ – муайян давлатнинг божхона ҳудудини чекловчи шартли чизиқ: “Божхона чегараси – ЎзР божхона ҳудудининг чегараси”, б.ч. – ЎзР божхона қонунлари амал қиладиган макон чегараси. Б.ч. қўшни мамлакатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради, Ўзбекистоннинг божхона суверенитети амал қиладиган ҳудудни белгилаб беради. Божхона ҳуқуқида ташқи ва ички б.ч. тушунчалари фарқланади. Б.ч. сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг ҳудудлари ЎзРнинг б.ч. ҳисобланади. Ташқи б.ч. – қўшни давлатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради. Бу чегара одатда давлатнинг чегарасига мос келади (божхона анклавлари, эксклавлари ва б. бундан мустасно). Ташқи божхона чегарасида давлат чегараси тўғрисидаги қонунларда белгиланган маъмурий-ҳуқуқий режими амал қиладди. Ташқи б.ч.ни божхоначилар чегара қўшинлари билан биргаликда муҳофаза қиладилар. Ҳуқуқий мақомига кўра, ички чегара ташқисига тенглаштирилган: эркин зона ҳудуди чегара ҳудуди сифатида қаралади, у ерга кириш қатъий руҳсатномалар бўйича махсус назорат-ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади. Ички б.ч. орқали юк ва қўл юклари давлат чегарасида қўлланиладиган божхона қоидалари бўйича ўтказилади. Белгиланган нормадан ортиқ товарлар олиб чиқилганда бож олинади. Чет эл товари эркин божхона ҳудудига кириб келганда (бу ҳудуд давлат чегараси ҳудудида бўлмаслигина), у ҳам ташқи, ҳам ички б.ч.ни кесиб ўтади. Бундай ҳолда ташқи чегарада кўздан кечириш одатда божхона тўловсиз амалга оширилади ва, аввало, Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига олиб юриш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарни аниқлашдан иборат бўлади. Шундай қилиб, икки томонлама божхона назорати тизими шаклланади: ташқи чегарада божхона-полиция назорати, ички чегарада эса – божхона-тариф назорати амалга оширилади. Ички б.ч.ни қўриқлашчи божхоначилар эркин божхона ҳудудининг маъмурияти билан ҳамкорликда таъминлейдилар. Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг теғралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади.

БОЖХОНА ҲУДУДИ – давлатнинг божхона ҳуқуқи тўлиқ амал қиладиган ҳудуд. Одатда давлатнинг божхона ҳудуди унинг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари, улар устидаги фазони ўз ичига олувчи миллий ҳудудга мос тушади. Бироқ, миллий ҳудуднинг белгиланган қисмлари истисно қилиниши мумкин, мас.: эркин зоналар ёки қирғоқ чизиги билан денгиздаги давлат чегараси орасидаги сувлар. Миллий ҳудуднинг истисно қилинган қисмлари «божхона энклавлари» деб юритилади. Халқаро битимлар билан давлатнинг б.ч. бошқа давлатнинг божхона энклавини ўз ичига олиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда

тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

БОЖХОНА ҲУЖАТЛАРИ – божхона муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан тегишли тартибда тузилган, тасдиқланган ва берилган ҳужжатлар, товар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтиш ҳуқуқини берувчи ташкилот ва муассасаларнинг расмий ҳужжатлари: олиб кириш ва олиб чиқишга ижозатнома ва ҳ.к.. Улар қаторига товарларни транзит қилишда юборилган жойдаги божхона органига топширилиши керак бўлган товарларга тегишли ҳужжатлар ҳам киритилади.

БОЖХОНА ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ – бажарилиши ЎзР божхона органлари томонидан назорат қилинадиган, қонунчилик актлари ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ЎзР божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш тартибига, божхона назоратида, божхонада расмийлаштирув, божхона тўловларини тўлаш, божхона митиёзлари учун ҳақ бериш ва улардан фойдаланиш қоидаларига тажовуз қилиш ёки қонунбузарликка олиб келувчи ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракат. Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра б.ҳ. интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

БОШҚАРИШ – корхона, муассаса, ташкилот ва ш.к.ни идора қилиш, йўлга солиб туриш. Аксарият ижтимоий ва биологик тизимлар ўзини ўзи бошқаради. Буларнинг ҳар бирида икки ички тизимни: *бошқарилувчи* (бошқарув объекти) ва *бошқарувчи* (бошқарув субъекти)ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ижтимоий бошқарув объекти сифатида турли хилдаги ҳодисалар ва жараёнлар, жумладан, инсон, жамоа, ижтимоий жамоатчилик, механизмлар, технологик жараёнлар ва бошқалар намоён бўлиши мумкин. Бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири - бошқарув тизимига бевосита боғлиқдир. Бошқарув субъекти ижтимоий муносабатларга инсонларнинг иродаси ва онги орқали таъсир этади. Ижтимоий бошқариш - инсонларга раҳбарлик қилишни (масалан, ҳарбий хизматта чақириш, ўқув юртларига қабул қилиш) англатади. Лекин айрим ҳолларда у нарсаларга таъсир этиш воситаси, ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг белгиланган фаолият юритишини, моддий бойликларни тақсимлашни таъминловчи восита сифатида намоён бўлади.

БУЙРУҚ – маъмурий ҳуқуқда яқкабошчиликка асосланган ҳуқуқий ҳужжат. Б. ҳуқуқ нормаида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклаш. Муайян муассаса ёки бошқа ташкилот олдида турган асосий ва қундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Б.нинг матни асословчи (кириш) ва фармойиш қисмига қўлланилади. Асословчи қисмида б.дан мақсад, шарт-шароитлар, сабаблар кўрсатилади, номи, рақами, санаси ёзилади. Баъзан б.ни асослашга ҳожат бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда улар тўғридан-тўғри фармойиш қисми билан ҳам берилаверади. Масалан, Куролли Кучларда б. – бошлиқнинг ўз қўл остидаги-

ларга ёзма ёки оғзаки равишда берган фармойиши; бу фармойиш бўй-синувчилар учун қонун ҳисобланади.

БЮДЖЕТ (инглизча – ҳамён, маблағ) - белгиланган муддат (й., квартал) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний ра-вишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. Б. давлат даражасида, шунингдек, вилоят, туман хўжалик субъектлари, оила ёки шахс даражасида тузилиши мумкин. Қандай бўғинда ташкил топишидан қатъи назар, б. уч хил маънода бўлади: иқтисодий маънода – б. жамғар-маларини турли бўғинда ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш биланбоғлиқ бўлган иқтисодий (пул) муносабатлари тизимини англатади; моддий маъно – давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўз олдига қўйган вазифаларини таъминлаш мақсадида у ёки бу бўғинда ташкил қилинадиган марказлашган пул жамғармаларини англатади; ҳуқуқий маънода б. – тегишли давлат ҳокимиятининг вакиллик органи томонидан тасдиқланган, тегишли ҳудуднинг марказлашган пул жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг молиявий режаси ҳисоб-ланади. Умуман олганда, б. бу давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан тасдиқланадиган марказлашган пул жамғармаларининг таш-кил топиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланилишининг асосий молиявий режаси бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларнинг барча вазифалари ва функцияларини таъминлашга хизмат қилади.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақи-даги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари билан солинган жараёни. Бу фаолият босқичма-босқич амалга оширилади ва ҳар й. такрорланиб туради. Б.ж. босқичла-рининг давомийлиги бюджет лойиҳасини тайёрлашдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш жараёнига қадар бўлган муддат уч й.ни ташкил этади. Б.ж.нинг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши, давлат ҳокимияти органларининг бюджет ҳуқуқлари билан белгиланади.

БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ – бу давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилган, бошқарув, ижтимоий-маданий, илмий-техник ёки нотижорат соҳасидаги бошқа ташкилотлардир. Мазкур муассаса-ларнинг фаолияти бюджетдан ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар-дан даромадлар ва харажатлар сметалари асосида молиялаштирилади.

БЮДЖЕТ СЎРОВИ – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакл-лантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров. ЎзР Молия вазирлиги ҳар й. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муд-датларда келгуси молия й.ига: тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга б.с. юборади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент ш. ҳокимлари б.с. олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида

тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент ш. молия органлари тегишли қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида: тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – туман ва ш. ҳокимларига; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент ш. бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга б.с. юборади. Вилоятга бўйсунадиган ш. ларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда ш.лар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари б.с. олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади. Туман ва ш. ҳокимликларининг молия органлари ушбу м.нинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида туманлар ва ш.ларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун – шу туман ва ш. бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга б.с. юборади. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби ЎзР Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш биланбоғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат кўмитаси, идора, давлат ташкилоти.

ВАЗИР - (арабча. – юк кўтарувчи) – ҳукумат аъзоси ҳамда маълум бир вазирликни бошқарувчи юқори мансабдор шахс. Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (деван) бошлиғи.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ – Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси - Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир. Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. ("Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни, 1 модда) В.М. ўз фао-

лиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, ЎзРда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатини ҳисобга олиш принципига асосланади, ошкоралик, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида иш олиб боради. В.М. қонун билан белгилаб қўйилган ўз таркибига эга. Унга кўра, В.М. таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, ЎзР вазирлари, давлат кўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари киради. В.М.нинг таркибини тузиш мамлакат Президентининг ваколатига берилган.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ – Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилади. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШЛАРИ – Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва б. жорий масалалар бўйича чиқарган ҳужжатлари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ЎзР Конс.нинг 89-м. ва 93-м.га асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ДЕВОНИ - Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда

текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрса-тади. Вазирлар Маҳкамасининг девони ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низоми Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг девони асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

ВАЗИРЛИК – кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий идора органи, социал–маданий қурилиш ва маъмурий–сиёсий фаолиятнинг айрим тармоқларини бошқаради. В.лар тузиш, мавжудларини тугатиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш Ўзбекистонда президент ваколатига киради ва давлатнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

ВАЛЮТА – валюта тушунчаси икки маънода ишлатилади, яъни: *биринчидан*, валюта давлатнинг пул бирлиги ҳисобланади; *иккинчидан*, валюта хориж давлатларининг пул бирлиги, шунингдек халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ва хориж пул бирлигида ифодаланган кредит ва тўлов ҳужжатлари ҳисобланади. Молия ҳуқуқида "валюта" тушунчаси кўпинча иккинчи (хориж давлатларининг пул бирлиги) маъносида ишлатилади. Валютани *ички ва ташқи валютага* бўлишимиз мумкин. Ички ва ташқи валюта ўртасидаги фарқни очиб бериш учун: а) битта давлат ҳудудида фойдаланиладиган ва конвертация қилинмайдиган валюта; б) хориж валютасига алмаштириладиган ва халқаро бозорда тўлов воситаси ҳисобланадиган конвертация қилинадиган валюта; в) ташқи валюта операцияларида ва баъзи бир субъектлар ўртасида қисман фойдаланиладиган валюта қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги "СЎМ" ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ягона қонуний тўлов воситаси бўлган Ўзбекистон Республикаси пул бирлигининг харид қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган ягона пул-кредит сиёсати ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг валютаси - бу: муомилада бўлган, шунингдек муомиладан чиқарилган ёки чиқариладиган, лекин тегишли банкнотлар ва тангалар билан алмаштириладиган сўм ҳисобланади; Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисоб рақамларда сақланадиган пул маблағлари ҳисобланади; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида банк ва кредит муассасаларидаги ҳисоб рақамларда сақланадиган пул маблағлари. Бу Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хориж давлатлари тегишли органи билан, мазкур хориж давлатида Ўзбекистон Республикаси валютасининг қонуний пул воситаси сифатида фойдаланиш тўғрисидаги шартномаси асосида амалга оширилади.

ВАЛЮТА НАЗОРАТИ – валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида валюта қонунчилигини таъминлашга қаратилган давлатнинг фаолияти тушунилади. В.н. валюта операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий–ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими. В.н.нинг асосий йўналишлари қуйидагиларни текширишдан иборат: амалга оширилаётган валюта опера-

цияларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларнинг мавжудлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир. Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ – бу валюта операцияларини амалга оширишни тартибини белгилаб беришга қаратилган давлат органларининг фаолиятидир. Ўзбекистон Республикаси давлатнинг иқтисодий соҳасидаги вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, валюта муносабатларини тартибга солади. В.т.с. жараёнида ушбу фаолиятни олиб боровчи органларнинг тизими ҳам ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси маълум бир доирада валюта ва валюта бойликларининг муомиласига йўл қўйиб, у ўзининг миллий валютаси устунлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш икки босқичда амалга оширилади: Валютани меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш, яъни валюта билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; Валютани индивидуал (якка)-ҳуқуқий тартибга солиш, яъни аниқ бир валюта муносабатларини юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ҳуқуқий меъёрларни қўллаш. Ўзбекистон Республикасида В.т.с. ҳуқуқий асосларини: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Марказий банк тўғрисида»ги, «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари, валютани тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг ва махсус ваколатли органларнинг меъёрий ҳужжатлари ташкил этади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ – кенг маънода – давлатнинг тартибга солиш фаолияти ҳисобланиб, махсус субъектларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этишидир. Тор маънода эса, Д.б. – бу маъмурий, яъни давлат ҳокимияти ижро органларининг республика ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар доирасидаги ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятидир. Д.б. қонун асосида амалга оширилади. Бу фаолиятни давлат бошқарув органлари амалга ошириб, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ва унга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлади. Д.б. халқ депутатлари кенгашининг раҳбарлиги ва назорати остида ташкил этилади. Бу фаолият ижтимоий турмушнинг барча тармоқлари – халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларда ва соҳалараро ташкил этилади ҳамда ҳамма вақт қонунга асосланган бўлади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияла-

рини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар ҳисобланади. Бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усулларини такомиллаштиришга боғлиқдир. Давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланади. Кенг тарқалгани маъмурий усуллар бўлиб, улар ишонтириш ва мажбурлаш усулларидир.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҲУЖАТЛАРИ – бошқарув фаолиятининг асосий шаклларида бири. Улар ёрдамида бошқарув органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаради ва кўпгина бошқарув масалаларини ҳал қилади. Д.б.х. бу қонунларда кўрсатиб ўтилган тартибда давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан ваколат доирасида қабул қилинган ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган қонун-ости расмий ҳужжат ҳисобланади. Д.б.х.да давлат органи ёки мансабдор шахснинг фармойиши баён қилиниб, унинг бажарилиши ташкилий ишлар ва ишонтириш йўли билан, керак бўлган пайтларда эса мажбурлаш йўли биланамалга оширилади. Д.б.х. қонуний равишда ўз ваколатлари доирасида ҳужжат тузиш талабларига риоя қилган ҳолда чиқарилиши лозим бўлади. Д.б.х.ни қабул қилиш ҳамма вақт юридик оқибатларга олиб келади. Д.б.х.нинг юридик кучи ҳар хил бўлишига қарамасдан унинг ҳамма талаблари бажарилиши керак.

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИ – ЎзР Давлат ветеринария хизмати бошқарув идоралари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳайвонлар касалликларининг, ветеринария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва тўхтатиш орқали ҳайвонот маҳсулотларининг ветеринар жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган фаолияти. Ветеринария – ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилишининг ветеринария–санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, ҳўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир. ЎзРда давлат ветеринарияси, идоровий ва хусусий ветеринариялар амал қилади. Давлат ветеринария хизматини ЎзР Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги ш.ларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария–санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадилар. Жойлардаги давлат ва идоровий ветеринария бўлинмаларининг

тузилиши ва миқдори чорвачиликнинг ривожланиш хусусиятларини, қўшона ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда бош давлат ветеринария нозирлари биланкелишилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Давлат ва идоравий ветеринария хизмати муассасалари қошида қонунларга мувофиқ шартнома асосида ветеринария хизмати кўрсатадиган қўшма корхоналар, кооперативлар ва б. ҳўжалик ҳисобидаги бирлашмалар тузилиши мумкин.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ – давлат органлари чиқарадиган қонунлар ва б. ҳуқуқий ҳўжатларга риоя қилинишини таъминлайдиган давлат ҳокимиятини амалга ошириш шаклларида бири. Д.н.ни турли органлар амалга оширади. Одатда назорат вазифаси асосан парламентларда тўпланган, аммо кейинги ўн йилликда кўпгина мамлакатларда парламентдан ташқари, парламент номидан иш юритадиган назорат инстанциялари кенг тарқалди (мас., омбудсман, ҳисоб палатаси), маъмурий юстиция органларининг сони ва роли ўсди. Барча давлатларда молия вазирлиги кенг назорат ҳуқуқига эга. Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатда ўз Д.н. тизими шаклланган. Мас., АҚШда Д.н.ни Президент, ижро этувчи аппаратига кирувчи органлар, АҚШ конгрессининг қўмита ва комиссиялари амалга оширади, конс.вий назорат АҚШ Олий суди зиммасига юкланган, назоратчи бошчилик қилувчи ҳисобдорлик бош бошқармаси молиявий назоратнинг махсус идоралараро назорат вазифаси кўпгина тармоқли идоралар: Марказий разведка бюроси, Федерал тергов бюроси, Мудофаа вазирлиги ва б. зиммасига юкланган.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ – санитария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизмати. ЎЗРнинг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунидан ва мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, ЎЗР ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан д.с.н.ни амалга оширади. ЎЗР Мудофаа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг темир йўлда ишлаётган ва қурилаётган объектларида идоравий санитария назоратини тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадилар. Санитария милицияси ЎЗР Ички ишлар вазирлигининг ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги биланкелишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади. Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари, қайси идорага бўйсунидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

ДАВЛАТ СИРИ – ошкор этилиши тақиқланган, давлат аҳамиятига эга бўлган маълумотлар. Улар махсус рўйхатлар билан белгилаб қўйилади. Д.с. давлат, ҳарбий ва хизмат сирига бўлинади. ЎЗРнинг “Давлат

сирларини сақлаш тўғрисида” қонуни (1993 й. 7 май) га кўра, ошкор этилиши республика ҳарбий, иқтисодий ҳолатига салбий таъсир этиши ёки ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар д.с.ни ташкил этади; ошкор этилиши ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирни ташкил этади; ошкор этилиши ЎзР манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади. Д.с.ни сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. ЖКда Д.с.ларини ошкор қилганлик ёки ўзгага берганлик, Д.с. ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни, шунингдек, ашё ёки м.ни йўқотганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бу хилдаги жиноятлар жосуслик ва давлатга хиёнат қилиш жиноятидан фарқли равишда кўпинча эҳтиётсизлик, ҳужжатларни сақлаш қоидаларига риоя этмаслик оқибатида содир қилинади. Д.с.ни ошкор қилиш, Д.с. ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, жазо кучайтирилади.

ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ ОШКОР ҚИЛИШ – уларни билиши лозим бўлмаган шахсларнинг давлат сирларидан воқиф бўлиши ва бу маълумотларнинг ошкор этилиши. Давлат сирларининг ошкор этилиши давлатимизга ёки умуман инсониятга қарши қаратилган бошқа ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши учун шарт-шароит яратади. Бундай қилмиш ижтимоий хавфли деб топилади ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Д.с.о.қ. икки усулда – ошкор қилиш ва етказиш билан содир этилиши мумкин. Ошкор қилиш – уларни тарқатиш бўлиб, бунинг натижасида улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган ноаниқ доирадаги шахслар махфий маълумотлардан воқиф бўлиши, етказиш эса – айбдор томонидан давлат сирларининг улар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган муайян шахсларга тақдим этилишидан иборат.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ – маъмурий ҳуқуқнинг марказий и-тларидан бири, давлат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият. Д.х. – бу давлат ташкилотлари (органлар, бирлашма, корхона, муассаса) хизматчиларининг давлат функциялари ва вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти. Д.х.нинг мазмуни шахс эгаллаб турган мансаб (лавозим) орқали белгиланади. Д.х. ҳуқуқий и-ти (ҳуқуқий нормалар мажмуаси) комплекс ҳисобланиб, у маъмурий, меҳнат, молия, фуқаролик ва б. ҳуқуқ соҳаларининг нормаларини ўз ичига олади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ – давлат хизмати лавозимининг мажбурийатларини республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган пул мукофоти эвазига ЎзР қонунларида белгиланган тартибда бажарадиган фуқаро. Д.х. бошқалардан, яъни ишчилардан, деҳқонлардан, жамоат ташкилотлари ходимларидан фарқ қилади, жумладан, д.х. маълум бир

мансабни эгаллаб туради. Давлат д.х.ларининг ҳуқуқий ҳолатини, яъни бажарадиган ишининг характерини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, д.х.ларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш тартибини ва б. Ҳолатларни белгилаб беради.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ – давлатлар ҳудудини бир-биридан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиқлар. Д. ч. муайян давлатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Д. ч. дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Д.ч.да қонун орқали давлат томонидан ўрнатилувчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатилувчи махсус чегара тартиби мавжуд. Кўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади. Д.ч.ни зўрлик билан ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган. Утиш жойига кўра д.ч. қуруқлик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, қуруқлик ва сув ости чегараларига бўлинади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан қуруқликда, Афғонистон билан сувада (Амударё орқали) чегарадош. Д.ч. давлатнинг қуруқликдаги ва сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидаги ва ер остидаги суверенитетининг чегарасини белгилайди. Д.ч. қуруқликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. Қуруқликдаги чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нуқталар (м–н, тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координаталарнинг муайян нуқталари орқали, шунингдек, параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиқлар тушунилади. Дарёдаги Д.ч. дарёлар бўйича ўтади, бунда агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиган дарёлардан асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизигидан), кемалар қатнамайдиган дарёлар (сойлар)да эса – уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизиқ чегара ҳисобланади. Кўлларда ва б. сув ҳавзаларида Д.ч. чегараларнинг кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизиқ орқали ўтади. Агарда кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари кўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин. Агар чегарадош давлатлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, дарё (сой), кўл ёки бошқа сув ҳавзаси бўйича ўтадиган Д.ч. уларнинг қирғоқлари ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё (сой) ўзани у ёки бу томонга кўчганда ҳам ўзгармайди. Агар давлатнинг ҳудудий сув ҳавзаси бошқа давлатларнинг худди шундай сув ҳавзалари билан туташмаган бўлса, ушбу давлатнинг денгиз чегараларини ҳар бир давлат ўз ҳудудий сув ҳавзаларининг ташқи чегараси бўйича мустақил равишда ўрнатади. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудий сув ҳавзалари туташ бўлса, улар ўртасидаги чегара чизиги битим асосида белгиланади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ РЕЖИМИ – давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш, давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши, чегара орқали товар-

лар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш, шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш, Давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва б. фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуи. Д.ч.р.: Давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш; Давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши; Давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш; Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш; Давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва б. фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар. Д.ч.р. миллий қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ – умумдавлат бошқарув вазифаларини бажарадиган соҳалараро давлат бошқаруви марказий идоралари. Д.қ. тегишли тармоқ муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Д.қ. тегишли тармоқдаги аҳвол учун масъул ҳисобланади.

ЙЎЛ – транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл ўз ичига автомобиль йўлларини (умумий фойдаланишдаги ва идоравий автомобиль йўлларини), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларини олади. Йўлларни сақлаш ва таъмирлаш йўлларни бошқарувчи органлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигининг белгиланган стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Йўлларни бошқарувчи органлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида, йўл шароитларига кўра содир бўлган йўл–транспорт ҳодисалари тўғрисида етказилган зарар мазкур органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланиши керак.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ – йўл–транспорт ҳодисаларининг юзага келиш сабаблари олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини енгиллатишга қаратилган фаолият. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қуйидагилар киради:– Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги; – Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш давлат–акциядорлик концерни; – ЎзР Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати инспекцияси.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий–техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш – қўлланиши стандартлар б–н тартибга солинадиган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган бошқаришнинг тех-

ник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади. ЎзРнинг бутун ҳудудида йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қондалари билан белгиланади. ЎзР йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама қатнови белгиланади.

ҚАРОР – бу ижро ҳоқимияти органининг ўз вазифаларини амалга ошириш бўйича муайян мақсадга эришишга йўналтирилган ва шу мақсадни амалга ошириш воситалари ва йўлларини назарда тутган бошқарув вазиятини таҳлил этиш ва баҳолашга оид эрки ифодасидир. Қарор ижро ҳоқимияти тегишли органи компетенцияси доирасида қабул қилинадиган меъёрий ёки индивидуал (аниқ шахс ёки вазиятга тааллуқли) ҳуқуқий ҳужжат кўринишида юридик расмийлаштирилиши натижасида ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бошқарув фаолиятини амалга ошириш жараёнида узоқ муддатли ва муайян соҳа билан боғлиқ фаолият (ишлар)ни истиқболли лойиҳалалаш юзасидан қарорлар, мас., мақсадли дастурий қарорлар, жорий асосий фаолиятни амалга ошириш бўйича тезкор, процессуал, услубий, тавсиявий, индивидуал ва ш.к. қарорлар қабул қилиниши мумкин. Қарорларни қабул қилиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин: қарорни қабул қилишнинг зарурлигини асослантириш; унинг ахборот таъминоти; қарор мазмунини, шу жумладан, кўзланган мақсадга эришиш учун зарур чора-тадбирлар ва ҳаракатлар рўйхатини шакллантириш; талаб қилинадиган ресурслар (маблағ ва воситалар) турларив аҳажмини асослаш; қарорни амалга ошириш муддатлари ва ижрочиларнинг аниқ манзилларини белгилаш; қарор қабул қилинишида манфаатдор тарафларни ва улар билан қарор мазмуни юзасидан келишиш шаклларини ўрнатиш; зарур ҳолларда тегишли идоралар ва мутахассислар билан маслаҳатлар ташкил этиш; қарор лойиҳасини тайёрлаш, муҳоама қилиш ва унинг самарадорлигини дастлабки баҳолаш; қарорни ифода этувчи ҳужжатнинг юридик шаклини аниқлаш. Қарорни тайёрлаш ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини расмийлаштириш ва тегишли тартибда қабул қилиниши билан якунланади.

КОМПЕТЕНЦИЯ (лотинча *competere* сўзидан шаклланган *competentio* –эришаман, мос келаман, ярайман) - давлат механизми тизимида фаолият юргизиб турган муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг юридик жиҳатдан белгилаб, мустақамланиб қўйилган ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини англатади.

КОНТРАКТ БЎЙИЧА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрлилик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга буюан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир. Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар. Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби

лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади. Олий ҳар-бий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун кел-гусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарти билан контракт тузилади. Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви билан бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хиз-матни ўташ тартиби тўғрисидаги низоом билан белгиланади.

ҚОНУНОСТИ АКТИ – давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий акти. Қ.а. қонунга асосан ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади. Қ.а. лари умуммажбурий тусдаги (норматив) ва умуммажбурий тусга эга бўлмаган (норматив бўлмаган) ҳуқуқий ҳужжатларга бўлинади. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги қонунга кўра, Ўз.Рда норматив тусдаги қонун-ости актларига Ўз.Р Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкама-сининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг умуммажбурий тусдаги ҳуқуқий актлари киради, норматив бўлмаган қонуности актларига эса умумюрисдикция ва хўжалик судлари қарорларини мисол келтириш мумкин.

КОНЦЕРН – ишлаб чиқариш корхоналари гуруҳидан фарқли ўла-роқ, мулк ва назорат тизими ягоналиги билан, технологик ва ишлаб чиқариш алоқалари мавжудлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган иштирокчи корхоналар йиғиндисидир. Концерн рақобат курашида катта миқёсдаги турли соҳавий ишлаб чиқариш комбинацияларидан йирик даромад топади. Бу патентларни, ноу–хау ва ҳ.к.ларни жамлаш, янги техника ҳам-да технологияни тез жорий этиш, янги тур маҳсулот ишлаб чиқаришга тезда ўтиш имкониятини беради. Шу аснода «фен-ишлаб чиқариш-сотиш» жараёнини назорат қилиш мумкин бўлади.

КОРПОРАЦИЯ – АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлар ҳуқуқий тил-да, одатда, юридик шахс, ташкилот тушунчасини англатади. «К.» ибора-си ташкилотнинг мустақиллигини таъкидлаш учун, уни фуқаровий муно-сабатларнинг бир бутун ягона иштирокчиси эканлигини ифодалаш учун қўлланилади. Барча К.лар, Мас., АҚШда тўрт гуруҳга бўлинади: омма-вий, ярим оммавий, тадбиркор ва нотадбиркор К.лар.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР - Қуролли Кучлар урушлар ва қуролли можаро-ларни ўқайтариш ҳамда олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳо-лининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этил-ган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмлар-ни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади. Қуролли Куч-лар ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва якка-бошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади. Ҳарбий

объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади. Қуролли Кучларнинг комплексланиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИ – Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди юзага келган, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда тинчлик ва уруш даврида ҳаракатдаги қўшин гуруҳларини кучайтириш ҳамда янги қўшин гуруҳларини тузиш учун, шунингдек мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлашга доир бошқа вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган ҳарбий таълим олган одам ресурслари ҳамда моддий–техника воситалари заҳиралари.

МАНСАБДОР ШАХС – мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фермойиш бериш, таъмир-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор деб ҳисобланади.

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ – асосан маҳаллий аҳамиятта эга бўлган ишларни бошқариш бўлиб, у марказий ёки бошқа юқори турган давлат органлари томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобдор бўлган органлар ва мансабдор шахслар (Мас., Францияда Республика комиссарлари. Москва шаҳрида маъмурий округлар префектлари томонидан) ёки бевосита аҳоли томонидан сайланадиган юқори этувчи органлар (мэрлар, ихро этувчи қўмиталар, округоллар) томонидан амалга оширилади. Агар мэрни муниципал кенгаш (фуқаролар эмас) сайласа ва бевосита унинг назорати остида бўлса, у Маҳаллий бошқаруving эмас, балки маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг қисмига айланади.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ – ҳуқуқ маълумлари билан тартибга солинган, давлат ва нодавлат органлари ҳамда ҳуқуқлик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларини бошқариш қўлуқчилиги ва самарадорлигини белгилаш, молиявий интизомни таъминлаш ҳамда амалланган тартиббузарликларни тугатиш ва оқсатирилиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолияти.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – чақирилган ёшдаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизмати. Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида: муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олми маълумотли шахслар учун – тўққиз ой); муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой қилиб белгиланади.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШДАН ОЗОД ЭТИШ – Тинчлик даврида муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақирuvi резервидаги хизматга чақирилишдан қўйиладиганлар озод этиладилар:

1) саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган чақирилувчилар; 2) яқин қариндошларидан бири (ака-укаси, опа-синглиси) ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки вафот этган чақирилувчилар; 3) рўйхатдан ўтган диний ташкилотлардан бирида диний рутба эгаси бўлган чақирилувчилар. 2-бандда кўрсатилган шахслар ўз розиликлари билан ҳарбий хизматга чақирилишлари мумкин. Жиноий жавобгарликка тортилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

МУДОФАА – Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий–ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи. Мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: - бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни даф этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси тегишли шартномалар билан боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно; - халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш; - ҳарбий-сиёсий блоklarда қатнашмаслик; - ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуроли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши; - ядровий ва бошқа турдаги ялпи қирғин қуролиларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш; - Қуроли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни даф этишга доим шай туриши; - мудофаанинг етарли даражада бўлиши; - ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш.

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ – фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг чақирув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, ҳалокатлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодди вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган давлат хизматининг алоҳида тури. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурол–яроғдан фойдаланиш ва Қуроли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, муқобил хизмат ҳуқуқига эга. Муқобил хизматнинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади.

ПАСПОРТ – (французча passport) – шахснинг қайси давлат фуқароси эканлигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортига эга бўлишлари шарт.

Ҳарбий хизматчилар бундай паспортсиз яшайдилар. Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар.

ПАСПОРТ ТИЗИМИ —паспорт бериш ва ундан фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар йиғиндиси.

ПОЧТА АЛОҚАСИ — почта жўнатмаларини, шунингдек, пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш)ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш—технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури. Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси умумий фойдаланишдаги почта алоқаси ва махсус мўлжалланган почта алоқасига бўлинади. Умумий фойдаланишдаги почта алоқаси оператор ва провайдерлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси фаолиятининг ягона принциплари асосида амалга оширилади. Махсус мўлжалланган почта алоқаси қуйидагиларга бўлинади: почта алоқаси соҳасида махсус ваколатли органнинг махсус алоқаси; давлат фельдъегерлик алоқаси; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фельдъегерлик—почта алоқаси. Махсус мўлжалланган почта алоқасининг фаолияти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. ЎзРда давлат бошқаруви остида амалга ошириладиган фаолият йўналиши. ЎзРнинг 1992 йил 12 январ куни қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги қонуни П.а. амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларини беради. Қонуннинг 1-моддасида баён этилишича, «Алоқа — ЎзР хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, хўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди». Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар юридик шахслари ва фуқаролари алоқа муносабатининг субъектлари бўлиб ҳисобланадилар. ЎзРда шу қонуннинг 10-моддасига асосан почта, телеграф, телефон ва бошқа ёзишмалар тегишлича қонун муҳофазасига олинган.

РЕЗЕРВДАГИ ХИЗМАТ - ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оқддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даврида тақозо этиладиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган фуқароларнинг ҳарбий хизмати. Саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли қуйидаги фуқаролар резервидаги ҳарбий хизматга

киритилади: муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва хизматни ўташ даврида ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликни эгаллаган фуқаролар; муддатли ҳарбий хизматни ҳамда олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлинмаларида (ҳарбий кафедралар, цикллар ёки факультетларда) офицерлар тайёрлаш дастури асосида таълимнинг тўлиқ курсини ўтаган фуқаролар. Резервчиларни ҳарбий рўйхатга олиш мудофаа ишлари органлари томонидан амалга оширилади. Резервдаги хизматни ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

РЕЗЕРВЧИЛАР - ҳарбий хизматни ўтаган ва резервда турган ҳарбий хизматта мажбурлар. Ҳарбий тайёргарлик даражаси ва ёшига қараб, резервчилар биринчи ва иккинчи тоифали резервга бўлинади. Биринчи тоифали резерв сафи ҳарбий хизматни чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар, кичик офицерлар лавозимларида ўтаган - ўттиз беш ёшгача бўлган, катта офицерлар лавозимларида ўтаган - қирқ беш ёшгача бўлган, генераллар таркиби лавозимларида ўтаган - эллик ёшгача бўлган ҳарбий хизматта мажбурлар орасидан тўлдирилади. Биринчи тоифали резерв биринчи ва иккинчи навбатга бўлинади. Биринчи навбатдаги резерв сафи Қуролли Кучларнинг тегишли қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмаларига бириктириб қўйиладиган, энг яхши тайёргарлик кўрган резервчилар орасидан Қуролли Кучларнинг жанговар қўшилмалари, қисмлари ва жанговар таъминот бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг таркибида бундай резервчиларнинг жанговар тайёргарлиги амалга оширилади ва жанговар мақсадларда қўлланилиши режалаштирилади. Иккинчи навбатдаги резерв сафи Қуролли Кучларнинг жанговар қўшилмалари, қисмлари, жанговар таъминот бўлинмаларига бириктириб қўйилмаган резервчилар орасидан тўлдирилади ҳамда зарурат бўлганда биринчи навбатдаги резерв сафини тўлдириш учун мўлжалланган бўлади. Биринчи тоифали резервда турган ҳарбий хизматта мажбурлар резервда бўлиш ёшининг чегарасига етганда ёки саломатлигига кўра иккинчи тоифали резервга ёхуд заҳирага ўтказилади. Иккинчи тоифали резерв сафи ҳарбий хизматни чақирув, контракт бўйича ёки сафарбарлик чақируви резервида оддий аскарлар, сержантлар, кичик офицерлар лавозимларида ўтаган - қирқ беш ёшгача бўлган, катта офицерлар лавозимларида ўтаган - эллик беш ёшгача бўлган, генераллар таркиби лавозимларида ўтаган - олтинчи ёшгача бўлган ҳарбий хизматта мажбурлар орасидан тўлдирилади. Иккинчи тоифали резервдаги ҳарбий хизматта мажбурлар ҳарбий қўшилмалар, қисмлар ҳамда ички ва техник таъминот бўлинмаларига бириктириб қўйилади, ҳамда уларнинг сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш учун, фавқулодда вазиятлар рўй

берганда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз юз берган тақдирда эса уруш даврида тақозо этиладиган тузилмаларни кучайтириш учун мўлжалланади. **Иккинчи** тоифали резервда бўлиш ёшининг чегараси тегишинча резервда бўлиш ёшининг чегараси ҳисобланади. Зарурат бўлганда Қуролли Кучларнинг уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасидаги **ички** ҳамда техник таъминот қисмлари ва бўлинмалари, шунингдек **уруш** даврида тақозо этиладиган тузилмалар сафини Қуролли Кучларнинг жанговар қўшилмалари, қисмлари ва жанговар таъминот бўлинмаларига бириктириб қўйилмаган биринчи тоифали резервчилар билан **тўлдиришга** йўл қўйилади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ - Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг **хорижий** давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади. Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва **яқин** тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир. **Олди-сотди ёки** айрибошлаш объекти бўлган товарлар, ишлар, ҳар қандай **мол-мулкка**, шу жумладан қимматбохо қоғозлар, валюта хизматлари, электр, иссиқлик энергияси ва бошқа турдаги интеллектуал мулк объектларга нисбатан, ташқи иқтисодий фаолиятда амолга оширилиши мумкин.

ТАЪЛИМ – билим бериш, **малака** ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Т. жараёнида маълумот олинади ва **тарбия** амалга оширилади. Т. тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – давлат таълим дастурларига мувофиқ таълим жараёнини амалга оширувчи муассаса. Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган **устав** асосида фаолият кўрсатади. Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли. Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ УСТАВИ – ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонунига биноан, Т.м.у. **қуйидаги** маълумотларга эга бўлиши шарт: 1) таълим муассасининг **номи**, жойлашган ўрни (юридик ва амал-

даги адреси), мақоми; 2) таъсисчининг номи; 3) таълим муассасисанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳақидаги маълумот; 4) таълим жараёнининг мақсадлари, таълим дастурларининг типлари ва турлари; 5) таълим жараёнининг асосий хусусиятлари, жумладан, таълим-тарбия юритиладиган тип (типлар); таълим олувчилар, тарбияланувчиларни қабул қилиш тартиби; ҳар бир босқичда таълимнинг давом этиш муддати; таълим олувчилар ва тарбияланувчиларни уларнинг сафидан чиқариш тартиби ва асослари; оралиқ аттестация чоғида баҳолаш тизими, шакллари ва тартиби; машғулотлар режими; пулли таълим хизматларининг мавжудлиги; уларни кўрсатиш тартиби; таълим муассасаси ва таълим олувчилар, тарбияланувчилар ва (ёки) уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) муносабатларини тартибга солиш ва расмийлаштириш тартиби; 6) муассаса молиявий ва ҳўжалик фаолиятининг тузилиши, жумладан, таъсисчи муассасага бириктирган мулкчилик объектларидан фойдаланиш; муассаса фаолиятини маблағ билан ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш; таълим муассасаси мулкчини шакллантириш манбалари ва тартиби соҳасида; 7) муассасани бошқариш тартиби, жумладан, таъсисчининг ваколати; бошқарув органларининг тузилиши ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари, иш тартиби; ходимлар билан тўлдириш тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари; уставни ўзгартириш тартиби; муассасани тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби; 8) таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 9) муассаса фаолиятини тартибга солувчи маҳаллий ҳужжатлар (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) турлари.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ - одамларни, юкларни ташишга ёки маҳсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма. Транспорт воситалари конструкциялари, қўшимча ускуналар, эҳтиёт исмлар йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларининг талабларига мос бўлиши ҳамда ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши керак. Йўл ҳаракатида қатнашувчи транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган транспорт воситалари мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши керак. Техник кўриқдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлган тақдирда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Транспорт воситаларининг техник носозликлари рўйхати ва бундай воситалардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар Йўл ҳаракати қоидалари билан белгилаб қўйилади. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати инспекциясининг шунга ваколатли мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИНГ ЭГАСИ - транспорт воситасига мулк ҳуқуқида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда эгаллик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида транспорт воситаларининг эгалари: техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланишлари; транспорт воситаларини тегишли малакаси бўлган ва тиббий кўриқдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат этишлари; йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экология нормалари талабларига риоя этишлари шарт.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий, ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий таъовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади. Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР – ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар. Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг умумий раҳбарлиги остида ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари молиялаштирилиши ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминланишини амалга оширадилар, ўқув-моддий базасини барпо этадилар, бундай тайёргарликнинг ташкил этилиши учун жавобгар бўладилар. Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ташкил этилишини, амалга оширилишини ва натижаларини назорат қилиб бориш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан амалга оширилади.

ЧЕГАРА НАЗОРАТИ – Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтувчи шахслар, транспорт воситалари, юклар ва бошқа мол-мулклар чегара ва божхона назоратидан ўтказилади, тегишли ҳолларда эса шунингдек санитария-карантин, ветеринария, фитосанитария назоратидан, маданият бойликларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиш бўйича назорат.

ЧЕГАРА ОЛДИ ЗОНАСИ - чегара олди зонаси Давлат чегараси режимини таъминлаш учун белгиланади. Чегара олди зонаси Давлат чегарасига туташ ҳудуднинг бир қисми бўлиб, унинг доирасида чегара олди

режими жорий этилади. **Чегара олди** зонаси Давлат чегарасига туташ туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ҳудуди доирасида белгиланади. Чегара олди зонаси таркибига бундай минтақа белгиланган жойдаги Ўзбекистон Республикасининг ички сувлари, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сув қисми ҳамда шу сувларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси ороллари ҳам киритилади. Чегара олди зонасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Чегара олди зонасида чегара олди режимига риоя этилиши устидан назорат қилиш чегара қўшинлари ва ички ишлар органлари зиммасига уларнинг ваколат доирасида юкланади.

ЧЕГАРА ОЛДИ МИНТАҚАСИ - чегара олди зонасининг Давлат чегараси чизиғига бевосита туташ қисмидир. Чегара олди минтақаси бевосита Давлат чегараси бўйлаб, унинг қуруқлик участкаларида ёки чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари қиргоғи бўйлаб ўтказилади. Чегара олди минтақаси Давлат чегараси режимини таъминлаш учун белгиланади. Чегара олди минтақасида чегара қўшинлари томонидан кириш ва чиқиш (ўтиш), бўлиш (яшаш), шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатланишига оид қўшимча режим қоидалари белгиланади. Чегара олди минтақасини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ЧЕГАРА ОЛДИ РЕЖИМИ - чегара олди зонасига кириш (ундан ўтиш), у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ҳамда ишлар бажариш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуини ўз ичига олади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир. Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизмат.

ҲУДУДИЙ МУДОФАА - Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳимоялаш ва мудофаа қилиш, аҳолини, объектлар ва коммуникацияларни душман хуружларидан, кўпуровчилик ва террорчилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади ва амалга оширилади.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ - давлатдаги олий молиявий (молиявий-иқтисодий) назорат органининг дунёда энг кенг тарқалган номи. Худди шу номда Венгрия, Греция, Испания, Португалия, ГФР, РФ ва қатор бошқа мамлакатларда ишлатилади. **АҚШ**да Бош ҳисобот бошқармаси, Бразилия, Жазоир, Франция, Руминияда - ҳисоб суди деб аталади. Кўпгина мамлакатларда улар парламентнинг ёрдамчи органи сифатида фаолият кўрсатиб, унинг назорат вазифаларининг бажарилишини таъминлайди. Аммо, масалан, Италияда Ҳисоб палатаси ҳукуматнинг ижро этувчи органи сифатида конституциявий жиҳатдан ажратилган. Ҳисоб палатасининг аниқ ваколатлари ва у назорат қилиши мумкин бўлган объектлар

ҳажми ҳам бир хил эмас. Қатор мамлакатлар (Болгария, Греция, Португалия, Франция, Япония)да бу органга суд органлари ваколатлари берилади. Шунга кўра Ҳисоб палатаси аъзоларининг ҳуқуқий ҳолати ҳам фарқланади. Айрим мамлакатларда улар давлат хизмати тўғрисидаги кўрсатмалар жорий этиладиган мансабдор шахслар ҳисобланади, бошқаларида улар судья мақомига эга бўлади ва ўз лавозимида алмаштирилмайди. Ҳисоб палатаси барча мамлакатларда коллегиял орган ҳисобланади, унга Раис бошчилик қилади. Кўпгина мамлакатларда Ҳисоб палатаси Раиси ва унинг аъзолари вазифани бажаришга киришишида қасамёд қилишлари керак. Инглиз-саксон ҳуқуқ тизимини қабул қилган мамлакатларда Ҳисоб палатаси вазифасини, қондага кўра махсус мансабдор шахс – Бош аудитор ва унга буйсунувчи аппарат бажаради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27-июнда "Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Бу фармонга кўра Ҳисоб палатаси ўзининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга ҳисобот беради. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси, давлат активлари ва пасивларининг ҳолати ҳамда ҳаракати, қимматбаҳо металллар ва тошлар билан операциялар амалга оширилиши, олтин-валюта захираларини бошқариш, хорижий капитални республика иқтисодиётига жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш, давлатнинг ташқи қарзи ўз вақтида қайтарилиши доимий мониторинги ва назоратини таъминлаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САМОВИЙ ХУДУДИДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТ – ҳаво кемаларининг ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвози, барча отишма турлари ва ракета учуришлар, портлатиш ишлари ва моддий объектларнинг самовий ҳудуддаги ҳаракати билан боғлиқ бошқа фаолият. Республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув ҳавзалари устидаги самовий ҳудудига Ўзбекистон Республикаси тўла ва танҳо эгалик қилади. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди Ўзбекистон давлати ҳудудининг ажралмас қисmidир. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланувчиларнинг барчаси фаолиятига, шу жумладан авиация фаолиятига тааллуқли муносабатлар республика ҳудудида Ҳаво кодекси, республиканинг бошқа қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Низом билан, шунингдек тегишинча Авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самовий ҳудудида давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари билан тартибга солинади. Самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ самовий ҳудуддан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги зиммасига юкланади. Самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни

амалга ошириш учун самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатадиган районлар, аэродромлар ва аэроузелларнинг районлари, ҳаво йўллари, ҳаво кемалари парвозининг йўналишлари ва махсус минтақалари, назорат қилинмайдиган парвозларнинг районлари, тақиқланган ва чекланган минтақалар, синов районлари, портлатиш ишлари районлари ҳамда бошқа махсус элементлар белгиланиб, уларнинг мажмуаси Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудининг таркибини ташкил этади. Самовий ҳудуддан фойдаланишни ташкил этиш атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг умум эътироф этган меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САМОВИЙ ҲУДУДИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР – Ўзбекистон Республикасининг ҳамда ўзга давлатларнинг самовий ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикаси давлат органларида расмий рўйхатдан ўтган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар. Самовий ҳудуднинг барча фойдаланувчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самовий ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва бир хилда жавобгар бўладилар.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ – йўловчилар, уларнинг қўл юклари, юклар ва почта (ҳаво транспортида ташиладиган) ташиш; авиация ишларини бажариш; ўқув, спорт, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, техникавий ижодкорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш; фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларга авария-қутқарув ишларини амалга ошириш учун кучлар ва асбоб-ускуналарни, шунингдек зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун юкларни етказиб бериш мақсадларига мўлжалланган авиацияси

ДАВЛАТ АВИАЦИЯСИ – Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ давлат бошқаруви бошқа органларининг тасарруфидаги авиация

СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ – Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг давлат солиқ инспекциялари. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширув ва тафтишни амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш махсус бўлинмаси тузилади. Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қиладилар. Давлат солиқ хизмати

органлари ўз фаолиятларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар. Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

НОТАРИАТ – битимларни тасдиқлаш, мерос ҳуқуқини расмийлаштириш, ҳужжатларни гувоҳлантириш ва шу каби вазифаларни бажарувчи орган. Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

НОТАРИУС - олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси. Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашдан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

МАЪМУРИЯТ (лот. *administratio* – бошқарув маъносини англатади) – 1) бошқарув функцияларини амалга оширувчи давлат органлари йиғиндиси; 2) корхона, муассаса бошқарувининг мансабдор шахслари, раҳбар ходимлари.

ЙЎРИҚНОМА – вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат. Й. бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Й. вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ҳамда қарорлари билан тасдиқланади.

И Л О В А Л А Р

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ 09.12.2003 й. N ПФ-3358

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодий ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазифаларини аниқ чагаралаб қўйиш, шунингдек республика давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари жумласига киради.

2. Республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи ва ички сибсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигини таъминлаш;

мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли билан хазинага оид вазифаларни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодий ётти бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидаги тақлифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия картография ва давлат кадастри бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитасини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралари бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги этиб қайта ташкил қилиш;

Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси этиб қайта ташкил қилиш;

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноат-контехназорат») этиб қайта ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасини тугатиш.

4. Республика давлат бошқаруви органларининг рўйхати иловага мувофиқ белгилансин.

5. Иловада кўрсатилган республика давлат бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда жамиятни эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ янгиланган ўз Низомларини ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

6. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодий ётти бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси босқичма-босқич икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган давлат бошқарув органлари

нинг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиqlаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худойбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов

Республика давлат бошқаруви органлари
РЎЙХАТИ

I. Вазирликлар

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

II. Давлат қўмиталари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
9. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси

III. Агентликлар

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
2. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
3. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
4. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги
5. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
6. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги
8. «Ўзархив» агентлиги

IV. Қўмиталар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси

V. Марказлар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази

VI. Инспекциялар

- 1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси**
- 2. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси**
- 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси**
- 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси**
- 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси**
- 6. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси**
- 7. Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
22.12.2003 й.
№ ПФ-3366

ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор ислохотларининг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодий ётти бошқаришни янада эркинлаштириш, маъмурий ислохотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқаруви маъёр ва тамойилларини кенг жорий этиш, хўжалик бирлашмаларини унификацияга олаш ва улар фаолиятини ташкил қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига қўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

2. Хўжалик бирлашмаларининг асосий вазифалари ва функциялари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблансин:

тармоқ ва иқтисодий соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига қўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

3. Белгилансинки, давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифалари, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашув хўжалик бошқаруви органларининг ваколатига кирмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон Фармойиши билан тузилган маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодий ётти бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг қуйидагилар тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси «Ўзмашсаноат»ни;
«Ўзбекқоғозсаноат» уюшмасини;

Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси «Ўзбек-трансурилиш»ни;

Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин давлат концерни «Қизилқумнодирметаллолтин»ни;

«Махсусқотишма» республика ташкилотини;

«Шойи» акциядорлик компаниясини;

«Пилла холдинг» компаниясини тугатиш;

б) Ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ҳамда қаңдолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари «Озиқовқатсаноат» уюшмаси негазда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасини ташкил қилиш;

в) Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини «Ўзавто-саноат» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмах-сулот» акциядорлик компанияси этиб;

Тошкент шаҳар йўловчилар ташвиш транспорти корхоналари давлат уюшмасини «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси этиб;

«Ўзағромашсервис» уюшмасини «Ўзағромашсервис» акциядорлик компанияси этиб;

«Дори-дармон» давлат-акциядорлик уюшмасини «Дори-дармон» акциядорлик компанияси этиб;

Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концернини «Ўзфармсаноат» уюшмаси этиб;

Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акциядорлик уюшмасини «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси этиб;

«Ўзқишлоқхўжалиқкимё» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзқишлоқ-хўжалиқкимё» уюшмаси этиб;

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини «Ўзқурилишма-териаллари» уюшмаси этиб қайта ташкил қилиш.

5. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодийтни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид таклифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Азимов):

бир ой муддатда мазкур Фармонда қўзда тутилган хўжалик бирлашма-ларини тугатиш бўйича ташкилий тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

ушбу Фармонга мувофиқ қайта ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органларининг ташкилий тузилмалари ва функциялари тўғрисидаги таклиф-ларни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун график ишлаб чиқсин ҳамда босқичма-босқич тақдим этсин.

6. Акциядорлик компаниялари, уюшмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан бирга бирга иқтисодийтни эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига, ушбу Фармон қоидаларига мувофиқ уч ой муддатда ўзларининг бошқарув ташкилий тузилмаларини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, шунингдек ўз Низомларига тегишли ўзгарти-ришлар киритсинлар.

7. Маъмурий ислохотни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштиришга оид тақлифларни тайёрлаш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда хўжалик бирлашмаларининг устав жамғармаларидаги давлат улушини қисқартириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқсин ҳамда уларни акциядорлик компаниялари ва уюшмаларининг бошқаруви ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари билан бир вақтда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартиришлар тайёрланиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худойбергенов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов

Мамлакат	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари сони, минг киши	Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган бошқарув ходимлари сони	Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонида бошқарув ходимлари солиштира салмоғи, фоиз ҳисобида	Банд аҳолининг сонида бошқарув ходимлар солиштира салмоғи, фоиз ҳисобида
Озарбойжон	265,3	32,3	6,0	7,1
Арманистон	25,8	8,1	1,2	2,3
Беларусь	147,6	14,9	2,7	3,4
Грузия	76,7	16,3	2,3	4,2
Қозоғистон	280,4	19,2	3,4	4,0
Қирғизистон	66,3	13,3	2,6	3,6
Молдова	66,0	15,3	3,4	4,4
Россия	3223,3	22,1	3,9	4,9
Украина	958,8	20,0	3,5	4,5
Ўзбекистон	155,8	6,1	1,3	1,6

«Халқ сўзи», 2004 йил, 11 март 49(3323)-сон.

АДАБИЁТЛАР:

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., Ўзбекистон, 1992 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – ўз янгиланиш ва тарақиёт йўли. –Т., Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, идеология. Т., Ўзбекистон, 1993 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т., Ўзбекистон, 1993.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели. –Т., Ўзбекистон, 1993.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995 й.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1996 й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997 й.
9. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги маъруза. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т., 1999.
10. Каримов И.А. «Адолат – қонун устиворлигида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ 6 сессиясидаги маъруза. Халқ сўзи, 30.08.2001 йил.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз –жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., “Ўзбекистон”. 2005.

II. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8 декабрь 1992 йилда қабул қилинган Т., Ўзбекистон, 2003 й.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқа-ролиги тўғрисида” ги 02.07.1992 й. Қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. № 6, 1993.*
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 09.12.1992й. Қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №8, 1994.*
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 07.05.1993 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №8, 1994.*

1.5. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги 29.08.96й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №14, 1997.*

1.6. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида"ги 26.12.1996 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №15, 1997.*

1.7. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги 29.08.1997 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №17. 1998.*

1.8. Ўзбекистон Республикасининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги 29.08.97 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №17, 1998.*

1.9. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги 29.08.1997 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №17, 1998.*

1.10. Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги 24.12.1998 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №21, 1999.*

1.11. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги 20.08.1990 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №22, 2000.*

1.12. Ўзбекистон Республикасининг "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги 20.08.1999 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №22, 2000.*

1.13. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги 26.05.2000 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №23, 2001.*

1.14. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги 26.05.00 й. қонуни. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари тўплами. №23, 2001.*

1.15. Ўзбекистон Республикасининг "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонуни. 1997 йил 25 апрель. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси 1997 йил, 4-5-сон, 124-модда.*

1.16. Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуни. 2007 йил 3 октябрдан кучга кирган. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 40-сон, 410-модда.*

1.17. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида» ги қонуни. 1992 йил 3 июль. *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., N 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., N 6, 118-модда; 1999 й., N 5, 124-модда; 2000 й., N 7-8, 217-модда.*

1.18. Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ги қонуни. 12 декабрь 2002 йил. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 1-сон, 2003 й.*

1.19. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» ги Қонуни. 22 декабрь 1995 йил.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 262-модда.

1.20. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари учун бошлиқларни тайинлаш ва уларни чақириб олиш тартиби тўғрисида” ги қонуни. 1992 йил 3 июль. *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси 1992й. №9 349-м.*

1.21. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида» ги қонуни. 1996 йил 26 декабрь. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, N 2, 42-модда.*

1.22. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 3 сентябрдаги қонуни. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. 1997, №9, 241-м.*

1.23. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 2002 йил 12 декабрь. “Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами”, 2002 й., N 24, 194-м.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 04.03.1996 й. Фармони. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995-1999. №4, Т., Адолат, 2000 й.*

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 01.11.1996 й. Фармони. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995-1999. №4, Т., Адолат, 2000 й.*

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги 02.03.1998 й. Фармони. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995-1999. №4, Т., Адолат, 2000 й.*

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 26.02.1999 й. Фармони. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995-1999. №4, Т., Адолат, 2000 й.*

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Ўзбекистон Республикаси Саноатда кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (“Саноаткон-техназорат” давлат инспекцияси)га айлантириш тўғрисида”ги фармони. 2004 йил 9 июль. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 28-сон, 319-модда.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони. 2003 йил 19

август. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2003 й., 15-16-сон, 120-модда.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон «Ўзкоммун-хизмат» агентлиги фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони. 2006 йил 17 август. *"Ўзбекистон Респуб-ликаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2006 йил, 34-35-сон, 340-модда.

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони. 2001 йил 13 февраль. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 2001 й., № 1-2.*

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 2007 йил 6 апрель. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2007 йил, 15-сон, 156-модда.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. 2004 йил 27 сентябр. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2004 йил, 38-сон, 422-модда.

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳа-сида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"Фармони. 2004 йил 16 март. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2004 йил, 11-сон, 126-модда.

2.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон телерадио-компаниясини Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. 2005 йил 8 ноябрь. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2005йил,45-сон 338-модда.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони. 2005 йил 2 апрель. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2005 йил, 14-сон, 101-модда.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. 2002 йил 24 декабрь. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*, 2002 йил, 24-сон.

2.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" ги Фармони. 1997 йил 8 июль. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995-1999. Т., Адолат, 2000 йил.*

2.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони. 2005 йил 30 апрель. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"*,2005йил, 17-18-сон,127-модда.

2.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” ги Фармони. 2004 йил 15 октябрь. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 42-сон, 445-модда.*

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекенгил-саноат” Давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2004 йил 25 март. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 12-сон, 145-модда.*

3.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори. 2004 йил 21 июнь. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 25-сон, 288-модда.*

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 13 июль. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 28-сон, 322-модда.*

3.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигини Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси)га айлантириш тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 1 март. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 9-сон, 105-модда.*

3.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўздонмаҳсулот” давлат-акциядорлик корпорациясини очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 6 август. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 31 (115) сон, 358 -м.*

3.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори. 2004 йил 3 август. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”. 2004 йил, 31-сон, 353-модда.*

3.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори. 2004 йил 2 март. *“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2004 йил, 9-сон, 108-модда.*

3.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 2004 йил 10 март. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами* 2004 йил, 10-сон, 120-модда.

3.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти давлат уюшмасини «Тошшаҳар-йўловчитранс» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида» ги қарори. 2004 йил 11 июнь. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 24-сон, 274-модда.

3.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори. 2004 йил 7 май. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 19-сон, 220-модда.

3.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори. 2004 йил 19 июль. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 29-сон, 330-модда.

3.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги Қарори. 2004 йил 20 июль. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 29-сон, 332-модда.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори. 2004 йил 20 июль. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 29-сон, 333-модда.

3.14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида Низом. 2004 йил 5 август. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 31-сон, 356-модда.

3.15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги Қарори. 2004 йил 24 июнь. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2004 йил, 25-сон, 289-модда.

3.16. Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида Низом. 2007 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2007 йил, 19-20-сон, 195-модда.

3.17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 2003 йил 12 ноябрь. *Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами*, 2003 й., N 11, 117-модда.

3.18. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисида Низом. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2005 йил, 14-сон, 104-модда.*

3.19. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тўғрисидаги Низом. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 11-сон, 128-модда.*

3.20. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлиги Низоми. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 272-модда.*

3.21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2003 йил 27 август. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 й., 15-16-сон, 138-модда.*

3.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори. 2007 йил 24 август. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.*

3.23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Стандартиштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертифицикаштириш тизими такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори. 2002 йил 3 октябрь. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами" 2002й. 19-сон.*

3.24. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Низоми. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 31-сон, 357-модда.*

3.25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг гидрометеорология хизматини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори. 2004 йил 14 апрель. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 15-сон, 179-модда.*

3.26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. 2004 йил 16 июнь. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 24-сон, 275-модда.*

3.27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги» Қарори. 2004 йил 23 апрель. *"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 16-сон, 188-модда.*

3.28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғри-

III. Қўшимча адабиётлар:

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1995.- 203 б.
2. Алимов Х.Р., Соловьева Л.И. и др. Административное право Республики Узбекистан. Учебник для юридических вузов. - Т.: Адолат, 1998. – 484 с.
3. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. 2-нашр. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2003.— 367 б.
4. Хамедов И. Административное право. Учебник.-Т.: УМЭД,2004. – 234 с.
5. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: 2006. – 800 б.
6. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юристь, 2003. – 318 с.
7. Кутыбаева Е.Д. Органы исполнительной власти Республики Каракалпакстан. Учебное пособие. – Н.: Каракалпакстан, 2001. – 148 с.
8. Назаров К. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма. —Т.: СамДУ, 2004. - 214 б.
9. Ҳақимов Ф. Маъмурий ҳуқуқ (маҳсус қисм). – Т.:ТДЮИ,2005.- 331 б.
10. Хван Л.Б. Адвокат и производство по делам об административных правонарушениях в Республике Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: Kopsauditinform-Nashr, 2006. – 160 с.
11. Хожиев Э. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма.—Т.:ТДЮИ,2004.-127 б.
12. Хожиев Э. Самигҗонов Ф. Маъмурий қонунчилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2005. - 219 б.
13. Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув қўлланма.—Т.: ТДЮИ,2001.-98 б.
14. Ли А.А., Билслхўжаева Ш.Б, Хожиев Э., Самигҗонов Ф. Маъмурий ҳуқуқ. Ўқув дастури. – Т.: ТДЮИ, 2005. – 20 б.
15. Ли А., Хожиев Э. Административное право.Учебная программа.- Т.:ТДЮИ,2005.—20 с.
16. Хожиев Э., Самигҗонов Ф. Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқи. Услубий курсатма. —Т.: ТДЮИ, 2003.—36 б.
17. Атаманчук Г.В. Обеспечение рациональности государственного управления. М., 1990.
18. Файоль А. Общее и промышленное управление // Управление – это наука и искусство. М., 1992.
19. Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимиятининг олий идора-лари. //Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат. Т., Адолат, 1995.
20. Кнорринг В.И. Искусство управления: Учебник. М., 1997.
21. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления: Курс лекций. М., 1997.
22. Э.Т.Хожиев, Ф.Р.Самигҗонов. Маъмурий қонунчилик тизими. Ўқув қўлланма. Т., 2005.
23. Эркин Хожиев. Давлат бошқаруви. Илмий-оғмабоп рисола. - Тошкент, 2006.

КИРИШ	3
Иқтисодийetni бошқаришда давлат ролининг қисқариши.....	4
Иқтисодийetni бошқаришда давлат вазифаларини қисқартириш, тадбиркорликка янада кенг йўл очиш ҳамда иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш.....	5
Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тугатилиши, бирлаштирилиши ва қисқартирилиши.....	6
Бошқарув аппаратини қисқартириш ва такомиллаштириш.....	7
Хусусийлаштириш ва хусусий севторнинг жадал ўсиши- маъмурий ислохотларнинг муҳим омили ва дастлабки шarti.....	8
Маъмурий ислохот ва давлат бошқарувининг вазифаларини номарказлаштириш.....	8
Давлат бошқаруви вазифаларини номарказлаштириш йўналишлари.....	10
1-мавзу. Ўзбекистон Республикасида саноатни бошқариш	
1. Саноат соҳасини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	16
2. Саноат соҳасида давлат назорати.....	16
3. Нефть ва газ соҳасида давлат назорати.....	19
4. Электр энергетикада давлат назорати.....	25
2-мавзу. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш	
1. Қишлоқ ва сув хўжалигини бошқариш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	36
2. Ўрмон хўжалигини бошқариш.....	43
3. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш. Давлат назорати.....	45
3-мавзу. Қурилишни бошқариш	
1. Қурилиш соҳасини бошқаришнинг мазмуни.....	50
2. Давлат архитектура-қурилиш назорати.....	57
4-мавзу. Хўжалик –хизмат кўрсатиш комплексини бошқариш.	
1. Транспорт соҳасини бошқариш.....	62
2. Автомобиль йўллари соҳасини бошқариш.....	75
3. Алоқа соҳасини бошқариш.....	79
4. Коммунал хизмат кўрсатиш.....	91
5. Маиший хизмат кўрсатиш.....	92
5-мавзу. Таълим соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими.....	95
2. Таълим тизимини бошқариш.....	98
3. Давлат тест маркази.....	113
6-мавзу. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш	
1. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқаришнинг мазмуни.....	117
2. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг хуқуқий мақоми.....	118

3. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати.....	124
4. Давлат санитария назорати.....	127
7-мавзу. Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳуқуқий мақоми.....	132
2. Ташқи меҳнат миграцияси.....	142
8-мавзу. Маданият ва спорт соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикасида маданият ва спорт соҳасининг давлат томонидан тартибга солинишининг мазмуни.....	146
2. Кино ва видео фаолияти.....	155
3. Матбуот ва ахборот.....	159
4. Телевидение ва радио.....	163
9-мавзу. Ўзбекистон Республикасида мудофаа соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикасида мудофаани ташкил этиш.....	168
2. Мудофаа соҳасини тартибга солувчи давлат органлари.....	170
3. Фуқароларнинг ҳарбий мажбурияти ва ҳарбий хизмати.....	174
4. Ўзбекистон Республикасида ҳарбий рўйхатга олиш тартиби.....	178
5. Фавқулодда вазиятлар соҳасини бошқариш.....	180
10-мавзу. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик соҳасини бошқариш. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш.	
1. Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизлик соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	188
2. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш.....	194
11-мавзу. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикасида ички ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	198
2. Йўл ҳаракати хавфсизлиги.....	205
3. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими.....	209
4. Хорижий фуқаролар ва фуқароллиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари тартиби.....	212
12-мавзу. Ташқи ишлар соҳасини бошқариш	
1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати.....	217
2. Ташқи ишлар соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	217
3. Хорижий фуқаролар ва фуқароллиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби.....	224
13-мавзу. Адлия соҳасини бошқариш.	
1. Ўзбекистон Республикасида адлия соҳасини бошқарувчи давлат органлари ва уларнинг ҳуқуқий мақоми.....	228

2. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш.....	245
3. Ўзбекистон Республикасида нотариат.....	247
4. Адвокатура.....	250
5. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати.....	253

14-мавзу. Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасини бошқариш.

1. Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва ҳуқуқий асослари.....	259
2. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари.....	260
3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари.....	260

15-мавзу. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш.

1. Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	272
2. Табиатни муҳофаза қилишда давлат бошқаруви.....	273
3. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.....	275
4. Экологик назорат.....	276
5. Табиатни муҳофаза қилишда давлат назорати.....	277

16-мавзу. Ўзбекистон Республикасида молия ва кредит соҳасини бошқариш

1. Давлат молиявий фаолияти тушунчаси ва молиявий фаолиятнинг асосий йўналишлари.....	280
2. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар тизими.....	281
3. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.....	283
4. Молиявий назорат.....	285

17-мавзу. Тармоқлараро соҳаларни бошқариш

1. Иқтисодийetni бошқариш.....	297
2. Давлат статистикаси.....	305
3. Солиқ соҳасини бошқариш.....	310
4. Божхона соҳасини бошқариш.....	319
5. Давлат мулкни бошқариш.....	323
6. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.....	324
7. Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизими.....	329
8. Гидрометеорология.....	339
9. Давлат заҳираларини бошқариш.....	342
10. Давлат ер ости бойликлари фондини бошқариш.....	344
11. Ердан фойдаланиш, геодезия, картография соҳаси.....	351
12. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.....	361
13. Ўзбекистон Республикасида дин ишлари.....	366
14. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш.....	368

18-мавзу. Туризмни соҳасини бошқариш.

2. Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.....	370
---	-----

2. Туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.....	371
3. Туризм соҳасини ваолатли органлар томонидан бошқариш. «Ўзбектуризм» Миллий компанияси.....	372
4. Туристлик фаолиятни лицензиялаш.....	375
Атамалар лугати	379
Иловалар.....	414
Адабиётлар	424

Ф.Р. САМИҒЖОНОВ, Ғ.Т. ҲАКИМОВ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан бакалавриятнинг 5380100- юриспруденция йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**Техник муҳаррир: Раҳимов Х.Ш.
Компьютерда саҳифаловчи: Муродов Ж.Н.
Дизайнер: Мардонов Ф. Э.**

**Босишга рухсат этилди: 10.03.2008 й.
Босма табағи: 26,5. Адади: 500 нусха. Буюртма: № 12**

Нархи шартнома асосида

**«АЛ-ФАБА-СЕРВИС» босмахонасида чоп этилди.
700047 Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 23 А уй.**

